


Омина Тожибоева

Ёлғизбөгнинг  
ўтган кунлари



84(5-й)†

Т. 60

Омина Тожибоева

# Ёлгизбогниң үтгаш күнлари

Роман



УЎК: 821.512.133

КБК 84(5Ў)7

Т-60

ISBN 978-9943-01-960-7

© «O'ZBEKISTON» ІМНУ, 2013.

---

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### 1

Күёш тоңг йўлларига нур тўшаган. Андикон – Тошкент поездидан өрталаб тушган Фозилжон каддини гоз тутиб, ўнг кўлидаги кора жомадонини кўтарган ҳолда вокзал қаршисидаги такси тўхтайдиган жойга келиб, навбатга турди. У одати бўйича костюмининг чўнтағидан оппок батист рўмолчасини олиб, юзининг у ср-бу срини артган бўлди. Хиёл четга чикиб, шимининг почасини кўтарди ва пайногининг резинкасинга кўрининишдан қоғоздан фарқи йўқдек тахланиб кистирилган бир нарча сурпни олиб, кора локли туфлисини яркиратиб артди. Сўнг сурпни ўрнига кўйиб, каддини ростлаган ҳам эдики, такси келиб тўхтади. Одамлар бирпасда машиннани ўраб олишди.

– Пахтаободга бораман! – деди шоффёр шоп мўйловини бураганича йўловчиларга бир-бир назар ташларкан, – борми Пахтаободга!

– Ахир бу ердан факат шаҳар маршрути бўйлаб...

– Э, гапни чўзманилар! Шунгаям ота гўри козихонами?! Мабодо у ёкка кетадиганлар бўлса опкетмокчийдим, – дея гапни чўрт кесди, – жа-а, шу шаҳарди одамлари майдада гап бўлади-да... Нима бало, закундан туғилганми булар? Борми Пахтаободга!

– М-мен бораман, – Фозилжон шоша-пиша олдинга интилди, – мен бораман!

– Вой! – жириллади ориқкина хотин, – оёғимни босди, тўнка!

– Хих, қишлоқи, районга такси каердан кетишини билмас экан-у, товба, шу ҳолингга нима қиласан такси ми-ниб?!

– Олифта-с, мунча шошади, – би ширлди паканароги, борасан ўша Пахтаободингта! Хих!

– Э-э, бўлинг тез-тез, шонирди шоффёр, – ишим тигиз! Жомадонни бу ёкка!

У машинанинг орка канотини очиб, жомадонни жойлади ва машинага ўтириб, газ берди. Йўлга тушиниди. Хўмрайган, ковоги уйилган ва гезарган башаралардан узокланишаркан:

– Андижонга биринчи келишингизми? – сўради шоффёр.

Їук! Бундан ўн беш йиллар олдин ҳам келганиман. Ўтишида Пахтаободга шу бекатдан кетган эдик.

Ха, ундан бери қанча окин сувлар окиб кетди. Шахар гартиби ўзгарди. Районларга бориладиган бекат хозир Сойгузарга кўчирилган. Лекин у ерга шу ердан борилади. Шунига бирров киргандим-да...

Фозилжон индамади. У шахар бўйлаб елдек учиб бораётган машина ойнасидан Андижоннинг бошқа шахарлардан фарқли ўлароқ гўзал ҳуснига мафтун бўлганича хәёлга чўмди: «Чарх айланавераркан, вақт эса ўтавераркан, вақт билан ёнма-ён умр ҳам... Мана шу ўн беш йил ичиди шунчалар ўзгариш, акл бовар килмайди. Ажабо! Шоирлар дунёнинг тинчи йўқ дейишади, аслида унинг тинчини бузган бизлар эмасми? Ахир одамлар бўлмаса, бу кўхна заминда шунча юксалиш бўлармиди?..»

– Жа-а, бу шаҳарди одамлари закунчи бўлишади-да...

Шоффернинг гулдуракдай овози Фозилжоннинг хаёлларини тўзғитиб юборди.

– Тийинни тийинга уриштиришади. Хих, шаҳарда яшаш учун ҳамма конун-коидани билиш керак. Яхшиям пешанам ариб, районга қатнайман. Бўлмасами, эх-хе, сикилиб сил бўлармидим?..

Шу пайт чорраҳадан ўтиб кетаётган беш-олитита кизларга кўзи тушиб, машинани истар-истамас тўхтатди.

– Э-э, тезроқ ўта қолсаларинг-чи? – тўнгиллади то катасизланиб, – худди хоннинг кизларидаи солланишларини

қаранг? Товба! Бу оламда гүё улардан бошқа хеч ким йўк! Э, бўлсаларинг-чи ёшмасдан...

Фозилжон мийнгизда кулиб кўйди. Энди уни бир текисда учиб кетаётган машина лоҳас қила бошлади. Мудраб кетаётган кўзларини базур очиб, шоффёрга қаради. У аллақандай кўйни хиргойи киганича сергак борарди. Фозилжон ўйкусини кочириши учун ундан-мундан танирган бўлди. Аксинга олиб гап қовушавермади.

– Энди ука, – деди шоффёр, – анови «Шохбекат»га кириб, яна учта йўловчи олсам...

Ака, шом тушмай етиб олсак.

Сиз тўласангиш..?

Майли.

Шоффёр машинага газ берди.

Энди ука, айбга буюрмайсан, тирикчилик...

...

У машина радиосининг қулогини буради, кўшик янгради.

*Озода сўзат ўткам, ҳурматти диёритсан.*

*Кўп заҳмат ила топсан баҳтимсану боримсан.*

– Кўшикин ким ёзганини биласизми? – радио овозини настлатиб сўради шоффёр.

Фозилжон слка кисди.

– Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Ҳабибий, – қошларини кериб кўйди, – бизнинг Пахтаободдан!

Шоффёр радио қулогини борича бураб кўйди. Кўшик нафакат салонни, балки бутун оламин тўлдириб янграётган-дек эди.

## 2

Чувамадан ўтишганидан сўнг цемент паннога ёзилган «Пахтаобод диёрига хуш келибсиз!» чорловига кўзи тушган Фозилжоннинг чиройи бироз очииди.

– Пахтаободга яқинда шаҳар номи берилди, хабарнингиз бордир?

Фозилжон яна елка кисди.

– Тойс! Сизнинг бу ерга шин келишингиз-а? Буни боя айтувдингиз. Эсимда йўқ! Ҳм-м, биласизми, ўртоқ Ҳосилов жудайла ишбилармон чикиб колди. Яқинда манови, кўрсаткич бармоғи билан ўнг томонни кўрсатди, – Хайрободни кесиб ўтган саіхонлик атрофига ўрдакчилик базаси ташкил этди. Карап, бу иш бирорвнинг етти ухлаб тушигаям кирмаган-ов. Кўяпсизми, кўлоб ердан ҳам унумли фойдаланса бўларкан. Ҳам гўшт, ҳам тухум. Бу кетишда яқинда юкорига ариза ташласа керак.

Юкорига? Қайси юкорига?

– Ҳа, раҳбариятга-да.

– ... Ҳм-м...

– Ойдан бизга тегишли жойни кўрсатинг, иккинчи Пахтаободни қураман, деб-да.

Фозилжон аста томок кириб, кулиб кўйди-да:

– Сал лофлигини ҳисобга олмагандা, яхши ташаббус, деди.

Бу гап шофёрга таъсир қилди шекилли, машинани се-кинлатиб, қайрилиб каради:

– Сизга ёлғон, менга чин. Сиз ҳали бошка лофларни эшиитмаган кўринасиз. Мен-ку ўша лофларнинг ёнида яшаяпман, тўғрироги, ичиди...

Фозилжон сергакланди. Шофёрнинг дилини оғритиб кўйганини сезиб, лойик бир жавоб қидирди, аммо... Анча лаҳза ўтгач:

– Ҳазиллашдим ака, – деди минғирлаб.

Бу гапдан сўнг шофёрнинг қулфи дили очилиб кетди:

– Яқинда бирон унвон-пунвон олса кераг-ов! Менимча, бериш керак, а, сиз нима дейсиз?

– Ҳа, ойга шаҳар қургач, олади-да...

– Яшанг ака! Вой бунақа маладес бўлмайсиз! Яқинда Малоҳат деган қўшним кўлда олти тонна пахта териб, мукофот олди.

– Оширвордингиз-э, ранжиди Фозилжон, – олти тонна ҳазилакам ганими? Ахир у аёл бўлса, роботмас-ку!? Колаверса, олти тонна пахта учун унвон экан...

– Не, сиз ўзи ўзбекистонликмисиз?! – кинояли илжайди шофёр, – у ракам амалда, лекин қоғозда олтминш тонна, бунисига нима дейсиз? Вот где масала? Қоғознинг тили бормидики, бу сиңни сиз билан бизнинг қулогимизга пичирлаб кўйсан... Бунням кўйинг, мановинисига нима дейсиз, ака?! Ўтган йили бир танишим пахта териш машинасининг раигини ўзгартириб кўйиб, техника фанлари номзоди бўлди. Малоҳат-ку меҳнат килди, пахта терди, буниси-чи?

Фозилжон бироз меровсираганча хаёлга толди: «Гап-кошининг оғзи очилди чамаси. Назаримда айрим ноҳакликларни кўриб, юраги тўлиб кетганга ўхшайди. Ахир ким-гадир ёрилиши керак-ку».

– Ҳар хил тоифадаги одамлар бор, хафа бўлмайсиз-да, ака. Ахир беш кўл баробар эмас-ку?

– Хафа бўлмай бўладими, оғайни! Ахир ота-боболаримиз экиб келган, момоларимиз кўлда терган пахта. Техника дегани якин кунларда пайдо бўлди. Бир биз эмас, аждодларимиз қасбига панжа орасидан қараш, тўғрироғи, хиёнат қилиш, ота қасбимиз дехкончиликни ҳакоратлаш эмасми? Битта аёл бир ойда олти тонна пахта терса, вохвоҳ, бу сафсатани эшитган биз соғлар эмас, балки жиннилар ҳам кулворади-ку?! Ҳеч бўлмаса бизлардан уялишса бўларди, ахир ҳамма ўзбекистонлик, э, кўйинг, у ёғини гапирмай...

Фозилжон жиддий тортди.

– Ҳа, бу қоғозбозлик охири колхозни емиради, жар ёқасига олиб боради.

– Нега шуни биронта инсон чикиб, хой, ор-номусинг борми, ёлғон гапиргани уялмайсанми, давлатимиз шаънини, миллатимиз ғурурини топтагани қандай ҳаддинг сиғди деёлмайди, – тутақди шофёр, – бунга нима мажбур киляпти?!

оғзини катта очиб эснади. – Анжон бозорига шунинг учун борувдим-да. Одам бўлса онкетай леб, бирров кирган срим эди.

– Ака-ука шофёр экансизлар-да?

– Ҳа, акамга кийин. Жўжабирдай жон. Тўрт ғилдиракни айлантириб, турмуш тебратади. Ҳеч бўлмаса якшанба кунлари мол ташигин, бозорга дехқонларнинг картошка, ишёзини элтгин, жуда бўлмаса бензин-мензиндан пуллаб турсанг, битта боланига мактаб формаси келади-ку десам, колхозга хиёнат килиб-а, дейди. Ўв, колхоз бамисоли бир соғин сиғир, сенинг ишинг эса хамирдан кил сугургандай гап деб уқтирасам ҳам кўймайди. Ўв, колхозди кўчасини супуриб, ахлатини олганлар ҳам ғаний бўп кетди, десам яна унамайди. Шунақа у ярамас. Шунинг учун отам кўп ишини менга айтади. Мана, яқинлашиб ҳам колдик. Пахтаободга ўтсангиз, биз томонларгаям киринг.

– Рахмат. А, бу ерларнинг номи нима? Айтмоқчиманки, Мунавар яшаб турган жой?

– Ёлғизбоғнинг чегараси Дмитровнинг боши.

– Тушунмадим.

– Аввал учта кичик колхоз бўлган, кейин бирлаштиришган, яъни Ёлғизбоғ, Дмитров, Кировнинг яхлит номи «Энгельс»га айланган.

– Тушундим, раҳмат.

– Шўро кўчасида тураман, таксичи Турсунбойдики қайси, деб сўрасангиз, тиши чиқмаган бола ҳам дарвозамни кўрсатиб кўяди.

– Миннатдорман.

– Исмийзи Фозилжон дедийза?

– Ҳм...

– Маъноси доно, ақлли, олим дегани бўлса керак. Фозилжон қизаринди.

– Мен каттан билай? Кўп доно, ақлли инсонларни фозил одамиди деб эслашади-ку... Бизнинг райкомимиззиям шунақа деб эслашса керак. Қизиталокнинг онаси бошқоронғилигига нима еб тукқаникин? Ўзиям хотирадан Худойим кўш қўллаб

берган-да. Униям таги-тахти ўша Ёлғизбоғдан. Аввал ўша колхозда партком бўлган. Кейин олий мактабни битириб, райкомлик лавозимига ўтган дейишади. Буям бир омад-да, а?

— Ҳа, бунақа қобилиятли одамлар камдан-кам туғилади, лекин корчалонлари ҳам кўп бўлади.

Турсунбой, у нима дегани маъносида ўгирилиб қаради. Фозилжон ўзининг устозига нисбатан юрагида пайдо бўлган кекини яширолмай, сиртига чикариб юборганидан хижолат бўлди. Юзи нимпушти рангта кирди. Бахтга карши шофёр пайқамади. Ниманиям пайқасин? Эндиғина танишишган бўлса. Фозилжоннинг ўтмишидан эса мутлако бехабар. Ундаи деса, баъзи гаплари худди биладигандай... Унинг ўй-хаёли Мунавварга кетди. Кўз ўнгида у билан бирга Тошкентда ўкиб юрган чоғлари жонланди...

Мунаввар ўрта бўй, чорпаҳилдан келган, буғдой рангли, юзлари чўтиррок, овози йигитларнинг овозига ўхшаш, пардоз-андозсиз ҳам истараликкина, бирмунча шаддотрок киз эди. Ёшлиги Ёлғизбоғ кишлоғига ёндош **Кумшайдон** кишлоғида ўтган. Отаси Қодиркул ҳожи деҳқон, онаси Нортожи ая эса, диний илмда бақувват бўлгани учун маҳалладошлари Отинбуви деб аташарди. Ота-онасиз колган ёш Мунавварни холаси тарбиялаб, вояга етказган. Сўраганларга менинг бор таржимаи ҳолим шу деб айтарди. Охирги курс ўрталарида маҳалладош йигитлар, харидор куредошлари колиб, тақдир такозоси туфайли Қаххоржон исмли монтёр йигитга турмушга чиқди. Ўшанда Фозилжоннинг Пахтаободга биринчи марта келиши эди. Иккинчисида эса... Эрини ток уриб ўлганда, ўзларининг гуруҳи билан келишди. Қайтишларида эса умрининг айни гуллаган баҳорида иккита ёш ўғилчалари: Рустам ва Ўқтам билан тул колганини эслашиб, ачинишган эди. Айникса, Моҳичехра бошига ок рўмол солиб бўзлаётган Мунавварнинг холига раҳми келиб, Андижонга келгунларича йифлаб келганди... Фозилжоннинг мана бугунги ташрифи эса учинчиси эди...

Одатда, ўқиши даврида феъл-атвори бир-бирига мос тушганлар гурух бўлиб олишарди. Фозилжонлар ҳам

шундай гурух эди. Юкорида ўзларининг гурухи деб тилга олингандар: Фозилжон Тонкентдан, яна бир найнов лақабли Музроб исмни йигит Намангандан, Мунаввар – Андижондан ва яна бир киз – Моҳичеҳра Хоразмдан эдилар. Улар шу кадар инок эдиларки, агар биронтаси шамоллаб, иситмалаб колса, касалиниям бўлишиб, дардини тенг торишардилар. Дарсдан бўш вактларида ҳам бадиий тўяракка бирга катнашишарди. Спектаклларда Фозилжон кўпроқ асосий ролларни ижро этарди. Моҳичеҳра маъшука ролини котирар, Мунавварга эса кўпроқ раҳбарлик тимсоллари бериларди. Музроб югурдак, етим кўринишларида устаси фаранг эди. Мана, энди замона зайли билан ҳаммаси кишлок хўжалиги мутахассиси бўлгани туфайли ҳар юртнинг ушбу соҳаларида баҳоли кудрат ишламокда эдилар. Музроб – агроном, Моҳичеҳра – партком, Мунаввар – раис, биргина Фозилжон боши берк кўчада...

– Сизда, – деганди Мунаввар ўқиб юрган пайтларида бир куни, – тұғма истеъдод бор, ноёб иктидор эгасисиз. Бир кун келиб олим бўласиз.

– Э, оширвордингиз, – деганди уялиб Фозилжон, – олим бўлиш учун...

– Ҳа, олимлар ҳам сизу биздай гап-да, – дея гапини кесганди Мунаввар, – рост гап, Фозилжон, ҳозирдан олий стипендияни олиб турганингизнинг ўзи олимликдан бир нишона эмасми?

– Унинг бунга нима дахли бор?

– Нега дахли бўлмасин? Масалан, бизларга ўхшаб ўтилган темаларни ўзлаштирибгина колмай, унга ҳам ижодий, ҳам танкидий, ҳа, кези келганда, танкидий ёндоша оласиз. Фикрингизни барчага ўтказишида сизга тенг келадигани йўқ. Баъзи масалаларда устозлар билан тортиша оладиган кучга ҳам эгасиз. Бу бир жихатингиз бўлса, иккинчи бир томонингиз шेърлар ва айрим цитаталарни бир ўкишдаёқ ёдлаб оласиз. Айниқса, сўзларга янги-янги либослар кийдиришга устасиз. Бу сифатларингиз олим бўлишликдан дало-

лат эмасми? Шунинг учун ҳам сизга устозлар энг нуфузли стипендияни право кўришган-да...

«Мана, олим ҳам бўлдик, – истехзо аралаш жилмайди Фозилжон ўша гапларни эсларкан, – донғимиз оламни ҳам тутди».

### 3

Фозилжон Мунавварининг ярали кўнглини қай йўсии кўтариши ўй-хаёли билан банд бўлиб, етиб келишганини ҳам пайқамай колди.

– Мана, етиб келдик.

У чўчиб тушибди. Шоффёр илдам харакатлар билан машина юкхонасидан жомадонни олди.

– Шамсиддин тоға! Сизга Тошкани азимдан суюкли меҳмон опкелдим, – деди кўштабакали дарвоза олдида кўл қовуштириб турган нуроний отахон томон пешвоз юриб бориб, кучоклашиб кўришаркан, – она билан бирга ўқиган, исми Фозилжон. Хўп, мен кетдим.

Ота ёнига қўйилган жомадонга қарамай, эпчиллик билан келиб Фозилжонга кўл узатди. У ҳам омонлашди. Бу орада Турсунбой Фозилжон узатган пулга ҳам, отанинг «хай-хай, бир пиёла чой ичиб кет» дея зориллашларига ҳам парво қилмай, жўнаб колди.

– Ахир тўрт киши ўрнида...

Фозилжон дам қўлидаги пулга, дам узоклашиб бораётган машина кетидан қараб қоларкан:

– Ё ёдидан кўтарилидимикин? – деди ғудраниб, – майли, кейинги гал учрашганимизда берарман.

Ота унинг холатига парво қилмай:

– **Худди шамолининг ўзи-я**, гув этиб келади, гув этиб кетади, – дея алқади унинг ортидан қараб қоларкан, – ошнамми сўраб кўй?!

Гарчанд сўнгги сўзларини Турсунбой эшитмаса-да, Шамсиддин тоға унинг отасига ғойибона салом йўллади.

– Хай, умридан барака топсин, ошнам шу ўғлидан кўрятти. Шунчун машойихлар айтиб кетган-да, ўнта бўлсаям

биттаси, битта бўлсаям, Худо буюрса ўша биттадан кўрасан деб. Тўғри-да, а, меҳмон, кани ичкарига...

Ота жомадонни кўтариб, ишдираганича дарвоза ортидаги йўлакдан юриб кетди. Фозилжон теварак-атрофни кузатаркан, таажжуби орди. Чунки у Мунавварининг ҳовлисини бунчалар оддий тасаввур килмаган эди. Катта асфалт йўлнинг учида, колхознинг жигарранг равотли саройи, равот ёнидаги симёочга қўндирилган радиокарнай, сарой деворларига эса кишлоқ ахлининг паст-баланд томлари уланиб кетган. Бу бетида эса давлат томонидан режа асосида бир хил солинган уйлар бўлиб, Мунавварга дахлдор дарвоза ҳам бошқаларники қатори эди. Шу пайт қаршисида пайдо бўлган ота уни яна ичкарига таклиф қилди. Ҳовли чорсигина бўлиб, этагини анҳор кесиб ўтган. Унинг икки четида мевали дарахтлар яшнаб турар, ораларида кўкка бўй чўзган тераклар ҳам бор. Дарахтлар тагида эса сафсар, чиннигул, район ва тожигуллар қийғос очилган. Ариқ четидан ҳовли саҳни томон узун-киска жўякларда турли резавор экинлар экилган. Уч хона олди айвонли уй, ёнида туташ ошхона. Ҳовли-эшик саҳни ток соясидан салқин. Томорқа билан эшик саҳнини кичкинагина ариқча ажратиб турар, икки қирғоғи рангбаранг атиргуллар, району жамбиллар билан қопланган. Ток соясига иккита – бири катта, усти ёпик ва бири кичикроқ сўри ёндош кўйилган. Каттасига янги атлас, барқут тўшаклар тўшлиб, оппоқ пар болишлар суяб кўйилган.

– Қани меҳмон, сўрига чиқинг.

Фозилжон сўрига чиқиб ўтириди ва қаршисида тиз чўккан отага таклидан икки қўлини жуфтлаб, дуога очди:

– Омин, кадам етди, бало етмасин, ўлганларга иймон, қолганларга сабр берсин, Оллоҳу акбар, – дегач, улар очик кафтларини юзларига суртдилар.

– Мунаввар холасидан айрилибди, эшишиб хафа бўлдик.

– Ҳа, хола эмас, она эди боёқиши. Ота-онаси, эридан эрта ажрагани учун боёқиши холасига жа-а суюниб қолган эди-да.

Ота Қуръон тиловат қилмокка тутинди. Дуо килиб бўлгач, Фозилжоннинг у ёқ-бу ёққа қараганини кўриб:

— Яхшиям иш деган нарса бор, — дея гап бошлади ота, — одамми сал овутади. Айтарлар-у, бу ўлим ёмон оғатдир, соғни девона, девонани жинни киладир деб... Шунака. давоси йўқ кучли дард бу. Лекин бундок ўйлаб кўрсангиз. бирон ўлган зот ул ердан келиб, тирикдан ҳол сўраган эмас. Шуни била туриб куяверамиз-да, меҳмон. Яхши, боёкиш сал ўзини тутиб олди. Ўзиям қўни-қўшнилар. кариндош-уруглар кўйимадик-да. Ҳайтовор, кулоги бор экан, насиҳатимизни олди.

— Кексамиди?

— Пайгамбар ёшида эканми-е... Тўсатдан бўлди-да, бу иш. Гафлатда колди боёкиш.

— Кўринмайди?

— Ҳа энди, планни тўлдирамиз деб қимирилаганки далала. Ҳай, Ҳудо баракасини берсин.

Ота шиппиллаб пастга тушиб кетди. Салдан кейин елкасида сочик билан чилопчин кўтариб келди. Офтобани бир кўлида ушлаган отага қараб, Фозилжон бироз ўнгай-сизланди:

— Мен, ўзим..., — дудукланди у.

— Келинг ўғлим, тортинманг, ахир менгаям савоб керак-да.

Фозилжон қизариб, илиқ сувда қўлини ювди, сочикка артаркан, миннатдорлик изхор килди.

— Узоқдаги қариндошдан якиндаги қўшни аъло деганларидек, узок-якиндан кептурган фотиҳачи эркакларга мен, аёлларга эса у томондаги қўшнининг қизи яраб турибди, — деди ота кўлидагиларни пастга қўятуриб, — боёкишининг қўнглини кўтарганиям одам керак-да, ахир. Бу ўлим дегани одамми ҳўл гаврон кип қўяди, на тутаб тугамайсан, на ёниб адо бўлмайсан.

Ота гапини тугатмасдан дарвоза тагида оқ рангли «Волга» пайдо бўлди.

— Ана, ўзиям кепколди.

Ота шоша-пиша дарвоза томон юрди. Фозилжон ўтирган ерида қайрилиб қаради. Пишик ўрилган соchlарини турмак-

лаб, устидан зангори, симни рўмоз ўраган, таги кора, атиргулли кремплин кўйлагини хизниллатиб, бир кўлини костюмининг чўнтағига солиб, иккинчи кўлини юриш харакатига мос тўлғаганича нешваз келаётган Мунавварни кўрди. Фозилжон шонниб колди.

– Э-е, келинг, келинг Фозилжон, – бу орада Мунаввар сўри зиналаридан кўтарилиб чиқишга улгарди ва кадрлонларча кучок очиб кўришди, – кандай шамол учирди? Сизни кўрас кун ҳам бор экан-а? Идора ёнида тургандим. Турсунбой айтиб колди. Суюнганимдан қанот боғлаб учиб келдим. Қани, марҳамат, ўтиринг.

Рўпарама-рўпара ўтиришди.

– Айрим нохуш гаплар қулоққа чалиниб, шунга, – у ёғини гапиролмади Фозилжон.

– Нимасини айтасиз, қанийди тушга айланиб қолса, – Мунавварнинг кўзларидан дувиллаб ёш тўкилди, – сопнасоғ одамни бир кунда йиғиштириб кўйсанг, жа-а алам киларкан. Касалини боксанг ҳам армон килмайсан, лекинни... Ҳа, ўлди-кетди. Ишқилиб жойлари жаннатда бўлсин. Эҳ, Фозилжон, – лаҳза сукутдан сўнг, яна сўзида давом этди, ўлимнинг дарди бетутун ўт бўлиб, бутун борлиғингни ёнидираверар экан, – чўнтағидан рўмолча олиб, кўз ёшларини артди, – онамдан кейин суяниб қолган тогим эди, юрагимда гуллаб турган боғим эди. Нима қиласай, жонимга жон, аклимга акл кўшиб тарбиялаган онажонимдан айрилиб колдим.

– Ие, бу нима гап?! – дастурхон ва яна ул-бул кўтариб келган ота Мунавварга юзланди, – ўлганга йиғлаган эсиз кўзим, нодонга сўзлаган эсиз сўзим, дегувчи машойихлар, ахир меҳмон келгандан бери туз тотгани йўқ, қизим.

Фозилжон ийманиб, томок кирди. Ота буни ўз билгича тушунди ва Куръон тиловат килмокқа тутиндди. Фотиҳадан сўнг яна Мунавварга далда бера-бера, пастга тушиб кетди.

– Ёшлигинда довдир бўласанми, ўлимнинг догини унча хис килмас экансан. Ёшинг улгайгач...

– Нимаям кила олардик, Мунаввар, – тасалли охангиза деди Фозилжон, – факат бизнинг яқинларимиз ўтибдими? Биз кабилар кўп, бу дардга даво тонилмаган! Ахир Ибн Синодай улуг аллома ҳам ажал тифига бўйин эгиб берган-ку. Унинг олдида биз кимми?!

Мунаввар анча ўзини кўлга олди.

– Бир кун келиб ўзимиз ҳам бу ёруғ оламни тарк этамиш, Мунаввар!

– Шуни айтинг. Ота айтмокчи, келганимдан бери дардимни дастурхон қилиб, сизниям...

– Э, йўғ-э, ахир мен шунинг учун келганман-ку.

– Раҳмат. Шунчалар олис жойдан кадр қилиб, ҳол-ахвол сўраб келганингиз учун бошим осмонга етди, Фозилжон, раҳмат! Мен хозир...

Мунаввар аста туриб, кичкина сўри ёнига борди, сўнг этигини счди. Ҳовли этагидаги анҳор сувида бет-кўлини ювди ва уйга кириб, уст-бошини алмаштириб чиқди. Фозилжон қайрилиб каради-ю, бир муддат тикилиб колди. Чунки Мунавварнинг эгнидаги кора атлас уни бирмунча улуғсифат ва сулув кўрсатарди. У Фозилжоннинг каршиенига келиб ўтиаркан, мийигида жилмайиб кўйди.

– Ойлар ўтди чамаси, Моҳичехра билан Музроб ҳам келиб кетишди.

– Тинч-омонмикин?

– Ҳа, назаримда сизни ҳам бир йўқлашмокчи.

– Раҳмат.

– Энди анови икки баходирни ҳам ўйланг, – чой кўтариб келган ота яна далда бермоқقا тушди, – ўлганнинг ортидан ўлиб бўлмаса. Ҳадеб йиғлайверсангиз Худониям қаҳри келади-я. Бу кўрган кунимиз ҳам ҳолва бўп колмасин, – пиёлаларга қайнок чой қуйиб узатаркан, яна қўшиб кўйди, – отоси ўлмаган ким бор, оноси ўлмаган ким бор-а кизим, шундайми меҳмон?

– Ҳа, албатта, мен ҳам шуни айтиб турган эдим.

– А, бу бошка гап, ул-булдан еб ўтиринглар, мен хо-  
зир.



Фозилжоннинг юраги тўликиб, атрофга аланглади. Шу пайт Мунаввар дарвоза олиса найдо бўлган бақалоккина йигитга қараб деди:

– Абдулҳамид, идорага бориб, парткомга айтинг, бугуни ги сводка билан ўзи шунуллансан!

Бироздан кейин машинанинг гувиллаган овози эшитилди ва зум ўтмай узоклашди. Ота лишиллаб настга тушаркан:

– Звеновой Одашхон манти кип келган экан, – деди Мунавварга юзланиб, – қаранг-а, меҳмонимизнинг ризки улуғлигини.

– Шунака, отахон, Фозилжоннинг ризки улуғ, ўзи ҳам.

Ота лаган тўла мантини уларнинг олдига қўяркан:

– Звеновойлигидан ташқари хўпам ажойиб назандада, – деди, – ҳай-ҳай, Одессадан пишириб келдингми, десам, ха, сизлар учун Одесса экан, нариги дунёдан ҳам оп-келаман, дейди. Э, нафасингни ел олсин, худонинг қаҳри келади-я, бунака шак келтирмагин десам, нима дейди денг: фам еманг, аввал Худога бераман, сўнг сизларга, дейди. Фирт шайтонга дугона-да, бу қизи тушмагур. Олинглар, совимасин.

Иккиси отага шунча манзират қилишди, ота кўнмасдан шипиллаганича ошхонага кириб кетди.

– Илфор звено бошлиғи, – Мунаввар аста гап бошлади, – бу йил оқсоқ бригадага бошлиқ қилгим бор. Аҳ-ҳа, манти зўр бўпти-ку, олинг.

– Раислик муборак, Мунаввар.

– Раҳмат, – кулимсиради у, – кўриб турибсиз, раҳбарликнинг турган-битгани **ташвиш экан**.

– Юртга бош-қош **бўлиш осонми?**

– Шунакайкан. Бемаврид ёқкан кор-ёмғир ҳам раҳбарнинг ичига ёгаркан. Бир пиёла чойни ҳам бегалва ичолмас экансан.

– Дехқончилик қалай?

– Эл қатори.

- План яқинлашдими?
  - Ярмидан ошдик. Худо хохласа, даладаги ҳосилнинг чўғига караб, ноябрнинг ўрталарида юзимиз ёруғ бўлиб колса ажабмас, деб турибмиз. Яна ким билади.
  - Баракасини берсин.
  - Раҳмат. Ўзингизнинг ишларингиз қалай? Ўзингиздан ганиринг, Фозилжон.
  - Нимаям дердим, ишилаяпман.
  - Яқинлашдими?
  - Ҳар қалай, – Фозилжон дув қизарди.
- Бу орада чой келтирган отага караб:
- Сизга яқинда гапириб берувдим-ку, – деди Мунаввар маминуллик билан, – ўша курсдошим-да, ота.
  - Турсунбой ҳам шундай деди.
  - Бўлғуси олим, ҳозир ғўза касаллигига дори топяпти, Худо хохласа биз ҳам ўшандада илғорлар қаторига ўтиб оламиз. Ҳам Фозилжондан фаҳрланиб юрамиз.
  - Мунаввар, – ўнғайсизланди Фозилжон, – кераги йўқ.
  - Ҳа-да, бундай савоб ишга қўл урибсиз, икки дунёнгиз кам бўлмагай.
- Мунаввар ўрнидан қўзгалган эди, ота йўл бермади ва уларни алқай-алқай пастга тушиб кетди.
- Раис опа!
  - Дарвоза олдида қораҷадан келган йигит тураг, нимадандир ташвишли кўринарди.
  - Кел, Солижон, келавер.
  - Йўқ, раҳмат! Мехмонингиз бор экан, безовта қилмай, кейин...
  - Гапиравер!
  - Ҳ-ҳалиги, Одаш опа яна тўполонни бошлади.
  - У ҳозир даладами? Ахир... уч-тўрт кун дам олса бўларди-ку! Нима бўлди?
  - Машинанг пахтани қачон тоза терса, ўшандада мени картамга тушасан, деяпти.
  - Тушунтириброк гапирсанг-чи?

– Машинанг чала теряни, қачонки эгатларда, чанокларда пахта қолдиги қолмаса, ўшанды терасан, деяни. Нима, мен олиммидинки уни ўзгартиролсам.

Шу топда Турсунбойнинг «Ўтган йили бир таниннин пахта терини машинасининг рангини ўзгартириб кўйиб, «техника фанлари номзоди» бўлди», деган гапи Фозилжоннинг күдоги остида жаранглаб кетди.

Хм, боравер, мен ўзим гаплашаман.

Їнни чикиб кетди.

Бу Одашга қачон акл киаркин, ахир йигит машинани ўзгартиролмайди-ку...

Шу пайт ота иккита чиннида мастава келтириди ва:

– Суюк овқат одамнинг чарчоини ёзади, – деди Фозилжонга караб, – олинг, овқат совимасин, олинглар.

– Ўзингиз ҳам ўтиринг.

Кетишга тараффудланган отани Фозилжон дастурхонга таклиф килди.

– Кампирим ёлғиз, бораколай, – дея ташқарига йўналди. Дақиқа ўтгач, дарвозанинг бир табақаси кия очилиб, яна отанинг боши кўринди:

– Сал туриб чиқарман, узум новдаларини кесиш керак экан, – деди.

Мунаввар жилмайди.

– Ажойиб инсон, бебаҳо. Олинг, овқат совимасин. Уф, яна кизиб кетяпман.

– Доктор назоратидан ўтинг. Даволанинг.

– Нималар деяпсиз, планни тўлдирмай туриб касалхонага ётишга ҳакким йўқ.

– Ахир, пахта олдида инсон ҳаёти азиз-ку?!

– Эҳ-ҳа, Фозилжон, қишлоқда яшаганингизда билардингиз. Нима азиз-у, нима азиз эмаслигини...

Фозилжон унинг кўз осллари салкигани ва юзлари сўлиганини кўриб, ачинди. Начора? У истар-истамас маставани ковлаб, бетига сепилган хушбўй кўкатларни аралаштириб, ича бошлади.

– Ўғиллар кўринмайди?

- Рустам Тошкентда, иккинчи курсда ўқияпти. Ўқтам эса ўзимизнинг Кўк кўпприкдаги Паҳтачилик институтида биринчи курсе. Ҳозир паҳта ҳашарида. Бўзда.
- Ўх-хў, кан-катта йигитлар бўлишибди. Кечагина кич-кингойлар эди. Умр ҳам елдек ўтиб кетаверар экан-да.
- Нимасини айтасиз. Куни-кеча ўзимиз талаба эдик, бу-гун эса фарзандларимиз.

Фозилжоннинг юраги шув этиб кетди: «Ҳозир мендан ҳам сўраб колса-я», шошиб қолди.

- Мунаввар, асли студентлик олтии давр экан.

Нимасини айтасиз...

Мунаввар ўйга чўмди. Фозилжон алланечук бўлиб ўтирадар, кўп йиллардан бери кўришмаганингами, ё унинг раислик салобати боғсанми, ҳар қалай дилдан очилиб гаплашолмаётганди. Нимаям десин? Профессорницида кечирган онларидан нолисинми? Умримни елга совурдим, дея дийдиё киисинми? Йўқ! У туманли хотираларни эслашни истамайди, айниқса, аёл киши олдида бўйинни ҳам килмайди. Унинг боши тегирмон тошидай оғирлашган, поезднинг такир-тукуридан ухлюлмаган кўзлари қизарип кетганди: «Бу эски дунё бағрида неча-неча мен кабилар ўтган, бундан кейин ҳам ўтаверади. Дунёга нима ғам. Аммо...» Қалбида бир унсиз шарна милдираб харакат килаётгандай сезди ўзинни...

Фозилжон бўшаган косани эринибгина нари сурди. «Эри бўлганда бошка гап эди, – ўйга чўмди, – яхшиси, миқ этмай кетганим маъкул. Нима, қобилиятимни синаш учун бошка дала майдони куриб кетибдими?»

Фозилжон миясида ғужғон ўйнаётган қарама-карши фикрлар оғушида, тиши оғриган кишидай чап кўли кафтини бетига кўйиб, тирсагини сўри чистига тираб ўтиради.

- Боллар нечта бўлди?

Кўккисдан берилган саволдан у қалкиб тушди.

- Ҳм, ҳали онаси йўқ, – кулди базўр.

Унинг бу холати бир тўда булат ортидан зўрга юз кўрсатган куёшнинг хира жамолини эслатарди. Аксига

олиб, ёлғон гапиришга ўрганмаган тили беихтиёр қалбидаги истакка қарши ростини сўзламоқда эди.

– Илмий ишларға берилганинг кўпи шунака, – деди Мунаввар, – кеч оила қуради. Устозингиз профессор Саримсоқовмиди?

– Ҳм, лекин...

– Ё ановиндан деяптими? – пулга ишора килди Мунаввар, – торгинмай айтаверинг?

Менинг институтдан кетганимга бир йил бўлди, – ростига кўчди Фозилжон, – муроса қилолмадик чоги. Аниги, бу ишни эпломадим.

Мунаввар ялт этиб қаради, кошлари чимирилди, лаблари қимтиндиди.

– Эпломадим, денг?!

Фозилжон пешонасини тириштириб, ниманидир ўйлаётган Мунавварнинг ҳайрон қолар даражада ўзини оғирвазмин тутишига ичидаги қойил қолди. Ўзининг фикру хаёлларини жувоннинг гап-сўзларига таққослади. Мунаввар ҳамон жим. «Бекор айтдим, – ичи хижил бўлди унинг, – энди нима деб ўйлади? Камига боши очиқ бўлса?!»

Лекин Мунавварнинг бу сукунатида, юз ифодасида ва қимтилган лабларидаги самимий табассумида дўстона кадрдонлик, аёлларча меҳр эмас, балки раҳбарларга хос чуқур маъно зоҳирлигини сезди. У палапартиш хаёлларга берилганидан, шўхлик килиб тавбасига таянган бола каби уялди.

– Ҳар ҳолда сиз йўлингизни топгансиз, одамлардек яшаяпсиз, болаларингиз бор, баҳтингиз бор, – анчадан кейин ёлғоннинг юзига тупуриб, ҳакиқатни сўзлади, – менда эса..., ҳеч вақо йўқ!

– Ҳм, кемтик баҳтим бор, – Мунаввар истехзоли жилмайди, – сиз ҳам мендек яшашингиз мумкин. Лекин сизнинг йўлингиз, кисматингиз бошка.

– Қўлингдан келмаган ишга овора бўлма экан.

Яна жимиб қолишиди.

– Даладаги ҳаёт қалай?

– Сиз олимлар яратган назария бугун қоида бўлса, эртага чўпчак бўлиб қоляпти, яъни бугунги дўппи эртага тор экан.

– Шунака денг?

– Назарияда вильтга карши дори тайёрлагунча келиб чикиш сабабларини ўрганиш кулагимикин? Худди врачлардек, терлаб туриб ечинманг, ўпкангиз шамоллайди, дегувчи мутахассислар керак.

– Ахир, – Фозилжоннинг кўзлари чақнади, – бунинг осон йўли бор, алмашлаб экиш.

– Буни эмизикли болаям билади, лекин ўйлаб кўринг, бирданига колхознинг учдан икки кисмини алмашлаш... Унда деворга оёқ битиб, хўқиз туғиб юбормайдими?

– Зарур бўлгач...

– Секретаримиз кўнармиди? – пичоқдай кесди унинг гапини Мунаввар, – айтишга осон, амалда эса... Сизлар юкоридан келаётган буйрукларни куйига етиб келгунча болалаб қўйишлидан бехабарсизлар.

– Наҳотки?! Ахир бундан бошқа чора йўқ-ку?!

– Мен ҳам дастлаб сизга ўхшаб хомхаёлларга берилиб юрдим. Гўё янгилик кашф қилгандай, раҳбарларга суюнчиладим ҳам. Аммо кейинчалик ҳаммасига тушуниб етдим.

– Унда бекор ўқибмиз.

Мунаввар истехзо аралаш кулди, сўнг кескин бир ҳаракат билан ўрнидан қўзғалиб, пастга тушди ва Фозилжонга караб:

– Биронта янгиликка асосланган фикрни ўртага ташласангиз, дарров ҳар томонлама чўқилашга тушишади. Ҳатто қулоқлари том битиб, эшитгилари келмайди. Йўлини қилинг, ўзингиз чорасини қидиринг, деган жавобга биноан йўлини қилишга ўтсангиз, эски тос, чорасини қидирсангизчи, эски ҳаммом, – деди вазмин, – ярамни янгилаб нима қиласиз-а? Шундай иш қилиш керакки сих ҳам, кабоб ҳам куймасин. Лекин қандай қилиб? Мана шу жумбокни ечадиган мард йўқ.

Фозилжоннинг вужудини сишигина титрок босди. Мунавварнинг гаплари унга тавнадай туюлди ва яна, бу факт сенинг кўлингдан келди, деган ишорани хам берди. У йўланиб колди. Ўйлангани сайн миясига ажиди бир нурдай тиниклик инаётганини сезди. Ҳалитдан бери Фозилжонга бутун теварак-атроф жонсиздай, файзсиздай туюлган бўлса-да, ёнди қандайдир умид уни аста-секин оёкка туризаётгандек, кўзига бутун борлик ҳалимлаётгандек туюлди. «Демак, шароит, ер структураси ва об-хаво иккимига мослаб нав яратиш зарур, аммо кийин масала бу. Хўп, навни-ку яратдик. Лекин ернинг бағрини тилкалаётган вильт уни хам парчалаб ташламасмикин? Парчалайди, аниқ бу, еб битиради. Хўш, нима килмоқ керак?...»

Қачондан бери бу соҳада озми-кўпми шуғулланди, тажрибалар ўтказди. Лекин қархисида турган аёлга, унинг тушунчасига мос гап тополмаганидан, тажрибаси камлиги боис мижғовлигидан афсусланди. Бу орада янги иссик чой дамлаб келиб ўтирган Мунавварга қараб тўсатдан:

– Ерларимиз жуда сахий, – деди викор билан, – дунёда хеч бир нарса она тупроғимиздай сахий эмас. Мана, неча асрлардан бери тириклик мавжудотни елкасида кўтариб келяпти, хам беминнат бокяпти. Умри ниҳоялаганда эса яна бағрига оляпти. Шоирлар она Ер сўзини шунга киёслаб айтсалар керак. Хўш, ернинг бизларга кўрсатган шунчалар ғамхўрлигига жавобан қандай меҳр-оқибат кўрсатиямиз? Нафси ламрини айтганда, план тўлиши билан шудгорлаб кўянимиз-да, баҳор келишини кутамиз. Натижада, кучсиз срдан касалманд ғўзалар униб чикяпти, хосил эса...

Мунавварнинг совук ва бепарво киёфасига кўзи тушгач, оғзидаги оғзида – бўғзидаги бўғзида колди. Бир муддат жим қотди. У Мунавварнинг чапак чалиб, э-э бормисиз, шуни билмас эканмиз-а, дея миннатдорчилик билдиришини кутган эди. Лекин акси бўлиб чиқди.

- Нима килиш керак? – совуккина сўради у.
- Бокиш керак, ха, киши билан бокиш керак.
- Қандай килиб?

– Яксара ўгитлаб-да, – тўсатдан миясига келган бу фикрдан мамнун бўлиб, Мунавварга боқди.

– Ҳамма ерга бир хилда ўгитни қандай қилиб едирасиз?

Фозилжон каловланиб, нима деб жавоб беришни билмай қолди. Шу туриши гўё игна теккач, пучайган шарга ўхшарди. Буни сезган Мунаввар уни хижолатдан куткармокчи бўлди.

– Ахир мен шавлани, сиз ошни яхши кўрасиз. Камига бир хилда овқат сявериш ҳам кўнгилга уради, ҳам ошкозонни айнитади. Демак, ерга ҳам инсондек қарасак...

– Бўлди, англадим, – кескин бўлди ганини, – тушундим, бу ганингизда жон бор, Мунаввар.

Фозилжон ўйга чўмди. Мунаввар дарвозага карай-карай, ичкарига кириб кетди. У аста Фозилжоннинг захлаган, моғорлаган тушунчаларини ўйғотаётгандай, гўё зулмат кечада адашиб юрган кимсага йўл кўрсатаётгандай эди. Жувоннинг оддий, дехконча сўзлари унинг юрагини жизиллатди. Кечагина бундай хаётга тупурдим, деган хаёлларига барҳам бера бошлади. Юрагига ўт тушди. Назаридан, ўша китоб билан олишиб ётган, гаплар йингиндисидан қоидалар чиқараётган бир гурух олимларнинг устидан мазахлаётган каби туйғу борлигини камраб олди.

– Наҳотки, олимларимизнинг ишлари ёрдам беролмаса. Ахир, тажрибалардан туғилган ғоялар ғалвирилнинг минг битта кўзидан ўтади-ку?..

Фозилжон профессорга нисбатан дилида олов бўлиб ёнаётган кескини яширолмади.

– Жаҳонга таникли Саримсоқовки чўпчак яратибди, демак, шунинг учун ҳам мендан воз кечган экан-да, шарманда бўлмай деб.

– Тарихдан маълумки, устози қилолмаган ишда шогирд ўзади. Демак, бирон илинжи борки...

– Йў-ўқ Мунаввар, жуда осонгина, худди дарёга кармок ташлагандай ҳал қилди-кўйди. Эмишки, мен бепоён дала-ларда ўз баҳтимни кидириб кўрармишман. Худди эртаклардагидек кидириш...

– Ха, ўша даврда яратилган назарияларнинг бугунги кунда кераксизлигини антагани учун шундай килган. Эҳтимол, тор кабинетдан тажрибалар кенг дала майдонлари хаётига тўри келмаётгандир. Менинг сезгим шундай жавоб топяпти. Фозилжон.

– Бе, кўл силтади у, – у илоннинг ёғини ялаган одам. Иложи бўлса, бурганинг тухумидан фил ясади. Ҳасхапакдан кошона қуради.

Оширвордингиз. Балки шундай қилиш керакдир. Бемақсад яратилган илмий кўлланмалар кимга керак? Унвон учун ёзилган диссертациялардан нима фойда? Ўзини танитиш учун ижод қилинган мақолалар-чи? Балки енгил шуҳрат топгандарнинг пардай тўзғиши чоғи келгандир? Устозингиз тўғрисида айтган анови гапларингизга ишонгим келмаяпти. Негаки, айрим устозлар ўта қобилиятли шогирдларидан арзимас баҳона билан воз кечадилар, мустақил фикрлашга, эркин ишлашга ундайдилар. Бундай устозлардан миннатдор бўлмоқ керак.

Шу вакт дарвозадан бир қиз кириб келди. «Ие, Назмия нима қилиб юрибди?» – Фозилжоннинг хаёли қочиб, юраги шиф этиб кетди.

– Опа, райкомдан кўнғирок бўлди, кечкурун штабга бораркансиз, – дея қиз бош эгиб саломлашди ва ортига ўтирилди.

– Маъсума!

– Лаббай опа!

Фозилжоннинг кўнгли ўрнига тушди: «Шу кадар ўхашлик, ё тавба! Сал қолди-я, нега кувлаб юрибсан дейишимга...»

– Ҳм, боравер, кейин.

Мунаввар дилида кечган гапини сиртига чиқармади.

– Котиба кизимиз, – деди ортидан, – жуда оғир табиатли, лекин бироз чақимчилиги бор. Уф! Кечаси сводка олиб борган билан план ўзгариб қолармиди? Нега буни тушуниш масикин? Райкомимиз жудаям қаттиқкўл. Агар бугун терим сустлаганини билса борми, нақ бошингда ёнгоқ чақади. Ин-

сон умри ўтган сайин куч-кувватдан қола бошлайди, ахир кун хам қин томон яқинлашгач қисқаради-да. Ҳаммасиям фалсафани ўқиган, аммо оддий ҳақиқатни тан олишмайди-да, дўйнослашгани-дўйнослашган.

- Кечаси иккига дедими?
- Ҳа! Кунимиз шу, ит ётиш – мирза туриш.

Фозилжоннинг юраги увишди. У ҳеч қачон ярим кечада ухлаб, тонг саҳарлаб уйғонмаган. Ҳеч қачон дам олиш кунларида тўйиб ухлаб, кино кўришни, шахар айланишни ёки улфатлар билан мирикиб ўтиришни канда қилмаган. Асли бундай ҳаётни етти ухлаб тушида хам кўрмаган.

«Фалакнинг гардиши билан, – ҳаёли кочди унинг, – биронта колхозда агроном бўлиб ишласам чидармикинман? Асло!»

Зироатчилик конунларининг ҳозирги оддийгина бир кўриниши унинг кўнглида енгил бир вахима уйғотди. «Ҳеч қачон чидолмайман бундай шароитга, ҳатто бошимдан тилло сочсалар ҳам. Тонг саҳардан кечгача ишласину яна кечаси билан штабда ўтириб чиқсин. Қизик, бу билан нима ўзгаради? Ҳм, Мунавварнинг куйинишларида жон бор».

- Сиз озгина дам олинг, – илтифот кўрсатди Мунаввар, – йўл ҳар қалай йўл-да. Чапдаги хонага жой тайёрлаб қўйдим.
- Раҳмат, яхши ўтирибман.
- Кўзларингиз айтиб турибди.

Мунавварнинг меҳрибончилиги хуш ёқдими ё жиндай мизғиш истаги кучлилик қилдими, оҳиста юриб, хонага кириб кетди.

Битта диван, унинг бош томонида тумбочка, китоб жавони ва диван ёнига, деворга оддий зарпеч қоқилган, полга палос солинган. Тумбочка устида турли хил газета-журналлар қалашиб ётарди. Фозилжон ярим ечинар-ечинмас юмшок ўринга чўкди-да, котиб ухлаб қолди.



- Амаки?!

Фозилжон чўчиб уйғонди. Қаршисида турган ўспирин йигитнинг унга тикилиб турганини кўрди.

- Ассалому алайкум!
- Ва алайкум ассалом!

– Кечки таомга таклиф килишяпти, – деди-да, йигитча чикиб кетди.

Үрнидан өриниб турган Фозилжон остонада қакқайиб туриб қолди. Кузнинг сўлим окшом манзараси уни ўзига ром этганди. Ҳовли этагидаги баланд-баланд тераклар ортида ботаётган куёш уй деворлариға ажаб бир накш солган каби. Ҳовли юзидағи сокинликни чумчукларнинг чиркиллаши бузар, тоза ҳаво дилни яйратар, сезилар-сезилмас эсаётган ел танга ором бағишларди. Ҳар ер-ҳар ерда ҳазон барги тўпланган, сўриток устидаги новдалар қип-яланғоч. «Ота иш килибди-да...»

- Яхши дам олдингизми? – яна юзланди йигитча.
- Раҳмат!

Йигит унга кўлинин ювгани обдастада сув ва чилопчин тутди. Сўнг сўрига таклиф килди.

– Ўқтамжон, сен дарров Шамсиддин отангни ошга айтиб чиккин! – ҳовли этагидан Мунавварнинг овози келди, – унаса кампириниям.

- Хўп бўлади.
- Фозилжон сўрига чикиб, жойлашиб ўтирди.

– Келинг.

Фозилжон овоз келган томонга чўчиб қаради. Қарадию тили танглайига ёпишиб қолди. Гўё борлигини олов камради. Кўзлар эса киприк қокмас.

– Яхши дам олдингизми? – кулиб сўради қиз ва дастурхон ёзишга тутинди.

Унинг тили айланмади. Қиз бу орада дастурхонга шакароб, бир ликобчада бодринг, помидор ва тўртта пиёла кўйиб кетди. Унинг ортидан қараб қоларкан, қалбида бир ширин туйғу уйғонганини сезди. Қиз лобар эди. Сочлари кора, кўзлари жияклариға сурма тортилганга ўхшар, ҳамда хиёл мовийга мойил кўзларида ғалати жозиба бор эди. Кискаси, унинг ўтли юзи шу қадар мафтункор эдик...

– Энди ул-бул түғраб тургандим, – ҳовли этагидан келәётгай Мунаввар қўлидаги кирмизи олмани Фозилжонга узатаркан, – яхши Сарвиноз ўзи чиқиб қолди, – деди киз томон имо килиб, – у ош қиласину биз сейлик-да, баҳтинг очилгур.

Ўзингизнинг боғингизданми?

Ха, янги кўчиб келганимизда: «Ўғилларингизга эрмак бўлар», деб Шамсиддин отам кўчатини бозордан опкелиб, экиб берган өдилар.

– Яхши олма экан, – ҳавас билан айлантириб кўрди Фозилжон, – сринг қудрати, сехри бу.

– Албагта.

Шу пайт йигитча билан Шамсиддин ота ниманидир баҳсланиб, кириб келишди.

– Зерикиб колмадингизми, меҳмон?

Отанинг лутфидан Фозилжон тўлкинланиб кетди ва тўрга таклиф киларкан:

– Аксинча, – кулди, – сизлардай инсонлар билан бўлган одам зерикармиди?

– Баракалла ўғлим!

– Фозилжон!

– Лаббай!

– Хўжайним ўтганда таъзияга келганингларда сизлар билан кетаман деб хархаша килган ўғлим шу-да, танишинг, ўқтамжон. Акангнинг исми эса...

– Билдим, Фозилжон.

– Оббо, катта йигит бўп қолибсиз. Ҳақиқатда танимадим, узр!

Ўқтамжон қўлинни кўксига қўйиб, таъзим килди.

– Пича тоби қочган экан, декани жавоб берибди.

– Қаерда пахта теряпсизлар? – Фозилжон қизиксинди.

– Бўз туманининг Калинин колхозидамиз.

– План яқинлашдими? – сўради Мунаввар, – ҳар холда янги ерлар, ер кучли, бизларга қараганда ҳосил мўл бўлади.

– Келаси хафта тўлса керак.

Бу орада Сарвиноз келтирган ошни ейишга манзират бошланди.

– Олинг ота, сиз бошлиб беринг!

– Бажонидил, кани, қани меҳмон.

– Ҳай, ҳай, ҳа-а-ай! Бу дунёда ҳеч ким мунака ош емаган-ов! Бай-бай-ба-а-й! Кўлинг дард кўрмасин қизим. Оллоҳим орзуларингга эга қилсин!

Отажон!

– Ҳай, айтганча, Бухалча тузукми?

– Анча тузуклар. Кечадан бери иштаҳалари пича очилиб қолди. Холам опчиқкан кўк сомса ёқди шекилли.

– Ҳа, мачин, шўра, семизўт, отқулоқ, бўччи-бўччи, кашнич, исмалоқдан килган. Бари доривор гиёҳлар-да, қизим. Ёқкан бўлса кампирга айтаман, яна қилиб беради.

– Холамми овора қилманг, ўзи беллари оғрийди. Ўзим эрталаб пишириб бердим.

– Сен хижолат чекма, она қизим. Кўкатларни ўзим териб, ўзим киймалаб бераман. Холанг ҳамир коради холос. Баҳонада ўзимиз ҳам еймиз-да, момо қизим.

– Раҳмат, ишқилиб чарчаб қолманглар дейман-да.

У ошхонадан чой келтириди.

– Ўзинг ҳам кел.

– Раҳмат опа, ичкарида ерман.

– Холамга ҳам чиннида опқўйдингми?

– ...

– Тортинма, сен бу ерда, холам эса...

– Опа, рухсат берсангиз озгина ош илингандим, шуни онам билан бирга есам?

– Майли, бирга е, бу кунлар ҳам ғанимат. Ёрдаминг учун раҳмат!

Қиз қанот боғлаган каби шитоб билан чикиб кетди. Ҳақиқатан ош тотли эди. Қанчадан бери бунақа палов емаган Фозилжон ошни суйиб тановул қилди. Фотиха ўқилгач, Шамсиддин ота узрини айтиб, хайрлашди. Ўқтамжон дастурхондаги товок, чойнак-пиёла ва ликобчаларни йигиширишга тушди.

- Ўқтам, мен турганда уят бўлади-я.
- Ие, опа!
- Ойим ухлаб коптилар. Шунга ошхонани тартибга келтириб қўйяй дедим.
  - Ўзи зўрсиз-да, опа. Келинг, мен ҳам ёрдамлашаман.
  - Қўшнимнинг кизи, колаверса яқин қариндошлигиям бор, – деди Мунаввар Фозилжоннинг тез-тез киз томонга ўғринча қараётганини сезиб, – ҳайхотдай ҳовлида она-бала яшашади. Бахор келса, Ўқтам томорқасини чопиб, резавор экинлар, турли ошкўатлар экиб беради. Онаси Бухалча холам мен ишга кетган паллаларда болаларимга қараб турарди, буларга меҳнати хўп сингган, – Ўқтамга қараб қўйди, – шу жиҳатдан Сарвиноз билан иккиси опа-укалардай бўп кетишган. Ҳозиргидай кунларда икки болам уларницида туну кун колиб кетарди. Бу ҳам етмагандай, она-бала тез-тез ҳовли ва уй ичларини супуриб-сидириб, кир-чирларимни ювиб ҳам қўйишарди.

– Айникса, бизникига меҳмон келганда Сарви опам чикиб ош дамлайди, – сухбатга аралашди Ўқтамжон, – кўрдингизми, жуда усталар.

– Ҳа, буни ўзим тайинлаганман, – таъкидлади Мунаввар, -- ишқилиб баҳтини топсин.

– Ҳм, ҳақиқатда паловга уста экан.

Фозилжон уларнинг бир-бирларига оқибатини кўриб, ҳаваси келди. «Нега шахар аҳли бу даражада эмас? Нима тўсқинлик қиласи? Вакти келса бир-бирларини танимайдилар, нега?»

Сарвиноз қозон-товор, умуман ошхона юмушини тугатгач, ҳайрлашиб чиқиб кастди. Кетидан Ўқтамжон ҳам ҳайрли тун тилаб, чеккадаги уй томон йўналди.

– Каттаси худди отасининг ўзи, – деди Мунаввар ўғлининг ортидан қараб қоларкан, – бир туки ўзгамас. Бир куни раҳматли холам келганди. Ҳадеб иккиси тўполон килаверди. Шунда холам, «Агар иккингиз шунаقا тўполон килаверсангиз, Ҳудо ҳаққи, янги дада опкелиб бераман», деди. Рустам нима деди денг? «Сиз опкеган дада уйимизга

кирмай туриб, иккаловимиз деразадан тапиа ташлаймизда, шаҳарга қочиб кетамиз. Қайтиб корамизни кўрмайсанз», деса бўладими?! «Фулалинг балю», дея холам ўлгунча ганириб юрди.

Қарининда турган бу аёлнинг фарзандларини нечоғли севинини кўриб, Фозилжоннинг ҳэваси келди. Ўзининг кимсасизлигидан ўкинди. Мана шундай аёл билан киска бўлса-да, бирга яшашга муссар бўлган йигит нечоғли баҳтиёр бўлганлигини ўйлади. Қандай танишишган экан. Ҳар кимнинг ўзига яраша сир-асори бор. Э аҳмок! Энди нима аҳамияти бор? «Ҳеч нимадан омадим юришмади-юришмади-да, – юрагини тирнаб ўтди бу ўйлар, – омади кулган одамлар қанақа бўларкин? Омад ҳам айрим кимсаларга неча марта кулиб бокади, айримларга эса қиё ҳам бокмайди, нега? Менга эса... Қандай баҳтсизлик?»

У енгил хўрсинди. Ҳалигина ажиг манзара ҳосил бўлган ховли юзини коронгулик эгаллаган, баркашдек ой аста-аста кўтарилиб келмоқда эди. Чечаклардек очилган юлдузлар осмонни қоплади. Узоқ-яқинларда, кўча ва хонадонларда ҳар турли чироклар порлади. Демак, тун ўз сирли ҳаётини бошлиди. Фозилжон қоронгулик қаърига тикилганича, ўйларга ботиб қийналган дили яна хаёллар уммонига шўнгиганини сезмай колди: «Ҳар бир одамнинг ўз юлдузи бор дейиниади. Умри тугаган инсоннинг юлдузи эса осмон пештоқини тарк этар эмиш. У ҳолда менинг юлдузим қайси? Анови порлаб турганими ё осмоннинг туб-тубидан хира ёғду сочаётганими? Порлаб, чакнаб турганлари баҳтлиларники бўлса керак? Анови имилжирик нур сочаётгандари мен каби ношуудларникимикин? Қанийди, ўткир мунахжим топиб олсаму ўз юлдузим ҳакида башорат беришини сўрасам...»

– Чарчоғингиз ёзилмабди, дам олинг.

Мунавварнинг меҳрибонлигидан ўзига келган Фозилжон унга караб:

- Музроб қаердайкин ҳозир? – сўради.
- Қаердалиги ёдимда йўқ, аммо агроном бўлиб ишлаётгани аник.

- Шунақами?
  - Ҳм, – кулди у, – эсингизда борми, практика даврида нима қаромат кўрсатган?
  - Хабарим йўқ экан.
  - Дарвоке, сиз профессор ёнида қолган эдингиз. Амалиётни ўташ учун Моҳичехра иккиси Жиззахга юборилмаганмиди? Улар боргунча янги ташкил бўлган бригадада чигит экиб бўлинниб, олди униб чиккан экан. Фўза дастлаб униб чикканида япроғи чигитни сирға каби тақиб, ерга қараб турмайдими?
  - Хўш-хўш?
  - Музроб ғўзанинг бу ҳолатини умрида кўрмаган экан. Биринчи куниёқ бригадирга қараб, сенлар чигитни тескари экибсанлар, ҳаммаси ерга қараб ўсяпти. Пайкални тезда бузиб, бошқатдан экасанлар, деб туриб олибди.
- Фозилжон кулиб юборди.
- Йўғ-е...
  - Ҳа, сизга ёлғон, менга чин. Бригадир у деса бу дермиш, бу деса у дермиш, сира кўнмасмиш-да. Охири чораси қолмаган бригадир раисга айтибди. Раис шу фаннинг номзоди экан. Раис нима қилибди денг? Амалда ерга, кўзининг олдидা учта чигит қадабди. Кузатинг, дебди. Уч-тўрт кун ўтгач, қараса, ғўза яна ўша ҳолатда эмиш.
  - Оббо Музроб-эй, ҳақиқий амалиёт ўтаган экан-да, ахир Моҳичехра эгат ичидаги ўсган, мана бундок тушунтирмабдида. Курсдошининг масхара бўлишига йўл кўймаслиги керак эди.
  - Айтибди, уктирибди. Буларни синадим-да, деярмиш. Кейин раис бригадирга, уни обком секретарининг жияни эканини, умрида дала юзини кўрмаганини айтибди.
  - Қизиқ, Ўзбекистонда яшаб туриб, дала юзини кўрмаган эканми?
  - Қизиқмисиз, ҳамма сиз билан бизми? Моҳичехра айтиб берганда, кулавериб ичагим узилаёзган. Шундан бери янги униб чиқаётган ғўзачаларни кўрсам, Музроб ёдимга келаверади.

– Шунча шарманын арчиликдан сўнг у ердаги дехконлар юзига қандай караштыйкин?

– Мен ҳам Мөхинчехрага шуни айтдим. Биринчидан, менга айтганинек, уларга ҳам сизларни синадим-да, деган. Иккинчидан, жizzахликларнинг бир ишда меҳрини қозониб олган экан. Биласиз, меҳр ҳар қандай кусурлардан устун келди.

Фозилжон кизиқсиниб қаради.

– Бир куни тракторчи ғўза катор ораларига ишлов берип ҷарчабди-да, пича мизғиб олгани дала четидаги тутқаторлар тагидаги барра ўтга ёнбошлабди, – хикоясини бошлади Мунаввар, – ўшанда Музроб культивация сифатини текшириб, сал нарида эса колхозчи аёллар ғўзалар ораларини бегона ўтлардан тозалаб юришган экан. Бирдан тракторчи додлаб қолибди. Ҳамма ўша томонга югурибди. Қарашсаки, олачипор илон устидан сирғалиб тушиб кетаётган экан. Тракторчи думбасини кўрсатибди-да, ўзини билмай қолибди. Аёллар кий-чувлашибди. Музроб эса ёнидаги пичоқни шартта суғуриб олиб, илон чаккан думбани тилиб-тилиб ташлабди, сигаретининг чўгини эса нимталангандан жойга кўрқмай босишни буюрибди. «Тез ёрдам»да келган врач бу ҳолатни кўриб, Музробнинг тўғри ёрдам берганини айтибди. Шундай килиб, тракторчининг ҳаётини саклаб колган экан.

– Оббо Музроб-эй, ўзиям тиним билмай ческарди-да, лекин ёнида пичоқ олиб юришини кўрмаган эканман.

– Ер намлигини текшириш учун такиб юрган экан. Шундай килиб, тракторчи уч кунда согайиб, касалхонадан чикиби. Ўша куни Музробнинг шарафига қўй сўйиб, зиёфат берибди. Шу-шу Жиззах ахли унинг хатосини тилга олмай қўйган экан.

– Баъзи жон-жонингга хуш ёккан яхшилик, гохида билмай килган хатоинг юзига никоб тортади. Шунинг учун:

*Оинолар айбини кўриб қолсанг гар,  
Яхшиласдири уни ўзга айтмоқ.*

*Оқибатин айлаң ши қыдувчи дер.  
Айб очмоқдан яхши, айбни беркитмоқ,* –

деган экан буюк шоирлардан бири.

– Түгри!

*Танамизда бир-бираидан фарқ қыдур одам,  
Барча билавермас ҳар нарсаны ҳам.*

деган экан яна бири.

Улар хандон отиб кулишдиilar.

– Спектаклларда бирга роль ўйнаган онларимизни кўм-сайман.

– Шеърлар ёдлардик, монологлар... Қанийди, яна бир кайтиб келса ўша дамлар...

– Қанийди...

– Бизнинг гурух шиори шундай эди:

*Дўстларга меҳрибону, очиқ кўпсил, сахиў бўл,  
Юрма баҳиллик сари, буодир зарарли бир йўл.*

То ҳануз шундаймиз! Токи кексайгунимизча мана шу нурли йўлдан адашмайлик, а Фозилжон!

– Ҳа, Худо адаштирмасин.

– Лекин мени ўзимнинг шиорим ҳам бор, ха, алохида шиорим бор:

*Шамдек бўл, шамни кўр, куйиб қатб-у тан,  
Ўзгалар базмини қистади равишан.*

– Жомийдан...

Фозилжон унга ҳавас килиб каради: «Аслида юкоридаги шеърларнинг ҳаммаси Жомийдан. Лекин сиз танлаган мис-ралар жуда ҳам таъсирли, энг сараси... Ҳа, сизга боп Мунаввар...»

Мунаввар ишорадан тонгга якин келди. Олис-олисларда хўроздар кичкириғи қулоққа чалинар, бўзариб келаётган тони кўйнида дараҳтлар шохидаги барглар қалтираб туарар. гўё кузнинг аянчли синовларидан бардоши тўкилаётгандай... У охиста юриб, сўрининг кирғогига келиб ўтириди. Фозилжоннинг унга раҳми келса-да, кўлидан ҳеч нарса келмаслигини яхши биларди. Негаки, биринчидан, у ерда пахта терими ҳакида гап кетгани аниқ, унга ёрдамининг тегмаслигининг сабаби. Иккинчидан, у шундоккина кўз олдида икки қўли билан бошини чангллаганича изтироб чекяпти. Ҳа, лоақал ёнига чиқиб, далда беролмайди. Чунки андиша деган отлиғ тоғдек ғов. Ўғли чиқиб кўриб колса нима дейди? Аммо мана бу ҳолатлар унинг маъюс юрагига олов солди: «Аёл боши билан кечани кеча, кундузни кундуз демай ишляяпти, – пичирлади лаблари, – мен бўлсан ғойибдан омад келишини кутиб ўтирибман. Ахир у осмондан тушмайди-ку? Демак, ҳаракат қилишим, орзуим йўлида изланишим керак!»

Мунаввар пича ўтириб, ўз хонаси томон йўл олди. Унга пахта ҳакида сафсата сотганини, ерни боқиш тўғрисида оғиз кўпиртирганини эслаб, ўз-ўзидан нафратланиб кетди: «Мана бу ҳолатда улар ерни боқмай кўярмиди? Бокади. Бекорга лаккиллабман. Ғўзани тескари экибсан, деб юриб Музроб йўлини топганда мен... ношудман, латтаман! Энди нима килай?! Нима қилиш керак? Нима қилсин? Эртага юрагини гижимлаётган дарду аламларини тўкиб солсинми? Иш сўрасинми? Аёл кишидан-а? Бир вақтлар билими билан ҳаммани ҳайратга солиб юрган одам энди аёл зоти олдида бўйин эгсинми? Йў-ўк! Бу хўрликка чидамайди, чидолмайди. Бундай кунидан ўлгани минг афзал, ҳа, минг чандон ўлгани яхши. Яхшиси, эртага кечки поездга билет олиб, Наманганга, Музробнинг олдига боради. Ҳар ҳолда эркак у. Айтадилар-ку қуш тилини қуш билади деб...»

У шундай хаёллар оғушида ухлаб қолганини сезмай қолди. Эрталаб ташқарига чиққанида күн терак бўйи кўтарилиган, атрофга заррин нурларини таратмоқдай эди. Мунаввар кўринмас, Ўқтамжон эса ҳовли этагида қандайдир юмуш билан машғул эди. Сарвинознинг ошхонада кўймаланиб юрганини кўриб, апил-тапил ювинди ва артиниб, унга юзланди:

– Мунаввар кўринмайди?

Қиз унга хуркак боқди. Қўлидаги ликобчани стол устига кўйди-да:

– Ассалому алайкум, яхши ухлаб турдингизми? – деди кулимсираб.

– Р-раҳмат, – қизариб кетди Фозилжон, – м-мен, кечира-сиз, бироз шошиб қолдим.

– Опам тонг сахар даала айлангани кетган, ҳали-замон кепқолади. Бирга нонушта қиласиз деган. Сўрига чиқиб ўтиратуринг.

– Ш-шундайми? Мен шаҳарга, кечки поездга билет олгани кетяпман, – шаҳдам қадамлар билан дарвоза томон юрди.

– Нонушта-чи? Чой ичиб олинг?!

– Р-раҳмат!

– Қачон қайтасиз?

– Аниқ айтмолмайман.

## 6

Фозилжон кассир хотинга билет пулини берди-да, қайтимини олди. Умумий вагонда юришга ор қилиб, салюқорисига билет олган эди. Номерига кўзи тушиб, пешонаси тиришиди:

– Қачон, нимадан омадим чопган ўзи? – тўнғиллади у, – тўполон жойда, хиди-чи? Уф!!!

У кўчага чиқиб, энди нима қилишини ўйлаб, тўхтаб қолди. Кинога кирсинми? Ё Мунавварникида кеч киришини кутсинми? Йў-ўқ! Яхвиси кинога кира қолади!

Шу пайт олдинда комати гоз, күлидаги ялтироқ, жи-  
гарранг ҳассасини ўйнагиб кетаётган, кора шляшали, кул-  
ранг кителли киннига кўзи тушди. «Ажаб! Юриши Са-  
римсоқовникиш аўхшаркан. Ёнида кетаётган анави бакалоги  
эса кора портфель кўтариб олибди. Жуда текис юаркан,  
худди ғрузин ракқослари дай. Анави киз худди капалакка  
ўхшаб учиб кетяпти. Манови заҳпар рангли йигит эса газли  
сув олмокчи...»

Унинг кўзи яна у ёк-бу ёкка ўтиб турган одамлар ичидан  
сузуб бориб, ўша ҳассали кишига қадалди: «Кўриннишидан  
жуда баҳтиёр! Омади чопганлардан чоғи! Ҳм-м, Сарим-  
соқовлар тоифасидан. Тоифасидан?» Беихтиёр топиб олган  
жумласидан ўзи ҳайратга келди: «Ўзим қайси тоифага кира-  
ман?» Шунда у одамларни тоифаларга бўладиган унвонлар,  
орден ва медаллар, касблар ҳақида ўйлаб кетди. Тўсатдан  
коқилиб тушди:

– Кўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдими? – йўл чети-  
да музқаймоқ сотаётган аёл ўқрайди, – бир чиройли йигита-  
канси. Куппа-кундузи отволганингизни қаранг...

У ўнгайсизланиб, бирон нарса демокчи бўлди, аммо  
инدامади. Яна йўлида давом этди. «Ҳозир ким эпчи,  
учар бўлса, омад ўшанини. Омад ёнтаёғи борларники...  
Орқаси борларники... Кизик, нега олимлар томонидан иш-  
лаб чиқилган кўрсатмалар ёрдам бермаяпти? Саримсоқов  
хам қуруқ доирани чертиб унвон олган экан-да. Йўғ-о, ни-  
малар деяпман ахир? Яратган назария-гоялари галвиришини  
кўзларидан соғ-омон ўтмаса, ишонч ҳосил килишмаса ун-  
вон беришармиди? Балки Саримсоқовга марказда ишлай-  
диган дўсти Оллоёровнинг ёрдами теккандир. Э-э, унга  
Саримсоқовдан нима наф? Ҳм-м, тўхта, тўхта! Барини  
бир-бирига чирмовуқдай чирманиши кара? Сиздан  
угина – биздан..., ҳм-м, Оллоёровнинг етти пуштидан  
етмиш пуштигача институт эшигини очиб беради-ёў! Мана  
замин, мана фундамент. Эҳ одамлар, одамлар! Мунча му-  
раккабсиз?! Ҳар бирингиз бир жумбокнинг ўзисиз!.. Эҳ-ҳ!  
Балки профессорга ёкмагандирман. Нега? Ахир икки га-

ининг бирида ўғлым деб парвона эди-ку? Ҳатто охирги куни ҳам, ўғлым, сиз ўз баҳтингизни, кобилиятингизни чекка районларнинг кені, беноең далаларида синаб кўринг. Кўрянсиз, замон бизга бокмаса, биз замонга боқишимиз лозим. Бу кунги улкан қашфиёт, эртага бир оддий чўпчак бўй қоляпти..., демак, ўлмайдиган ғояни туғдирадиган шароитда, жойда иш олиб бормок керак», деган. Фозилжон бу насиҳатни ўзининг лойик иш тоғ маъносида тушуниб, эртасигаёк хайр-хўшним яна килиб жўнаб қолган. Неча йиллардан бери унинг остонасини ялаб, етган оқибатига кўп хафа бўлди. Кейин у, бунака раҳбарнинг ва бундай тузсиз дунёнинг юзига тупурди. Сўнг бир-икки ҳафта болалиги ўтган интернат коровули билан тунаб юрди. Бу ерда ўтган бегалва, беташвиш онларини эслади...

Бир куни у, ёмғирли кунда ёшлигига бирга ўсган, шу интернатда бирга ўқиган лапашанг синфдоши Салим билан учрашиб қолди. Унинг пўримларча башанглигига Фозилжоннинг ҳаваси келди. У кайсиdir магазинда завмаг эканини, агар маъкул кўрса сотувчи килиб ишга олишини айтиб, манзилини берди-да, янги «Жигули» машинасида жўнаб қолди. Кунлар бирин-кетин ўтиб борар, мол-мулк тоғдай уйиб кўйилса-да, еб ётишга чидаш бермаганидек, унинг ҳам моддий аҳволи қийинлаша бошлади. Олди-кетига қараб сарфласа-да, жамғармаси кун сайин ўтириларди. У ноилож колгач, Салимни кидириб топди. Ўшанда омади бир чопганди. Пуллар, манишатлар... Бир ойдаёқ сотиб олган «дом»ида кечирган онлари, кайфу сафолари..., Назмия исемли қиз билан танишгани, сўнг унга сенг учида уйлангани..., унга совға килаган тилла зирагу узуклари... Ўқимасдан ҳам зўр яшаш мумкин экан-ку, деб хаёл кила бошлади. Лекин бу иш узоққа бормади. Ишнинг чуви чиқди. Олтита бутун қўй гўшти, ўн яшик макарон, тўрт кути сариёғ, уч қоп шакар билан фактурасиз қўлга тушишди. Мундайроқ, эпласа бўладиганларнинг эмас, ғурури баланд, нафси тўкларнинг қўлига тушишди. Завмагнинг оёғи осмондан келди. Бу ишлардан хабарсизман дея, минг марта қасам ичиб юриб, зўрга

кутулган Фозилжон кейин билса, ошнаси Салим министриликка қарайдиган қайсиям бир санаториянинг бош врачи, завхози билан олди-бердиси бор экан. Фактурасиз нарсалар касалларниң улуши бўлиб чиқди. Назмия эса шу кундан эътиборан қорасини азиз қилиб кетди... Ўтники ўтга, сувники сувга, деганларидек, ҳаромдан топилган пуллар Фозилжонни ҳам ўз домига тортишига сал қолди. Ҳозир ҳам эсласа эти жимирилаб, оёғининг учигача музлаб кетади...

У хаёлларга эрк берганича гавдасини тик тутиб борар, хеч кимга, атрофга парво килмас, йўловчиларни ўзи билмаган ҳолда туртиб-суртиб кетиб борарди. Газабланганлари унинг ортидан кўрмисан дея ўдагайлашар, баъзи ювошлиари эса елка қисиб кўя қолардилар. У бундай гапларга эътибор бермас, пинагини бузмай, йўлида давом этарди. Ҳар ер-ҳар ерда чанқоғини қондириш учун лимонад ёки газли сув ичаётган қизлар унга кўз кирини ташлаган ҳамон лабларини тишлашар, баъзилари қикирлашиб кулишар, гастроном ё бошқа ерда турган суюқоёқ аёллар эса очикдан-очик қайрилиб қарап, қандайдир, ўзлари тушунадиган лукма ташлашар, унинг бепарволарча бораётганини кўришиб, хўрсинганларича чиройли экан, деб қўярдилар. Ҳа, у ҳақиқатда хушсурат эди. Ҳусн борасида омадли эканини ўзи билмас эди. Сабаби, ўзига кам эътибор берар, сокол олганда, гоҳ сочини текислатганда ойнага қарап, шунда ҳам ё жағларига ё соч қирқилишига назар ташларди. Унинг баланд, кўркам жуссаси қизларнинг юрагига олов ташларди. Ҳатто, анча-мунчасига киё ҳам боқмайдиганларнинг ҳам аклини шошириб қўярди. Ажабо, унинг калта, тиғли киприклари қовоқ чокидан уч-тўрт қатор жой олган бўлиб, куюқ ҳамда кўз қорачикларини кенгроқ кўрсатар, бир зумда ишққа мойил юракларни забт этарди-кўярди. Яна бир томони, кўзлар ҳар очилиб-юмилганда гўё икки томон қўшинлари тўқнашгандек эди. Ҳатто баъзи шайдолари унинг ҳумор кўзларига қараб, «Ҳакнинг суюқ бандаси бу йигит» дер эдилар. Юзи шу қадар тиник, соchlари хиёл қўнғир тусга мойил бўлиб, ярим жингалак эди. Бу қадар гўзал юзга

кирра бурун ҳам ярашиб тушган, гапнинг қисқаси, у чиройли ва мафтункор эди. Лскин ҳар тўқисда бир айб, деганлари-дек, ишмикрок эди. Деярли умри бино бўлиб бирор билан ёкалашмаган, аччик-тирсик гапга бормаган, худа-бехудага асабини бузмаган. Бир меъёрда ҳаёт кечиришга, тартибли иш қилишга ўрганган. Чунки интернатда нима иш қилишса, тарбиячилари соатини чегаралаб кўярди. Унинг ўзгалар овоздига, юриш-туриш ҳаракатига мос таклид қилиш қобилияти борлингини билганилар театрга ишга таклиф ҳам қилишган, аммо рад этган...

Шу вакт унинг олдидан худди Мунавварга ўхшаш бир аёл чиқиб қолди. У бироз тикилиб турди-да, янгишганини пайқаб, кулди. Фозилжон турли хаёллар оғушида Аббос Бакиров номидаги кинотеатр олдидан чиқиб қолганини сезмай қолди. Афишага кўз ташлади: «Тошга битилган достон», хинд фильмни. Рона бир соат навбат кутиб, зўрға билет олди.

Даладан барвакт кайтиб келган Мунаввар Сарвиноздан Фозилжоннинг бугун кетишини эшишиб, ҳайрон бўлди. Сабабини англомагач:

– Сарвиноз, тезда ошнинг ҳаракатини кил-да, дамлашга қаратиб кўй! Сиз Абдулҳамид, – леди бир четда қараб турган шофферга, – бозорга бориб, қовун-тарвуз, писта-миста, канд-қурслар олиб келинг. Олма-анорлар ўзимизда бор.

У шофферга пул, бозорлик учун халта берди. Ўзи этигини ечиб, оёғига енгил шиппагини кийди. Ҳовли юзига кўлоблатиб сув сепди ва сўриларни супуриб, тозалади. Янги кўрпачаларни солиб, парку болишларни қўйиб бўлгач, телефон ёнига келди.

– Алло! Алло! Маъсум! Менга тез парткомми чақиргин! Ҳозир чиқиб кетувди?! Шундай де? Унда қоғоз-қаламни олиб, ёз! Бугун соат тўртга кассир, бўғолтири, экспедитор, парткомлар келсин! Мажлис бўларкан дегин!

– Вой опажоним-эй, – кулди Сарвиноз сабзи-пиёз тўғраётган ерида, – уйда қанақа мажлис бўлсин.

Мунаввар истехзо-ла қошларини кериб, кувноқ бир ҳайрат билан кулимсиради:

- Шоирлар тили билан айтганда бундай йиғилишни ҳам мажлис дейдилар, уқдингми?
  - Тушундим, опа!
  - Ҳм...
  - Гулжамолни Муроджонга унаштиришармишми?
  - Ҳабарим йўқ! Унаштиришса нима бўпти?
  - Унда...
  - Нима, унда?
  - Ёшлари пича...
  - Яхши бўлади. Бизлар ҳам шунака эдик. Лекин бу тўй анча можаролар туғдирап?
  - Нега?
  - Кейин билиб оласан. Аммо Муроджон жуда яхши йингит. Муомала маданиятидан худо берган. Бундай ёшларнинг келажаги порлоқ бўлади.
  - Гулжамол ҳам қолишмайди. Онаси Тўлғаной аямга ўхшаб ҳўпам пазандалиги-чи?
  - Сенга ўхшаб-а?
  - Қайдам...
- Барча тараддулар кўрилиб бўлгач, Мунаввар ўйланиб колди. Ҳаёллар дарёсига гарк бўлганини кўрган Сарвиноз бир нарсани сезгандай хушёр тортди.
- Шундай бир сюрприз килайки, – кўзлари ёнди Мунавварнинг, – бир умр эсида колсин.
- Сарвиноз ҳайрон бўлиб, слка *кисди*.
- Мунаввар уч-тўртта *китобни* қўлтиклаб, шошиб кириб келган Фозилжонга пешвоз чикаркан:
- Ў-ў, келиш сиздан, кетказиш биздан эди, – деди сино-ларча тутиб ўзини, – нега мунча тез қайтмокчисиз? Чамамда ишни деб беътиборлик килдик чоғи?
  - Йўғ-э, Мунаввар, менимча, сафарим қариди, меҳмон ҳам иззати билан...
  - Бе, биз учун неча кун турсангиз ҳам меҳмонсиз. Қани, марҳамат, сўрига чикинг.
  - Китоб магазинига кирувдим. Ўқтамжоннинг мутахас-сислигига доир янги китоблар келибди, қани ўзи?

- Чамамда Шамседдин отамлариниңда, токлариниң күмишгә ёрдамлашыпти.

Мунавварининг унга бенарволиги бироз кайфияттың таъсир күлди. Дилига ғашлик чўқди. У сўри ёнидаги олма дарахтининг совуқ еб тўкилаётган барғарига караб, хомуш тортди. Шу пайт Сарвиноз унинг каршиисига товус каби нозик-нозик қадам босиб келди:

Чарчамаднингизми? Чой келтирайми? - сўради ийманиб.

Бундай ғамхўрликни кўрмаган Фозилжонининг кўнгли алланечук бўлиб кетди. Бир ширини өтиқди:

- Р-раҳмат!

Сўраб бергунча уриб бер, дейдилар, - эшитиб турган Мунаввар кулди, - дастурхон ёзив, ион, ул-бул келтир.

- Хўп.

Ховли юзида ивиришиб юрган Мунаввар Ўқтамжон учун олинганди китобларни сўриннинг четига қўяркан, охииста хўрсинди:

- Кетгуниңгизча чикиб колар.

- Майли.

- Мен сизни хали-бери кетмайди деб ўйлабман, - Фозилжонининг каршиисига келиб ўтирди Мунаввар, - хосилимизни, ерларимизни кўриб берасиз, деган умидда эдим.

- Миришкор мутахассислар бор-ку?!

- Одамдан одам туғилганидек, гоялардан гоялар яратишти. Эҳтимол, сиздан ҳам янги бирон бир фикр туғизиб колармиди?

- Мана бу гапингиз, Мунаввар, - астойдил хафа бўлди Фозилжон, - энди ортиқча. Бизнинг давлатимиз сезгир ва ҳакикатгўй, аллакандай сафсатабозликка асосланмаган.

- Кошкайди шундай бўлса.

Мунаввар бир лаҳза ўйга чўмди. Сўнг индамай ўрнидан турди-да, хонасига кириб кетди. Бу орада Сарвиноз дастурхон ёзив, устини ноз-немматига тўлдиришинга, ҳаттоқи қайнок чой ва пиёла келтиришига ҳам улугурди. Ҳаял ўтмай Мунаввар бир талай газета ва брошиорларни кўтариб чиқди:

– Кўринг, – деди айрим китобчаларни вараклаб, чиззилган жойларни кўрсатаркан, – бирининг дўпписи янги, бириси эса эски, аммо лекин бош кийими...

У синчиклаб ўқиб чикиб, Мунавварга хижолатомуз бокди.

– Инсон деган номга содик қолиш ҳам катта гап, – деди Мунаввар ютиниб, – кўксимизни яраклатиб нишонлар та-киш билан...

Фозилжон ҳам бўш келмади. Қиличдай кесди ганини. Аниғи бўш келишни хоҳламади. Аммо ички сезгиси олимлар ичида ҳам ноҳақликлар кўплигини, енг ичида бу номга эришаётгандари ҳам борлигини англатмоқда эди. Лекин бу масалани аниқ исботлаб беролмаслигини, исботлаган тақдирда ҳам бир ўзи ҳеч нарсани ўзгартиролмаслигини тушунди, наилож... Мунаввар эса бир томонлама ҳақ эди. Ахир беш кўл баробар эмас-ку...

У бош иргаб, кўлларини тўлғай-тўлғай олимлар ишини, кечани кеча, кундузни кундуз демай изланаётганини, ниҳоясиз тажрибалар асосида яратилган янгиликкина ишончга сазовор бўлаётганини сўзлаб кетди. Ва ниҳоят:

– Сизнинг гумонларингиз ноўрин, – деди гапининг охирида Фозилжон, – мўлжалдаги ҳосилни етиштиролмаётганингларга бошқа сабаб ҳам бордир?

– Мен хаммасига гумон кўзи билан қараётганим йўқ, – бироз қизишиди Мунаввар, – хўп, сизнингча шундай ҳам бўлсин. Лекин манави ҳақиқатга қандай баҳо берасиз? Аслида ҳаётий воқеа. Мана, кўринг. Биз нега зўрга планга амал-тақал килиб етиб борамиз-у, кўшни Ёқубов колхози 60–65 центнер пахта ҳосили олади? Яна октябрнинг бошидаёқ планни тўлдирганига куйиб ўлайми? «Коммунизм» эса бизнинг ярмимизниям беролмайди. Ахир, улардан кам ишламаймиз-ку?

– Эҳтимол, шароит тўғри келмагандир?

– Қанака шароит? Ё уларнинг ерига қуёш минерал нур сочяптимикин?

Фозилжонни тер босди: «Ҳм, дарвоқе. Ҳамма бир хил шароитда меҳнат килса-ю, бири кўз кўриб, қулоқ эши-тиб ишонмайдиган даражада ҳосил олса, бири базўр план тўйдирса, яна бири эса ярим йўлда қолса... Эҳ, Фозил, Фозил, эс-хушингни жойига кўйинб, инсоф билан, ўзингни ая-маедан тузукрок ўйлаб кўр, балки бирон қалаванинг учини топарсан!»

– Бир сир бордир-да, – деди нима дейишини билмай.

Жавобидан Мунавварнинг қоникмаганини пайқади, пайқаса-да, тузукрок жавоб ҳам тополмади, топишга қурби етмади.

– Асли бу ўқишига бекор кирган эканман.

– Уйимда ўтирибсиз, – жаҳли чиқди Мунавварнинг, – меҳмонимсиз. Хафа бўлманг-у, сиз анча минус то-монга ўзгарибсиз. Озгина қийинчиликдан дарди дунёингиз коронғи бўладиган бўп копти.

Унинг бу хил муомаласи Фозилжоннинг нафсониятига тегди, юзлари буришди. Кўз олди коронғилашди. Кўк-рагини қаттиқ бир панжа тимдалагандай бўлди. Кечаси алламаҳалгача ухламаганди. Кўзини юмди дегунча ишида-ги дилхириликлар хаёлида намоён бўлаверганди. Энди эса, дард устига чипқондай, бирданига Мунавварнинг баҳорий ҳаводай ўзгариши дилини вайрон қилди. Шу топда ўзини ҳақиқий баҳтсиз хис қила бошлади.

– Кўрпага қараб оёқ узатиш ҳам катта мардликни талаб киласди.

– Ҳа, – қошлари чимирилди Мунавварнинг, – кўрккан олдин мушт кўтариш ҳам, ҳузур-ҳаловатини кўзлаганлар ҳам мардликнинг бир кўриниши бўлади, афандим.

Бу пичинг энди Фозилжоннинг жон-жонидан ўтиб кетди: «Нима бало, – ғўлдиллади ичиди, – тилига заҳар боғлаб олганми? Эвоҳ, яхшиям иш сўрамаганим! Агар сўраганимда борми? Эҳ-ҳа, аёл зоти ўнуна-да! Сир-асрорингни биш-дими, дарров чимчилашга тушади. Афандим эмиш. Энди афанди бўлдимми? Яхшиям кетиш учун тараддуудланганим. Бўлмаса, бундан қуюкроғини эшитармидим...»

Фозилжон анча сукутдан сўнг, чойнакдаги совиб колган чойни пиёлага қуиб симиаркан, алам билан деди:

– Сизнингча, олим бўлиш учун итялокқа тумшуқ тик десалар ҳам тиқарканман-да?!

– Нима-а? Шу гапни сиз айтяпсизми?!

– ...

– Ундей демайман, ҳеч қачон! Ахир ўз касбига эътиқод деган нарса ҳам бор-ку?!

– Эй, Мунаввар, – қўлларини икки ёнга ёйди Фозилжон, – менда шу ишга кобилият бўлмагач, қандай қилиб эътиқод қўйишим мумкин?! Ўкиш бошқа, укиш бошқа ёкан. Ҳаёт эса тамом бошқа.

– Мана энди сал ўзингизга келяпсиз. Ўша ҳаёт ичинга кириб бориб, олган билимларингизни татбик килмас экансиз, ҳеч нарсага эришолмайсиз. Қисқаси, ҳамма касб ҳам шуни талаб килади. Тўқнаш келган кийинчилик, муаммоларни ҳал этиш учун эса изланиш керак бўлади. Изланишдан кошиш эса, хўроздандга эришган боғча боласидай гап.

Фозилжон тарсаки еган одамдай гангид қолди.

– Мана, биз юкори хосил олиш учун интиляпмиз, лекин вильт панд беряпти. Биронта олим, кечирасиз, неча бор бурнимиз ерга теккунча эгилиб илтимос килдик, лекин келишмади. Нега? Биласизми?

У мум тишлаган каби миқ этмади.

– Чунки ўша савил вильтнинг келиб чикиш сабабини билишолмайди. Ахир тор кабинетдаги тажриба майдонидаги тупроқдан кенг далалардаги ернинг от билан туячалик фарки бор-ку?!

Фозилжон ярк этиб Мунавварга каради. Шу тоғда у ўйлаган орзусининг йўлига тушгандай хис килди ўзини. «Ҳа, – деди у ич-ичидан икрор бўлиб, – дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб, балки Саримсоқов мени шу важдан кувиб солгандир?! Ҳм-м, Мунавварнинг гапида жон бор. Минг килса-да, неча йиллардан бери дала бағрида, ернинг дарду аламларига шерик. Ҳакикатан ҳам тажриба майдо-

нидаги ер бепоён далаларнинг бир чимдими холос. Бу дегани, деңгиздан бир томчидай гап. Унда олимлар фикрича, этиштирилган гўза нави агадсиз далаларга экилгач..., ҳм-м, демак, у янги нав тупроқ бағридаги турли хил касалликларга ҳам бардош бериши керак». Калаванинг учини тонгандай кўзлари чакнаб кетди.

– Туфли ўрнига этик, соябон ўрнига шляна кийиб, ерларимиз бағрини ораласак нима дер экан? Қандай дардлари бор экан? – сўзлади Мунаввар.

Бу орада бирин-кетин кириб келаётган меҳмонларни кўргач, гапдан тўхтади, уларга пешвоз юрди. Фозилжон ҳам сир бой бермай, сўридан ту sheddi.

– Куредошим, тошкентлик Фозилжон Фофуров, – деди у хушхандон кулиб.

Меҳмонлар бошларини енгил-енгил иргаб, табассум билан бир ёнга тизилишди. Мунаввар ўнг кўлинини хиёл олдинга чўзиб, бирин-кетин таништира бошлади:

– Гулом ака Норматов, – деди япалоқ юз, сийрак қош, бақбақали кишини кўрсатиб, – колхозимизнинг парткоми бўладилар. Бу кишим бўғолтиrimiz Юнус ака Фозиев, бу кишим кассиримиз Тешабой Мўминов, – олд сочлари тўкилган, тўрт чўнтакли кител кийган, кулиб турган кишини кўрсатиб деди. Ва нихоят, жиккаккина, кўй кўзлари ёниб турган йигитни кўрсатди: – экспедитор Файзулла Нусратов, афсуски, агрономимиз йўклар.

– Ишдан бўшаганлар.

– Файзулла!

– Хўп опа, индамадим.

– У кишим бўлганда даврага **файз** киргизиб юборардилар. Қани, сўрига марҳамат қилинглар.

Шу пайт дарвозадан кириб келган Ўқтамжонни кўриб, у билан хол-ахвол сўрашдилар. Бўздаги паҳта йифим-терими ҳакида маълумот олдилар. Ўзларича шарҳладилар.

– Бу, Мунаввархон, – сўради Тешабой атрофга назар ташларкан, – келин кўринмайди? Айтганча, қудангиз Лобар ая тинчми, согайиб кетдими?

- Ҳа, кудам тузалгач, Тўхтахон Рустамнинг олдига кетди.
- Хотин дегани шунака-да аскотади-а, – гапни бўлди Юнус Фозиев, – эсон-омон битириб олсин, тилагимиз шу.
- Раҳмат.
- Ҳали келиним ҳам бор денг? – энсаси котди Фозилжоннинг, – мен...
- Мени кечиринг! – кизаринди Мунаввар, – пахта ташвиши билан бўлиб, бу ҳақда гапирмабман.

– Мана энди билдилар-ку, – орага сукилди Файзулла, Ўқтамнинг тўйида ўзингиз бош-кош бўласиз, Фозил ака.

– Албатта.

Файзулланинг ўзига яқин олиб гапиришлари Фозилжонга хуш ёқди: «Яхши йигит экан».

– Ўқтамжон, опангга қарашвор!? Қани, марҳамат!

Меҳмонлар бирин-кетин дастурхон атрофидан жой олдилар.

Мунаввар нон ушатди ва Ўқтамжон келтирган қайнок чойни пиёлаларга қуийб, бир-бир узатди. Нимагадир гаплари қовушмасди. Бир гап ўтгандан кейин орага жимлик чўкар, ўртада худди пиёз қобигидек ишланган биллур гулдан кўйилгану бирор қаттиқрок гапирса ё аксирса, парчаланиб кетадигандай эди. Бир-биридан чўчиётгандек навозишиона кайфият ҳукм сурар гўё.

– Фозилжон институтни битиргандан сўнг аспирантурага кетди.

Фозилжоннинг юраги шув этиб кетди. Аста томоқ кириб, ўрнидан қўзғалиб кўйди. Буни сезган меҳмонлар одатий ҳолга йўйиб, гапнинг давомига кизиқишиди.

– Аспирантурани битиргач, Илмий текшириш институтда ишлай бошлади. Хабаринглар бор, Фозилжоннинг номига вилътдан халос этиш йўлини айтинг ё ёзинг, деб икки марта хат йўллаганман.

– Ҳа, мен гувоҳман, чунки иккала хатни ҳам почта кутисига мен ташлаганман, – қувноқ кулди Файзулла, – касбимни биласизлар...

Енгил кулги кўтарилиди. «Ие, хатни Саримсоков олганмиди? Шу туфайли мендан воз кечганимиди? Йў-ўк, агар буларнинг хатини олганида айтган бўларди. Унда хатни ким олиши мумкин? Ё...»

– Жавоб келмаганидан хафа бўлиб юрувдим.

Хаёллари тўзғиди Фозилжоннинг:

– Энди билсам, хатни ректор олган экан. Ерларимиз дардини ўрганиб, ҳосилдорликни кўтаришда ёрдам бериш учун ўзини жўната қолибди.

– Ўша ректорнинг фаҳм-фаросатидан хурсанд бўлишимиз керак, – партком гапга аралашди, – яхши одам экан.

– Ҳа-я, – мамнун кулди Мунаввар, – иктидорли кадримни бермайман, деса нима кила олардик?

– Қандай яхши, – бош ирғаб илжайди Юнусжон, – улуг иши бўлти. Тақдирнинг такозосини қаранг. Агрономимиз ишдан кетишига бу укам кеп турибди-я...

– Муни қаранг, – кўлинни кўксига кўйиб таъзим килди Файзула. – Ёлғизбогнинг ёлғиз кўчаларида **кўп саир** киларканмиз-да, а? Ҳали кўрасиз, бу ердан кетолмай ҳам коласиз.

Кассир хануз ўша табассум билан ўтирад, партком эса маъкул маъносида бош ирғаб кўйди. Фозилжон дам унга, дам бунга қарар, на кулишни, на ҳақиқатни ошкор килишини билмас, курсдошининг бу харакатлари уни тамом гангитиб **кўйган УМН. Назидда түё** бу ер сахнаю, спектакль **кўйилгани**, ўзини эса ўша спектаклда **ижрошадай сезяти**.

– Йўлланмаси билан тўғри райком секретарининг **олди**-га бормоқчи бўлиб турганида **Турсунбойдан менинг бошилга** тушган мусибатни эшитиб, бу ёққа келаверибди.

– Офарин! Ана буни одамгарчилик дейдилар, – тўлкинланиб кетди Юнусжон, – икки дунёнгиз кам бўлмасин, ука.

– Раҳмат, – тақир бош кассир яна илжайди.

– Дўст бошингта кулфат тушганда аскотади, – партком Юнусжонга кўз кирини ташлади – миннатдормиз. Шундан

шунга оғирилизни енгил қилгани бел боғлаб келибсиз, Худо қўлласин сизни. Юзингиз ёруғ бўлсин.

– Раҳмат, – ғалати илжайди Фозилжон, хурсанд бўлиб эмас, ғамли, қайгули, аламли.

– Биласизлар, агроном бўшашиб учун ариза ёзганида кўп ялиндим, яхши мутахассис эди-да... Лекин кўнмади. Ўшангаям бир ойдан ошди, – кўзлари чакнади Мунавварнинг ўйлаган сюрпризи ишонарли чикаётганидан кувониб, – шунинг учун ўрнига расмийлаштириб келгани эртага райкомга борамиз.

Ўтирганлар Фозилжонни бирин-кетин қутлашди. «Аёл кишининг макри қирқ туюга юк бўлади, деганларида факат ёлғон томонини тушунган эканман. Яхши маънога ҳам эга экан», хаёлга берилган Фозилжон миқ этмас, факат табрикливчиларга бош иргаб кўяр, аслида шундан бошқа иложи ҳам йўқ эди.

– Ишқилиб шароитта қараб иш тутасиз деган умиддаман, – сертавозелик билан деди Юнусжон, – ҳар қалай бу ер қишлоқ, колхоз одамлари сал тўпорироқ бўлади. Айтадиларку, ой кўрғонласа айғир миниб овга чиқ, кун кўрғонласа кетмон олиб томга чиқ, деб.

Кассир яна ўша табассум билан бош иргаб кўйди.

– Янги амал муборак! – ҳайқирди Файзулла.

– Ўқигани бўйича касби денг? – хатосини тўғрилаган бўлди Юнусжон.

– Э, кизикмисиз, Юнус ака, ўқигани билан амалда қўлламаса икки пул-да.

Фозилжоннинг бадани музлаб кетди. У дастурхон четига кўзини тикканича ўтирад, кўнглини ғам тоги босган эди. Аммо шу ўтиришида қайгули онларгагина ҳамроҳ эмас, балки ҳали ёруғ кунлар ҳам кутаётганини сезмас эди. Албатта, ойнинг ўн беши коронғи бўлса, ўн беши ёруғ эмасми?

– Анови Тиллабой, Мамажонлар ҳам агрономликка ўкишган. Улар бригадир, анови Мамадали эса экономистликни тугатган, аммо ҳамон Мамажонда табелчи, шунга қараб айтяппан-да.

– Хар ким ҳам пешонасига ёзилганини кўради, у бечораларнинг қўллаб-куватлайдигани йўқ-да...

Ток ургандай сесканиб кетди Фозилжон: «Ҳм, Мунавварнинг хозирдаги макри мана бу каби майда гаплар учун бир хисобда қалқон экан-да...»

– Рас шундай экан, агрономлик ҳам амал хисобланади, тушунарлими? – Файзулла ҳамон отдан тушса ҳам, эгардан тушмас эди.

Унинг гапларидан Фозилжоннинг бироз кўнгли кўтарилиди. Кўксини тўлдириб нафас оларкан, атрофга дадил боқди.

– Мен бошқа нарсага ҳам хурсандман.

– Хўш? – Гуломжоннинг сарғиши киприклари пирпиради.

– Нимагаки, баримиз амирнинг отбокарларидай бадбурушмиз, сафимизга ман бундок, – Фозилжонни кўрсатди, – чиройли одамнинг қўшилганидан ҳам шодман.

– Қалб гўзал бўлсин, – жириллади Юнусжон, – сен укам, сал ҳаддингдан ошяпсан, ўртада андиша отлик нарса бор-а?!

– Э-э, Юнус ака, хунук бўлсанг уйланишинг ҳам қийин бўларкан-да, бири арматура деса, бири тириш дейди. Камида ўттизта киз кўрдим-ов, охири пешонага шуниси битди. И-и, Юнус ака, Гулом ака, Теша ака, меҳмон ака, узр! Озгина эркаланиб кетдим. Сабаби, қуни-кеча ўғил кўрдим, – оғзининг таноби кочди, – бугун кечқурун самоварда кулинг ўргилсин палов биздан, ювиш сизлардан.

– Муборак бўлсин!

– Ота-онасига йўлдош бўлсин!

– Умри билан берган бўлсин!

– Исмини нима кўймоқчисиз? – кизиксинди Мунаввар.

– Фозилжон.

Мунаввар хурсанд бўлиб кетди.

– Ўқимишли бўладими йўқми билмайман-у, лекин шу акамдақа чиройли бўлсин, деб ният килдим.

– Қозонда бори чўмичга чиқади, укам...

Фозилжон Юнусжоннинг пичингидан бироз ранжири: «Кувончига шерик бўлиш ўрнига, анча тили заҳарга ўхшайди».

— Сизнинг ички дунёингиз зўр, — ва ниҳоят сухбатга аралашди Тешабой, — қалбингиз гўзал, укагинам.

— Ниҳоятда кўнгли оқ, соддадил дўстсиз, — кулимсиради Мунаввар, — мевалардан хам еб ўтиринглар.

Юнусжон оёқ чигилини ёзиш баҳонасида ховли этагига йўналди. Ичкаридан чикиб келган Ўқтамжон эса унга ҳамроҳ бўлди. Файзулла Фозилжонга қараб имо қилди. У Файзулланинг зимдан чимчилаганини, Юнусжонни ёқтирмаслигини фаҳмлади. Шу вақт Сарвиноз кора кўрсатди.

— Ҳозир, мен, опа...

Файзулла эпчиллик билан сўридан сакради ва зумда кулинг ўргилсин паловни товоқларга солиб чиқди.

— Мана, — деди секин бош эгиб Файзулла, — гўзал одамнинг оши бу. Агар ошни Юнус акам қилганида борми?

Мунаввар томоқ қирди.

— Қайтиб гапирмаганим бўлсин.

Бу орада Юнусжон Ўқтамжон билан ниманидир гурунглашиб, сўрига яқинлашиб қолган эди. Юнусжон келиб, сафга кўшилгач, ошга манзират бошланди. Бир муддат жим ўтирганларидан сўнг иккиси яна тагдор гаплар билан бирбирига тош ота бошлашди. Гап қалтислашиб кетаётганини фаҳмлаган Мунаввар уларни чалғитиш мақсадида «мановини Фозилжонга беринг», дея бодринг ва помидор кесмаларини Файзуллага узатаркан, кўзлар тўқнашгач, хўмрайиб кўйди. Фозилжоннинг кўнгли хижил бўлди. Эндиликда Файзулланинг пича сурбетлиги аён бўлгач, ҳафсаласи пир бўлди. Шунча пичингларни эшитиб хам парво қилмаган Юнусжонга эса энди ич-ичидан тан берди. Иштахаси бўғилиб, кўлини сочикка артди. Мунавварнинг хайҳайлашигаям қарамай, колганлар хам бирин-кетин товоқдан кўл уздилар. Долзарб вақт бўлгани учун тезда тарқалишди. Улар кетиш олдидан хам Фозилжон билан бир-бир қўл бериб хайрлашдилар. У парткомнинг юмшок, момик қўлидан

илиқ бир самимий түйғуни сезди. Юнусжоннинг ориқ кўли эса илондек сирғалиб ўтди. Кассирники эса жонсиз, аммо дўстона жавоб қайтарди. Файзулланинг кўллари бироз дағал, аммо илиқкина экан.

Ўқтамжон хайрли тун тилаб, меҳмонларни кузатиб қайтгач, ўз хонаси томон йўл олган эди:

– Сарвиноз опангни уйнга элтиб кўй, кўрқиб-нетиб юрмасин, – тайинлади Мунаввар, – ошхонани йифиштирипти.

Мунавварнинг қилған ишидан Фозилжон ичида мамнун бўлиб турса-да, юрагига туғилған бир кеки унга раҳна солаётган эди.

– Садақангизни қўш қўллаб қабул қиласди, деб ўйладингизми? – томдан тараша тушгандай тўнғиллади у.

– Ҳ-ҳали садака денг? – бошига қўқисдан копток теккан боладай гангиб қолди Мунаввар, кўз олди жимирилашиб, тун бағрида бехисоб ялтирок игначалар пайдо бўлди. Орияти келиб, йиғлаб юборишига сал қолди. Рост-да, дўсти учун ўлиб-тирилса-ю, у сен кимсан демай, осмону фалакдан қараса... Алам килгани, шу туришида кетига урсангиз ўрта бармоғингиз хўл бўлмайди-ю,вой бунинг гариллаши-чи? Ўлиб кўя-коласан-да бсмаза гердайишига! «Ичингда жон деб тургандирсан!» Тўсатдан миясига урилган бу фикрдан Мунаввар сергакланди.

– Унда, – деди ғоз туриб, – тўрт томонингиз қибла! Мен сизни ушлаб турганим йўқ! Уқдингизми?

Фозилжон тарсаки еган боладай, гангиб қолди. Ҳа, у бундай муомалани кутмаган эди.

– Калака килганингиз учун р-р-раҳма-а-ат!

У шарт бурилиб, кеча тунаган хонаси томон юрди.

– Орингиз келса-да, бир гапим қулоғингизга кўрғошиндай куюлиб қолсин.

Фозилжон бутун гавдаси билан ўгирилди.

– Читтак бетайинлиги учун бир жойда кўним тополмас экан!

Бутун вужуди титраб-кақшаб кетди Фозилжоннинг.

– Яна борми? – сўради бор иродасини жамлаб илжаяркан, – гапларингиз ичингизда қолгунча, менинг кулоғимда кетсин. Яна армонда қолманг?!

Йигитнинг кўзларига чўккан мунг таъсириданми ё ҳозирги қилмишидан пушаймон едими, Мунаввар тилини тишлади. Шу вакт ичкаридан чиқсан Ўқтамжон икковига ҳайратомуз боқди.

– Тинчлик, ўғлим, – ерга боқди Мунаввар, – чарчабман шекилли...

Фозилжон нима килишини билмай, бирпас каловланиб турди-да, сўнг шарт бурилиб, уйга кириб кетди. Умри бино бўлиб бунака гапларни эшитмагани учун ўзини босолмас, табиати хунук қўринаётган эди. Мунаввар эса бу холатни бекорларни айтибсан маъносида тушуниб, ҳазм қилолмас, баттар асабийлашарди: «Шаҳарлик йигитлар қачон қишлоқка келиб яшабди? – ғижинди, – хеч қачон! Осоишта, покиза ҳаётга ўрганган кўнгиллари қишлоқнинг дўрампа ҳаётига кўникармиди? Йўқ! Кўниколмайди! Ҳмм, қишлоқдагиларга раҳмат! Миллион марта раҳмат! Негаки, моддий базани яратиб кўйиб, бирон нарса талаб ҳам килишмайди. Чекингга тушса чекчайма, деганларидек, ўша базадан теккан улушига қаноат қилиб яшайверадилар. Ҳа, борига шукр қилиб яшайверадилар. Эҳ, соддадил ҳамқишлоқларим. Агар яна қайтиб дунёга келсан, албатта, сизлар билан бирга яшайман, албатта..!»

У сувга тушган нондай бўشاшиб, судралганича ётоқхонаси томон юрди. Бирдан тақа-так тўхтади: «Кетиб колса-я, – ваҳима босди, – ҳозир шартта йигиштириб чикиб кетса-я? Ходимларимнинг олдида нима деган одам бўламан? Ёртидан кириб узр сўрайми? Димоғи баттар кўтарилиса-чи? Йўғ-э! Ҳм, бошқа хаёлга борса-чи? Нима деб ўйлаши мумкин? Эrim ҳаёт бўлганида ҳам бошқа гап эди. Оҳ! Тилим курсин! Унинг ўта ориятлилигини билатуриб... Баъзида калта ўйлик қиласман! Ҳа, аёллигимга бориб калта ўйлайман. Кейин ташвишни ортмоқлаб юравераман... Наҳотки, Фозилжон мени тушунмади, тушунтиролмадим?!»

Мунаввар Фозилжоннинг чироги ўчмаган хонасининг деразасига қарай-карай, ўз ётоғига кириб кетди. Айни шу топда Фозилжон ҳам хонага кирибок, нарсаларини апилтанил йингиштириди. Жомадонни қўлга олган ерида тўхтади: «Тўхта! – хайкирди ички бир нидо, – қаерга борасан? Сен бу ерларга тақдирингни синагани келмаганмидинг? Нега энди хўрозданд тегмаган боладай аразлаяпсан? Дўппини мана бундок ёнингга қўйиб, танангга кенгашиб кўр! Ахир, даҳанаки жангни биринчи бўлиб ўзинг бошламадингми? Гурур деган отнинг узангисидан тушмадинг-ку? Энди ўзингни Мунавварнинг ўрнига қўйиб кўр-чи? Ҳа, пичокни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга, деганлар. Сен ношудга, сен кўрга у шам ёқиб йўл кўрсатяпти! Сен эса... Чик! Узр сўра! Узр сўра!» У бўшашиб курсига ўтиаркан, иягини кўлига тираганича деразадан ташқарига қаради. Яна хаёл ўз домига тортди уни. Аслида Мунавварнинг бу ишидан чексиз кувонган, лекин орият юзасидан шодлигини сиртига чиқармаганди. Бесуяк тил эса ишнинг пачавасини чиқарди. Орага низо солди. Энди узр сўраш керак! Узр сўраса нима қипти? Ўзининг қадрдон курсдоши!

Шу қарорга келган ҳам эдики, эшик очилиб Ўқтамжон кириб келди. Фозилжон иргиб ўрнидан турди ва курсини унга суреб, ўзи диванга ўтиаркан, онасини хафа килганимга уришгани кирди, деган хавотирга тушди. У алантаб, яна дераза ташқарисига термулди. Шамсиддин ота барглардан тозалаган ток зангларининг эгри-буғри шоҳлари, устидаги чирок ёруғида ерга караҳт бўлган илон каби соя ташлаган эди. Тўсатдан юрагига мунг чўқди. Ички бир алам вужудини тилиб ўтди. Унинг холатини пайқаган Ўқтамжон шошиб:

– Кетмоқчимисиз? – сўради жомадонга кўз ташлаб.

Фозилжон оғзидан чиққан гапга амал қилиб ўргангани боис нима дейишини билмай қолди. Буни араз деб тушунган Ўқтамжон:

– Кечиринг! – ерга боқиб деди, – аям яқинларига шундай, самимий муомала қиласилар. Аммо ҳеч качон бирор

га ёмонликнираво кўрмайдилар. Доимо, бегоналар ўргада парда билан гаплашади, дейдилар.

Фозилжон қайрилиб, ғамгин нигоҳини йигитнинг ёниб турган кўзларига қадади:

– Олдинроқ шипшитиб кўйса бўларди-ю?

– Сюрприз килишни яхши кўради, – кулимсиради йигитча, – гапининг уддасидан чикади лекин. Шунинг учун баъзи бирорлар данакдек пишик дейишади.

Фозилжон нима дейишини билмай, тараддуланиб қолди.

– Эркаксиз уйда қалай бўларкин?

– Биз-чи? Бу ёғидан ҳавотир олманг, Фозил ака! Аямга, далаларимизга ёрдамингиз тегади, бунга аминман...

Фозилжоннинг юраги қалқиб кетди. Йигитчанинг соддагина илтифоти, меҳр кўрсатиши кўнглини тоғдай кўтарди. Шу топда уни бағрига босгиси, пешонасидан ўпгиси келди. Аммо яна бир андиша, аникроғи ғуур йўлини тўсди.

– Авваллари ҳам аям сизни кўп гапиради, – йигитча ўрнидан кўзгаларкан, деди, – кишида, Тошкентга қурултойга борганида ҳам иш жойингизга учраб, сизни тополмагач, келибок ўн кунларни ўtkазиб, бир-икки марта ҳат ёзди. Жавоб ҳати олмагач, тарвузи кўлтиғидан тушиб юрган эди, бирок...

– Осмондан тушдингизми, ердан чиқдингизми, пайдо бўлиб қолдингиз, денг, – кулди Фозилжон.

– Ха, бу ишингиз аямга кутилмаган совға бўлди.

– Мен анави, катта бувингизнинг вафотини эшитиб...

– Нима бўлганда ҳам яхши иш бўлди. Бизнинг дала майдонимиз Фозилжон учун тажриба участкаси эди-да, деб юрувдилар.

У қархисида турган йигитчанинг күшчадай тўлиб-тошиб чугурлашидан завқланиб кетди.

– Феъли шунака, дангалчи. Аввал ўйлаб, кейин сўйлайдиганлардан. Ҳеч қачон кўзи етмаган ишга қўл урмаган. Ҳеч қачон гапи ерда колмаган.

– Курсдошлар орасида ҳам бирор бахсу мунозарада гапини ўтказа оларди. Бу характеристини биламан.

– Сарви опам ҳам тортишаётганларингни кузатиб туриб, барибир опам опқолади, қолиши керак, дедилар. Ишонади-да.

– Ш-шунақа денг?

Унга қизнинг қолиши керак дегани ёғдай ёқиб тушди: «Демак, у ҳам хохляпти», ширин энтикди.

– Ҳа майли, биз ҳам сюриз қылсак қилибмиз-да.

Иккови енгил кулишди. Бир-бирларига яхши тушлар күришини тилаган ҳолда хайрлашдилар. Чирокни ўчириб, ўрнига ётаркан, хаёлида Сарвинознинг юзини тасвирлади: «Ажаб, киприклари худди еллигичга ўхшайди, шахло кўзлар, кулгуга мойил ёкут лабларнинг шарму ҳаё ўтидан каттиқ кимтилиб туриши, гапирганда нигоҳини четга қадаши, иболи кийинишлари...»

Шу онда Фозилжон юрагининг бир четида нимадир ковдек ёнаётганини сезди: «Севиб қолдимми? Кўнглимни банд этаётган туйғу севги! Ҳа, севги! У-чи? У ҳам бефарқ эмас. Йўқса, йигитчага қолиши керак дермиди? Демак...»

**Бирданига ишнинг бу қадар ўзгариб кетганига ишонгиси келмас, юраги ширин хислардан ҳашқирад, ~~мурожа~~ ми билан отамлашгиси, баҳслашгиси келарди.** Лекин қани ўша одам? «Райком секретари ким? Нима деркин? – ўйга толди яна, – кўнмаса-чи? Кўнса керак! Негаки, Мунаввар ишонгани учун шундай қилди-да. Кўнмаган тақдирда ҳам коламан. Менга тажриба учун кенг дала майдонлари керак эмасмиди? У эса каршимда турибди. Бу имкониятни кўлдан чикариш, баҳтни кўлдан бой бериш билан тенгдир».

– Бугунок ишга судрамайман, – кулиб деди Мунаввар, – иш бошлаганингиздан кейин эса хордик чиқаришгаям кўймайман. Дехкончиликнинг конуни бу. Бугун Пахтабодни айланинг. Тарихи бой. Ховсан ота, Кўктўнлик

отадай зиёратгоҳлари билан бутун оламга танилган маъво бу. Қисқа вақт ичида бутун пахтаободликларнинг қалбидан жой олиб, юрагига мангу ўрнашиб қолган Ҳамид Қодировдай шахсларни ҳануз соғиниб яшаётган маскан бу... Эх-ҳа, гапирсам, йилнинг кечаю кундузи етишмайди. Ҳозирда Ҳабибийдек буюк шоири билан фаҳранади. Ул зотнинг хотирасига атаб, – чап томондаги боғни кўрсатди, – шу ернинг усталари «Марказий истироҳат боғи»нинг ўртасига ҳашаматли музей биноси қуришган. Шоир Акрамжон Ҳамроқулов директорлар. Кўринг-да, шаҳарингизнинг манаман деган музейидан қолишмайди. Ўзбекистон бўйича ҳеч бир туманда учта дарё оқиб ўтмаган, бизда эса бор. Хуллас, қолганларини кейин гаплашаверамиз. Хайр, ҳозирча...

«Волга» узоклашгач, у боғ эшиги томон йўл олди. Музей ёпик эди. Дириектори пахта ҳашарига кетганини эшишиб, боғ айланди. Сўнг бир қарорга келолмай, анча турди. Охири район бўйлаб кезгиси, орзу хаёлларга эрк бергиси, дилида келажакда нима ишлар қилишини режалаб олгиси келди. Соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оларкан, аста олдинга қараб кетди.

«Мунавварнинг ишончи – бизнинг ишончимиз. Пахта ҳосилдорлигини кўтаришда ёрдамингиз тегади деяпти, унинг бу кафиллигига уялтириб қўймассиз?..» Ҳали қабулида бўлишган туман котибининг гаплари қулоги остида жарангларди. Шу он унинг кўксига милтираб турган бир умид қанот ёзди. Ўзида фавқулодда зўр бир куч уйғонаётганини сезмокда эди. Қалби ёруғ орзуларга, ниятларга, шу билан бирга Мунаввар учун аталган миннатдорлик изҳори билан тўлиб-тошганди. У энди ўзлигини таниш учун уйғонаётганини англади. Бирдан кўз ўнгиди, йўл ўртасига ҳарир оқ қор каби лиbosлар ичиде Сарвиноз намоён бўлди. У Фозилжонга меҳрибон, муруватли, ҳамдард бир нигоҳ билан боқиб туар, унинг карашларидан «Сизга ўхшаганлар гапининг уddасидан чиқа олади» деган маънони укиш мумкин эди. «Севиб

колганга ўхшайман», пичирлади лаблари. Ҳа, у билан биринчи бор кўзлари тўқнашгандаёқ юрагида илиқ бир туйғу ниш ураётганини сезган эди. Лекин кўнгил уйид нималар бўлмайди, дил тубида нималар унмайди, дея ўзини чалғитган эди. Энди-чи? У иқрорий кўз билан атрофга кўз югуртирди. Этагини аста судраб келаётган тунга, осмон узра бир-бир мўралаб чиқаётган юлдузларга, замин бағридаги йўлларда бирин-кетин ўтаётган ҳар турли машиналарга, йўлка бўйлаб шошиб бораётган, келаётган одамларга нигоҳ ташларкан:

– Дунё турли оҳанглар, ҳар хил ранглар, жилвалардан иборат экан, – пичирлади хаёл суреб, – қалби эса чексиз шодлигу ғамдан, меҳнату мاشаққатдан... Гўё инсон каби...

Сўнг сал нарида кетаётган йигитчанинг қўлидаги магнитофондан хофиз Маъмуржон Узоковнинг «Суратинг» кўшиғининг янграётгани қулоғига чалинди. Унинг астаса узоклашиб бораётган куйнинг сехрига қорилган бўғим-бўғимлари, бутун борлиғи сархуш эди: «Яхши кўшиқ қалбингни ёндиради, юрак-бағринг экан-у, ҳатто жон томирларининг тача жизилилатиб куйдиради». Бирдан кўз олдида Сарвинознинг қиёфаси гавдаланди. Ажаб, бу гал хонатласда...

У тун пардасини тушириб бўлган, кўк чечаклари мўралай-мўралай осмон бағрини бодроқ каби тўлдирганда хориб-чарчаб дарвозадан кириб келди ва кундаги дам оладиган хонаси томон йўл олди. Унга шундай туюлдими ё бугун ўзга бир меҳрибон қўл алоҳида меҳр билан қарадими, хона ичи ҳар кунгидан бошқача: тоза, файзли, у илғаб олиши қийин бўлган муаттар ҳидлар билан тўлган эди. Стол устида пахта гулли чойнак-пиёла. Чойнакнинг копқоғини очди, сув. Пиёлага озгина куйиб ичди, тамшанди. Яна қуйиб, ҳузур қилиб ичди. Келганини бирор пайкамаганини билди-да, юмшоқ, оппок ўринга чўкиб, ухлаб қолди.

Ноябрнинг охирги ҳафталари. Ҳаво тунд, гўё ер юзи билан урушиб қолгандай қовоғи солиқ. Борлиққа хира дока ёпилгандай. Дарахтлар шивир-шивир қилиб, саргайган япроклари ила хайрлашаётгандай. Чехра бергувчи турли ўт-ўланлар аста сўлиётгандай. Ер бети катқалоқ. Кексаларнинг айтишича, қиши болалаб қўйган, яъни ер бетига эрта кор тушган, лекин кордан асар ҳам кўринмас, факат заҳми этингни жунжиктиради. Далада колхозчилар қораси кўринмас, онда-сонда мол-қўй бокәётган тўп-тўп болаларнинг хайқириғи эшитилар, қандайдир ўйин билан машғуллиги сезилиб турарди. Карғалар қагиллаши ва чумчукларнинг ҳазонлар орасида емак кидириб сакраши, бирон шарпа сезилса ўзларини дув этиб ялангоч новдаларга уришларидан ўзгача манзара йўқ. Киши нафаси қайтадиган ва [дилдида](#) ҳираклик туғдирадиган бундай ҳавода яқинда ям-яшил бўлиб тебранаётган ғўза туплари баргсиз, паҳтасиз чаноқларининг колоқ ўқувчилардай оғзини очиб туришлари, энди кимгаям керакман, дегандай ғўза пояларининг қаққайганини кўрган Фозилжон беихтиёр паҳта қолдикларини кўриб уялди ва эгат оралаб кетди. Иссиқ кунларда эгнингга тегиб шилдираган ва кўлларни тирнаган чаноқлар энди кишини мунгли, оҳиста сийпалагандай туюларди.

Камида йигирма-ўттиз чаноқдан бир сиким паҳта йиғди. Кафтлари орасида сикимлаб туриб, чор-атрофни кузатди. Назаридан ҳаммаси бир хил. Яқинда ер ҳайдалади. Демак, баҳор келишини кутмоқдан ўзга чора йўқ. «Ҳм, кайси бет билан маош оламан? Бекорчидан худо безор деганлар. Бирор йўлини кидиришим керак».

У келибок бирор таънага қолмай деб, вильт вирусларини текширишни мақсад қилиб қўйди. Шунинг учун алоҳида рақамланган пробиркаларга тупроклардан намуналар олди. Ора-сира томчилаётган ёмғир кучаймай туриб, илдам ҳаракатлар билан идорага кайтди. Ишга тасдикланган кун-

нинг эртасига Мунавварнинг, бу кабинет сизники, бемалол иш килаверинг, деб кўрсатган, идора залининг охиридаги, бурчакдаги эшикка кириб кетди. Пробиркаларни эҳтиётлаб стол устига териб чиқди. Бирор хафта ўтгач, натижасини аниклайман, деди-да, кечга яқин челаклаб ёғаётган ёмғир остида уйга кайтди.

## 9

Фозилжон ўз хонасида дехкончиликка оид китоблардан бирини олиб, ўкиб ўтиради. Кечга яқин юзлари бўғриқкан, кўзлари хорғин бокиб, Мунаввар кириб келди. Жун рўмоли елкада, бошини қуии согланича дармони қуриб, диванга оҳиста ўтириди. Уни бу ҳолатда кўрган Фозилжон касал деган гумонга борди. Мунаввар икки кафтларини икки бетига кўйиб, тирсакларини тиззаларига тийди:

— Ёкубов колхозининг раисига Мехнат Қаҳрамони унвони бериладиган бўйти, — дея гап бошлади дард билан, — шуни ювдик.

«Ҳм, ҳасад касалига учрабди». Фозилжон ички ижирганини билан юзини **хиёл бурди**. Яна кўнглига ботадиган гап килиб кўйишдан чўчиб, тилини **тийди**.

— Вильт панд бермаганида бизлар ҳам юкори ҳосил олардик, — ички изтироб билан гап бошлади Мунаввар, — кизик, уларда вильт йўқмикин? Бор. Бор бўлса керак. Нега улар юз эллик, икки юз бажаради-ю, бизлар чўлоқ аравадай яrim йўлда қоламиз?

Фозилжон йўлда келаётганда Турсунбой қайсиadir кўшнисининг коғозда олтмиш тонна пахта териб, мукофот олганини қуйиниб гапирганини эслади. Ҳозиргина Мунаввар тўғрисида бемаъни хаёл қилганини эслади ва баъзи масалаларда шошилиб хулоса чиқараётганидан ўзини ўзи койиди, ҳам уядди.

— Балки коғоздадир, — Мунавварнинг кўнглини кўтармоқчи бўлди.

– Йў-ўк! Бизнинг райком честний одам. Унака ишларга қарши, ишонаман.

Фозилжон Мунавварнинг кўзларида ҳасадни эмас, энди бошқа бир дардни кўрди. Бу дард ич-этини кемираётганини англади.

– Балки ерлари күёшлидир?!

– Бе, кизикмисиз?! Олманинг бир бети уларники, бир бети бизники-ку.

Бир муддат жим қолди у. Сўнг қўлларини олдинга чўзганча:

– Бизнинг ерларимизда касаллик кўп, – деди энти-киб, – биласизми, еrimiz кучсиз. Ҳар йили бир хил, яъни пахта экиласвериб, еrimiz уни хушламай қолган.

– Алмашлаб экиш керак.

– Нималар деяпсиз, курсдош?! Нак пешонамдан отишади-я?!

Фозилжоннинг ҳайрати ошди:

– Фанда...

– Бе, раҳбарлар фанингизга амал қиласидими? Уларга пахта керак, пахта!

– Тавба қилдим, – энсаси қотди Фозилжоннинг, – ё унга кўнмайсиз, ё бунга...

Мунаввар жимиб қолди. Афтидан у тортишишдан фойда йўклигини анлаган эди. Ва охири:

– Якин орада ҳаммасига тушуниб оласиз, – деди муло-йимлик билан ўрнидан кўзгаларкан.

– Ўқтамjon кўринмайди?!

– Институтга кетди, ўкиш бошланибди...

Эртасига қор ёғаётганини кўрган Фозилжон ўйланиб қолди. Идорага борсинми? Айтганча, Мунаввар қаерга кетди? Қандайдир юмуш билан куймаланиб юрган Сарвиноздан сўраган эди, яна райкомга чақиртирилганини айтди. У энди кийиниб, ташкарига отланиб турган эди, Ўқтамжон кириб келди. Салом-аликдан сўнг:

– Корни кўринг, қишки кийимларимсиз кетибман, – кулди у елкасида ўрнашиб колган қор колдикларини қоқаркан, – совук ҳам бошланди.

- Ҳм, кишнинг қиласар иши-да бу.
- Бирон жойга шошяпсиз шекилли?
- Ҳа, идорага бормоқчиман.
- Айтганча, Рустам акам телефон қилди. Тинч эканлар.
- Яхши.
- Тўхта аям ҳам салом деди.
- Раҳмат, саломат бўлишсин.

Фозилжоннинг боши осмонга етди. Йигитчанинг ўзига якин олиб айтган дил сўзлари унинг кўксини илиқ ҳисларга тўлдирди.

- Мен уйларга печка қурай, аям совқотиб қолмасин.
- Ўқишни ташлаб келиш шартмиди, мен қуриб берардим.
- Раҳмат. Деканимиз кўп студентларнинг иссиқ кийимиз ўтирганини кўриб, рухсат бериб юборди.
- Унда майли. Ёрдамлашиб юборай?!
- Кўйсангиз-чи, Фозил ака, ҳар йилги қилиб юрган ишим-ку.

Фозилжон Мунавварнинг ғамини еяётган ўғлини кўриб, ич-ичидан ўқинди: «Назмия рўйирост аёл бўлганда эди, балки менинг ҳам фарзандим бўлган ва мана бу йигитча каби месхрибон бўлармиди?»

У бўралаб ёғаётган қор остида идорага келди. Секретарь киз Маъсумадан бошқа ҳеч ким йўқ. Фозилжон хонасига кириб, бироз уни-буни титкилади, журнал вараклади. Вужудига аста совуқ таъсир қила бошлаганини сезиб, тезда ортига қайтди. Меҳмонхонага печка қуриб, олов ёқаётган ўқтамжонни кўриб:

- Ҳормасинлар, – деди меҳр билан, – ҳакиқатда бугун печка қурилмаса бўлмас экан, ташқари анча совуқ.

У шошиб, ўзи яшаётган уйга кириб кетди ва зум ўтмай уст-бошини алмаштириб чиқди. Бироздан сўнг Сарвиноз келиб, дастурхон ёзди ва нон, иккита чиннида қайнок шўрава келтирди. Фозилжон бундай ғамхўрликни кўриб, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Чунки бунака пайтларда ўзинг учун

ўл етим қабилида ё иссиқкина чой дамлаб ичар ё ётогига якин ердаги арzon нархли ошхонадан ул-бул тамадди киلىб келарди. Күзларига ўш сизиб келди. Ҳа, у ҳеч қачон бундай меҳр оғушида яшамаган эди. Яна кизнинг назокатты бокишлари күнглини эритаётгани-чи?

– Опа, – деди Ўктаңжон Сарвичозга караб, – сизлар-нинг ўқишингиз келгуси ҳафтадан бошланаркан.

– Яхши.

Фозилжон бир унга, бир бунга қаради.

– Опам агрофакнинг сиртқи бўлимида ўқийдилар.

– Яхши, демак, бўлгуси агроном денг?

– Ҳа, бу йил охирги курсдалар, яхши ўқийдилар. Баъзи да аям ҳазиллашиб, ўрнимга сени раис киламан дейдилар.

– Сабаби бўлса керак?

– Баъзи фикрларда тортишиб кўринг-да, теша тегмаган янги гапларни айтади. Лол қолдиради.

– Шунаقا денг?

Ҳануз Мунаввардан дарак йўқ. Улар овкатланиб бўлишгач, Ўктаңжон дам олмокчилигини айтиб, хонаси томон кетди. Фозилжоннинг эса Сарвиноз билан ўтиргиси, ширин сухбатлашиш асносида унинг мунис товушини такрор-такрор эшитгиси келди. Чунки унинг самодай бокира юрагига Тангри ишқни раво кўрган, қалбининг дарвозасидан аста мўралаб, юрагига оёқ босган ва аллақачон забт этиб бўлган эди. Шу топда оташ каби ёнаётган кўксини бир савол тирнар, гумонларини улғайтиради: «Севадими? Севармикин? Ё ўзга бир... Севгим бесадр бўлса-я...», куйган дили ғашланди: «Эй Худо! – Тангридан нажот сўради у, – ўзингдан ўзимни топишимига ёрдам бер! Ўз ўрнимда ўзлигимдан айирма! Бокира севгимнинг топталишига йўл берма! Туннинг кипригида тунашимга, куннинг юзида уйғонишимга, осмоннинг кўз ёшларида покланишимга ва замин бағрида улғайишимиға куч берганинг каби қалбимда яшаётган муҳаббатнинг ҳам бўй чўзишига мадад бер! Бағрини захга бериб ётган тоғларнинг тахир кисматини раво кўрма! Унга ишқ боби-

да энг тоза сўзлар топиб айтольмайман. Бисотимда унга бўйган севгимдан бошқа ҳеч вақоим йўқ! Йўқ! Лекин таним тупрокка дўнгунча бу йўлдан қайтмайман!.. Ҳа, қаттиқ севаман уни...»

– Ҳа, хаёллар арзандаси!

Фозилжон чўчиб, товуш келган томонга қаради ва пальтосини ечиб, Сарвинозга узатаётган Мунавварни кўрди.

– Ўрнингиздан кўзгалманг, ўтираверинг; – Мунаввар Фозилжоннинг кўзғалишига йўл бермади, – идорага борсам Маъсумадан бошқа ҳеч ким йўқ. Сизни келиб кетди, деди. Зерикарли ҳаво бўляпти.

– Опа?!

– Холамнинг олдиларига чикавер, корним тўқ! Ҳа, айтганча, тузукмилар?

– Ҳм, кўп ухляяптилар.

– Майли, кўп ухласа куч олади. Демак, яхши бўляпган экан.

Фозилжоннинг қизни ортидан маъюс тикилиб қолганини кўрган Мунаввар:

– Ишқилиб, кўп ухлаши яхшиликка бўлсин-да. На ота, на ака, на опаси бор. Агар холамга бир гап бўлса, боёкиш ёнгиз **ўзи қолади**. Ҳа, майли, тақдиримизда нима бўлса шуни кўраверамиз-да, начора? **Ҳозир рајком** хузуридаги йигилишдан келяпман.

Фозилжон савол назари билан қаради.

– Ахир биз, раҳбарларнинг ортида оқ яктак кийган, кўллари қадоқ дехқонлар турадилар. Нега уларни алдашимиз керак? Улар бизга Худога ишонгандай ишонишади. Биз эса ўз обрўйимиз, шон-шуҳратимизни ўйлаймиз. Бу қандай шармандагарчиллик? Уларнинг гуноҳи эртадан кечгача ер бағирлаб ишлаганими? Жазирама кунлари ҳам жонини жабборга бериб тер тўкканими? Ахир уларнинг бетига қандай қараймиз?

«Зўрға ўрта баҳога илиниб ўқийдиган Мунавварми шу? Ҳаёт уни тарбиялабди, чиниктирибди, фикрларини теранлаштирибди».

Мунавварнинг кўз жияклари қизарди.

– Янаги йилга албатта унвондор Қодировага айланармишман. Сохта обрў, сохта унвон, сохта... Ё алҳазар! Қоғознинг буюк қудрати ҳақида сўзлаб, нимага шаъма қиляпти?

– Шаъма қилди, нимага?

Бирдан Турсунбойнинг коғозда олтмиш тонна пахта терган кўшниси яна ёдига тушди.

– Тушундим, – киприклари пирпиради Фозилжоннинг – ўз оғзи билан шундай дедими?

– Ҳа, – заҳарханда кулди Мунаввар, – райком секретарининг ўз оғзи билан айтгани алам қиляпти. Уялганимдан тер босиб кетди. Бу – дәжкончилик номига доғ, иснод! Бир умрга ўчмайдиган доғ!

Бир муддат жим котди.

– Шу бугунгача айбни еримизга тўнкабман. Касал, кучиз дебман. Унвондорларники соғлом, серхосил дебман. Ерни соғломлаштириш керак деб, сизни опкелиш, биргалашиб чора кидириш ниятида такрор-такрор хат ёзибман. Гапбу ёқда экан!

Фозилжон ўйланиб қолди.

– Балки пастга кетишлар шунинг оқибатидир?

– Балки... Аммо ҳақиқий дехқон билан чайковчи дехконнинг фарқига бориш керак. Дунёда ер учун туғилган ўзбекнинг ишончини булғамаслик керак. Бизлар эса коғозда план тўлдирсак, юзимизни ёруғ қилсак, курортга борсак, курутой, съездларда виқор билан савлат тўкиб ўтиrsак, сўзга чиқсак, олти ой меҳнат килиб, елкаси яғир бўлғанлар қолиб, биз гапирсак... Бир кун келиб булар учун жавоб берамиз, ха, бошимиз билан жавоб берамиз. Негаки, абраҳимлиknинг ҳам чек-чегараси бор, Фозилжон.

Фозилжон унга ҳавас билан боқди.

– Эртагаёқ ҳаммани клубга йиғиб, бор гапни айтиб бераман. Уларни халқ орасида шармандаю шармисор қиласман.

- Эсингизни сбсиз!
- Нима-а? Мен-а-а?
  - Ха, сиз, эсингизни еб қўйибсиз! Сизнинг бу ҳаракатларингизга ҳалқ ишонади деб ўйляяпсизми? Қайтангга тухматчига айланасиз?
  - Нима қил дейсиз?! Томошабин бўп тураверайми?
  - Бундай пайтда ақл билан иш килиш керак.

Мунаввар умидли кўзларини унинг нигоҳларига қадади. Чин дўстлиги, меҳрибонлиги шундоккина кўзларидан аёнлигини сезиб, бироз юмшади.

– Кўряпсиз, сув бошидан лойқа. Балиқ бошидан сасиган. Шунинг учун уларни бошқача йўл билан, яъни амалда ба жарилган режанинг даромади билан шарманда қилишимиз керак.

- Аникроғи..?
- Ҳакиқий плани тўлган колхоз билан қоғозда план тўлдирган колхоз ўртасида катта фарқ бўлади. Натижада ўша сиз айтган унвондор раисанинг аъзолари кам ҳақ олади, даромади эса пучак, яъни йўқ. Бизда эса бошқача бўлади...

Мунавварнинг юzlари ёришиб кетди.

– Демак, биз унгача касал срларни даволашимиз ё нима сабабдан касал бўлганини, сиз айтганингиздек, қаер ош сайди-ю, қаер шавла ейди, аниклашимиз лозим. Унга караб эса ўғит турларидан фойдаланишимиз керак. Шундагина биз ютамиз. Билиб қўйинг, ҳалол ютуғимиз уларнинг башараларини фош қилиб ташлайди. Шунинг учун ҳозирча пашшадан фил ясамай турганимиз маъқул.

– Тушундим.

Мунаввар чуқур хўрсинди. Ён чўнтағидан валидол олиб, бир донасини оғзига солди, афтини бужмайтириди. Фозилжон пиёла олиб сув қўймоқчи эди, кўнмади. У раҳбарликнинг оддий бир кўринишидан қаттиқ таъсирланган кўйи аста ўрнидан туриб, хонаси томон йўл олди. Мунаввар эса тирсагини хонтахтага тираганича, хаёлга ботди.

Тупроклар намунасини кўздан кечириб ўтирган Фозилжон кабинетига Мунавварнинг кириб келганини пайкамай қолди:

– Сиз ҳамма ердан намуна олиб овора бўлманг, – деди у пробиркаларни бирма-бир ушлаб кўраркан, – иккинчи бригададан Уста Ғани, Қодирча пайкалидан, тўртингидан Салоҳиддин ва ўнинчидан Музроб карталаридан намуна олинг. Колгани ўз-ўзидан аниқланади-қолади. Айниқса, Уста Ғани ва Қодирча пайкалида вильт энг кўп тарқалған.

– Ўша ерларда авж олган денг?

– Ҳа, менинг назаримда ўша жойдан тарбияланиб чи-қаётганга ўхшайди, вируслари ўша ерда одам бўляпти.

Фозилжон кулиб юборди. Кошлари чимирилған Мунаввар:

– Куласиз-а куласиз, – дея ўпкаланди, – сиз эркакларга кулги бўлса бўлди. Шу вақтгача кўлламаган чора-тадбири-миз қолмади, барибир одам бўлмаяпти.

Фозилжон энди қах-қах уриб кулди.

– Зап ибораларни кўллайсиз-да Мунаввар, – кулигидан зўрға ўзини тийиб деди, – вируслар одам бўлди, ср одам бўлмаяпти.

Буни эшишиб Мунавварнинг ўзи хам беихтиёр кулиб юборди.

– Шундай дедимми?!

Кечки овқатдан кейин Сарвиноз Мунавварнинг қулогига нимадир деди-да, шошиб чиқиб кетди. Унинг мулойим бокишларидан сархуш бўлиб ўтирган Фозилжоннинг қалби ёнар, титранар, ўз-ўзидан хаёл гирдобига шўнғирди: «Сарвиноз юрагимнинг бир бўлаги бўлишини истайман, аммо севгани бўлса-чи? – юрагида аламли туйғулар бирдан ғалаён кўтарарди, – агар севгани бўлса-чи, э-э, нималар деяпсан ўзи, Фозил? Шундай гулюз харидорсиз бўладими? Юраги ишқсиз бўладими?»

Кўнгилдан ёмони йўқ. Гоҳ маҳзун ҳолда кон йиғлайди, гоҳ ўйноки хаёл отига миниб, хар ён чопади.

– Хаёлга берилиб кетибсиз? – сўради Мунаввар, – сиз ажаб сехрли хаёллар сурадиган бўп қолдингиз?

Фозилжон ўнгайсизланиб, томок кирди ва:

– Ҳамма ср ғўзапояси билан ҳайдаладими? – сўради Гапни буриб.

– Ҳа, район бўйича шундай.

– Одам оч колса ўз боласини емайди-ку?

– Нималар деяпсиз, бу ўсимлик-ку?

– Ҳамма бало ўсимлик деб караганимизда-да, Мунаввар!

– Ҳм, сиз бирорвинг елкасидан караб иш тутмайсиз, биламан.

– Ғўзапоянинг таркибида лимон кислотаси, крахмал, ишқор ва кальций моддаларидан ташкари инак ҳам бор.

– Ҳўш, ҳўш?

– Бу аралаш-қуралаш молдалар ер таркибини заҳарлайди-ку?

– Гапингизда жон бор. Тўғри, ош кетидан сут, сут кетидан тарвуз еган одамнинг ичагида нима колади??

Фозилжон ерни бу усулда ҳайдалиши зиён келтиришдан бошка иш эмаслигини куйиб-пишиб тушунтиаркан:

– Вакти-вакти билан ср бағрини ҳам тозалаб туриш керак, – деди куюниб.

– Буни ўйламабман. Қандай асбоб-ускуналар керак бўлса, хеч тортинмай айтаверинг!

– Энг кераклиларини ўзим билан бирга олиб келганман, раҳмат.

– Унда ишларингизга муваффакият тилайман.

– Айтмоқчи, колхоздаги карталар киши номи билан аталараканми?

– Ҳа, катта-катта карталарга илғор пахтакор – ветеранлар номини берганмиз. Аслида ўша ном билан аталган карталарда ўзлари фаолият кўрсатган. Кўрдингиз, ҳар бир карта атрофи тутқатор билан чегараланган. Абдуғофур ота билан Кодирча ота звено бошлиги бўлган. Уста Фани эса бригадир.

– Яхши аньана экан. Улар билан тез-тез учрашувлар ҳам ўтказиб туриладими?

– Учрашув шарт эмас. Ҳаммаси шу Ёлғизбог, Димитров участкаларида яшашса. Кунда-кунора кўришиб туришса...

– Кунора учрашувдан расмий учрашувнинг жуда катта фарки бор, Мунаввар. Улар ўз тажрибаларидан, дехқончилик сирларидан гапиришади, фикр алмашишади, ёшлар билмаганларини сўрашади. Яна энг муҳим томони шуки, ветеранлар ёлғизланиб қолмаганини, ёшларга ҳамиша кераклигини ҳис килишади. Мана гап қаерда?

– Тўғри айтасиз, масаланинг бу томонига эътибор бермаган эканман.

– Эшитишумча, Абдуғофур ота аввал бўғолтирир бўлган эканми?

– Ҳа, олдинги агроном раислиги вактида бўғолтирир бўлган экан. Чиқишлоғай ишдан кетган, сўнг звено бошлиғи бўлиб ишлаган, тиззалаб ер чопган дейишади.

– Нега?

– Уруш асорати, қўлтиқтаёқ билан юради.

– Кўряпсизми, ўзбек ногирон бўлса-да, барибир срга меҳр беради.

– Доим планни ортиғи билан бажарган экан, кейин...

– Хўш, кейин?

– Кейин иккита агроном ишлади. Хайруллоҳон aka «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном» унвонига сазовор бўлгандан сўнг, район бош агрономи вазифасига ўтказилди. Фахрийларнинг, у киши билан бирга ишлаганларнинг айтишларича, ер тилини, ўсимлик дардини ука оладиган миришкор дехқон. Ҳатто тиконли янтоқ ҳам у кишини кўрганда ипакдек мулойимлашиб қоларкан. Ундан кейингиси эса..., ҳа, майли, иш давомида уни ҳам характерлайдиган гап-сўзлардан қандай инсон бўлганини билиб оларсиз.

– Авваллари ҳам ҳосил ҳозиргидек бўлармикан?

– Ҳамма гап шунда-да, у вактларда ўриб олган гўзапоялардан ҳам қиши билан пахта териб чикарканлар.

Момоларимиз паҳтани чувиб, урчук, ҷархда ип қилишиб, қиши билан бўз тўкиб чикарканлар. Эндиликда, ҳамм, энди ақлим етгандай, баъзи чала олимларимизнинг кўрсатмалари ҳам еримизнинг озиб кетишига сабабчи бўлган-ов!?

Фозилжоннинг бўғин-бўғинлари зиркираб кетди, жон томирлари қақшаб кетди: «Чала олимлар..!» ғижинди у.

Мунаввар Фозилжоннинг бир тарз ўзгарганини сезиб, шошиб қолди:

– Ё ишловда адашяпмизми? – гапини ўнглаб олди тезда, – ҳали сиз ветеран-паҳтакорлар билан жонли мулокот ўtkазиш хақида гапирдингиз, а? Тўғри айтасиз. Уларнинг тажрибаларини ўрганишимиз керак. Эшитишимча, Хайруллоҳон ака доим кекса дехқонлар билан бамаслаҳат иш киларканлар, хмм, демак...

– Ишловда бир сир бор, – хиёл юмшади Фозилжон, – ҷала олимлар ҳам билмайдиган.

– Шу сирни топиш керак, – Мунаввар колган гапни эшитмаганга олди, – бир вақтлар Қодирча ота билан сухбатлашганимда трактордан шикоят қилган эди.

– Трактордан шикоят?

– Фидираги қўпол, иложи бўлса тишли қилиш керак деганди?

– Тишли?

– Ҳа, авваллари тракторларимизнинг ғидираклари тишли чиқкан экан. Уларга алоҳида йўллар ажратилмаганиги, асфальт, текис йўлларни ўйиб ташлаганлиги боис воз кечишган экан.

– Демак...?

– Тишли бўлса жўяқ ичи ҳам чопиљиб кетади. Ҳозиргиси эса гўза туплари остини тарашадек қотириб қўйяпти деб айтганди.

– Бунинг йўли осон эди, – қўзлари чақнади Фозилжоннинг, – чопиқ тракторларини фақат далалар ичидаги ишлатиб, катта йўлларга олиб чикилмаса бўларди-ку?

– Ким билади...?

Фозилжоннинг ёдига яна лоп этиб Турсунбойнинг гаплари келди: «Ўтган йили бир танишим пахта териш машинасининг рангини ўзгартириб қўйиб, техника фанлари номзоди бўлди». «Балки ўшадир, тишли тракторни йўқ килган. Демак, юкорига ғилдираги тишли трактор ишлаб чиқарини масаласини қўйиш керак!

Ё ерни ўғитлашни, ё... Хуллас, чала дехконлармиз».

— ...

— Бу соҳа бўйича беш йил институт тупроғини яладим. Неча йилдан бери дала ичидаман, аммо ҳануз ўзимни баркамол дехкон санолмайман. Нега?

— Эҳтимол, — тахминлади Фозилжон, — биз одамлар тури касалликларга чалинганимиздай, ер ҳам ҳар хил балофатларга дуч келаётгандир?

— Қайдам?

Энди Фозилжоннинг кўз олдида пайкаллар, сарғая бошлиған ғўза барглари, ёрдам беринг дегандек, бош эгиб турган танасининг bemажол титрашлари намоён бўлди. Гўё лойка сув аста-аста тиниши қаби унинг ҳам ўй-фикрлари равшанлашиб бораётган эди.

— Дўппини мана бундай ёнга қўйиб ўйласангиз, баъзида калаванинг учини тополмай қоласиз. У жойларга бировнинг бригадир бўлишига кўнмагани-чи? Звено бошлиғининг минғир-минғирини асти қўяверинг. План тўлмагач, бесордан-бекорга умр ўтказишга кимнинг токати бор?

— Райком секретари ҳаммасидан хабардор бўлса керак?

— Аввалгими, Ҳамид Қодиров саксон фоиз биз томонда турарди, ҳозиргиси, э-э, — қўл силтади Мунаввар, — кечаги гапидан кейин ҳафсалам совиди. — Тавба, баъзида елкада турган ўзингнинг бошининг эканлигигаям ишонмайсан киши.

— Такдирга тан бер дент?

— Йўқ, менга бўрону довулларни писанд килмайдиган ҳамроҳ керак.

Мунавварнинг юзида дўстона меҳр нури балқирди. Буни кўрган Фозилжоннинг ҳам кўнглига илиқлиқ инди ва унга ишонаётган аёл каршисида қўксини баланд кўтарди.

«Демак, райком секретарининг ер, эл билан иши йўқ. Унга план тўлса, минбардан тушмаса бўлди. Назаримда, кураш энди бошланади. Юкори, дўппи деса калласини кесадиганлар хилидан экан. Ҳа, нихоятда эҳтиётлик билан иш олиб бориш керак. Йўқса, беайб узилган бошлар қаторига кўшилиб қолиш хеч гап эмас, худди шундай. Ҳа, шунақа эҳтиёт бўлиш лозимки, ҳатто катиқни ҳам пуфлаб ичмок керак...»

## 11

Тун. Ҳозиргина ёғиб ўтган кордан асорат ҳам йўқ. Фақат дараҳт шохларига қўнганидан илон изидек қолган. «Демак, хали ернинг тафти кетгани йўқ». Ҳовли юзида папирос чскиб айланиб юрган Фозилжон дарвоза ёнига келганида ғийқиллашга ўхшаш ғалати овоз эшитилди. Афтидан, тегирмоннинг парраги айланганда чикарган овозга ўхшарди. Қизиқиб дарвозадан ташқарига чиқди. Унда китобларда ўқиган, киноларда кўрган тегирмонни ўз кўзи билан кўриш иштиёқи кучайди. Атрофда зоғ ҳам йўқ. Тувуш саройнинг юкори қисмидан келарди. Фозилжон бироз иккиланиб туриб, сўнг беихтиёр ўша томонга караб кетди. Бу овоз чиқараётган нарса хариларни тахтага айлантирадиган цех бўлиб, хира чирок ёруғида икки киши куймаланиб, нимадир килиб юрарди. Фозилжон якинлашиб бориб, цех ёнида турган колхознинг юк машинасини кўриб қолди. Машина шофёри кабина зинасига ўтириб олиб, аллақандай кўшикни хиргойи қиласарди. У ўзини панага олди. Бироздан сўнг шоимўйлов, қора магиздан келган шофёр уларни шошира бошлади: «Топилдихон-ку?» Фозилжон у билан дала йўлида танишган эди. Правление аъзолари колхозда бундан тузукрок машина йўклигини ҳисобга олиб, Топилдихонни унга боғлаб қўйишганди. Фозилжон бундай муруватдан хижолат бўлиб рад килган, янайм аниғи бунака марҳаматга ўрганмаганлиги учун бироз эриш туюлган ҳамда уялган эди.

– Эшаги минг танга, югани бир тангага тушмайдими? – эътиroz билдирганди у Мунавварга, – ҳали арзигулик иш қилганим йўқ, одамлар нима дейди?!

– Сизга тузукроқ машина қилиб беролмаганимиз учун хижолатдамиз. Ҳозирча бизни уялтирмай, шундан фойдаланиб туринг, илтимос...

– Ҳой, бўлларинг! Мен эрталаб ишга боришим керак.

Фозилжон чўчиб тушди ва бор дикқатини уларга қаратди.

– Ука, – деди чувак юзли орикқинаси кафтининг оркаси билан пешона терларини сидиаркан, – кўряпсан-у, тўрт кўллаб ишляпмиз, ҳадеб шошираверасанми?

– Ҳа, – қаҳ-қаҳ уриб кулди Топилдихон, – кимлигингиzioni ни яхши биларкансизлар, а?

– Нима қиласиз бунга гапириб, – хириллади яна бири, – ҳа, десангиз ҳаддидан ошаверади. Ўпкасини ари чаққан.

– Нима, мен итмидимки, ол деса олақопгани? Эшитиб олларинг! Ит бўлган тақдиримдаям сенларни тишлашдан ор қиласман!

– Ҳа энди, сал инсоф билан бўл-да, ука!

– Инсоф эмиш! Сенларда борми ўша инсоф?!?

– Ҳей, унутма! Биз ҳам топшириқни бажаряпмиз! Бизга копейка фойда йўқ!

– А-а, шунақами? Бу ишнинг ортидан шунақа фойдаланасизлар, шунақа фойдаланасизлар! Э-э-э!

Кўл силтаб нари кетди. Шунақа ўхшатиб сўқиндики...

Фозилжон умрида бундай сассиқ гап эшитмагани боис уялиб, кўзларини ерга қадади. Шофёр аста жойига бориб ўтиаркан:

– Колхоз танасига тушган куртлар, – ғўлдиради, – кўлимдан келса битта-битталаб эзғилаб ташлардим.

Фозилжон унинг бу гапларини кимга қарата айтганини тушунмади: «Куртлар дедими? Ким улар?» Уни титроқ босди. Топилдихоннинг ёнига бориш учун иккиланиб турган эди, яна ғудранганини эшитиб, фикридан қайтди.

– Бензин пули, ток пули, тахта пулини ҳали бўғолтири тоғамиз колхозчилар гарданига сочади. Бечоралар, емаган

сомсага пул тўлашаётганини билишмайди ҳам. Билишсаям нима қила олишарди? Жабр-жабр, колхоз аъзоларига жабр...

Топилдихон бир учи пирпираб учайдан мўйловини силаб қўйди ва оёғи остида ётган кичкинагина гўлачани кўлига олиб, аста хиргойи қила бошлади:

— *Арзимни айтай кимга, алла болам,  
Колхоз ўхшар етимга, алла болам.  
Колхоз мулкин ташайди, алла болам дод-эй,  
Раҳбарлар ўз уйига, алла болам.*

Топилдихон гўланни кўкси аралаш кўлига ёткизиб олган, худди она боласини аллаётгандай аста-аста уриб қўярди. Кўшик авжини бироз кўтарган ҳолда давом этди:

— *Бригадирлик ҳунарми, алла болам,  
Таъзимсиз кун кўрарми, алла болам.  
Раҳбарларнинг аригин, алла болам дод-эй,  
Чопмаса ҳеч унарми, алла болам.  
  
Бўғолтиричи чўт қоқар, алла болам,  
Чўтдан кўп фойда оқар, алла болам.  
Ўт қўяр ҳар бир уйда, алла болам дод-эй,  
Деҳқоннинг бағрин ёқар, алла болам.  
  
Раис опам соддароқ, алла болам,  
Паркткомиш-чи гўлроқ, алла болам.  
Сўрсанг асли колхозда, алла болам дод-эй,  
Кассирдан-ку йўқ бойроқ, алла болам.  
  
Ўғим чиқар датага, алла болам,  
Аммо кетар панаға, алла болам.  
Биргад қурғур қўл қўяр, алла болам дод-эй.  
Пулин сочиб ҳаммага, алла болам.  
  
Амалдорлар гирт ўери, алла болам,  
Тутунни ютар мўри, алла болам.  
Тотиларми ҳеч мундоқ, алла болам дод-эй.  
Ҳалолу пок ҳам тӯери, алла болам.*

— Ҳой Топилдихон!

У овоз келган томонга эриниб қаради ва:

– Хотини тўлғоқ тутган одамдай мунча бақирасан? – деди пинагини бузмай.

– Бўлди, кани, тепага чик!

– Нима-а? Мен-а? Тушингни сувга айтасанлар! Ҳали тинчгина олиб бориб қўйсам ҳам жон деларинг! Бир мелиса тўссайди.

– Кўркма, мелисаям ўзимизники...

Фозилжон аста-аста қадам ташлаб, узоклашиб бораркан, рўпарасидан чикиб колган Шамсиддин отани кўрмай қолди:

– Э-э, меҳмон, хуш кепсиз, – ота қўшқуллаб кўришди, – тинчликми? Бемаҳалда нима қилиб юрибсиз?

– Ўзингиз-чи?

– Сабаби тирикчилик, шу саройга коровулман.

– Шундай денг? Цехда ўғрилар юрибди шекилли?

– Ёпирай, ўғрилар? – ота ҳовлиқканнамо ўша томонга қадам ташлади, – цехни ўмаришяптими?

– Тахта тилишяпти.

– Тахта, ҳмм, хари денг? Бундай демайсизми? Ўтакамниям ёрвордингиз-а? – кулиб кўксига туфлади. – Ахир цех колхоз амалдорлариники-ку?!

– Шундай денг? Ўзларининг маблагига қуришганми?

– Ҳа энди...

Ота бошқа сўз айтмади-да, липпиллаб цех томон кетди:  
«Ҳмм, ўзлариники... Тавба! Ўғрига ўхшаб тунда ишламай, кундузи бажаришмайдими?!»

## 12

Кабинетда эрталабдан бери ҳар ер-ҳар ердан олган на-  
муналарини текшириб ўтирган Фозилжоннинг юзлари  
ёришиди. Уста Ғани ва Қодирча еридан олган намуналарида  
вилт вирусларининг ривожланаётганини, бошқаларида эса  
деярли йўклигини кўрди. Фозилжон кизил муқовали дафтар

тутиб, ишидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб борарди. Бугуннинг натижасини дафтарга қайд қиларкан, ўйланиб қолди: «Ташқарининг бор кўриниши оқ либосда, кор. Балки кор тагида, совукда вируслар ҳаёт кечирмас, демак...»

У апил-тапил кийинди-да, кўлига кичкинагина кетмон-часини ва тупроқ халтачасини олди. Яна бир тахланган халтачани эҳтиётдан чўнтағига солиб қўйди. Целлофан қофозга ўралган пробиркаларни халтага жойлади-да, ташқарига ошиқди. Унинг кўзлари қамашиб, бир зум туриб қолди. Идора зиналаридан тушиб келаётганда Маъсумага йўлиқди.

– Бугун правление йиғилиши бўларкан, – қўлини оғзининг ховурига тутиб кух-кухларкан, – ҳамма қатнашиши шарт экан.

– Хўп.

«Бир киши минғирлайди, колгани мудрайди», тўнғиллади йўл-йўлакай. Қалин ёққан корга машина из солган йўлдан вилт тэккан пайкаллар томон кетди. Тут шохлари ҳурпайиб, кор қўнган новдалар ажиб кўриниш ҳосил қилган. Ҳеч бир шарпа сезилмаган дала ўртасида дам текис, дам чайкалиб бораркан: «Ўша вильтниям, жин урсин! Падари...», тўнғиллади, дам ўтмай кулиб юборди: «Падари». Кайфияти енгил тортган Фозилжон тез-тез қорни сурди ва ер бетини очди. Бу ва бошқа соғлом ерлардан ҳам намуналар олиб, пробиркаларни халтага эҳтиётлик билан жойлади. Сўнг бамайлихотир ортига қайтди. Касаллик гумони бор, маълум белги билан белгиланган пробиркаларни алоҳида, соғлом деб билганларини эса алоҳида териб чиқди. Дафтарига санани ёзиб бўлган ҳам эдики, эшик очилиб:

– Бошланди, – деди Маъсума.

## 13

Келин куёвнинг кўксига бош кўйганидек, куёш ҳам аста туннинг бағрига ботди. Шом вактидан ўтган. Ажаб, шундай кенг ҳовлида на Мунаввар, на... Ўқтамжон-ку ўқища.

Сарвиноз-чи? Шу пайт ташқарида кимнингдир гапираётгани қулогига чалинди... Илдам бориб эшикни очди ва қўлида чинни коса кўтарган Шамсиддин отани кўрди.

– Ассалому алайкум, ота, келинг.

– Ва алайкум, зерикмай ўтирибсизми? Ўғлим, кампирим манти килган эди, пазандалигини синааб кўринг-чи, деб сизга илиндим.

Фозилжон шуни кутиб тургандай, стол устига дастурхон ёзди-да, мантининг бетини очди.

– Келинг, биргаллашиб еймиз.

– Ҳозиргина кампирам билан едим.

– Ўлганлар тирилиб ейдиган манти бўпти, – бир-иккитасини егач, Фозилжон мақтаб кетди, – умримда бунақасини емаганман, ота.

– Шунака пазандаки, ҳозиргача келинлар пиширган таомларга ўрганолмай ўтяпман. Саксонни уриб қўйсаям бечорани тинчтимайман. Боёкиш эринмайди.

– Саксонни? Унда...

– Ҳм, мен саксон тўққиздаман. Сизниям кампирингиз шунака пазандами?

– Кампир йўқ! Ёшлигим интернатда, сўнг... Кўча ошхоналарида овқатланаман.

– Шунақами? Узр!

Ота индамай соколини силаб қўйди. Фозилжон овқатланиб бўлгач, ўрнидан кўзғалди:

– Чой дамлаб келай!

– Йўқ-йўқ! Овора бўлманг. Чойни бафуржা ичарсиз, мен ҳам чикишим керак, ҳалиги...

Ота нимадир демокка тараффудланаётганини кўриб, оғзига тикилди:

– Гапираверинг?

– Ўғлим, – охиста гап бошлади ота, – ўзбекнинг ўзи курсин, гўлайган кўзи курсин, дейдилар. Бу нима дегани? Билиб-билмай поп этиб гапирамиз-да, кимнингдир шаънига доғ, кимнингдир кўнглига ямоқ тушириб қўямиз. Энди болам, сиздан беш-ўн кўйлакни ортиқ йиртганман.

Пича малол келадиган гапим бор, оғринмасандык айтаман.

– Майли, эшитаман, – күнглига хириллик чўқди Фозилжоннинг: «Сарвинозни ёқтириб қолганимни сездимикин? Шу ҳақда ганиреа керак! Ё... Боши очик Мунаввар билан..., даҳшат, буниси даҳшат!»

– Эл оғзига элак тутиб бўлмас.

Фозилжонга титроқ кирди.

– Тул хотиннинг эшигига бўйдок эркакнинг яшаши калай бўларкин? Кўрган кўзгаям, эшигтан қулокқаям...

– Яхши эмас, – бошига гурзи тушгандай гангид қолди у.

– Бўлибам бу ер кишлоқ, шаҳармас. Ҳатто чумолининг йўлдан адашганиям назардан четда эмас.

Кўз олди коронгулашди Фозилжоннинг. Ҳозиргина ўйлаган гумонини бошқа бироннинг оғзидан жонли чиқиши канчалик таъсир қилишини хаёлигаям келтирмаганди: «Аҳмок, сенга ақл доим кеч киради».

– Ўзим ҳам ҳозиргина шу ҳақда ўйлаб тургандим, – азбаройи уялганидан терга ботди – Мунавварга айтмоқчи бўп турган эдим.

– Боёкиш иш билан бўлиб уйга баъзан эрта, баъзан ярим тунда қайтади. Мана ҳозир ҳам кўриб турганингиздек, йўклар. Эри **бўлганда ҳам бошқа гап** эди, ўғли ўкишда бўлса...

Фозилжон кўзини столга тикканича, лом-мим демади.

– Шу вактгача раҳматли холасининг қизи Матлубаҳон билан турарди. У ҳам бурноғи йили эскиқўргонлик хамкишлоғига турмушга чиқиб кетди. Ўқтам билан қолди. Уям ўкишга кетгач, баъзан Сарвиноз қизим, баъзан менинг кампирим чиқиб хамроҳлик қиласди. Ҳозир Сарвиноз ҳам ўзи билан ўзи, онаси Бухалча тўшакка михланиб қолган.

– Мунаввар келсин, – пешона терини артди, – шу буғуноқ ҳал қиласман.

Йигитнинг бирданига маъюс тортганини кўрган Шамсиддин ота шошиб қолди. Гаплари каттиқ ботганини фаҳмлади:

- Ўғлим, бизникига күчіб ўтсангиз-чи?
- Нима фарқи бор, ота?
- Дўст ачитиб, душман кулдириб гапиради.
- Хафа эмасман.
- Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич, дейдилар. Лекин ҳамма ҳам бир хил ўйламайди-да.
- Тўғри, кўзимни очганингиз учун раҳмат.

Ота чиқиб кетгач, Мунавварни кўзлари тўрт бўлиб кутаркан, бўлиб ўтган гаплар янам кучли таъсир килди: «Ҳакиқатда, ҳайҳотдай ҳовлида Мунаввар иккимизги на, менга-ку жин ҳам урмайди, аммо унинг шаънига доғ тушиши мумкин. Нечоғли дўст, тўғри яшасак-да, ҳар қандай одамнинг кўнглида шубҳа уйғониши табий, кейин эса...» Кўксидаги вижданни у билан ўйин ўйнар, бундан у қийналар, ўртамоқда эди. У хонасига кириб, ўзини чалғитиш мақсадида аллақандай брошюраларни кўлига олди, китоб вараклади, лекин бирортаси ҳам кўнглига ўтирамади. Тузукрофини қидириб, китоб жавонини тита бошлади. Топди. Александр Дюманинг «Граф Монте Кристо» асарини олиб, ўқишига тутиндди. Ўқишини эринибгина бошлаган Фозилжон кейинчалик шунчалар берилиб кетдики, ҳатто бўзариб тонг ота бошлаганини ҳам сезмай қолди.

- Деразадан кўзим тушиб қолди. Китобга шу қадар берилиб кетибсизки, келганимни ҳам пайқамадингиз чоғи? – кулди Мунаввар, – қайси китоб эди?

Хушламай жавоб қилганини кўриб, нимадир сезди, аммо парво қилмади:

- Бу китобни мен ҳам яхши қўраман. Баъзида, шундай мустаҳкам тош турмани инсон иродаси енгланда, нега энди биз арзимас қийинчиликларни енголмаймиз, енгамиз деб ўзимга-ўзим далда берардим.
- Арзимас денг, турмада курашишдан қўлига курол олиб уришган яхши, негаки, душман қаршингда туради, уни биласан.
- Тўғри.

Нонуштадан сўнг муддаосини, чиқиб кетиши қатъий-лигини айтди:

- Дўстингиз бор, душманингиз. Иложи бўлса узокрок срга, танҳо яшашга, имкон бор жойга...
- Ҳм, Шамсиддин отаникига ҳам унамайсиз.
- Ҳа.
- Бўлмаса, – деди Мунаввар бироз ўйланиб тургач, – клубнинг кичкина хонаси бор, бошқа иложимиз йўқ.

Фозилжон миннатдорона табассум билан ишга отланди: «Вой отам тушмагур-эй, – ортидан ўйга чўмди Мунаввар, – ўзи билмаган ҳолда унинг нафсониятига тегиб кўйибди, бир хисобда тўғри! Газакнинг олдини олган яхши! Вой отам-эй! Қарини копда сакла, ўлигини ҳафта сакла, дейдилар. Албатта, қари билганни, пари билмас!»

## 14

Мана бир ойдирки, Фозилжон ўзи мустакил яшайди. У тунларни юрагидаги ёник бир дард оғушида изтиробли ўтказса-да, бардам. Негаки, қиласиган иши тайин, максади аник. У идорага йўл оларкан, осмонга бот-бот *каради*. Бир неча куни, кўк мотамсаро каби қовоғини уйган: на ой, на куёш ва на юлдузлар унга рўбарў келишга ботинолмас. Ҳар нега кодир табиат, яъни тирик оламнинг қудрати мана бу кўринишда ҳам зохир эканлигини ўйлай-ўйлай, идорага етиб келганини ҳам сезмай қолди. Кираверишда дуч келган Мунаввар билан қиска салом-алик килгач, шошиб кабинетига кириб кетди. Пробиркалардаги тупроқ намуналарини текширди. Кейинги натижадан боши осмонга етди. Ҳеч қандай вирус-пирус йўқ. Демак, совукка чидамсиз, кирилиб кетади. Тўхта, ахир ерлар гўзапояси билан хайдалган-ку. Унинг дами ичига тушиб кетди: «Эҳтимол, мана шу ер остида колган гўзапоя колдиклари вильтни хосил қилаётгандир?..»

Унинг шу топдаги ҳолати худди баҳор ҳавосига ўхшар, дам тундлашар, дам чехраси очилар, дам ғамгин бўлиб қоларди. Тўсатдан апил-тапил далага отланди. Бу сафар

осонгина ер бетидан эмас, остидан, камида ўн-ўн беш, ай-рим жойлардан эса ярим метргача ковлаб намуна олди. Чилла совуғини писанд килмай ишлагани учун анча-мунча терлади ҳам. Ҳувиллаб ётган дала ўртасидан ўзи томон келәтган кишига кўзи тушиб, тек туриб қолди.

– Ассалому алайкум, – чол яқинлашгач салом берди, йўл бўлсин?

Кўшкўллаб кўришди.

Чол ҳансираб зўрга нафас оларди. Шунинг учун аранг алил олди. Юзларини ажин босган, соколлари оқарган чолга тикилиб қааркан, мунча ўзини қийнамаса, деган фикр дилидан ўтди.

– Шийпондан хабар олгани келаётувдим, – битта-иккита тиши қолган оғзини очиб илжайди чол, – карасам, нефть вишласига ўхшаб эгиласиз, кўтариласиз, эгиласиз, кўтариласиз. Мабодо тилла топган бўлса карашворай, зора менгаям тегиб колса дедим-да.

– Тиши кўйдирмокчимисиз? – ҳазиллашди Фозилжон.

– Ҳа, ўғлим, кампирим кўнгилсиз бўп қолмасин яна.

– Ие, кексайганда-я?

– Кексанинг кўнгли йўқ деб ким айтди сизга? Факат ёшларда бўладими, мухаббат?! Бори-йўғи кексалиқда бўлсинда, а?

– Узр отахон, ҳазиллашдим, – Фозилжон нарсаларини ийғишири бошлади, – мабодо тилла топсан албатта бераман.

– Анавилар тупроқми?

– Ҳа, – копчанинг оғзини бўғди, – касалми, соғлигини текшираман.

– Ёпирай! – чол кўксига туфлади, – одамларни кўрадиган дўхтири борлигини билардим, аммо тупрокни кўрадиганини энди билдим. Ё Худойим, бу канакаси?

Фозилжон килаётганди ишини тушунтириди.

– Ахир бу ишингиз минг тилладан ҳам аъло-ку! Не бўлганда ҳам бизни бокадиган ерларимиз соғлом бўлсин. Кариганда тиллани нима киламан, уни сб бўлмаса! Ай-

тишади-ку, тилла, гавхар тош әмиш, арпа, гуруч ош әмиш, деб.

- Рост гап, агар тилла топиб олсам, оғзингизни яраклатиб тиш күйдириб қўяман.
- Ҳимматингиз учун раҳмат. Лекин ҳали сиздан кўрққан эдим.
- Нега?
- Негаки, бу ерлар одамотар ботқоқлик бўлган. Бор-у, анави «Ҳур қизлар»дақанги ботқоқ.
- Аниқ одам ютганми?
- Ҳа, овга келганлардан уч-тўрттаси гум бўлган.
- ...

– Қишида бу ерларда қуён кўп бўлади-да... Яна биронта ботқокнинг кўзи очилибди-ю, ютаптийкан-да, деб эсхонам чикиб кетди. Биласизми, ота-боболаримизнинг айтишича, ер хам, сув ҳам қонсираб тураркан.

Фозилжоннинг энсаси котди. Қопни елкасига олиб, йўлга тушди. Чол ёнма-ён борар, уни ишонтироққа тиришиб, тинмай бўлган воқеалардан сўзларди.

– Биласизми, ҳар йили шунаقا қонсираган ерларимизга жонлик сўйиб, қонини оқизардик.

- Фойдаси бўлармиди?
- Ҳа-да, ахир одам ютмай кўйди-ю.

«Нима бало? Аклдан озганми?» Фозилжоннинг энсаси котди. Шундай бўлса-да:

- Қанчадан бери? – сўради бироз қизиқиб.
- Йигирма йилчадан бери инсофга келиб қолган. Биласизми, қонсираган ерларимизга экин эксан ҳам сарғайиб, яхши хосил бермас эди. Беш-олти йилдан бери бу ишни қилмай кўювдик...

- Нега?
- Қизиталоқ райкомга кимdir айтган экан, жа-а тўполномизни чиқарворди. Мачитимизни ёпиб кўйди. Падари кусур, яхшиям шу ерлик, ўзбеккинадан туғилган. Ирим-сиримларимизнинг ичидагатта бўлган. Бу ишни бошқа ерда қилса-да, ўз қишлоғида қилмасин эди, нима дедингиз?

– Тўғри.

– Ана, – чол жонланди, – биласизми, ўгрилардин бир конуни бор, яъни ўзининг яшаб турган жойига ўғриликка тушмайди.

Ҳалитдан бери бепарво келаётган Фозилжон чоннинг ондиги гапларига қизикиб қолди.

– Агар ўзининг қишлоғига ўғриликка тушса, кўлга тушмай қолмас экан. Кўряпсизми? Ақлли раҳбар ўзининг урфодатини, динини хор қилмайди.

Фозилжон ялт этиб каради.

– Ота-боболаримиз экин экиш ва йиғиш олдидан ўз сри бошига жонлик сўйиб, эҳсон килишган. Бу одат бўлган.

– Шундайми?

– Ҳа, ёшлигимиздан биламиз. Ҳозирги туман ҳокими-нинг отаси катта имом эди. Ўғли эса отасининг йўлига ахлат тўкяпти.

– ...

– Ўзининг баттоллигидан қоним қайнаб айтдим-кўйдим-да...

Фозилжоннинг борлигини илиқ бир хиссиёт камради. Отанинг юзига меҳр билан қааркан:

– Уларга ҳам юқоридан буйруқ бўлади-да..., – деди.

– Юқоридагиларинг ҳам ўзбекми?

– ...

– Руслар дегин? Хўш, нега ўша русларинг черковларини йўқотишмаяпти? Ана, тилинг калимага келмаяпти. Кўряпсанми, ўзимизнилар киляпти бу ишни, ўзимизнилар.

Фозилжоннинг кулоғига гап кирмас, ёнида кетаётган гуппи чопон, содда юз ва кўзлардаги самимий табассум, ҳеч иккиланмай шахдам гапираётган оғизнинг очилиб-юмилишига маҳлиё бўлиб караб туаркан, ўзининг ҳам ўзбек бўлатуриб, бундай урф-одатлардан йирокда ўсганини эслаб, «Улар ҳам етим бўлса керак», дея лаблари пичирлади.

– Ҳа майли, у гапларни қўя туринг, сиз янги келганга ўхшайсиз?

– Ҳа.

– Пайкалларда юрганда хүшёр бўлинг, – чол ҳайҳотдай далалар ўртасида худди қадимий кулбалардай қад кўтарган шийпон томонига караб юрди-да, сўнг тўхтаб қолди, – коровул Ҳамроқулники каер дессангиз, кўрсатиб қўйишади. Ҳамма билади, бир келинг-а, отамлашамиз.

– Раҳмат, шийпонда нима киласиз?

– У ёқ-бу ёғини айланиб юриб, шарпа бериб кўяман. Аъзоларнинг кўпини холи танг. Кўпчиликда кўумир йўқ. Яна шийпон тўсинларсиз қолмасин дейман-да. Иннайе-йин, анови стимчаларга ҳам дон бериб қайтаман, – илжайди чол чўнтаги тўла буғдойни кўрсатаркан, – ёшлидаги шўхликларим эвазига орттирган гуноҳларимни юяпман.

– Гуноҳларим бор денг?

– Ҳа, ўзим билганлар мўлгина, билмаганларимдан. Эҳха, беайб Парвардигор дейдилар. Кўрсангиз, ойдаям доғ бор! Оилада якка бўлганим учун ёшлигим эркалик билан ўтган. На ўқидим, на хунар ўргандим. Олахуржун бўйнимга тушувди, қилмаган ишим қолмади. Ҳалиги, бир-иккита санамларнинг соясида дам олган кунларим ҳам бор-да, ўғлим. Яхиси, бир келинг.

Фозилжон рози бўлиб, кулганича ортига қайтди. Оёғи остида қор ғичирлар, шарпа сезган чумчуклар ҳуркиб, шоҳдан-шоҳга сакрар, кор уюм-уюм бўлиб ерга тўкилар эди. Кишнинг мовий осмони кенг, бепоён далаларга очик чехра билан бокиб турар, кумушсимон булутлар муаллак қотган каби қилт этмас, астагина эсган шабада тут шоҳларидағи қор учкунлари зарраларини оҳиста учирмоқда эди. Фозилжон қишлоқ одамларининг кўпида беғуборлик ва соддаликни кўрар, уларнинг ерга бўлган меҳри ҳамда эътиқодидан таъсиранар, ҳайратга тушарди. У қишлоқ ҳаётининг ичичига кириб бораётгани сайин кўз кўриб, қулок эшифтмаган воқеа ва ҳангомаларнинг гувоҳи бўлмоқда эди. Ҳаммасидан ҳам одамларининг оддийлиги, ўзларига нисбатан эса бепарволиги унга кўпроқ таъсир қиларди. Илгари фақат ўзини ўзидан бошқага керак эмасдай ҳис қилган Фозилжон энди

олиб бораётган мухим иши билан кўпчиликка кераклигини тушунаётганди, тушунди. «Сарвинозга ҳам керакмикинман, – хаёли қиз томон учди, – унинг дилхонасида менга жой бормикин? Ё аллақачон банд бўлганми? У ким? Шу ерликмикин ё курсдошларидан... Ишк, муҳаббат! Ажаб, ишк нима ўзи? Бир тилсимми? Ҳа, тилсим! Чунки одамзод ҳамон бу тилсимнинг сир-синоатини англолгани йўқ! Негаки, озод, тинч юрагингни, қалбингни тўлқинлантиаркан! Ёндирапкан! Нимаси билан? Борликни олов ёндиради. Лекин ишқда на олов бор, на ранг, на ҳид, на кўзга қўрингудек бир шарна. Аммо бор борлиғингни ёндириб, кул киларкан. Соғинчни кучайтиаркан, эсингни оғдирапкан! Ё у бир руҳий хасталикми? Ишк, ишк! Сен нимасан ўзи?!»

У айқаш-уйқаш хаёллар гирдобида катта йўлга чиқиб олди. Гўё нурли уфқ сари интилаётгандай, шаҳдам-шаҳдам қадамлар билан олдинга қараб юриб кетди.

## 15

Фозилжон ишдан келиб, печкани ёқди. Энди овқат килишга уннаб турган эди, эшик очилиб, қўлида алланарсаларни кўтарган Юнусжон кириб келди. Салом-алиқдан сўнг стол устига бир косада сергўшт ош, юмшоқ патир, олма-анор ва битта шишани олиб кўйди.

– Овора бўпсиз-да Юнус ака, – хижолат бўлди Фозилжон, – бизга ўзингизнинг қадам ранжидангиз ҳам катта гап.

– Овораси борми? Келганингиздан бери бир йўклай дейман, пайтини тополмайман. Мана кўряпсиз, вакти-соати бугун экан.

– Раҳмат.

– Уйга чакирай деяппан, мавриди бўлмаянти. Энди яқинда ўғлимиз Ботирбекни уйласак, кўнгил олволармиз.

– Унда меҳмон бўлиб ўтиармидик, хизматда бўламиш, ака!

– Раҳмат! Хизмат килгандан зиёда гап килдингиз. Кўнглим тоғдай ўсли. Айтадилар-ку, буғдой унинг бўлмасада, буғдой сўзинг бўлсин деб.

- Тўй қачон?
- Келин хўп деса тўй-да...
- Ие, ҳали келиннинг унамаслигиям борми?
- Энди-да, ўзи бир тул кампирнинг қизи, бор-йўклик ўртасида улғайган, ахир тевараги текис оиласа унар, унамай қаергаям борарди?

Фозилжон ажабланиб, караб қўйди. Чой ичишиб, у ёк-бу ёқдан гаплашишгач:

- Мен бир маслаҳат билан келгандим, – дея мақсадга кўчди Юнусжон, – ҳар калай сиз ўзимизники бўп қолдингиз. Партияни ўртага кўйсам бўлади-ю, яна карокчига урдирвормай дедим-да, ука.

- Тушунмадим?
- Менинг сезгимча у киши ҳам кўз остига олиб юрибди.
- Кимни?
- Сарвиноз кизни-да.

Фозилжон яшин ургандай сесканиб кетди.

- Ҳа энди, сиз Мунаввархон билан якин дўстсиз. Ундан гап олиб берсангиз, ҳар ҳолда сизнинг гапингизни ерда кўймас.

- Мунаввардан?
- Ҳа, ҳим-м.
- Қизнинг онаси...
- Ҳали билмайсизми, Бухалчабуви тилдан қолган. Қолаверса, Сарвиноз Мунаввархоннинг якин кариндоши бўлади.
- Ҳм-м, шунақа денг?
- Ҳа-да, кўйнингдан тўқилса қўнжингга. Ахир Мунаввархон эл назарига тушган, обрўли раис. Пенсага чикса, ўрнига раис килиш эҳтимолиям бор. Сарвинозга уйланса, Ботирни колхоз бош бўғолтири қип қўяр. Орзуга айб йўк дейдилар, укам.

- Ахир мен, мен.., – каловланди Фозилжон, – умримда бундай иш қилмаганман.

- Қиласиз энди, укам, қиласиз! Сизни танлаганимнинг боиси, обрўли одамми совчиликка кўйсангиз армонда қолмайсиз-да, укам.

«Қанака обрўли, мен ҳали...»

Фозилжоннинг қулоғига гап кирмас, кўнглининг чокчоқи сўкилган, нест-караҳт эди.

– Таг-насабимиз тоза палакдан, – элас-элас қулоғига чалинарди Юнусжоннинг гаплари, – ҳар қалай, уй-жойларимиз ҳам раисга куда бўлишга арзигулик. Ўғлимиз эса Тошкентдаги Нархозда ўқийди.

Орага тошдай сукунат чўқди. Юнусжон гапини тугатиб, атрофга кўз ташлади.

– Уйдаги телевизорлардан биттасини опкелиб берсан берўларкан.

– ...

– Анқонинг уруғимас-*ку*, *адирдаги* ерёнғоқ мўл ҳосил берса, яна *битта-да*.

Дили изтиробда колган Фозилжон чурқ этмади. Қалби эса ўт бўлиб ёнарди.

– Дарагини қачон биламан? – сабри чидамай сўради Юнусжон.

– Ўзим, ўзим айтаман.

– Мана бу бошқа гап, Худо хоҳласа кулинг ўргилсен сарпо биздан-да акаси.

Фозилжоннинг сабри тўкилди, бардоши тўкилди. Энг улуғ ниятларидан бири бўлган Сарвинозни севишдай баҳтига кўз тикканларини кўриб, кўнгли тўкилди. Юнусжон яна нималар деди, у биронтасини англамади. Фақат эшик тараклаб ёпилгач, ўзига келди. Юнусжоннинг чикиб кетганини кўргач, эркин нафас олди. Юрагига қайғу чўқди. Инсон табиати кизик. Гоҳо қаршингда турган гул хидини сезмайсан, кўриб юрсанг бас, кифоя. Ўзга бир одам хидлаш учун кўл чўзгандагина шошиб қоласан. Юрагинг жизиллаб, ўзингни кўярга жой тополмай қоласан. Эртага аттант қилишингни ўйламай, ўзингникидай бепарво юрганингга ўқинасан. Фозилжоннинг хозирги ҳолати ҳам шундай эди. Иложи бўлса икки хатлаб Сарвинознинг олдига боргиси, ундан икки оғиз кўнглини тинчлантирадиган сўз эшигиси келди: «Балки Ботир билан... Эҳтимол, икковининг

ўртасида гап пишиб колгандир...» Ноумидлик күнглига ларза солди. Назариди ичида бир нима симиллаб, узилгандай бўлди. Сарвинознинг киёфаси кўз олдига келди. О, агар шундай кизнинг севгисига сазовор бўлса, нечоғлик баҳтиёр бўларди... Фозилжон тунни минг азоб билан ўтказди. Ҳа, шу онда ишк кўксини тешиб юборгудек түғён уради.

## 16

Фозилжон иложи борича ўзини иш билан овутишга тиришар, хаёлга берилишга вакт тополмасликка ҳаракат қиласади. У кабинетда ўтириб, пробиркаларнинг ичидаги ҳаётга бирма-бир назар ташлади. Катта бир сирни ечгандай, ҳеч ким билмаган янгиликни каашф килгандай севиниб кетди. Қизил дафтариға санани ёзди: «Агар вилтъ теккан ерларни согломлаштироқчи бўлсак, кузда фўзапояларни ўриб, ерни шудгорлаймиз. Шундагина вируслар камайиши мумкин!»

Қачондир ўқиган китобида ҳосилдорликни оширишда маҳаллий ўғитларнинг таъсир кучи ҳақида фикрлар берилганди. Уларни бир-бир хотирлади. Навбатдаги правление йиғилишида далаларга ўғит ташлашни айтишни планга киритди.

– Кишда ким далага чиқаркан? – тўнғиллади йўғон бир киши, – бир камимиз энди эшикма-эшик юриб, гўнг ташибимиз колувди. Эшитган-кўрганлар бу кунингдан ўлганинг яхши, демайдими??

– Сен таширмидинг? – яна бирори аралашди, – трактир ташийди-да.

– Бош-кош ҳам бўлиш керакми?

– Тиллавой! – жеркиди пакана, фўлабир киши, – ўзиям бир нима ўйлаб чикарасанми-е, ё тинчгина ҳал бўладиган ишни олабозор қип ташлайсанми-ей... Ахир жон кийналмаса **жонона, тоққа** чиқмасанг дўлона қайдади??

– Ташибимиз, – деди юзи чўзиқроқ, қораҷадан келган киши, – ота-боболаримиз йўриғида ҳам ишлов бериб

кўрайлик. Балки сал ўзгаришлар бўлар?! Бу укам ҳам бир нарсани билмаса гапирмайди-да, ўртоклар!

– Рост-да, ҳадеб химиявий ўғитлар солавериб, ерниям жигилдонини қайнатиб юбордик.

Унда-мунда кулги кўтарилиди. Ҳаккам-дуккам чапак ҳам чалинди.

– Ҳакикий дехкон бир-бирининг устидан кулмайди, қийинчиликдан кочмайди. Чунки биз завод-фабриканинг ичиди, ёпик том остида эмас, – Фозилжон босик оҳангда гап бошлади, – очик майдонда, бутун элу юрт кўзи олдида ишлаймиз. Бизнинг иш ўрнимиз бепоён дала. Касбимизнинг бошка касблардан фарки шундаки, об-хаво инжикликлари билан ҳисоблашиб, табиат оғатларига бардош бериб ишлаймиз. Шунинг учун ишимиз қаттиқ, аммо пахтамиз момик, ўртоклар!

Ҳеч ким чурк этмади. Тиллавой нимадир демокчи бўлиб, бошини Мунавварга бурган эди:

– Тиллавой, – деди Мунаввар ўрнидан туриб, – бу йил ҳар гектар ердан қанча центнердан ҳосил олдингиз?

– Ўттиз-ўттиз беш...

– Ўттиз беш бўлганда план тўларди, – шарт кесди гапини, – агар озгина қийинчиликка дош беролмасангиз, марҳамат, оддий кетмончилик килинг.

– Майли-да, – титради Тиллавой, – айтиб кўйиш биздан, лекин...

– Лекин-пекини йўқ! Бизга айтувчилар эмас, бажарувчилар керак.

Тиллавой бир оқариб, бир кўкарди. Елкалари қунишиб, нимадир деб тўнғиллади.

– Чириган гўнг бўлиши керак, – деди кимdir минғирлаб, – бўлмаса ғўзаларни зарпечак босиб кетади.

– Одамлар уйларининг кетида, ҳовлиларининг этагида неча йиллаб уюлиб ётган гўнглар бор, – Мунаввар жиддийлашди, – улар аллақачон чириб бўлган. Шу бугундан бошлаб ҳар бир звено аъзолари ўз бошликлари раҳбарлигида ерларига маҳаллий ўғит ташийдилар. Етмаганлар кол-

хоз фермасидан олишади. Буйруқ билан ҳазиллашганлар нафакат бригада аъзолигидан, балки колхоздан кетдим деб ҳисоблайверсинг!

Йиғилиш тугаб, ташқарига чиққанларида ёмғир тунука томларни чертмоқда эди. Ҳар бири турли ташвишда йўлга тушдилар.

– Фозилжон?!

Машина ёнидан Мунавварнинг овози келди:

– Машинага чиқинг!

– Шундай, пиёда кетгим бор, кеч бўлиб қолди.

Кабина эшигини шаҳд билан очган Мунаввар:

– Чиқинг?! – буюрди кескин.

Бу муомаладан Фозилжоннинг ғаши келса-да, бўйин товламади. Уйга келишгач, ҳазил-хузул билан Сарвноз пинширган чучварани сийиши.

– Фозилжон, ҳали йиғилишда гапингизни қайиролмадим, сабаби, кишдаги меҳнатга колхоз ҳак тўламайди.

– Гап бу ёқда денг!

– Ҳм, шунинг учун Тиллавойлар бўйин товляяпти-да.

– Биз тўлаймиз!

Кескин жавоб Мунавварни довдиратиб кўйди.

– Бу совхоз эмас, колхоз. Одамлар ишга бир-икки кун чиқишигач, дарров ҳак талашиб килишади.

– Чўчиманг! Мартга саноқли кунлар қолди, демак, иш бошланди.

Мунаввар индамади.

– Тўғри, – деди мулоҳазалаб, – мана шу ёғин-сочинда далани ўғитлаб олсак, фойдаси катта бўларди. Лекин...

– ...

– Ҳак масаласини юкори ҳал қиласди.

– Маоним анча тўпланиб қолди, шуни бераверамиз.

Мунаввар меҳр билан караб кўйди, сўнг бошини сарак-сарак килиб:

– Қайсаrlигингиз ҳамон ўша-ўша, – деди мийиғида кулиб, – бўйти, меникиям тўпланиб турибди...

Фозилжон нихоят дилини куйдираётган дардни ошкора қилди.

– Якин бўлганим билан унга хўжайинман дегани эмаску? – кулимсиради Мунаввар, – холам бир алиозда, тўй кўнглига сигармиди? Майли, айтиб кўраман, эхтимол, кўзининг тиригига узатиб юборар. Қани, Сарвинозга айтайди?

– Шундай касал онасини ташлаб кета олармикин?

– Э-э, сиз бу ернинг окибатини билмайсиз. Мабодо, Сарвинозни узатган тақдиримизда, холамга навбатлашиб карашади. Ортидан патир-сомсасиниям ўз ўрнида жўнатишади. Ҳали кўрасиз. Бу ёғидан хавотирланманг:

Фозилжон хўрсиниб, жойидан кўзғалди.

– Юнусжонга ўзим жавобни айтарман.

Фозилжон Мунавварга локайд қаради ва гарангсиганнамо ўрнидан турди. Уйга қайтаётиб, беихтиёр осмонга тикилиб қолди. Наздида, ой у қаёкка борса, ўша томон бирга, оғриётган дилига малҳам бўлмоқчидай сузив бораради. У яна тубсиз хаёллар домига илинди: «Ишқ шу қадар оташга, соҳирга эга эканки, унинг зарраси аввал юрагингта ошён куаркан, аста-аста кучайиб бориб қалбингни, бутун борлиғингни эгаллаб оларкан. Ҳмм, уни жоним ичра коним эканлигини энди англаб етдим. Ҳа, барадла айтаман, мен уни севаман. Лекин севгим ўз қадрини топармикин?»

Уни севиб қолганига дил-дилидан иқрор бўлди у. Чоратрофга кўз ташлади. Кўкда тўлин ой ҳамон унга термулганча парпираб турар, шуъласи билан асфальт йўлни, кўкка бўй чўзган яланғоч дов-даражатларни, турли хилда ёпилган томлар ва улардаги мўрилардан кўкка ўрлаётган тутунларни ёритиб турарди: «Сарвиноз нима деркин?» Бу савол хаёлидан чикмай, миясини пармаларди.

зифасинни ҳам адo этаётган Файзула мисоли тўрт оёқлаб ҳар томон чонди, аммо эпини килолмади. Ҳатто район ижроия комитетининг раисигача учради.

– Облисполкомнинг раиси адашиб, Андижоннинг биронта бурчаги ҳам газлашмай қолмади, деб юқорига ахборот бериб юборибди, – эснади рангиз юзини буриштириб, – бизда ҳам ахвол шу, товукка ўхшаб, оёғимизни кетимизга йиғиштириб ўтирибмиз.

– Адашиб дедингизми?

– Ҳа, – истехзоли кулди раис, – бизгаем ариза ёмғирдай ёғилди. Айниқса, уруш инвалидларидан. Бошқа колхозлардаям ахвол шу. Ахир газлаштирилди дейилгач, юқоридан бизга тегадиган кўмирни қиркиб қўяди-да.

– Наҳотки, инсон тақдири, ҳаётига шунчалар бефарқ карашса?! Ўшалар сал анақароқ эмасми? – жаҳлдан кўкариб кетди Файзула, – мабодо ўша ерда даволанмаганми?

– Соғ одамларни накароқ дегани уялмайсизми? Инсоф борми сизда, йигитча?

– Бўлмаса бундайларни нима деб аташ мумкин? Дилингизда бизга қўшилиб турсангиз ҳам, тилингизда ўшалар томонсиз. Инсофдан келади, ҳих, инсофкашлар! – қўллари мушт бўлиб тугилди унинг.

– Ҳов йигит, дардимни айтиб турибман-ку, тушунсангизчи бундок?! Балки юқоридан шундай буйруқ бўлгандир?!

– Э-э, осдим! Одамлар ҳаётига ўйинчоқ деб қараганиям, ўша буйрукка бўйин эгганиям! Халқ душмани дейдилар унақа акамларни!

– Жон ука, бу ерда чиранаверганинг билан мениям қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Бор, ўша облисполкомингга, ўзига айт, халқ душманисан де.

Файзула облисполкомдан ҳасратининг чанги чикиб кайтди:

– Иложи йўқ эмиш, – истехзоли, қўлларини икки ёнга ёйиб гапирди, – шундай қилишмаса, тараққиётдан ортда колған, деб газетамизни ўқиб, телевизорда ахборотимизни кўрган чет элликлар устимиздан кулар эмишлар. Кўпроқ,

бор. Бу масалани чүкүррок ҳал қилиш лозим. Токи келгуси иили ҳам қийналмайлик.

– Шундай хонадонлар борки, эр-хотин далага сув ва ҳаводай керак, – кўшимча қилди Мамажон, – бир кун ҳам уларни жилдириб бўлмайди. Шуларни хисобга олиб, уларнинг ўз ҳақлари эвазига местком раиси кўмир келтириб, кишилик ғамига ёрдам берса қалай бўларкин?

– Бу таклифингиз жуда тўғри, мен ҳам кўшиламан! – Мунаввар севиниб кетди, – яхшида яроғ, ёмонда димоғ деб шуни айтарлар-да...

– Мен ҳам қувватлайман!

– Жуда тўғри маслаҳат! Мен ҳам кўшиламан.

– Лекин ҳозир-чи? – юзланди Мунаввар севинган чехраларга караб, – ҳозирги аҳволга қандай чора топамиз? Бу маслаҳат келгуси йил учун, ҳозир-чи?

Ҳеч ким чурқ этмади.

– Менимча, чорани бригадир Мамажон ака айтдинлар, – Фозилжон кулимсираб деди аъзоларга, – ўша тадбирни кўлласак-чи?

– Тўғри, – ўрнидан туриб кетди Файзула, – бу йил кўччилик хонадонда кўмир ортиб қолади. Шуларни хисобга олиб, ҳар бир кишлоққа биттадан прицепли трактор кўйсакда, боридан олиб йўғига ташлаб кетаверсак, нима дейсизлар?

– Аввал кўмирсизларни аникласак! – минғирлади оркада бирор.

– Ахир кўлимда кўмирсизларнинг аризаси бор, демак аниқ! – оғзидан чикиши билан жавобини ёпиштирди Файзула, – кўмири ортиб қоладиганларниям рўйхатини тузиб бўлганман.

– Демак, бу йил кўмир берганлар янаги қишига... – дудукланди бирори, – қайтариб...

– Беришади, кўмирларни карзга оламиз. Кимда яна қандай таклиф бор?

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Кимдир пичирлади, кимдир ух тортди, яна кимдир...

– Демак, бу ишнинг конуний бўлиши учун комиссия тузамиз, комиссия состави доимий бўлиб, аҳоли маданий-маниший ва моддий томонини назорат килиб боради. Хўш, комиссия раислигига кимнинг номзодини кўрсатасизлар?

Бири у деди, бири бу деди, охири...

– Демак, раисликка Одашхонни, аъзоликка эса Файзулла ва Фозилжонни бир овоздан кўл кўтариб тасдиқлаймиз.

Оркадаги ўринидикларнинг бирида, мажлис бошлангандан бери чурк этмай ўтирган, корачадан келган аёл ўрнидан турди ва:

– Майли, мен қаршимасман, – деди салмоқли, – лекин бу ишни бутун колхоз аъзоларию раҳбарлари билиши керак. Бу ерда йўқ раҳбарларни назарда тутяпман. Негаки, коракўрғонликлар сал революционерроқ.

Кимдир ник этиб, кимдир ошкора кулди.

– Яна ўзимизниям прицепга кўшиб, ағдариб юбормасин?!

Энди баралла кулги кўтарилди. Фозилжон ҳам бу кулгининг сабабини билмаса-да, илжайиб қўйди.

– Хўш, Одашвой, – ҳазиллашди кассир, – нима таклиф киритасиз?

– Опам тонгда, радиоузел орқали эълон қилса...

Мунаввар бу ишни хеч иккиланмай, ўз зиммасига олди ва мажлислин якунлади.

## 18

– Тик! Тик! Тик! Колхоз радиоузелидан гапирамиз!  
«Мунаввар-ку...»

Фозилжон иргиб ўрнидан туриб ўтирди ва соатига каради: «Хали барвакт-ку, – уйқули кўзлари сузилди, – мунча, каллаи сахарлаб..., уф!»

Фозилжон клубга кўчиб чиққач, беш-олти марта ухлаб колди. Бу табиий ҳол. Чунки у, кундузлари тиним билмай ишлаган эмас, дала ишидай оғир шароитда. Кабинетдан чиқмай покиза ўтирган, кунлаб яёв юргаган. Энди эса...

ухлаб колгач, ўзидан ўзи уялди. Шундан кейин тонги кўшиқ билан уйғотадиган беминнат дастёр борлигини билиб, унинг мурватини бураб ухлайдиган одатга кўнидди. Мана, ҳозир у тиниб-тинчимас Мунавварнинг радио оркали кечаги мажлисда кўрилган масалаларнинг якунини тълон килаётганини эшитмоқда эди.

– Кимда-ким правлениенинг бу қарорига карши чикса, колхоз аъзолигидан ўчирамиз ва бу ердан кўчирамиз!

«Ўх-хў, дағдага зўр-ку, – кулимсиради у, – колхоз аъзолигидан-ку ўчириш мумкин, аммо кўчира олармикин? Ҳа, аъзоликдан чиқкан, жамоадан чиқкан хисобланади, унда кўчишга мажбур... Лекин шунақа таҳдид килиш шартмикн? Эҳтимол, қайсиdir маҳалла ё қишлоққа шартдир...»

У ўрнидан турди ва ўз ишидан ташқари зиммасига юклатилган мажбуриятни адо этиш максадида кийиниб, идора томон йўл олди. Узокдан Одашхон ва Файзулланинг трактор ёнида уни кутиб туришганини кўриб, оёғини кўлига олди.

---

## ИККИНЧИ ҚИСМ

19

Мехнаткаш элни шод этгани яна баҳор келди. Ҳа, баҳорнинг кадам ранжидаси одамларни шод этибина колмай, борликни ҳам сархуш айлади. Осмон гүё баҳордан софлик олиб мусаффо бўлганидек, чор тарафу бутун борлик ҳам ойна каби тоза эди. Офтоб кулгусидан куртаклар бўртаётган эса-да, унда-мунда кор қолдиклари кўзга ташланарди. Қиши билан кор, муз қатламлари остида жунжикиб ётган ер яна енгил нафас ола бошлади. Пайдан фойдаланиб, Фозилжон баҳор олди ҳам ер сатҳини яна текширишга қарор килди. Шу сабаб, иштиёқ кучи уни ҳар сафар дала томон чорларди. Бугун эрталабдан борлик нурга чулғанди. Киши кўнглини ажиб бир қувончга тўлдирадиган лаҳзаларда, у одати бўйича иш қуролларини олиб, дала йўлига тушди. Энди мактаб биноси ёнидан ўтиб, муюлишга етган ҳам эдики, ортидан машина келиб тўхтади-да, кабина эшиги очилди:

- Чикинг! – деди Топилдихон.
- Фозилжон чикиб ўтиргач, кабина эшигини ёпди.
- Қаерга кетяпсиз?
- Куён овига, ўзлари-чи?
- Куён ҳам борми? – Фозилжон ҳам қизиқиш, ҳам хайрат билан қаради.
- Аввал бу ерлар тўқайзор, сайхонлик бўлган. Қодирча ери эса ботқоқлик. Шунинг иси кептурадими ёки анови Стройка адирлари яқинлигигами, ҳар қалай куёнлар тушиб туради. Ўзларидан сўрасак?
- Тупроқдан...

– Ҳа-а, – Топилдихон кинояли илжайди, – раисимизнинг кўксига увон таққани денг?

Бу гап Фозилジョンга қаттиқ ботди. Қовогини уйиб, ҳўмрайди.

– Ҳазиллашдим ака, кимдир ер дардига ҳам даво топиши керак-ку.

Фозилジョン индамади.

– Эх, бу дунё улкан бир денгиз. Унга тушган ҳар бир кимса эпига караб улушини олаверади: бирор чавак, бирор зоғора балик, бирори гавҳар, бирори дур, бирори эса... Ношудлар эса икки кўлини бурнига тикиб қолаверади, юраверади. Ниқоб кийиб, оҳиста, ҳеч кимнинг ва ҳеч нарсанинг ғашига тегмай, тубига етиб олсанг, марра сеники. Менга шуниси етади, деб ярмидан қайтсанг ҳам хоҳишинг...

– ...

– Мана, сиз, қачондан бери соқов ернинг дардига малҳам истайсиз. Балки сиз касал деб гумон килган замин соғломдир?!

Фозилジョン ялт этиб қаради унга: «Ҳа-я, соғлом эди, энди... Балки корни очдир?!»

– Ҳа, соғломдир. Эҳтимол, корнини етарлича тўйди-ролмаётгандирмиз. Биласизми, болларимдан тўртинчиси жа-а нозик, чимхўр, овқатниям танлаб ейди. Касалга чалингани-чалинганд. Кейингилари-чи, иштаҳалари зўр, полвон-полвон, касал ҳам бўлмайди.

– Чакана ўғитлар солинмаяптими?

– Бе, – кўл силтади Топилдихон, – келтирилган ўғитларнинг ҳаммасини дала ермиди? Мен подадан олдин чанг чикармайин-у, бу йил ишлаб юриб билиб оларсиз.

Фозилジョン йўлга кўзини тикди: «Топилдихон бу билан нима демокчи? Намунча бу ҳудуднинг бурчак-бурчагидан сир-синоатлар мўралайвермаса...»

Топилдихон аллақандай куйни хиргойи килувчи хуштак чаларди. Унинг гапларидан дала қалбини англаш кийинлигини сезган Фозилジョンнинг кўнглини қайғу чулғади: «Орзуладим парчаланмасмикин? Ҳамроҳим айтмоқчи, мен

хам улуғ орзулар билан денгизга шўнғиганман, аммо шу пайтгача чавақнинг ҳам қорасини кўрмадим. Нега? Эҳ-ха, ўзимча дехкончилик кўчасини чангитаман, илмини эса бошга калпок қилиб кияман дебман. Назаримда, чучварани хом санабман, хом...»

У узоқ-узоқдан кўринган маҳобатли тоғлар, ундан кўйида слқадош адирлар, пастроқда ястаниб ётган майсазорлар ва тўкин-сочинли боғлар, ундан ҳам берироқда эса кўм-кўк бепоён далаларга кўз ташларкан:

– Адир якин шекилли? – сўради.

– Якин, икки километрча юрсак Стройка адирларига, кейин Майлисув тоғларига, пича ҳаддингиздан ошсангиз Хитой Халқ Республикасига кириб борасиз.

– Хитойга?

– Ҳа, Хитойга! Қишлоғимиздаги Уста Фанининг отаси кулок килингандан ўша ёқка ўтиб кетган экан. Бечора бой ҳам бўлмаган, лекин қўрошиникида ишларини қилиб тургани боис, қандайдир тухматга тойилганлигини ҳануз гапиришади. Шоир Фурқат ҳам севгилисига етишмагач, Қашқарга бош олиб кетган дейишади.

– Бу дейман, китоблардаям ҳакикат кўп бўларкан. На воийнинг «Шоҳ Искандар» достонида икки юртни тўсиб турган довон тасвирланган. «Қуръони карим»даям бу ҳакида баъзи маълумотлар бор. Ровийларнинг ёзишича ҳам аллақандай маҳлуклар довонни тонгга қадар яларканлар. Қалинлиги пиёз пўстлоғича қолганда тонг отиб, яна ўз аслига кайтиб коларкан. Балки бу афсонадир, аммо ўша довон ҳаётда бор экан-да.

– «Қуръон» китобини ўқиши биласизми?

– Ҳа, алҳамдулиллоҳ, мусулмонман. Сиз-чи?

– Ахир тақиқланган-ку?!

– Ҳих, дилимизни тақиқлаёлмас.

Фозилжон ажиб ҳолатга тушди: «Демак, мен факат... Ҳм-м, дехкончилик борасида яратилган баъзи илмий асалар ҳам тақиқланган. Эҳтимол уларда биз учун керакли нарсалар бордир?!»

— Тўғри, айрим муллаларнинг қилмишига кўра коралланган. Улар ўз нафси йўлида баъзи сураларни бузиб талкин қилишган. Содда одамларнинг онгини заҳарлашган, чўнтагини шу йўл билан қоклашган. Шунинг учун ман қилинган бўлса керак. Мен ундан үйламайман. «Куръон»ни тўғрилик ва ҳалоллик кўзгуси деб биламан. Тўғри-да, инсонни инсон килган ҳам ана шу хислатлар эмасми?

Фозилжон Топилдихоннинг шоффёр бўлишига қарамай, кўп китобларни, айниқса, «Шоҳ Искандар»у, «Куръон»дай нодир асарларни ўқигани ва улардан олган тушунчаси орқали бойиган дунёқарашига ич-ичидан ҳавас қилас, ҳам ҳасад қиласди: «Қайси олий маълумотлидан кам? Фақат дипломи йўқ, холос».

У Топилдихоннинг ҳатто тилга олиниши ман қилинган «Куръон» китоби ҳақида айтган гапларини ўйларкан: «У жасоратли, — хаёл кемасида суза бошлади яна, — ундан ташқари нимасидир бор. Ҳм-м, нимасидир бор. Қизик, Мунаввар нимага асосланиб менга «Ўз фикрингизни ўтказишда сизга teng келадигани йўқ», деб баҳо берган. Нимага? — бирдан кўзлари ярк этиб очилиб кетди, — ҳа, унда ишонч бор. Менда эса... Шунинг учун гаплари дадил, фикрлари аник, жавоби лўнда. Демак, китобдаги назарий билимларгагина таяниб қолмай, ҳали китобга кириб улгурмаган ҳаётий тажрибага, тажриба асосида юзага чиқадиган илмга, ғояга амал қилиш керак. Шундагина ниятимга етаман».

— Назаримда кўп китоб ўқиркансиз. Сиз қатнайдиган кутубхона ҳам бой шекилли?

— Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиши бўлмоқчи эдим. Мандат деган девордан ўтолмадим. Шуни кутиб турган эканми, отам уйлаб кўяколди. Кутубхонага келсан, ҳа, бой, сиз уни билмайсиз.

— ....

— Чунки у на район, на область кутубхонаси. Шахсий, хонаки кутубхона. Бу ҳақда кейинрок гапириб бераман.

— Мунаввар берган ахборотга кўра, янгишмасам, Уста Гани бригадир бўлиб ўтган?

– Ҳа, ана шу бой кутубхонанинг эгаси. Ҳам диний, ҳам дунёвий китобларни кўп ўқиган одам. Анави бир гурух тухматчиларнинг киличи чопқирлигидан ҳе йўқ-бе йўқ партиядан ҳайдалган. Шундан кейин юраги сал чатоクロқ урадиган бўп колган. Ўтган кузак укаси Юсуфжоннинг олдига бориб келмокчи бўлди. Аммо врач назоратидан ўтмади, ўтолмади.

– Нега?

– Сиз бу юрак билан довондан ошиб ўтолмайсиз, дебди. Шундан кейин довон ҳакида ўкиб ўргандим. У ҳақда тўқилган ривоят ва афсоналарни билишга ҳам мушарраф бўлдим. Етиб келдик.

Бирин-кетин машинадан тушиб, дала бўйлаб юришди.

– Иккинчи бригаданинг юқорисига келибмиз шекилли?

– Ҳа, – Топилдиҳон пинак бузмай одимларди, – шийпон ёнидан ўтган Ҳонариқ четидан кетяпмиз.

– Кичикрот экан.

– Кичкина деманг бизни, кўттариб урамиз сизнидан. Баҳорда бир тўлиб оқмасин, хонлигини ўшанда кўрасиз.

Улар катта юлғун тагига етганда, нимадир типирчилаётганини кўрдилар.

– Ах жонивор-а, типирчилашидан она қуён шекилли.

Топилдиҳон икки оёғи ва тумшуғи қонталаш бўлган каттакон кулранг қуённи копқондан бўшатди. Жони ором олган қуён хуркишниям унутиб, аста титраганича кўзларини юмди.

– Эркаги экан, – у ёқ-бу ёғини кўргач, илжайди, – хайтовур кўнглим тинчиди.

– Нима киласиз?

– Болаларимга гўшт, сўйиб бераман.

Фозилжон анграйиб қаради.

– Ўнта болам бор, қассобдан гўшт олиб етказолмаяпман. Колхозди берган маоши қопламаяпти, кира қилгани уяламан. Одамлар нима дейди?

Фозилжоннинг дилини Топилдихонга нисбатан ажиб бир иликлиқ камраб олди: «Иймон деб шуни айтсалар кесрак?!»

— Мен манавини кабинага ташлаб келай.

Топилдихон кўз очиб юмгунча бориб келди. Биргалашиб Кодирча ерига ўтишди.

— Кўрдингизми? — у кўзлари билан атрофни айланади, — чор-атроф дўлана, чакалак, юлғун, гулнора гулли дараҳтчалар. Бу ернинг дўланаси зўрда, ўрта қўлдай-ўрта қўлдай бўлади. Куз келсин. Пишганда бир дўланахўрлик қиласиз. Ажабо! — кенгликларга тикилиб хўрсинди, — срлар ҳам одамларга ўхшаб ўзгариб тураркан. Бу жойларда девизиранинг ўғил боласи пишадиган шунакаям шолипоялар бўлардики... Кечкурунлари бақалар шунакаям куёвнавкар ўйнашарди-е... Хонишлари қулоқди тешарди. Ухломасдан кулоғимга пахта тикиб ётардим.

Изгирин ел юз-кўзларни чимчилай бошлади. Фозилжон қаққайганча чор-атрофни кузатаркан, кўзи беихтиёр овга қопқон кўйилган жойдаги юлғунга бориб қадалди: «Ғалати, худди пахса деворнинг қолдигини эслатаркан».

Ҳамрохининг гаплари ҳамон унга таъсир килар, бу содда, тўпори табиат йигитнинг ҳалоллигини кўриб, ўзининг Назмия билан, Салим билан кечирган онларини эслар, таккослаб кўрарди: «Ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бормаган онларим, — қўллари мушт бўлиб тугилди унинг, — ким билади, иш чаппасига кетмаганида ҳозир ҳам тўнғиздай балчикқа ботиб яшармидим. Ер юзида оддий, аммо хаётлари, яшаш тарзи буюк одамлар борлигини билмай, якиндан ҳис килмай ўтармидим?!» Шу топда гўё Назмияга ошно хиёнат, ҳаромнинг ҳам энг ҳароми бўлган хиёнат Фозилжонга панадан қараб турар, устидан қах-қах уриб куларди: «Сен муҳаббатнинг душманисан, котилисан, эй, хиёнат!» Сўнг райком секретари хузуридан келиб, кон-кон йиғлаган Мунавварнинг сурати кўзи олдида жонланди. Коровул Ҳамрокул буванинг лукмаларини ўйлади. Хонарик бўйидан этакка томон сўйри кетган ср-

нинг унда-мунда окариб турган корларига кааркан, баданида чумоли ўрмалагандай сесканди. Кўксини ғалати нарса сиккандай ух тортди. Бу ҳам етмагандай, этиклари лойга ботиб колавериб кийнади. Фозилжон бир амаллаб намуналар олди-да, ортига қайтди: «Дехкончилик сирларини излай-излай шу ерларга келиб қолдим-а! Нега ерга шунча талпинсам-да, меҳр кўрсатсам-да, қалбини очмаяпти? Нима килиш керак? Тиллашиш учун қандай чоралар кўришим лозим?»

У кабинетига қайтиб ҳам шу ҳақда кўп ўйлади: «Бунақада бўлмайди. Бирон йўлини топиш керак».

Шу ҳақда гаплашиш учун кечга томон Мунавварникига қараб йўл олди. Ҳовлида ҳеч ким кўринмас, кечки изгирин юз-кўзларга нина каби санчиларди. Энди меҳмонхона остонасига яқинлашган эди, илгари ўзи турган хонадан Сарвиноз чиқиб келиб, бошини куйи солганича ошхонага кириб кетди: «Наҳотки, мени кўрмади? Тинчликмикин?»

Шу он Фозилжонда ғайритабиий бир куч пайдо бўлди. Ошхона эшигини шахт билан очган эди, хурккан қиз кўлидаги лаган шарак этиб ерга тушди. Фозилжонни яна титрок қамради. Чунки бир неча кундан бери Сарвинозни кўрмаган, соғинч кўксини оташ каби куйдирмоқда эди. Ҳа, кўнгил уйида бу қалб не савдоларга тушмайди. У ҳаяжон ичидаганни ердан олиб, қизга сўзсиз узатди.

– Келинг, Фозил ака!

Қиз ҳаё билан нарида турган стулни унинг олдига сурди:

– Кўринмайсиз?

Фозилжон ҳамон тили танглайнинг ёнишгандек жим.

Стулга охиста ўтиаркан, яна жим.

– Опамдан сўрасам иш билан банд дейдилар.

Бежон Фозилжоннинг томирларига жон ина бошлади.

– Кеча Шамсиддин отам кирувдилар. Далага ўғит ташилганини кўриб хурсанд бўлдилар. Бу иш бошида сиз турганингизни опамдан эшитиб, ҳақиқий дехкон асли кишида ерга эътибор беради, дедилар.

- Ш-шундайми? М-мен ҳакимда гаплашасизларми?
- Ҳа, ҳар куни.

Фозилжоннинг рангига кон югарди. Чехраси ёришиб, юзини табассум коплади. Бу орада қиз жизиллаётган козонга сув кўйди. Йигит унга зимдан термулар, пирпираётган куюк кипприклари, кулимсираётган ғунча лабларини кўриб, эсидан оғай-оғай дерди: «Унга ҳеч ким нигоҳ ташламаса, факат менга бокса...»

Бирдан Юнусжоннинг совчилигини эслаб: «Рози бўлдимикин?» деб алам билан пицирлади. Бирдан кайфияти тундлашди.

- Сизга Мунаввар ҳеч нарса демадими? – сўради зўрбазўр.

- ... .
- Юнус ака...
- Ҳм-м, айтдилар.
- ... .

Тилдан қолган шўрликнинг типирчилаётган юрагини қиз сезмас, ҳозир аянчли бир туйғу исканжасида эканини ҳам билмас эди:

- Ўйладингизми? – сўради охир юрак ютиб.
- Ҳа, Фозил ака.
- Унда...
- Яхши йигит, одобли, ақли. Худди ҳинд актёрларидан Говиндага ўхшайди.

- Ш-шунака денг?
- Ҳм-м...
- Демак ёқаркан-да?

Сарвиноз хайратланиб ўгирилди.

- Унда, унда бахтли бўлинглар.

Қиз тушунмай, ўқдай отилиб чиқиб кетган йигитнинг ортидан ўгирилиб қааркан елкаларини қисди:

- Қизик! Нима бўлди?

У яна қозондаги овқатга капгир солиб ковларкан, «тавба!» деб кўйди.

Борлик уйкуга чўмган, биргина Фозилжон ухлаёлмас. Хона ичи налирос тутунига тўлган, ўз-ўзидан ғижинар, гўё бу олам бағри унга тор келгандек. Қиз бир дам бўлсин кўз ўнгидан кетмас, хаёлларини тарк этмас, гўё борлигини банди килгандек. У дардига чора тополмаган бемордай суд-ралиб ташқарига чиқди. Юлдузлар ҳамон уйғок, ой нури эса бироз сўнган. Демак, тонг отяпти. Нима қилсан? Айб ўзида, кизга ўзга бир ошиён йигити харидор бўлишини хаёлгаям келтирмади. Худди ўзиникидай хотиржам, кўнгли тўқ юраверди. Мана энди, жонини қўярга жой тополмаяпти. Пайтавасига курт тушди. Энди нима қилсан? Ташқарида ҳам ором тополмагач, хонасига қайтди. Қамалиб ўтириб, ўйламаган ўйи қолмади: «Балки бир-бирини...» Давомини ўйлашга чўчиб, алам билан лабларини тишлади. Бошини кафтлари орасига олиб, алламаҳалгача ўйлаб ўтириди: «Кулганде нурлари ичларига сифмай майда учкунлар каби ёнокларига тўклиши, ҳамиша кулгуга мойил лабларнинг ғунча баргидай титрашлари..., энди эса бу жозибалар бегона, бошқаники...» Нафаси бўғилиб, яна ташқарига чиқди.

Тонг отиб, уфқ аста қизара бошлаган, тонг юзи алвон каби жилваланиб, биллурдай осмон юзини нур қоплаган эди. Шу дамда ёқимли ел унинг юзларини силаб ўтди. У ҳамон хаёллар домида қовриларкан, алам билан пицирлади: «Қанийди, мен ҳам тонг ели бўлиб қолсан. У гуллар, майсалар юзидан тўйиб-тўйиб бўса олади. Мен-чи? Мен эса уни кўрганда титрай бошлайман, ўзимни йўқотаман. Вужудимдаги куч рух каби учиб чиқиб кетгандай бўм-бўш бўлиб колади. Эҳ, ел бўлишни орзу қиласман-у, аммо унинг-чалик куч-қудрат йўқ менда... Тўхта! – ички нидо унинг кўзларини мошдай очди, – ахир сен ундан икки баробар каттасан-ку? Бақа шаҳзода бўлишни орзу қиласидек... Уф!!»

Хушловоз булбул гул ишқида хуноб бўлиб сайрагани каби, Фозилжон ҳам Сарвиноз дардида куйиб адо бўларкан:

– Кетаман! – хүшёр тортди бирдан ва даст ўрнидан турди, – яхшиси кетганим маъкул.

Шундай карорга келди-да, апил-тапил нарсаларини йиғишири бошлади. Шу вакт эшик оҳиста очилди:

– Фозил ака!

Бу майин, нозик овоз вужуд-вужудини ёриб ўтди. Остонада турган Сарвинозни кўриб, шошиб колди. Назарида хаёлида бўлаётгандай туюлди. Унинг карахт бўлиб турганини кўрган қиз ҳайрон бўлиб сўради:

– Ассалому алайкум. Тинчликми?

– Ва алайкум, к-келинг, раҳмат.

Унинг пайдар-пай сўзлашидан қизнинг ҳайронлиги ошди:

– Нима бўлди? Ё бирон ерга кетяпсизми?

– ...

– Ҳалақит бердим шекилли?

– Ҳалиги, ха, кетишимга ҳам ҳалақит беряпсиз.

– Нима-а-а, мен, биз, опам билан, – Сарвиноз лабини тишлади, ковоқ жияклари қизарди, – сиз ҳали...

Фозилжон бу орада ўзини бироз ўнглаб олди. Сўнг дилинни ўртаётган алами ташига чиқди:

– Сиз туфайли кетмоқчиман.

– Мен? – кўзлари катта очилди қизнинг, – мен туфайли?

Нега?

– М-мен, сизнинг тўйингизда..., чидолмайман.

Сарвинознинг юзларига қувонч тепчиди. Ҳаяжон ичидагулларини қовуштириди, ажратди. Сўнг:

– Қанака тўй? – кулимсиради, – ҳеч қанака тўй йўқ!

– Наҳотки? Сиз, сиз...

Аста қиз томон кадам босди.

– Мен борай, – қиз оҳудай сапчиб, эшик томон юрди, – ҳеч бўлиб колди, тағин биронтаси кўриб колса...

Эшик ёпилиб, гойиб бўлди. Фозилжон умидлари пучга чиқмаганидан кўнгли ёришиб, борликни ларзага солиб, ҳайкиргиси келди. Аммо...

– Ҳайрият-э, – деди оҳиста.

Мана шу биргина сўз унинг кўнглига ўтирган ғуборларни ювиб ташлаган эди:

– Ҳа, у юрагимнинг бир бўлаги, қалбимнинг бир бўлаги...

Йиғиштирган нарсаларини ўрни-ўрнига кўйиб, мамнун илжайди: «У меники...»

## 21

Фозилжон дала айланиб қайтаркан, Мунавварнинг бир тўп газета ва журналларни олдига ташлаб, айтган гапларини хотирлади: «Мазмун бир, дўпписи ўзгарган холос».

Нима килиш керак? Авваллари дехконлар ер билан қандай тиллашган? Қандай ишлов беришган? Буни тажрибали бобо дехконлардан сўраб билиш керак...

Тумордеккина ховлида кўмилган узум зангларининг устидан похол, эски-туски тўн ва тўшак, шолчаларни астаса олаётган Қодирча ота Фозилжонни совукқина қарши олди:

– Ҳм, – Фозилжоннинг дардини эшитган ота кумушдек соқолини силаб кўйди, – уйга кирайлик, меҳмон?!

Бирин-кетин тор дахлиздан ўтиб, уйга киришаркан, ота уни ҳали чўги совиб улгурмаган сандалга ўтиришга таклиф килди. Жойлашишгач, фотиха ўкишди. Эшиклар очик бўлса-да, хонада ўрик ва саримсоқ пиёзнинг чучмал хиди анқир эди. Ота бу орада шошиб, кўрпани қайрди.

– Меҳмон, путингизни тортволинг, сандал сизи ёт санамасин, – деди.

Фозилжоннинг умрида биринчи марта сандалга ўтириши эди. Тушунмай оёгини йиғиб, чордона куриб ўтирди. Энди чўғнинг ўтли нафаси тиззаларини кизита бошлади. Бу унга хуш ёқаётганди. Бир вактлар Мунаввардан отани тўксон ёшда деб эшитганди. У чолнинг марジョンдай тишларига, чайир кўлларига эътибор бераркан: «Лоф уриш ҳам эви биланда», деб кўйди. Кўзлар тўқнашди.

– Ҳойнахой сиз ҳам тишимди кўриб ҳайронсиз? Ўзимники, – деди кулиб, – ҳали қаторидан хато бўлгани йўқ. Раҳматли бувамнинг таъбири билан айтганда бўри тиш экан. Тишинг хосиятли, узок яшайсан деганди. Иншооллоҳ, тўқсон иккидаман.

– Йўғ-э, кўрган одам ишонмайди.

– Шунаقا денг? – ота соколини силади, – тўғри, кўпчилик ишонмайди. Ёш кўринсам керак-да?

– Бир сири борми, отахон?

– Қайдам? Эл қатори яшаймиз, еймиз, ухлаймиз. Жудаям кучли овқатлар ҳам емайман. Ҳар куни эрта билан бир дона саримсоқ пиёзни қуруқ ўзини чайнаб ютаман. Тез-тез янги соғилган сутни илиқлигигидаёқ тўйиб симираман. Ҳм-м, баҳордан то кеч кузгача қўкатлардан сомса ейман. Ҳафта, гоҳо икки ҳафтада қатикнинг зардобини ичаман. Биласизми, зардоб яхши нарса, ошқозон ва ичаклардаги заарли чўқиндиларни ювиб ташлайди. Ойда икки марта қаттиқ ноннинг толқонини ейман. Аммо-лекин паловни улуғ биламан. Далада ишлаган кезларим, кеслинглар, еримизгаям палов берайлик, меъдаси тўқ бўлади, дердим.

Фозилжон отахоннинг айни муддаога яқинлашганидан сергакланди:

– Мен шу колхознинг агрономи Фозилжонман.

– Ие, буни қаранг, эшитганман. Эшитгандим, – қимирлаб олди ота, – кеча мачитдагилар сизди қилаётган ишларингиздан кўп мамнун бўлишди. Муни қаранг, танимасни сийламас деб...

– Хижолат бўлманг, менга сизнинг машҳур паҳтакор бўлганингизни, юртимизга обрў келтириб, Москвагача борганингизни гапириб беришувди.

– Ҳм-м, Москвага йиғилишга боргандим. Орденам беришувди, кампирим уни кўз қорачигидай асрайди, хозир йўқ эди-да...

– Вакти келиб кўярмиз. Отахон?

– Лаббай!

– Менга дәхқончилик сир-синоатидан ўзингиз билганингиз, ўз тажрибаларингиздан сўзлаб берсангиз, деб келгандим.

– Шундайми? Бизни ишловларда қанақа сир бор, буни билмадим-у, яхшиси мен бир бошдан гапирай-да, ўзингиз илиғаб олинг.

Фозилжон бош иргади ва бутун вужудини қулоқка айлантирди. Нигохини нурли юзга қадади.

Шу пайт останада қора кош, лўппи юзли бола пайдо бўлди, салом бергач:

– Майрам холам бизикига мушкулкушодга чиқарканлар, – деди аланг-жаланг бокиб.

– Холанг йўқ эди-я, ха майли, келса айтиб қўяман.

– Хўп! Албатта чиксинлар.

Бола қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлди. Қодирча ота Фозилжоннинг ҳай-хайлашига қарамай дастурхон ёзди ва нон, ул-бул келтирди. Даҳлиздаги ўчоқда қорнига тирагиб ёнаётган тезак тафтида вақирлаб қайнаётган човгумдан кўк чой дамлади.

– Човгумда чой яхши пишади, ичсангиз қаймоқ таъми келади, – жилмайди ота, – пишмаган чой ошқозонни айнитади, ичакни ғўлдиратади.

Чой қуийб узатди ва:

– Дийқонлар далага чумолидай ўрмалаб қолди-ёв! – деди синчковлик билан, – бу яхши.

– Ҳа, анча-мунча иш килдик.

– Унда-мунда дўппайган чириндишларди кўриб кувондим.

Негаки, еrimiz шунақаларга зор бўлиб қолган.

Ота пиёладаги қайнок чойдан хўпларкан:

– Мен ишди қиши бошида ва охирида ерга гўнг солишдан бошлардим. Бизни давримизда трахтир деганлари йўқ эди. Гўнг билан тупроқди кўшиб, ағдарма чопик қиласардик. Сизга ёлғон, менга чин, тупроқ пўрсиб, тўпиқди кўммагунча ағдарма чопик қиласардик, – деди.

– Ағдарма чопик?

– Ер бир сафар у томонга, бир сафар бу томонга ағдариб чопилади. Бундай қарасам, трахтиларрам чоняпти, лекин бир томонга, ҳа яна бир марта бу томонга ағдарса асакаси кетармиди?

Фозилжон ён дафтариға отанинг сўзларидан ўзига кераклиларини қоралаб ўтиради.

– Ер обдан пишиб қиёмига етгач, молада текислардик. Сўнг омочда жўяқ олардик. От, хўқиз туёклари сиди трахтириғидан қотириб юбормасди. Кейин эса тўртбеш донадан сараланганди чигитни учаларга ташлаб, кўмиб кетардик. Ҳозиргилар чигитни жа-а исроф килворянти. Айниқса, трахтириғидан. Ахир бу чўнтакка зиён-ку?

– Тўғри, тўғри фикр.

– Сўнг сув қўярдик. Пахта жуда бўларди-да.

Фозилжон «туёклар ўрнини босувчи ғилдирак» деб ёзаркан, алоҳида белги килиб қўйди ва яна Турсунбойнинг күюниб айтган гапларини эслади: «Ўтган йили бир танишим пахта териш машинасининг рангини ўзгартириб қўйиб, техника фанлари номзоди бўлди...» Ҳм-м, мени ҳам... йўғ-э, ранг билан ғилдирак оралиғида от билан туячалик фарқ бор-ку? Шу мавзуда ёқласа бўлади. Демак, яна битта техника фанлари номзоди.

– Қандай ўғитлар кўпроқ фойда беради?

– Яксара мол гўнги солардик. Ягана олдидан эса ниҳолчалар бардам бўлиши учун шарбат оқизардик. Билиб қўйинг, киш олди қўй кийини ишлатган маъқул ёки эрта баҳорда. Агар ғўзалар униб чикқандан сўнг солсангиз, ниҳолчалар куйиб колади.

– Куюди?

– Ҳа, сарғайтириб, куритиб қўяди, кучли-да.

Фозилжон яна тушунмади.

– ... олов... .

– Ҳе йўқ, – ота жилмайди, – оловдан баттар, илдиз-пилдизи билан куритиб қўяди.

– Мен эса... .

«Деҳқончилик кўчасидан ўтмаган-ов! – зимдан кузатган отанинг хаёлидан ўтди, – лоакал дала четига бўйламаган».

– Экинга қандай ишлов берардинглар?

– Аввал ғўза икки кулок бўп чиқканда бир чопик килардик. Бунда кетмонни майда уриб, тагини юмшатардик.

– Ягана қилмай туриб-а?

– Ҳа, атрофини юмгратиб бўлиб, шарбат суви берардик. Ёўзаларнинг бели бакувват бўлволгандан кейин, саралашни бошилардик. Шунда жа-а-а эҳтиёт бўлиш лозим. Нимагаки, ҳосил берадиган тупи ерга томон йўғонайди, илоннинг пўстига ўхшаш танасида майда, чеким-чеким ҳоллар пайдо бўлади. Яна бир кўринини жигаррангга мойил кизғишрок бўлиб, бардам бўлади. Биз яганани жа ҳол-ҳолига қўйиб килардик. Ҳозиргидақа отбозори ё келса-келмаса ўн беш қилиб кетавермасдик. Саралаш катта дийқонларнинг иши, кичкиналар ниманиям билсин?!

Ота хомуш тортди.

– Кейин, шерикларидан ажраб қолган уч туп ниҳолчани бир йўла хўмчопик қилиб кетардик.

– Хўм?

– Ҳа, хўмчопик килардик. Тупрокни ғўза туплари тагига тортиб, танасининг ярмигача кўмардик. Бунда ғўза илдизи ёнламасига томир отволади. Иннайкейин ерни, яъни ғўза атрофини гўшт киймалагандай чопишга тушардик. Бу ишда ҳосият кўп, ғўзанинг чайлашига ёрдам беради.

– Чайлашига?

– Ҳа, ҳар томонга шохлаб кўпайишига. Кейин яна сув. Ёўза сувни ҳам танлаб ичади. Оқин сувни жуда хуш кўради, ҳам ширин, ҳам фойдали. Ийма сув, яъни ер ости сувини күшламайди. Биринчидан, экинни нимжонлаштиради, иккинчидан, ерни котиради, ҳам оздиради. Окин сув эса сесмиртиради. Мабодо шира тушса, ўчок ё тандир кулидан фойдаланардик. Ҳар хил ўтин ё кўмир кули эмас, ғўзапоя кулини шира устига сепардик. Кейин чеканканиям жа-а ўйлаб, шошилмай килардик, – ота совиб қолган чойни хўплаб, янги куйди.

Фозилжон шуми, дегандай караб кўяркан:

– Яқин йилларда-чи?

– Унда ишимиз осонлашди. Трахтир кўмак берди, аммо-лекин ғилдираги кўпол, ғўзаларнинг томоғини тагидан босиб ўтиб, ярим томирини эзib кўйяпти. Окибатда ғўзалар мажик ўсяпти.

– Мажик?

– Ҳа, жа-а нозик дегани, – ота тирсакларини сандалга тийиб, энгашди, – ростини айтайми, ҳозирги дийконлар ишладим демасаям бўлади. Дала улар учун курортдай гап.

Фозилжон ўлланиб қолди.

– Дийкончилик аслини олганда жа-а нозик иш, билсангиз, – ота яна гапида давом этди, – экиб кўйган билан ҳисоппас. Баъзи чала дийконлар бор, пайкалнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқадиган, худди чичкон-мушук ўйнагандай. Тавба! Ёкамди ушлаб қоламан. Кимки дийконни менси-мабди, икки дунёда косаси оқармайди, супраси ун кўрмай ўтади, ўғлим.

Хонага жимлик чўқди. Фозилжон уй ичига назар ташлар экан, тўрида илиғлик турган авра тўн устидаги салла ўралган оқ дўппини кўриб, хаёлга толди: «Менинг ҳам ота-онам ҳаёт бўлганида шундай ҳаётта ошно бўлармидим...» Токчада бешолтита чинни, орқа томонда деворга тиравлган ҳар хил гулли товоклар, патнислар... Ерга палос тўшалган. Тўрида икки таҳмон кўрпа худди уста ғишт терувчининг деворидай қилиб тахланган. Ҳовли томонда иккита дераза, ойналар шунақаям тиник артилганки, ойна бор-йўклиги билинmas эди. Унга на узун-қиска пардалар осилган, на бошқа безак берилган.

Ўзи яшаб улғайган интернат, институт ва иш жойида-ги хоналарни, улардаги безаклар: диван, шифоньер, стол-стуллар, деразага илинган нафис пардаларни кўз олдига келтиаркан: «Буларнинг яшаш тарзи ҳам дийконча...» дея пичирлади лаблари.

– Айтадилар-у, – ота оҳиста гап бошлади, – дийкончилик чилиқ-чилиқ, косибчилик қуруқчилик деб. Дийконлар бор биз тиккамиз, ўғлим.

Сұхбат тугаганини сезган Фозилжон кетиш учун күз-ғалди. У Қодирча ота билан хайрлашаркан, бир дунё кувонч билан идорага қайтди: «Демак, демак, дала деңқончилик илмиға асосланған улкан бир китоб, уни вараклаб ўқишигә қачон тишим ўтаркин?» – дея хаёлот ичра жилмайды.

Кунлар тақрори бир маромда ўтиб борар, унинг бағрида бошқа жонлар қатори Фозилжон ҳам умргузаронлик қилас, туганмас орзулар қанотида нафас оларди. Унинг орзуси осмондай покиза, самодай бокира эди. Мана шундай ниятини амалға ошириш ҳаракатида қишлоқ фаровонлигини ошириш, унинг тараққиётига ҳисса күшишда иштирокчи эди. Энг улуғ орзуси унинг ҳаракатига күз тикиб турған қишлоқ ахлининг ишончини қозониш бўлиб, бу йўлда кечасию кундузи излангани изланган эди. Шунинг учун эрта тонгдан далага ошиқар, унинг хушҳаво, хушбаҳра ҳаёти ичра куймаланиб юрар, гоҳо ноёб нарса топган одамдай кувониб кетар, гоҳида эса ўйинчогини йўқотган боладай маъюс тортиб коларди. У меҳнатидан бахту равнақ топишига умид боғлаб, ҳар куни эрта тонгда йўлга отланарди.

Шундай кунларнинг бирида, дала шийпонида Фозилжон Мунавварга дуч келди.

– Бирон янгилик борми? – сўради, аммо жавобини кутмасдан ковоғини уйганча тўнгиллади, – йиғилишда айтилган ишлар кўп звеноларда бажарилмайди.

– Ундей бўлса, яна тақрор правление йиғилиши чақирамиз, буйрукка итоат этмаганларга чора кўрамиз.

Мунавварнинг чехрасида совук бир ифода кезаётганини кўрган Фозилжон хавотирланди:

– Кайфиятингиз йўк?

У юрак дардини тўкиб солди. Ҳозирги ҳолатимиз олма пиш, оғзимга туш қабилидаги ҳаракатдан бошқа нарса эмас, дея айтган пичинги Фозилжоннинг жон-жонидан ўтиб кетди-ю, лекин индамади: «Нега бу ишга айнан мени танлаган? Истаган пайтимда хоҳлаган гапларимни айтавераман, дебми?» хўрлиги келди.

Унинг итоаткор боладай бўйин эгиб турганини кўрган Мунавварнинг янада ғаши келди.

– Мени кечиринг-у, Фозилжон, – деди теварак-атрофни кузатаркан, – дехкончиликда ҳар дақика ғанимат, тезроқ харакат килмасак, эртагаёқ киш эшик коқиб қолади. Тағин кўлимиизни бурнимизга тикиб қолавермайлик.

Бугун Мунавварнинг тилидан учайдиган сўзлар каърида киш қаҳри бор эди. Шунинг учун аёл киши билан тенг келгиси келмай, нари кета бошлади. Буни кўрган Мунаввар шошиб қолди:

– Сизга қийин, – гапини ўнглаб олди у, – ха, сизга жуда қийин. Қийинлиги шуки, хеч ким охирига етолмаган улуғ йўлда юрибсиз. Яна сизга осон ҳам, осонлиги шуки, бирор илғаб ололмайдиган нарсаларни осонгина фаҳмлай оласиз, фарклашга устасиз. Демак, сиз адоксиз йўлни фаҳм-фаросат билан босиб ўтишингиз, ниҳоясини акл-идрок билан забт этишингиз лозим.

– Фозилжон сўзсиз нигоҳ қадади.

– Лекин мудраб харакат киляпсиз. Бу кетишингизда ўн йиллар ўтса ҳам мақсадингизга эришолмайсиз. Мен бир нарсадан хавотирдаман. Сиз кашф килган нарсани ўзгалар илиб кетиши ҳам мумкин. Ҳа, яна бир гап. Сиз бу соҳада шунакаям содда қўлланма яратингки, тили асл дехконча бўлсин. Илмийлигини ошираман деб, тушунарсиз терминларни қўллашни ўйламанг. Агар китобингиз дехконлар тушуниши қийин сўзлар билан безалса, токчадан тушмай, чангга беланиб ётаверади. Ер оддий, дехкон ҳам оддий, бас, унинг қўлланмаси ҳам содда бўлмоги керак.

Фозилжон ўзида ҳам айб борлиги, очиги, бироз сустлигини ўйлаб, тилига зўр бермай келаётган эди. Шунинг учун шу вақтгача таънаю дашномларига чидади. Эндиликда эса уни меровдай кўриб, йўл-йўриклар кўрсатиши тамоман жаҳлини чиқарди. «Энди бас! – хўрлиги келди, – ўзи қалаванинг учини тополмай жоним ҳалак, тинмай шу йўлда излансан-у...»

– Мунаввар, – у анчадан бери юрагининг тубида милди-раётган саволни тилига чиқарди, – бу ишга бошкани эмас, нега айнан мени танладингиз?

Мунаввар ялт этиб қаради. Унинг дили оғриганини фаҳмлаб:

– Чунки сиз ишга жиддий ёндашасиз, – деди ён бо-сиб, – сизгача ишлаганлар фақат буйрукларни бажариб, бошка муаммолар билан иши бўлмади. Ҳозир сизнинг ўрнингизда бошқаси бўлганда ҳам улардан фарқ қилас эди.

Фозилжоннинг ҳозиргина совиган қалби Мунавварнинг кейинги муомаласидан бироз илиди. Шу пайт осмон гулдираб, кўқ юзини чақин нури бир зумгина ёритди-да, сўнг ўчди. Ҳавонинг турки бўзариб, осмонда паға-паға булатлар пайдо бўлди.

– Ёмғир ёғади шекишли, – Мунавварнинг юзи буришди, – агар ёғса икки кунлик ишнинг белига тепади.

– Буни табиат дейдилар. Унга ҳеч ким раҳбарлик кијолмайди. Биз билан ҳисоблашмайди ҳам.

– Инсон зоти ғалати-да, – кулди Мунаввар, – шуни тушиниб туриб ҳам сиқилаверади. Ҳали кўп нарсалар жумбок. Барибир инсон қонига уйғун гўллигимиз бор-да. Йўқса, биз ҳам оддий ер кархисида гунгу лол туармидик.

– Тиллашиш қийин кечяпти, аммо кўнглим сезяпти, қайсарлигимизга яраша жавоб оламиз, бу аниқ.

Кўк ер юзига бир-икки йирик томчи отди, сўнг ёмғир челаклаб қуйгандай жалага айланди. Ҳонариқ бўйлаб югуриб келган Ҳамроқул отанинг уст-боши шалаббо бўлган эди. У шийпон ичига ўзини ураркан, Фозилжон билан Мунавварни кўриб:

– Худо бизга хайр-барака ато этяпти, – деди қувониб, – ёмғир гўнгларни ивитиб, шарбатини ерга сингдиряпти. Бунақа беминнат ёрдамни қаерда кўргансизлар! Худо хоҳласа бу йил пахтамиз мўл бўлади.

Улар бир-бирларига қувониб қарашибди.

– Шунақа денг?

- Айтганингиз келсин, ота, – севинди Мунаввар шариллаб ёгаётган ёмғирни кузатаркан, – ёмғирнинг фойдаси катта дeng?
- Ҳа-да, бу ёмғир куртакларнинг кўзини очади, ерни уйкусидан уйғотади, кўкларни қулоғидан чўзади.
- Кийимингизни алмаштирангиз бўлармиди, – месхри товланди Фозилжоннинг, – сизга ўхшаган миришкор пахта усталари кўп яшаши керак. Соғлиғингизни асранг, ота.

Ҳамроқул ота қуллук қилиб, шийпон коровули тунайдиган кичкина хонага кириб кетди. Зум ўтмай гуппи чопон кийиб чиқди...

Ёмғир тиниб, булутлар тарқади. Мунаввар йўлга отланаркан, отадан сўради:

- Бригаданинг ҳамма ерига гўнг етдими?
- Йўқ!
- Нимага, улгуришмадими?
- Томорқаси кўплар гўнг бермагани учун ўн гектарликнинг юқори кисмига етмай қолди.
- Ш-шунаقا дeng?
- Ҳа, қизим.
- Ҳм-м, бизнинг ишимизга шахсий томорқалар хам халақит беряпти чоғи? Қани, идорага кетдик.
- Сиз пиёда...
- Абдулҳамиднинг пича тоби йўқ, – Мунаввар қўлинин орқасига чамбар қилиб, йўлга тушди, – бугунги режам пиёда дала айланиш эди. Отанинг гапидан кейин бир фикр тинчлик бермай қўйди.
- Тушунмадим?
- Шахсий томорқаларни оила бошига лойиғини қолдирив, қолганини қирқиши вақти келди чоғи.
- Шартмикин?
- Ҳа. Демак, шу вақтгача минерал ўғитларимизнинг кўпи далага эмас, томорқаларга кетган.

Лоп этиб Фозилжоннинг ёдига Топилдиҳоннинг гапи келди: «Келтирилган ўғитларнинг ҳаммасини дала ерми-

ди?» «Ҳм-м, шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламас». У зимдан Мунавварга кўз ташларкан:

- Кўпчилик билан маслаҳатлашиш керакмикин? – деди.
- Хотиржам бўлинг. Низомда кўрсатилишича ҳал киламиз, конундан четга чиқмаймиз.

Мунаввар идорага келибօк йиғилиш чақирди. Йиғилишдан сўнг бир хафта ўтгач, правление аъзолари қабул килган қарор бўйича тузилган комиссия ортиқча томорқаларни қиркиб, колхоз ихтиёрига ўтказдилар. Сўнг дўппидай жойни ҳам қўймай ишловни бошлишди. Бу орада колхозчилар орасида норозилик кучайди. Кўп ерни эплолмаётган, дехқончиликка укуви йўқ айrim хонадон эгалари эса мамнун. Аммо ердан унумли фойдаланиб, мўмай даромадга эга бўлаётганларга алам қилди. Аризабозлик, юқорига хат йўллаш кучайди. Баъзилари бошка жойга қўчиб кетмоқчи, баъзилари эса дўйк-пўписа билан кўрқитмоқчи ҳам бўлишди. Бир нечтаси идорани бошига кўтариб, айюҳаннос солди. Баъзи бировлар эса азадор каби қовок уйиб юрди. Айримлари юқорига, чап қўлда хат ёзиш эпини ҳам қилди. Мунаввар эса бепарво.

Шу нарса ҳам аён бўлдики, энг кўп ер топширган Юнусжоннинг тез кунда ранги униқиб кетди.

– Озгина ерни тўрт ўғилга қандай қилиб бўлиб бераман, – деди бир куни идорада Фозилжон билан гаплашиб ўтирган Мунавварга, – ўзингизга маълум, тўрт қўчкорнинг боши бир қозонда қайнамас.

– Қўрқманг, – кинояли кулди Мунаввар, – бизда ҳеч ким шу вактгача кўчада қолган эмас. Ҳатто итларимизнинг ҳам бошпанаси бор.

Сарвинознинг рад жавобидан кейин пинҳона аламзада Юнусжонга ер масаласи яна бир қаттиқ зарба бўлди.

Мартнинг ўрталари. Анхор четлари ва йўлкалар қирғокларини майин майсалар коплаган. Қовжираган дарахт

танааларидан куриган пўстлоклар, новдалари ораларидан ғужанак бўлиб куриган барглар йўл четларини ахлатга тўлдирган. Онда-сонда дувиллаб учган күшлар хиёл куртаклари бўртган новдаларга кўнадилар-да, чўкилаб кўрадилар. Бодом куртакларидан бошқаси егуликка арзимаслигига икрор каби тумшукларини новдага беш-олти суртадиларда, яна дувиллашиб, ўзга шохларга кўнадилар. Бу холининг уч-тўрт такоридан сўнг ҳафсалалари пир бўлгандек гурр этиб ҳавога кўтариладилар-да, бошқа ёкка смиш кидириб кетадилар.

Кишини лоҳас киладиган бундай кунларнинг бирида Фозилжон пайкалларнинг ҳайдалишини, ўғитларнинг яхши-ёмон аралашганини кузатди. Тегишли кишиларга йўл-йўриклар кўрсатди ва кечки пайт идорага борди. Кутгилманда Мунавварнинг юзидағи кўз ёшларни кўриб, шошиб колди:

– Ерим дейсиз, аъзоларим дейсиз, болам дейсиз, ҳеч ўзингизни ўйламайсиз, Мунаввар!

Шу пайт эшик очилиб, кассирнинг такир боши кўринди.

– Мана буларга кўл кўйиш керак экан, – деди кўлидаги бир даста қофзларни кўрсатиб, – шунга...

Мунаввар қофзларга бирма-бир имзо чекаркан, биринкита савол билан ҳужжатдаги айрим тушунмовчиликларни аниклади. Кассир чикиб кетди.

– Нокаснинг нимаси бор, темирдан тароғи бор дейдилар, – хўрсинди у, – яхшиям, ўрдакчилик фермасини қуриб кўйди, бу иш аслида Ҳамид Кодировнинг ташаббуси. Областдан муҳбир кепти, мақтаниб ўтирган экан. Борганимни хушламади. Назаримда, кўзига алламбало бўлиб кўриняпман...

– Шунга шунчалик...

– Муҳбир чикиб кетгач, кунингиз энди колхозчилар томоркасини кирқишига колдими? Шундай қудратли ўсишлар олдида сизнинг бу ҳаракатингиз ўпирилган тўғонга килдан козик кокишдай гап. Ахир, отамизнинг саховатидан баҳра олсангиз-чи, деди.

- Отамиз?
  - Ҳм, марказдаги Биринчи секретарга шаъма...
  - Секретарь? -- Фозилжоннинг кўзлари чаноғидан чи-каёзди, -- ахир олов билан ўйнашиб бўларканми? Ё ҳазил-лашяптими?
  - Кошкийди, шунақа бўлса...
- Фозилжон Мунавварнинг аҳволига ачинди, аммо жўяли бир ган тониб, далда беролмаганидан афсусланиб:
- Ҳом сут эмган бандамиз-да, -- деб кўйди.

Орага жимлик чўкди. Фозилжон аста бориб, деразадан ташкарига, кўкка каради. Соб бўлган шамдек шуъласи сўниб бораётган куёш ўз хилватхонаси томон ошикиб борарди. Ҳадемай кишлок ва ҳад-худудсиз далалар узра оқшом хукмронлиги бошланди: «Инсоннинг ҳаётга келишининг ўзи улуғ неъмат, лекин шу ҳаёт бағрида мустаҳкам иймон билан яшашлик ҳам ундан-да буюк неъмат, -- ҳаёллар ичра яшаётган Фозилжон меҳр билан Мунавварга қараб кўйди, -- аёл боши билан ҳар икки неъматга содик, доғ туширмаяпти. Лекин баъзи бирорлар... Ахир шабнам бир лаҳза яшаса-да, поклигидан бокий бўла оларкан, лекин шу шабнамчалик эмас-да, баъзи бирорлар!»

Нихоят сукунатни Фозилжоннинг ўзи бузди:

- Ерга ишлов яхши кетяпти.
- Бу йил вильт бўлмас экан-да, а?
- Бўлади!
- Нима-а?
- Унга қарши кузда ҳеч қандай чора кўрмадик, қайтадан виљт теккан ерлар ҳайдалиб, ер остида ҳаёт қолди-ку?
- Демак, ҳайдамаслик керак экан-да?
- Ер соғломлашгунча ҳайдамаслик керак. Биринчи чораси шу.
- Ҳм, шудгорлаш планига қарши деб... Лекин ғўза поясидаги крахмал билан корамой виљтни нобуд қиласа керак деб ўйлагандим.

Фозилжон кифтини учирди. Узок йиллардан бери шу соҳада ишлашига қарамай баъзида қокиларди. Чунки унинг

ёшлигидан дәхқонлар орасида, қишлок мұхитида тарбияланмаганлиги сезилиб турар, шунинг учун кузатувлари асосида туғилған оддий фикрларга ҳам, арзигулик янгиликка ҳам зүр әътибор билан қарапарди. Унда баъзи хиссиётлар, яъни гумон ва шубҳалар ўтқинчи бир тарзда кечиб, қандай пайдо бўлса, шундай тез ғойиб бўларди. Шу сабабдан саройдаги тунги иш, Топилдиҳоннинг қўшикларидағи маъно ва қочиримлар, Мунавварнинг жиз-биз ёнишлари ҳамда Ҳамроқул отанинг тагдор гаплари ҳам оддий кўринарди. Энг мұхими, унда тажриба ва шижаат етишмас эди. Буни ўзи ҳам сезар, бу каби мижғовликлардан қачон кутуламан дея хаёл қилас, тезроқ манзилга етиб бориш йўлларини ўйларди...

У пешинга яқин дала айланиб, яна ҳайдалган срларни кўздан кечирди. Чанқаб шийпонга, Ҳамроқул отанинг олдига келди. Ҳол-аҳвол сўрашилгач:

- Қачон чакириқ қофози келса мана биз тайёрмиз-да, – деди ота кулиб, – унгача ризқ-рўзимизни териб юрипиз.
- Қанақа қофоз? Қаердан?
- Анов ердан, – кун чиқиши томонга имо килди, – шўразордан, асил ватанимиздан...
- Э гапирманг, ҳали бардамсиз. Юзга кирасиз, ота!
- Ҳа энди, кексайганинг сайин ўлим пешонангга кела-верар экан ўғлим. Юринг сўрига, бир гаплашайлик.

Чол буғи чиқиб турган бақдан чой дамлаб келди. Фозилжон чойни қайноклигига қарамасдан, тилини куйдира-куйдира ютоқиб ичди.

- Хўп маромида дамлайсиз-да, ҳеч бир чой сизникичалик хушбўй эмас.
- Даланинг чойи ширин бўлади, – ота нурсиз кўзларини узок-узокларга тикиб, гап бошлади, – бир кўшним бор. Ҳозир оғир касал. Кеча кўргани кирсам, бечора қовжираб копти.
- Оғир дарди бор эканми?
- Ҳа, баҳиллик дарди бор.

Анграйиб қаради Фозилжон: «Бахил деган дард ҳам бор экан-да, тавба! Эшитгулик элда қўп деганлариdek, буниям билдим».

– Боккан итимиз икки-уч ой ўтгач, ўлиб қолаверар эди, – охиста гап бошлади ота, – ҳовли этагига эккан теракларимиз роса гуркираганда куриб қолаверар эди. Аввалига ҳовлимиз хосиятсиз чиқиб қолди, деб кўчмоқчи бўлдик. Кейин билсак, итимизга шу кўшним маргимуш бераркан. Терак ниҳоллар тагига қайнок сув куяркан. Ит ҳам бокмай, терак ҳам экмай кўювдик, чол-кампир ўлимлигимизга деб боқиб юрган тарғил сигиришимизга игна бериб, ўлдириб кўйди.

– Бундан нима наф? – энсаси котди Фозилжоннинг.

– Бахиллигининг қусри конса керак-да. Эҳ-ҳа, ҳозирги тортаётган азобини кўриб, ковжираган ниҳол теракларни, кийналиб жон берган итларимизни ўйладим. Кўряпсизми, ёшлигида одам кандай яшаса, кексайгандан ўшанга қараб мурофотланаркан, ҳам жазоланаркан. Бечоранинг баҳилликдан топгани шу бўлди. Бари бало ичи қоралиқдан. Ичи қора бўлмаса, имомимиз Уста Ғанининг отасини **битта ҳайкални** ювгани учун кофир деб эълон қиласмиди?

Фозилжон бу ҳақда кимдандир эшитганини эслади, лекин кимлиги ёдига келмади.

– Ёшлигимда интернат қоровулидан эшитган Тўхтасин деган йигит ҳақидаги мудҳиши ҳикоя ҳануз юрак-бағримни эзганидек, сизга ҳам ҳайкал воқеаси қаттиқ таъсир қилган кўринади.

– Тўхтасин дедингизми?

– Ҳа, жудаям ачинарли а?

– Нима бўлган экан?

– Бир кишлоқдан Тентаксой номли сой оқиб ўтаркан. Бир йили эрта баҳорда сойнинг суви қўпайгандан кўпайибди. Унинг телбанамо харакати гўё янги келинчакнинг ҳовли супуришидай чор-атрофни ювиб кета бошлабди. Таъласага тушган қишлоқ аҳли маҳалла мачитининг имомига маслаҳат солибди. Шунда имом сой суви қонсираб колибди, ирим-сиримини қилиш керак, деб жавоб бериб-

ди. Жон қайғусида қолган одамларнинг кўзига ҳеч нарса кўринмас эмиш. Имомдан нима килиш кераклигини сўрашса, Тўхтасин номли боланими, йигитними, чолними сепоя тагига тириклийн кўмиш ксрак, деб айтибди. Буни эшигтан оломон ҳеч иккиланмай, кўз очиб-юмгунча бу ишни адо этибди. Ўғилнинг доғида ота савдои, она тслба бўлиб колибди. Ҳеч қанча йил ўтмай оламдан ўтибдилар.

Фозилжоннинг дардли нигохига кўзи тушган чол юзини ўгирди:

– Тирик одамни сепоя тагига босиш, бу – накадар даҳшат! – гапини тугатди Фозилжон, – турган-битгани қотиллик-ку?

– Ўша Тўхтасин Уста Фанининг амакиси эди.

Чўғни босгандай сесканди Фозилжон.

– Нима-а-а?

– Ҳа, Фанининг амакиси, – кўз жияклари кизарди отанинг, – норгул, чиройли йигит эди. Сепоя воқеасини кўрмаганман, лекин мен ҳам батафсил воқеани отамдан эшигтанман. Ёш бола эдим-да.

– Мен бу воқеани шунчаки афсона деб юрардим.

– Рост, бўлиб ўтган воқеа бу. Имом отасини кофири леғандан кейин ёмон кўриб колган экан. Яна бир сабаби, ўша пайтда Расул кўрбоши бўлган. Имом ўша билан тилни бир килиб, Уста Фанининг отасини бошига етган. Амакиси Тўхтасиннинг қасдланиб колганини эшигтан имом хийла билан ундан кутулган дейишади.

– Бошқа Тўхтасин исмли одам йўқмиди?

– Бўлган, кизилчеклик, новлик, юқоричеклик, Дмитровдан бўлган. Бу маслаҳатни эшигтан кизилчеклик Тўхтасин ота, мен кексайиб, ошимни ошаб, ёшимни яшадим, мени кўминглар деб айтса ҳам имом айнан Фанининг акасини айтган. Тушимда башорат берди деб, одамларни ишонтирган. Кейин-кейин ҳакиқат юзага чикқач, имом бу ердагиларнинг юзига қаролмай, Бухорои шарифга қочиб кетган дейишади.

– Ҳозир ҳам мачит, имом деган нарсалар борми?

– Бор, аммо аввалгидек пичоги кесмайди. Ҳозир мачитимизга Юнусжоннинг бўлавачаси имомлик қилади. Ўша Тўхтасинни сепоя тагига бостириб қурбон қилган имом ҳозирги райкомнинг отаси эди.

– А-а?

Кулоқларига ишонмасди Фозилжон: «Наҳотки, мен эшигтган ва бир чўпчак деб ўйлаганим ҳақиқат бўлса? Наҳотки, котил имомнинг ўғли райком секретари? Ахир юкоридаги бош раҳбарлар райкомликка номзоднинг авлодини, аждодининг етти хили-хесигача ғалвирдан ўтказиб тасдиклайди-ю... Отанинг айтаётганлари бир тўқима бўлса керак? Балки райкомнинг шаънига бўхтондир?!»

– Ўйланиб қолдингиз? Иш қийнаяптими?

Фозилжон кулимсиради.

– Бирор гапингиз бўлса айтаверинг?

– Шу ерга келиб изланиш, меҳнат қилиш умрим мазмунинга айланиб қолди. Тушларимда ҳам гоҳ дала кезаман, гоҳ жажжи ғўзалар билан бўйлашаётган бегона ўтларни юламан. Лекин ёнғок ичра мағиз қандай сакланаётган бўлса, даъланинг сирлари ҳам шундайлигича коляпти. Мени ўзларига ошно килгиси келмаяпти. Мана сиз, Қодирча ота билан гаплашдим, кўп кимматли маслаҳатларингизни олдим, аммо...

– Сиз Ғани билан учрашдингизми?

– Йўқ! Лекин эшигтандим. Келганимнинг дастлабки кунлари илгор бободеҳконлар номлари билан аталган пайкалларни таништираётганда Мунаввар тилга олганди.

– Сиз Ғани билан учрашинг-да, лекин айтиб қўйяй, сал ёввойироқ бўлиб қолган.

– Шундайми?

– Ўзи кал, Худо урган махмадона, лекин гапни орқаолдига караб гапиради. Бари гапи ўғилбола, пачакиси йўқ. Бир марта пала-партиш гапириб қўйиб, энасини Учкўрғондан кўраёзди.

– Шунака денг?

– Бундан беш-олти йил аввал энг катта пошшойимиз, анов Масковдаги-чи, уй ҳайвонларини йўқотиш кераклиги

ҳакида қарор чиқарди. Ўшанда ҳозирги райкомимиз бизда партком эди. Раис билан ўша партком олдида Ганининг чакаги очилиб, ўша қарор чиқарган халқ душмани, деса бўладими? Ана кўринг ҳангомани! Мана кўринг ҳангомани! Бир ҳафтадан кейин биргатликдан тепилди, пирқадан ҳайдалди.

– Наҳотки?

– Ҳа, ўзим гувоҳман. Асли гапга эътибор беринг-да, уларнинг наздида бу жуда кучли ташвиқот эди.

– Лекин қарор мазмунни...

– Уни ўқиган Фани билади-да, – ота билганини сўзлашда давом этди, – бир куни ёнма-ён ғўза чопиб юриб, ўшаларнинг қитигига тегиб нима килардинг, десам, бўлар гапни айтмаган, кўчанинг ўртасида бошини азот кўтариб юрмаган номард, дейди. Бўлар гапини деб-у... Аммо ўзиям оғзидан отилиб кетишига сал қолди.

– Кейин окланмадими?

– Йўқ! У қайсарга акл ўргатаман деб балога қолдим. Кечирим сўрасанг; олам гулистон, десам, улар мендан узр сўрасин, ўзи чиқарган қарорнинг бузилишига йўл кўйган Масков узр сўрасин, дейди. Вой-воо-ой! Яхшиям, хоннинг ўғлимас, нимасига ишонади, билмайман.

– Яхши, қамалиб кетмабди?

– Айтдим-у, бир баҳя қолди деб. Чамамда ҳақиқат са-а-л бу томонда шекилли?

– Ҳа, қарор мазмунида, – Фозилжон қарор мазмунояси ёдига тушганидан мамнун деди, – ҳа, мазмунида шаҳардаги озодалик гигиенасига эътибор каратилган.

– Ҳмм, тўғри, ҳайвон чиқиндисининг хиди шаҳар ҳавосини булғаши мумкин, ҳовлилари тор-тор бўлса...

– Усиз ҳам завод-фабрикалар, майдада корхоналарнинг турли хил чиқиндилари етарли. Бу ерда қишлоқ хонадонлари тилга олинмаган.

– Ҳа-а, – ота қошларини кериб жилмайди, – вой зангар-эй, шуни очик айтиб кўя колса бўларди-ю?

– Газетани ҳамма ўқиган деб билган бўлса керак.

- Гапингиз тўғри,вой хумпар-эй, мен чаласаводга тушунтирганда ёрдамлашворардим.
- Қандай қилиб? – энсаси котди Фозилжоннинг.
- Ҳаммага ўша келган ўрис-ўзбек комиссаларига ҳам Фани ҳак дердим-да.
- Ўша қарор дўппи деса бош кесиб келадиган айрим раҳбарлар учун қўл келган бўлса керак-да?
- Ҳа, гапингиз тўғри, уни ўзи ишдан четлатишолмай юрувди. Ўшаларга бир баҳона, тўғри...

Фозилжон бу қишлоқнинг содда, аммо ҳақгўй одамлари билан сухбатлашиб маза килар, ҳар биридан кўз кўриб қулоқ эшишмаган бир ҳикоя ё бир ҳангома тинглаб роҳатланарди: «Бебаҳо одамлар! Ҳа, сўзлари бўёқсиз, бироз лофга коришик, лекин бор ҳақиқат! Сохталик умуман бегона! Беминнат ёрдамлари-чи? Балки жаннатилар шулардир?!»

- Фани кетгач, ери ҳам аразлади, аввалгидай ҳосил бермай қўйди...

Фозилжон мийигида кулди: «Ери ҳам аразлади». Чол индамай, хаёлга берилганича, кўзларини яқингинада қора қўйлагининг этагини судраб келаётган тун манзарасига тикиди.

– Бир гал тортишганимизда, – ота дардчил оҳангда сўз бошлади яна, – шаҳару қишлоқлардаги мол-қўйларни қириб ташлашди. Ҳали қатиқ-сутни пулга оладиган, гўштни эса тушингда кўрадиган бўп қоласан, деб ўдағайлади. Айтганидай, гўшт палонча пул, биз-ку эплаймиз, аммо Топилдихонга ўхшаган жўжабирдай жонларга қийин-да...

– Чамамда, тушунтирган экан, – деди Фозилжон отани авайлаб сўз бошларкан, – нимага қарши чиққанини?

– Анча, анови текшир-текширлар тинчигач, ҳамма нарсадан мосуво бўлгач, ичим оғриб, сенга нимайди, ҳамма катори юровургин эди, десам портлаб кетди-да...

– Ҳм-м.

– Сизни гапингиз тўғри. Газетни ҳамма ўқиган деб билган у занғар! Кеча келган эди, сизлардан анча хафа.

- Ҳафа?
  - Ҳа, ерини опқүйибсизлар-у?
  - Ўзинглар бунақа ишларни элга келган тўй дейсиzlар, чамамда.
  - Шунақа-ю, жўжабирдай жонга кийин-да ўғлим.
  - Болалари шунақа кўпми?
  - Ўндан ортиқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, гўшт палонча, гуруч мановинча пул. Шўпирман деб хар хил ишга шўнғимайди, боёкиш жуда инсофли.
- Фозилжон гангид колди: «Ҳали биргат дейди, ҳали шўпир, ишдан ҳайдалгач, шўпирлик килган экан-да».
- Бир куни у билан бирга қуён тутибсизларми?
  - Ҳа-а, – унинг қўзлари ярқ этиб очилди, – сиз Топилди-хонни айтяпсизми, мен эсам...
  - Фани ўлиб қолса шикоят килмайди, кўчада қолсаям бўйин эгмайди.

Орага яна сокинлик чўкди. Қаердадир чигиртка бўғик чириллади. Узокдан тракторнинг гувиллаган овози келди. Юлдузлар ватани бўлмиш самода ой аста мўралади. У коровулнинг самимий сўзларидан кўп нарсани англади.

– Ўғри битта, гумон мингта, – гўлдиради ота, – биринкитанинг касрига кўпчилик ерсиз колди. Қишиюқ ахли ўшандан чиккан даромад эвазига тирик-да, колхозди бергани этагини ёпмаса, агроном билан биргатларнинг ўлибтирилиб опкеган ўғитларидан оз-моз олишса, камайиб қолармиди?

- Йўқ, отахон! Юкоридан буйруқ шунақа бўлди.
- Гапирасиз-да, қарға-қарғанинг қўзини чўкирмиди?

Шу пайт яқинлашиб колган аёлни кўрган коровул ўрнидан қўзғалди:

- Э, келинг, келинг Одашвой!

Фозилжон ўгирилиб, бундан бир неча ҳафта олдин кўмир можаросида бирга ишлаган аёлни кўрди.

- К-келинг опа, – ўрнидан турди, – сўрига марҳамат.
- Раҳмат!
- Кеч кирганда йўл бўлсин, қизим?

- Нов тепасидаги кирғиз әжемнигиң кетяпман. Қоронғи куюклашмай етиб олай.
- Тинчликми?
- Тинчлик. Бұхалча холамнинг күнгли исмалок чучвара тусаб қолибди. Шунга. Эжемда бўлса олиб қайтаман. Бўлмаса тонг сахар токқа чиқамиз.
- Кузатиб қўйай, опа?
- Раҳмат! Ўзим!
- Бу балодан ҳам кўркмайди, юрагининг ёли бор, – кулди ота, – хов, эҳтиёт бўл, – уч-тўрт қадам нари кетган Одашхоннинг кетидан кичкирди, – тағин бўри тушиб, сурув кўйларидан иккитасини чаваклаб кетибди.
- Бўғизлаб денг? – кулди Одашхон.
- Куласан-а, куласан. Сенга бекорчи қулги бўлса бўлди.
- Инсофли бўри экан, ҳар гал ўнтачани гумдан киларди, бу сафар диёнат кўчасидан юриб келибди-да...
- И-и Одашвой, эженгга айт, рўзага кўлбола сариёғ килиб берсин.
- Хўп!

Анча узок жойдан келди жавоб. Тун қаърида кўзга кўринмай кетган Одашхоннинг кетидан қараб қолган Фозилжон, киройи опанг шундай бўлса, дея ҳавасланди.

– Ҳах, Гани-я, айтганингга кириб, қора қашқамни сўймаганимда, тоза сариёғни кампиримнинг ўзи тайёрларди. Мана энди, кунимиз әжемларга қолиб турибди. Оббо Гани-ей, авлиё бўп қолган экансан-у...

Фозилжон тўғри идорага келди ва Мунавварнинг олдига киаркан, Ҳамроқул ота билан Топилдиҳон ҳакида бўлган сұхбатнинг айнан ўзини гапириб берди.

- Бу ҳақда буйруқ бор, – деди зарда билан Мунаввар.
- Агар юкоридан буйруқ берилганда райком секретари писандаги килмаган бўларди.
- Мен колхозчиларга ён босиб, шунчаки енг учидаги баражандим, ҳаддиларидан ошишгач...
- Менимча, сал шошдик.
- Кайси ўзбек ер учун жон бермаган?

- Тўғри, лекин ота айтганидек, ерни экиб-тикиб фойдаланмайдиганлардан олиб, кўп болали оиласларникига тег-маслик керакмиди...
  - Кўрамиз, бирор ой ўтсин.
  - Нега?
  - Бебурд бўлишни хохламайман.
  - Дехкон учун сония кадрли...
  - Райисполком билан маслаҳатлашиб кўрай-чи, бир йўлини айтар.
  - Мунаввар, яна бир масала.
  - Бу дейман, бугун ичингиз масалага тўлиб-тошганми?
  - Нега клуб ишламайди?
  - Бу саволни сиздан анча олдин кутган эдим.
  - Партия, комсомол ташкилотининг секретарлари нега шундай ҳашаматли бинодан фойдаланишмайди? Хўжа кўрсингами?
  - Айтсан тилим, айтмасам дилим куяди.
  - Сезгимча, клуб фаолияти билан сельсовет раисининг мутлақо иши йўк.
  - Клуб мудири борми деб сўранг аввал?
  - Эгасиз денг?
  - Ўнинчини битирган киз ишлаётувди, бошқа колхозга эрга тегиб кетди.
- «Колхозга эрга тегдими ё йигитга...», Фозилжон кулди мийиғида.
- Бошқа мудирликка лаёқатли одам топилмади.
  - Кўйинг-э Мунаввар, шунча аъзоларингиздан биронтаси эплолмайдими?
  - Мен Сарвинозни мўлжаллаган эдим, лекин...
  - Нима лекин? – юраги гупиллаб урди Фозилжоннинг, – бемалол бошқаради.
  - Ахир онаси бетоб-ку...
  - Ҳм, бу ёғи ёдимда йўқ.
- Сухбат тугамасидан кабинетга бесўорок кириб келган Маъсума:
- Бухалча холам оламдан ўтибди, – деди ўпкаси тўлиб.

Мунаввар сапчиб туриб, эшик томон йўналди, ортидан Фозилжон ҳам...

## 23

Буҳалча холани дағн этишни ўзи учун ҳам карз, ҳам фарз деб билган Мунаввар барча тадорикларини ўрни-ўрнига кўйиб бажарди. Фозилжон эса бир неча кун Сарвинозга ҳамроҳлик бурчини адо этиб, эшик олдида эртадан-кечгача таъзияга келиб-кетгувчиларни кузатиб турди.

Ҳар тун хуфтондан сўнг йўлларига шамчироқ бўлган ой уни хонасига кузатиб қўяр, баъзи кунлари қишлоқ ширин уйқуда бўлар, на бир шовқин ва на бир бегона сас эшитиларди. Кундузлари типпа-тик туриб ҳориса-да, тунларни ухламай бедор ўтказар, баъзида тонг қадар хаёл дулдулида чопиб чиқарди: «Қизиқ, одамларнинг иккита уйғунлик томони бор экан: бир хилда куларкан ва бир хилда йиғларканлар. Ҳа, умрим карвони қанча юрар, қаерларга борар ва яна қанча яшаса-да, Сарвиноз билан бирга кулсам, бирга йигласам ва бир умр бирга яшасам армоним қолмас эди».

У Сарвинозни учратгандан бери армонларининг гўшаси бўлмиш хаёллари тинчлик бермас, қизнинг суврати тикилган кўзларига уйку инмас эди. Маърака ўтгач, ҳар ким яна ўз ташвишига кўмилди-қолди. Яна бир янги кун туғилди. Тонг нурлари тўшалган бу кун йўлида Фозилжонни қандай қадамлар кутаётир, у билмас...

## 24

Эрта тонгдан далага шошиб кетаётган Фозилжон йўл қирғоғида сигирини ўтлатиб юрган отахонга салом берди.

– Тупроқ етилмабди-ку, – алик олгач, сўради ота, – камида яна икки марта ҳайдаш керак.

- Шунақа денг? Биз эса эртадан экишни бошламокчи эдик.
- Тезрок ҳайданглар-да, экишга шошилинглар. Негаки, эрта эккан эрта хирмон кўтаради.
- Сиз...
- Мен Уста Ғаниман.
- Мен...
- Янги агроном Фозилжонсиз, Ҳамро айтди...

Фозилжон шийпонга, бригада аъзоларига яна янги топшириклар бергани шошди. Ортидан караб колган Уста Ғани эса ўзини хаёл ихтиёрига берди...

Отаси Ҳожибой жудаям серҳаракат дехкон эди. Оилада икки ўғил – Юсуфжон ва Ғанижонни олиб Расул кўрбоши томорқасига карап эди. Камбағалларнинг пешонасига офтоб теккан йили масжид берироғидаги гузарга қандайдир ўрислар келиб, ҳайкал ўрнатиб кетишиди. Айникса, очилиш маросимида бир йигит шунакаям чиройли маъруза килдики, ҳамма мазлумларга эрк берган, дехконни ерли килган, ишичиларга иш улашган, кўйингки, ер юзига илиқ нур сочадиган ягона офтоб бўлса, иккинчиси мана шу ҳайкал тимсолидаги одам, деди...

Шундан кейин ўзгаришлар юз бераверди. Тез кунда кўрбоши ғойиб бўлди. Маҳалла-кўйларда ғимир-симир бошланди. Ёлғизбоғлик Ўсарбек мингдан ортиқ кўй-эч-киларни, ўндан ортиқ хўқиз, омоч-увовни, кирқдан ортиқ отларини колхоз деб тузилган янги уюшмага топширди, жони тинчиди. Бўйин товлаган Тожибой ҳалфа, Отакўзибой ва Икромбойлар кулок килинди. Тахликага тушган баъзи бойлар, имомлар турли ташвиқотлар юргиза бошладилар. Ёдида, бир куни амакиси Тўхтасин билан бирга гузар олдидан ўтиб келаётган эди. У ерда чойхона бўлиб, бу бино дараҳтларнинг қуюқ соясига жойлашган ва чап ёнидан катта анҳор оқиб ўтар, анҳор четлаб кўча эди. Ҳайкал зич шохлар орасида кумушдай товланиб, гўё чойхонага ҳордик чиқариш учун келганларни «Хуш келибсиз!» дея кутиб олаётгандек, ўнг кўлинини олдинга чўзганча турарди. Буни албатта ўзи

ўйлаб топгани йўқ. Ҳайкал ўрнатилган куннинг эртасига отаси чойхонадан келиб, онасига, «Қара-я, бу ҳайкал ким чойхонага келса келинг деб кутиб оляпти», деганини эшитган эди. Бугун эса имомнинг маъруза қилиши уларга бироз янгиликдай туюлди, ҳам кизикинди.

– Кўряпсизларми? – деди у ҳайкални кўрсатиб, – бизи ўзбеклар макони ёт одамми ёктирмади. Аслида Худо ёктирмади. Қушлар Худонинг учиб юрган паришталари! Кимда-ким ҳайкалдаги қушлар ахлатини артса ё ювса, ёки ён-верини супурса, копир деб эълон қилинади!

– Ўзи ҳакками, чумчуқми отиб ейди-ю, паришта эмиш?! – тўнғиллади Тўхтасин.

– Оғзингга қараб гапир! – чакчайди имомнинг ўғли Ҳошим, – қараб тур, сени дадамга айтаман.

– Айт! Айтавер! Осмонни устимга ташла, кўлингдан келса.

Кечки пайт амаки ва жиян бор бўлган гапни Ҳожибойга айтишди. Ота мик этмади, факат соқолини силағанча чукур ўйга толди.

Эрталаб гузар ёнидан ўтган баъзи бирорлар ҳайратдан ёқасини ушлади. Ҳайкал дастлабки куни қандай бўлса, ўшандай ярқирок эди. Ўн кунлар ўтгач, имом бу гал масжидда пўписа қилди.

– Ким қилаётганини билсак, сазойи қилдирамиз!

Ҳеч ким мик этмади. Лекин уч-тўрт кун ўтгач, Ҳожибойни чалажон холда ҳайкал ёнидан топишди. Шу кундан бошлаб ҳар хил миш-мишлар уялади. Аниғи, тун ярмида ҳайкални юваётган Ҳожибойни Юқори Нов томондан келган беш-олти отлик савалаб, ярим жон килиб кетишди. Тўхтасин бир мунча кайсарлиги боис бир ишга ёпишса тагига етмай кўймас эди. Ҳаркалай, бу ишда имомнинг кўли борлигини сезар, лекин далил-исботи йўклиги учун тилини тийиб юрганди. Бир куни Ҳошим билан нимадир устида тортишиб қолиб, билиб қолди.

– Сенларнинг кунингни кўрсатаман! – чиранди Ҳошим, – ясайман!

Тўхтасин жияни Фанижоннинг ҳай-ҳайлашига қарамай Ҳошимнинг устига ташланди. Иккови нақ қўчанинг ўргасида олишаётганда, пешин намозини ўқиб чикиб келаётган одамлар ажратиб қўйиши:

– Суф сенга, Тўхтасин! Кап-катта одам жиянинг тенги билан олишасанми? Уят сенга?!..

Тўхтасинга Ҳошимнинг уст-бошини қокишиб, дурралари билан юз-кўзини артишгани обдан таъсири қилди. Уни эса...

Тонг сахар ур-сур, қичкириқдан уйғонган Ганижон ташқарига чопди. Оломон бири пакир, бири кўзасини кўтарганча чопқиллар, кун чикиш томонда қуюқ тутун осмонга ўрларди. Кўча бошидан югуриб келган амакиси унга кўз кисиб, ўтиб кетди. «Наҳотки амаким...», тили танглайига ёпишиб қолди Фанижоннинг. Оналарнинг юраги сезгир эмасми, шу ондаёқ онаси уларни олдига чақириб:

– Отамнинг иши етарли эди, – деди атрофга олазарак қараб, – энди сизники ошиб тушди, aka. Биздан гумон килишлари аник. Шунинг учун Хайрободдаги синглимни кида уч-тўрт кун меҳмон бўп келинглар...

Тун ярмида амаки-жиянни қўшни кишлокқа жўнатиб юборди. Ганижоннинг акаси Юсуфжонни эса бирор бунақа номаъқул ишлар қиласи деб ўйлаш тугул, хаёлигаям келтирмасди. Чунки у нимжон ва заҳпар рангли йигитча бўлиб, кўчаларда кам кўринар, мабодо кўринган тақдирда ҳам ҳеч кимса билан иши йўқ эди. Қисқа килиб айтганда, ўз чоригини ўзи зўрга судраб юрарди. У ёшлигидан касалманд бўлгани учун узоқка бормади. Фанижонни ёлғиз ташлаб кетди...

– Ҳорма?!

Уста Фани чўчиб тушди. Ўгирилиб, Ҳамроқул қоровулни кўрди:

- Бор бўл! Сенмидинг?
- Жа-а-а хаёлга минвопсан?
- Акамни ўйлаб тургандим, амакимни...

- Амакинг тўғрисидаги сепоя воқеаси бутун оламга ёйилиб кетган экан, Гани. Кеча анови агроном йигит ҳам шу хақда ганирди. Афсона деппан дейди...
- Қанийди, афсона бўлса...

## 25

Навбатдаги йиғилишда Фозилжон иш бермаётган раҳбарларни аёвсиз савалади. Ҳатто Юнусжон билан тиккалашиб кетди.

- Раисни йўлдан уриб, халкни унга карши қип қўйдингиз! – чакчайди Юнусжон, – ичи кора йигитакансиз!
- Нима-а-а?
- Ҳа, ичи кора, худбин йигитакансиз! Э, сенга ўхшаган ўша интернат тупроғини ялаб, супраси ун қўрмаганлар! Барибир пастлигини қиласди-да...!!

Ҳамма ҳайрон. Кечагина ош-катик эди-ку иккаласи, ўртада сарсон илик эди. Ҳа, бир майизни тенг бўлиб ердилар. Нега кўз тегди? Ё алҳазар! Одамнинг оласи ичиди деб шуни айтсалар керак-да!

- Э, Юнусжон, – ўртага тушди кассир, – юзингда кўзинг борми демай шунақа дейсизми?
- Кўрмайсизми Тешабой, бу келгиндининг қилган ишларини?! Бу шумқадам келгандан бери колхознинг боши ғалвадан чиқмай қўйди. Ҳали қишида гўнг, ҳали томорка, ҳали... э-э...

– Сизам қолишмайсиз, ким айтади сизни катта одам деб... Сал бир қалами настроқ тушинг.

Умрида биринчи марта ҳакорат эшитган Фозилжон йиғламоққа шай бола алпозига тушди. Асабий титрар, дунё кўзига тор кўринарди. У Юнусжонга алам қилаётган нарсаларни билар, билса-да, юзсизларча айтган гаплари заҳмига ўзини босолмасди: «Етимлигимни пеш қилди-я!» кўзларига ёш сизиб келди. Унинг башарасига қарагиси келмай қолди.

— Юкоридан буйрук келганда Фозилжон йўқ эди, — деди Мунаввар жиддий туриб, — у ёк-бу ёғини силаб, номига бажариб қўйгандик. Нима учун? Аъзоларга қайишганимиз учун! Окибати нима бўлди?

Юнусжон бошини эгиб, нимадир деди. Нима деганини хеч ким англаёлмади.

— Ҳозирча, ҳовлисига ёндош ортиқча томоркаларни олиб қўйдик. Эндиликда ташкаридан гектар-гектар ер ўзлаштирганларникини ҳам кирқамиз. Ҳа, Исанинг ўчини Мусадан олишга уринманглар. Фозилжон нимаики иш килса, шу ер учун, шу ернинг одамлари учун киляпти, ўзи учун эмас. Ўйлаб қўринглар, данғиллама участкаси борми ё гектар ери борми, ё...

— Тўғри, биз учун-да, — тасдиқлади бригадир Мамажон, — эрта тонгдан то кечгача далада умри ўтяпти. Ишқилиб кўз тегмасин-да, шаҳарга кетиб қолмасин деб кунда Худодан унга сабр-тоқат тилайман.

— Ҳа, шаҳарликларнинг кўпи кишлоқ ҳаётига чидамайди, бир минут ҳам турмайди.

— Рахмат, ука, ишингизга омад тилаймиз!

Юнусжон бири қўйиб, бири гапираётганларга бир-бир ўқрайиб қаради-да, пешини қоқиб чиқди-кетди. Бошқалар ҳам сўзсиз тарқалишди.

Фозилжон йиғилишдан чикибоқ, уйга чопди. Хонада у ёқдан-бу ёкка танда қўяркан, Юнусжоннинг илондай бақрайиб, вишиллаб нафас олишлари кўз олдидан кетмас, ҳаёлидан эса: «Бу одамдан ҳар нарсани кутса бўлади», деган ўй нари жилмасди.

## 26

Фозилжон гўнгланган шудгорларни айланиб юриб, тупроғини кафтлари орасига олиб эзғилади, сўнг шийпонларга навбатма-навбат бориб, бригадалар бажарган иш унумини синчилаб текширди. Қодирча ва Уста Ғани пайкалларидан кисман хотиржам, аммо бошқа карталарда ўзгариш

йўклигини кўриб, сикилиб колар, назарида бу йилги экинлар яхши бўлмаётгандек туюларди. «Қанийди, шу тоңда синчи бўлсанг, ё ер тилини уксанг, қаъридан келаётган ни-дога жавоб топа билсанг...»

Корин дардида унда-мунда колган гўнг уюмлари атрофида ликиллаётган карғаларнинг парвоз килиб кағилашларини кузатар экан, Мамадали табелчининг ёнига келиб колганиниям пайкамай қолди.

- Экишни бошласакми? – муддаога ўтаколди табелчи.
- Ҳали эрта, яна бир марта ерни хайдаш керак. Тракторчи кўринмайди?!
  - Ҳозир шу ердайди.

Фозилжон теварак-атрофни кузатди.

- Яна бир хайдалиши кераклигини айтдим, кўнмади.
- Нега?
- Қарғиш олган ер кўкармас эмиш.
- Нима-а?!

Табелчи елка қисиб, мавхум жавоб айтди. Фозилжон унинг гапларини тингларкан, хаёли бошқа ерда эди. **Уста** Фани пайкалига кўз тикканча, бўлажак ишларни режалашибирмоқда эди.

- Шу жойниям экин майдонига айлантирудиг-а?

Фозилжон ялт этиб унга қаради.

- Бу ердан аввал сой ўтарди.

– Сой?

– Ҳа, ҳар баҳор пайтида бўйдоқнинг питидай ёйилиб оқарди-ей, чеккаларида мол-кўй бокардик. Қирқбўғин кўп эди. Бир марта бўғин санаш билан овора бўлиб, битта **кўзим оқиб** кетганиниям сезмай **колганман**.

- Демак, ер остига шагаллик яқин экан-да?

– Қисман ерларда бор, айрим ерлар сағиз, айрим ерлар эса гил, тупроклисиям бор.

– Ҳм-м.

«Демак, Мунавварнинг гапларида жон бор. Баъзи ер ми-нерал, баъзи ерлар эса маҳаллий ўғитталаб. Ер остининг

маълум катламигача тёкширишим, шунга қараб иш тутишм керак».

Унинг кўзларида умид учкунлари порлади.

## 27

Фозилжон кечки пайт ундан-мундан сўроклаб, Уста Фанининг дарвозасини топди. Устани юзи катта, кўнғир сочили тракторчи йигитга ҳовли этагидаги ер майдонини сурдириб, текислатаётган пайтда учратди. У қора сатин тўн устидан боғланган белбоғ қатига кўлларини тиққанича кимир этмай турар, қаддини ғоз тутганича, иш сифатини кузатаётганди. Тракторнинг силкиниб юрганини кўрган Уста Фани ортига кайрилди ва Фозилжоннинг дарвоза тагида қараб турганига кўзи тушди.

– Чакирсам эшитмадинглар, ҳорманглар! – кўл олишиб салом-алик килишди.

Кодирча отага нисбатан Уста Фани анча нозик эди. Юзлари буғдой ранг, кисик кўзларида қатъият акс этар, ёши стмиш беш, саксонларда эса-да, кўрган одам зўрға олтмишни берарди-да, шундаям кўп бердим деб ўйларди. Шу орада ота кўлидан пул олган йигитни Фозилжон бир зумда ёмон кўриб қолди: «Виждонсиз! Ўз қишлоқдошингдан ҳам пул оласанми? Трактор, ёғ колхозники бўлса...»

Аввалига бир таъзирини бермокчи бўлди, лекин отанинг салобати босдими, ё бегона ҳовлида меҳмон экани эсига тушдими, ҳар қалай шаштидан тушди. Улар бирин-кетин уйга киришди. Фозилжон остона хатлаб ўтибок, ажойиб томошанинг устидан чикиб қолган сайёҳдек анграйиб қолди. Уй кенг ва ёруғ. Тўри ва бир томони ниҳоятда нозик дид билан ясалган нақшинкор, баландлиги шифтга етгудек китоб жавонлари билан тўлган эди. У яқинроқ борди. Ярқираб турган ойналардан сон-саноқсиз китобларни кўздан кечиравкан, отага ҳавас билан қараб кўйди. Сўнг китоблар номини бирма-бир овоз чиқариб ўқий бошлади. Унинг назаридаги инсоният яратилгандан бери ёзилган китоблар жамулжам эди.

– Жуда бой экансиз, – ички бир ҳасад ва ҳавас коришиғида кўзлари ёнарди, – бой экансиз.

Бу орада Устанинг кампири чой келтириди.

– Ўтиринг меҳмон, чой совимасин.

Уста Фани пиёлаларга қайноқ чойдан куяркан, кўз кири билан Фозилжоннинг харакатини кузатар, унга нисбатан ўзида ички бир иликлик пайдо бўлаётганини сезарди. Биринки пиёла чойни оғзига толқон солган кишилардай индамай ичишди. Фозилжон ўтирган ерида ҳам тез-тез китобларга кўз югуртирас, отанинг жилмайиб кузатаётганини сезмас, институтни битирган бўлса-да, бепарволиги туфайли китоб жавони йўклиги ва керакли китоблари ҳам санокли эканидан ўкиниб ўтиради. Улардан кўз узмай:

- Қандай килиб йиғдингиз? – сўради.
- Томчидан дарё бўлур.
- Айримларининг ёши сиздан каттага ўхшайди.

Отанинг чиройи очилиб, кулиб юборди:

– Э яшанг, шу вақтгача ҳеч ким бу томонига эътибор бермаган эди. Менга уларни муаллимим совға қилган, аниғи, ундан мерос қолган.

- Мерос?

– **Ха, урушга кетишидан уч-тўрт кун олдин чақириб**, сендан бошқасига ишончим йўқ, мен қайтгунимча китобларим, газета-журналларим сеникида турсин, бу ерда улар тутантириқ бўп кетиши мумкин, деди. Тилла топган одамдай ярим кечагача қопда ташидим. Ўшанда йигирма етти-йигирма саккиз ёшда эдим. Элга келган **тўй**. **Икки йил** ўтгач, ўзим ҳам кетдим. Уруш тугагач, зафар кучиб қайтдим, аммо домлам қайтмабди. Ноумид шайтон, келиб қолар дея яна уч-тўрт йил кутдим, лекин келмади. Сўнг домламнинг хотирасини ўчирмаслик ҳамда чексиз хурматим юзасидан китобларга атаб шу уйни солдим. Жавонларни ўзим ясадим, Уста лақабини шунда олганман. Кейинчалик ўйласам, тўғри килган эканман. Негаки, менга ишониб топширган мулкига хиёнат қилмадим, аксинча, бойитишга ҳаракат қилдим.

Қайси газета-журналларни яхши кўрган бўлса, ўшаларга обуна бўлдим.

– Яшанг-э, койилман сизга! Буни устозга нисбатан хурмат, эътиқод дейдилар, зўр!

Фозилжоннинг ҳайратидан отанинг пешонасидаги ажинилари таранглашиб, гўё ёшаргандай бўлди. Чунки шу дамгача китоб сўраб келгувчи қишлоқ ахлидан бу каби мактовни эшитмаган, эътирофни туймаган эди. Йигитга нисбатан дилида илик бир туйғу уйғонганини сезган ота унга меҳр билан қараб қўйди. Айни дамда Фозилжон бир муҳим нарсани айтмоққа тараддулланди.

– Сиздака отам бўлганда эди, – ва ниҳоят тилга кирди у, – бошимда кўтариб юрган бўлардим.

– Ўтиб кетгач, шундай дейсизлар.

Фозилжоннинг юзлари оппоқ бўз тусига кирди. Унинг калб яраси тирналган эди.

– Менинг ҳеч кимим йўқ.

Ота шошиб қаради.

– Ш-шундайми?

– Ҳа, интернатда ёшлигим ўтди. Устозлардан илм ўргандим, аммо ўқиган бошқа, уқкан бошқа экан, – Фозилжоннинг аста-секин чехраси ёриша борди, – олган билимларингни амалда кўллай олмасанг бир пул экан. Виждон азобида коларкансан. Мен бу ерга келгандан бери энди ўзимни дехкон санаяпман. Эшитишимча, сиз ер сирини биладиган, у билан бемалол сирлаша оладиган асл дехкон экансиз. Илтимос, мен чаладеҳконни шогирдликка олсангиз?!

– Пахтачилик соҳасида бутун жаҳон танийдиган буюк олимнинг шогирди гапиряптими, – ота асабий ҳолда деди, – ё мени мазах киляпсизми?!

– М-мен...

– Мен бир сургун бўлган, шодлигию ғамлари юрагига дағн этилган одамман. Чўчимаяпсизми?

– Нега, ахир...

– Мехмон, иззат билан хайрлашганимиз маъкул.

Фозилжоннинг устига тоғ қулагандай бўлди. Тили танглайига ёпишиб, ҳаво етмагандай бўғилди. Бундай муомалани кутмагани учун бироз каловланиб қолди. Кетиш учун ўрнидан кўзгаларкан:

– Навоий ҳазратлари айтмоқчи, билганларингизни тупроқка олиб кетаркансиз-да, кечиринг?! – деди-ю, ўрнидан турди ва чикиб кетишга тараддулланди.

– Ба-ас! – ота жаҳл билан хонтахтага мушт туширди, зарбидан чойнак-пиёла иргиб кетди, – аспирантурани битирган салкам олим бир амаллаб еттини зўрга битирган чолнинг устидан куляпсизми? Уялмайсизми?!

– Нега уялай?

Шу топда унинг хаёлида Ҳамроқул коровул айтган гаплар жонланди. Оддий ҳақиқатни айтгани туфайли чеккан озорлари учун бир мунча қайсар ва кекчи бўлиб қолган отага нисбатан дилида қаҳр эмас, аксинча меҳр уйғонди. Юзию кўзи зарда билан тикилиб турган отага қараб:

– Нега уялай? – сўради такроран, – ҳар бир даврнинг ўз шотирлари, корчалонлари ва бузғунчилари бор. Уларнинг bemаза қилмишлари деб нега юраги тоза, содда одамлардан юз ўгирай? Уларда нима гуноҳ? Еримиизда нима гуноҳ? У бизга турли хил таъмли мевалар, резаворлар, полиз маҳсулотлари илинса, қўйингки бизни бокаётган бўлса-ю, биз унинг ҳолидан хабар олмасак, соғми-касаллигини билмасак. Айтинг-чи, шу ишнимиз инсофданми? Менимча, ҳақиқий ўзбек бундай қилолмайди. Ахир ўлсак бағрида кандай килиб ётамиз?

Ота ўйланиб қолди. Бирон жўяли гап айттолмай, бошини хам қилди.

– Сизга таъна килиш ниятим йўқ, – шошиб қолди Фозилжон, – сизга ёрилгим келди-да, отахон. Назария бошқа экан, амалиёт бутунлай бошқа.

Уста Ғани ялт этиб каради:

– Бундан ортиғиям бўлмайди.

Ота дардчил оҳангда бошидан кечиргандарини сўзлашга тутинди. Урушдан аввал партия сафиға кирганини, уруш

даҳшатлари ичра кечирган ҳәёти ва кейинги тикланинг йилларидағи қийинчиликлар, унинг асоратлари туфайли, яъни кирк йигитдан ҳәёт қолган бир кишининг зиммасига оғир меҳнат юки юклатилганлиги, энди елкасига офтоб тега бошлаган меҳнаткаш эл ошига яна пашша тушганлиги ҳакида гапирди. Юзлари ҳорғин кўринса-да, сўзлари, баён килаётган фикрлари аниқ ва лўнда, дадил эди.

– Кейинги бўлган можароларнинг барчасини Ҳамроқул отам айтиб берди.

Уста Фани хўрсинди.

– Ким билан гаплашмайин, бари сизни ҳурмат билан тилга олади. Ҳа, отахон, бутун колхоз сизни яхши кўраркан, шунинг ўзи энг олий мукофот эмасми?!

– Шундай деб ўйлайсизми?

– Албатта.

Ўз навбатида, Фозилжон ҳам бошидан ўтган иссик-совук кунлар ҳакида сўзлаб:

– Профессор Саримсоқов, – деди охири, – кенг, беспоён далаларда ўз бахтингизни синаб кўринг, дея осонгина мендан воз кечақолди.

– Шунака денг?

– Ҳа, олим бўлмасам-да, энди асл дехқон ҳуқуқини кўлга киритмоқчиман.

– Мана бу бошқа гап, – шодланиб кетди Уста Фани, – ерга турли хил ниятни амалга ошириш учун эмас, дехқонча ёндашиб керак. Ана шундагина у сиз билан дўстлашади. Кулоғингизга дардини айтади.

Ота бир-икки томоқ кириб олгач:

– Асли бу соҳада ёшлигимда отамнинг ёнида юриб кўзим пишган. Кейинчалик Мирзачўлни ўзлаштиришда янаям чуқур ўргандим.

– Демак, қонингизда бор экан-да, отажон?

– Дехқончилик – ҳар бир ўзбекнинг қонида бор.

– Ҳақ гап.

– Оддий ҳакиқатни айтганимда партияга нолойиқсан дейишди. Ҳайдалдим. Ҳаммасидан мосуво бўлдим. Ҳам-

рокулу кампиримдан бошқаси мендан узоклашди. Ким, халқ душмани эмишман.

– Юкорига маълум қилмадингизми?

– Марказнинг обрўси, хурмати ўрнида бўлганида куйидагилар ўз билгича шундай қарор чиқаришармиди?

«Демак, ота билан хушёр туриб муомала қилиш керак», Фозилжон сергак тортди.

– Ноҳакликнинг юки хануз тоғдай босиб турди, – ғамгин дели ота, – ҳозиргача ичимда нимадир ёнади, яна нимадир кулаётгандай бўлади.

Фозилжон отани юпатмоқ илинжида бир илиқ гап кидирап, аксига олиб ундан сўзлар қорасини кўрсатмас эди. Нима килсин?

– Отамнинг бир гапи бўларди, – Уста Фани давом этди, – подани қўриклийдиган итнинг қорни очганда бўрининг хужум қилишини хоҳларкан. Мана шунаقا гаплар...

– Барибир ҳаққиат юзага чиқади, ота.

– Мен ўтгандан кейин...

Фозилжон бошқа гап қўшмади, очиғи, сўз тополмай қолди. Ота яна бир мунча фалсафий иборалар айтди, Фозилжон уларни тушунмадиям, хотирасидаям олиб қололмади. Гап айланиб бориб, ернинг тақдирига қадалди.

– Тириклик шунчалар душвормики, ҳар ким ўз ҳолига овора, ер билан кимнинг иши бор?! – писандга қилди, – битта урра билан ер ҳайдалади, яна битта урра билан кўксига чигит қадалади, яна бир уррада ягана, яна бирида эса пахта терилади. Мана, бугунги пахтакор ишининг асоси...

Фозилжон ерга қаради: «Қодирча отадан ҳам эшитувдим бу каби таъналарни, демак...»

Ота қўлларини тўлғай-тўлғай, гапида давом этди:

– Кечак магазинга ёғ олгани кетаётувдим. Қўшним Манзиратнинг неварасини машина уриб кетай деди. Нимага, биласизми? Бир тўда болалар кўчанинг у боши билан бу бошига тошлар уюмидан дарвоза қилишиб, футбол ўйнашаётган экан. Боланинг соғ қолганига суюниш ўрнига, шўпир уни тарсаки билан жазолади.

- Бечора, күркиб кетган-да, уриб кетса нима бўларди?
- Гапингиз тўғри, – отанинг қошлари чимирилди, – бу ерда ким гуноҳкор, эътибор беринг?
- Албатта, бола-да.
- Ана кўринг, биз шунақа хulosса чикариб ўрганиб қолганимиз. Улар учун шароит яратиб бермаган биз гуноҳкор. Фозилжон.

- Колхоз стадиони йўкми?
- Райондикি борми денг, томорқаларни кесишиб, далага кўшишяпти-ю, стадион бўладими?

Фозилжон тилини тишлади. Раҳбарларнинг дарду амали фақат пахта эканини англади. «Колхоз ахли учун клуб ишламаса, болаларининг ўйнаши, ҳордик чиқариши учун боғ ёки стадиони бўлмаса: пахта, пахта, пахта... Ҳм-м...»

- Шунга ҳовли этагини маҳалла болаларига футбол майдончаси қилиб бермоқчи эдим.

Унда қаршисида ўтирган хокисор одамга нисбатан бутун қалбини эгаллаган чексиз меҳр уйғонди. Аввалги меҳри гўё дарёга куйилаётган жилға каби эди. Эндиликда у денгиз мисоли меҳрга айланди.

Ҳали ота қўлидан пул олган тракторчи йигитни кўз олдига келтиаркан:

- Ниятингизни тракторчи билармиди? – сўради.
- Ҳа...
- Ш-шунақа денг?

Қўллари мушт бўлиб тугилди унинг: «Ярамас! Виждониз!»

– Энди ер масаласига келсак, унга ҳам беътиборлигимиз туфайли шу ҳолга тушиб турибмиз... Хамиртуруш солинган хамирнинг нони чиройли бўлади. Демак, ергаям турли хил ўғитлар, яъни хамиртуруш зарур. Ҳозир яхши иш бошладинглар. Лекин гўнг, чириндиларни бундан ҳам қалинрок солсанглар зиён қилмайсизлар.

- Қодирча отам ерни куйдириб қўяди...
- Э йўқ, чигит экилиб, нихол униб чикқандан кейин кўй қийи солинса, куйдириб қўяди. Бунга эҳтиёт бўлиш лозим. Качон эмокчисизлар?

- Эртадан бошласакми?
- Окканд чойга тушгач, кандай эриб уқаланса, ер хам худди шу каби тобга келганда экишни бошламоқ керак. Ёғсираб колган срлар плуг тишларига ширачдай ёпишади. Демак, яна гүнг солиши, ер тобга келиши лозим. Тобланмаган ерга чигит қадалса, у ер күёш тиғида куйиб қовжирайди. Натижада ниҳоллар тағасини қисиб қўяди. Қисилган тана нимжон ўсади, баъзи жойлари куриб ҳам қолади. Шунинг учун ерга старлича ишлов бериш лозим.
- Ҳм-м, ернинг ғўзапоя билан ҳайдалишига нима дейсиз?
- Қаршиман, ха, минг карра, милион карра қаршиман. Поя чириндиси келгуси йил ғўзаларнинг баркамол ўсиши учун ўғит эмиш. Буни қайси қаллаварам ўйлаб топди, билмайман. Энг ачинарлиси шуки, бир қиши ер тагида колган поя чиримайди. Қайтанга, янги ниҳолнинг ўсишига халақит беради. Эҳтимол, виљтнинг болалашнга ҳам шу усул сабабдир.
- Мен ҳам шу фикрга келдим.
- Қилаётган ишинглар аслида оқ халат кийган врачларнинг боши оғриган беморга рецепт ёзиб, бу анальгинни кўп ичманг; юракка таъсири бор, дея берган маслаҳатига ўхшани лозим. Ер, ким нима деса ўшани маъқуллашни ёқтирамайди. Унинг тилини билиш, унга ҳам инсондай қараш лозим. Ер ҳам одамлар каби қайсар, ўжар, меҳнаткаш ва мулоийим бўлади. Ғўза томирининг ўсишига қараб, ковлаб олинган намуналарни текширсангиз, кандай ўғит ва ишлов кераклигини дарров англаб оласиз.

Фозилжон сергак тортди.

- Ғўза тупининг ёнидан ковлаб тушаманми?
- Бир қарич ёнидан.
- Тушундим.
- Шунда экиш учун старли моддалар бор-йўклиги билинади-қолади. Ишловдан олдин бир карра шу усулда текширгач, кўп эмас, ҳар бир картанинг беш-олти жойидан намуна олса кифоя қилади. Шундагина ҳосил болалаб қолади,

бунга аминман. Яна бир гап. Хафа бўлманг-у, шу вақтгача ер билгичлар чеккадан туриб буйруқ беради холос. Кўп кузатдим, биронтасини дала оралаб юрганини кўрмадим.

Фозилжон гарчанд бундай иш услубидан йирок турсада, лом-мим деёлмади. Отанинг дашномлари, юрагидан бир дарддай отилиб чиқаётган мулоҳазалари, дехкончиликка оид содда тажрибалари, кенг билими уни тамоми ҳайратда қолдирмоқда эди. Ота қоронги бўлиб қолгани учун қўлини чўзиб, ўтирган жойида электр тугмасини босди. Хона чароғон бўлиб кетди.

– Сизга оғир бўлса-да, айтмай иложим йўқ. Далада юрган миталар кимлар? – қўлларини икки ёнга ёйди, – раҳбарлик сиёқинглар йўқ. Касбингларга доир нима иш килишни билмайсизлар. Шу касбнинг неъмати туфайли қанча-қанча одамларнинг усти битяяпти, корни тўйяпти. Лекин сизгача бўлган агрономлар унинг ичини, айникса, пайкаллар сабза рангга кирганда уни оралашга бурниларни жийирдилар. Чунки ораласа, шимининг тахи бузилади, кир бўлади-да. Дўст ачитиб, душман кулдириб гапиради, ўғлим. Агар касбингизга зарра меҳрингиз бўлса, даланинг ичидаги юринг. Вакти келса ўша ерда ётинг. Шунда ер сизга сирини тўкиб солади. Бунинг учун ер тарихини билинг. Уста Фани ери аввал сайхонлик бўлган, Қодирча ери эса тўқайзор. Кўряпсизми? Шунга караб ишлов бериш керак. Бу худди келин бўлмиш қизнинг наслу наسابини суриштиргандай гап.

«Шубҳа, доноликнинг бир белгиси, – ўйга чўмди Фозилжон, – ота ҳак..., балки...»

– Вулқондай қаердан отилиб чиқишини билмай юрувдим, дардим ичимда кетаркан-да, дея афсусланардим.

– Бироз енгилладингиз чоғи?

– Күшдайман.

Фозилжон аллақандай янги, шу вақтгача сезмаган ғалати бир ҳиснинг таъсирида ўтирас, бу ҳис унинг юрагини оҳиста сийпалагандай туюларди. Шу пайт кампир иккита най кошиқ билан бир товок кўкат чучвара олиб кирди.

– Баҳорий таомларга етганимизгаям шукр. Ибн Сино-нинг таъбирича, бу овқатга юз хилдан ортиқ дориворлар жамланған, – илтифот кўрсатди ота.

Фозилжон таомни суйиб еди.

– Мехмон учун ош килиш керак эди.  
– Мингта ошдан аъло бўпти, раҳмат, маза қилдим. Умримда бунақа мазали таом емаганман.

– Шунақами? Ош бўлсин!  
– Кампирингиз овқат килишга уста эканлар. Бундай таомлар сб ўрганган болларингиз бошқа бир қўлнинг пиширганларига ўрганолмаса керак?

– Фарзандимиз йўқ.

– М-мен, ҳалиги...

– Хижолат бўлманг, бу йўсингдаги савол-жавобларга ўрганиб кетганимиз. Мени болаларим, – ота жавондаги китобларни кўрсатди, – мана шулар. Шуларга суюниб қолганман. Фам келганда дардкашим ҳам, шодлигимда йўлдошим ҳам шулар. Улар кўп акли... Ҳали мен сизнинг келишинингиздан, шаҳардай покиза ердан келиб, еримиз ҳакида қайгуриб гап очганингиздан бағоят хурсанд бўлдим, бир томони қўрқдим ҳам. Унча-мунча қийинчиликларга дош беролмай кетворади деб... Қарасам, мендан ҳам баттар қайсар экансиз. Биласизми, сиз мени қайси томондан енгдингиз? Аждодлар тажрибаларига таяниб иш кўришга бел боғлаганингиз дийдамни юмшатди. Ахир деҳқончилик касби кўп йиллик тарихга эга. Ершунос, ўсимликшунос олимлар ҳаётига тақкосласангиз чиқади-қолади. Шу вақтгача хеч ким бу ҳакда сўраган эмас, чунки мен қораланган, очиги ит теккан одамман-да...

Ота юрагининг туб-тубига ботган алам ҳар замон-ҳар замонда бўй кўрсатиб қўяр, ташки муомаланинг кучига караб ё баттар жунбушга келар ё оҳиста жойига бош қўярди. Буни сезган Фозилжон енгил сесканди:

– Бўлмаган гап, сизга шундай туюлади.

Ота индамади.

– Менда бир фикр туғилиб қолди.

- Хүш, хүш?
- Ўша номингиз билан аталган картага бригадирлик килиб беролмайсизми?
- Хе, йўғ-э, эшитганлар нима дейди? Ўлиб турган экан демайдими? Четдан туриб йўл-йўриқ кўрсатиб туришим мумкин, лекин...
- Ҳа, шундай, фахрий бригада демоқчи эдим.
- Ҳа, – ота мириқиб кулди, – сизда иш кўп. Жон томиримдан ушлаб қолдингиз. Аста-аста измингизга соласиз-ов, бу кетишида.

Отанинг юзидағи самимиятни, ўзини эркалашларини кўрган Фозилжон баъзи бўлиб ўтган аччик-тизик гапларни унуди-кўйди.

У Уста Ғани ҳузуридан бир олам кувонч билан чиқди. Кўчага чиққанида тун аллақачон ўз кокилларини ёзиб ултурган, тўлин ой осмону фалакдан ўшшайиб қараб туради. Ҳаво тоза. Охиста тун кўйнида қишлоқ ором олар, эртанги кун ташвишларига куч тўпламоқда эди. У қишлоқ ҳавосидан кўкрагини тўлдириб нафас олди: «Мунча соғ, мунча ширин, одамлари эса ундан тоза...», пичирлади лаблари.

Фозилжон орзуласидан кўйнига ғарқ бўлганича, ойнинг у билан баҳс бойлашган каби тенгма-тенг кетаётганига қарай-карай уйига келди. У хонасига кирибօқ дафтарини очди. Биринчи бетига «Ерлар учун карта» деб ёзди. Ҳаёлида Уста Ғани ерининг чегарасини чизди.

– Энди текширилган жойларни белгилаб бораман ва шунга қараб ишлов турларини тайинлайман. Демак, ота сенинг келиб чикиш тарихи сайҳонлик...

Ўзича ғудуллаб ўтириб, яна алланималарни ёзди. Охирига: «Кекса пахтакор ветеранларни фахрий бригада қилиб сийлашни навбатдаги правление йиғилишида ўртага ташлайман», деб ёзди.

– Демак, бу мен учун иш плани.

У муздек кўрпа бағрига сукилиб киаркан, аклу заковати расо бу табаррук отага бир яхшилик қилишни кўнглига

тугиб күйди. Яна, урушга ота билан кетиб, **кайтиб келмаган** йигитлар хотирасини агадийлаштириш учун қишлоқнинг гавжум ерига обида қуришни, яна қандайдир муаммолар тўғрисида Мунаввар билан маслаҳатлашишни режа қилди. Ўз қасбига тегишли гаплар эса, қалб дафтариға ёзилди-қолди: «Ўша, улкан дехқончилик китобини очишга, ўқишига тишим ўтади шекилили...», жилмайди ва ширин хаёллар оғушида уйкуга кетганини сезмай қолди.

## 28

Юксак чўқкини забт этишга қарор қилганлар хеч қачон енгилмагани каби, улуғ мақсад сари йўлга тушганлар ҳам орзусига эришмай қўймайдилар. Ана шундай, улуғ мақсад йўли бошида турган Фозилжон ота ҳузуридан бир дунё кувонч ва ташвишни орқалаб чиққанидан сўнг, янги-ча яшаш ҳамда янгича ишлаш учун аҳд қилди. Энди у ота айтган йўлдан боради. Ер билан тиллашади. Унинг дардиди дехқонларга уктиради. Тома-тома кўл бўлур ақидасига амал килиб, иш дафтариға ҳар бир янги туғилган фикр ва мулоҳазаларни ёзиб бораради. Тажрибалар асосида юзага чиқкан бирор ўзгаришдан янги ғоя туғилса ажабмас умидида димоги чоғ эди. Отанинг гап-сўзлари унинг бир меъёрда сокин кечайтган ҳаётига туртки бўлган эди. У бугун биринчи иш кунини отанинг кўрсатмаси бўйича ўтказди. Ҳар ер-ҳар ердан намуна олди ва дафтаридаги ўзига маълум схемага белги кўйди. Тунда ўйланиб ётаркан, **кўзларидан** уйқу кочди: «Экин муддатини ўтказиб бўлмайди. Тез-тез ҳаракат килиш керак».

У ўрнидан туриб, яна планга қўшимча фикрларини ёзди. Сўнг ҳаёли ота томон кетди. Унга бирор эсдан чиқмайдиган яхшилик килишни истар, лекин унинг йўлини тополмай гаранг эди. Ҳозирда ўйлай-ўйлай ўзи топган чорасидан кувониб кетди: «Марказга ёзаман! Ҳаммасини ёзаман!» Аста-аста хотирлаб, ўша қарор мазмунини ва унда ифода этилган мақсадни кўз олдига келтирди. Шошилмасдан

нукта-вергулигача ҳафсала билан ёзди. У қошларини чимирганча, ўткир кўзларини ҳозиргина конверт устига ёзган адресга тикди: «Тикланиши, юзи ёруғ бўлиши керак!», ўйлади у.

Аммо эрталаб иккиланиб қолди. Хатни почта қутисига ташламасдан олдин чўнтағига солди-да, отаникига қараб кетди.

– Отангиз бозорга, гўза чопик учун кичкина кетмонча опкегани кетди, – куймаланиб юрган кампир ўпка килди, – э-э болам-а, уни қариганда не кўйга соп кўйдингиз?

Фозилжон кампирнинг гапларига парво қилмай, бир китоб кераклигини важ қилди.

– Китобни шу ерда кўрасиз, – зорланди кампир, – уйга опкетмайсиз. Ҳар бирини нўмирлаб кўйган. Худо кўрсатмасин, агар биронтаси йўқолса борми, имон айтарга жой тополмай қолади-я...

Фозилжон ваъда берди. У секин-аста қидириб, Марказий Комитет қарорлари нашр қилинган китобчалар ичидан излаганини топди. Бошини кўтармай ўқиб чиқди. Янглишмабди: «Демак, ота ҳақ!» Севинчи кўксисда барқ урган Фозилжоннинг боши осмонда. Худди зўр бир кашфиётнинг калитини топгандай шодланарди. Кампир билан хайрлашди-да, кўча бўйлаб елдек учиб кетди. Хатни почта қутисига ташларкан, «Худди ўша мазмунда» деб кўйди.

## 29

Баҳор. Иш бошланган кенг далаларда шамол кезар. Осмон зангори либосда. Онда-сонда кумушсимон булутларнинг имиллаб сузаётгани кўзга ташланади. Дайди капалаклар майсазорлар оралаб турли хил гул-чечаклар юзидан бўса олиб-да шодон учарлар. Даражатлар, тутлар шохларида бикиниб турган олақанотлар уларнинг бу шодликларини кўролмаган каби умрига чанг соларлар. Гуллар ёноғида ухлаётган хон қизи эса бундан мустасно. Мана шундай, ҳаво исиб, кишини лоҳас қиласиган, илик узилди кунларнинг

бирида Фозилжон титраб-қақшаб оғриб қолди. Кечга яқин иситмаси күтарили. Куруқшаган нафас йўллари ачишар, боши тегирмон тошидай зил-замбил эди. Базўр ўрнидан туриб, каравотга ўтири. Кўз олди коронғулашиб, кўнгли орзиқди, оғзи тахирлашди. Лабларини ялаб, тамшанди. Чанқаганини сезиб, ўрнидан турди, юролмай, гандираклаб бориб, яна жойига ўтириб қолди. Ўринга бехол чўзилиб, кўзларини юмди: Сарвиноз! Тўсатдан кўз ўнгидага пайдо бўлган коронғулик қаъридан Сарвиноз чиқиб келди...

Хўрлиги келган Фозилжоннинг юмуқ кўзларидан ёш сизиб чиқди: «Сен менга кераксан, Сарвиноз! Худди хаво каби кераксан...» Бир вақт эшик тарақлаб очилди ва осто-нада шарпа пайдо бўлди. Назаридаги эшик қулаб кетди деб ўйлаган Фозилжон не куч биланки дик этиб ўрнидан туриб ўтиаркан, нимқоронғуда кимдир турганини кўрди.

– Ўнг томонда электр тугмаси бор, – деди ихраб, – чирокни ёқиб юборинг?

Электр ёқилди.

Ўрта бўй, лўппи юзли, истараликкина йигит Муроджонни кўриб:

– Э-э, сизмидингиз, келинг, – деди ичдан севиниб.

Фозилжон пешвоз чиқишга харакат қилди, аммо тиззалиридан мадори кетиб, кучи етмади. Унинг аҳволини кўрган Муроджон:

– Касалмисиз? – сўради, ёнига келиб, кўлини унинг пешонасига қўйди, – ўх-хў, иситмангиз баланд-ку, мен хозир.

У **кандай кирган бўлса, шундай гойиб бўлди**. Зум ўтмай, клуб рўпарасидаги қишлоқ медпункти фельдшерини етаклаб кирди. Зарур муолажалар қилингач, Фозилжон бироз ўзига келди. Фельдшер тун ярмида яна келишини айтиб, чикиб кетди. У жиқка тер босган пешонасини рўмолчасида артаркан, мийигида кулимсиради:

– Анча-мунча касалга бўйин эгмасдим.

– Ие, грипп билан ҳазиллашяпсизми Фозил ака, у хатто филниям йиқитади-я.

– Тинчликмиди?

– Ҳа, сўрасам бугун кўрмадик дейиши. Шунга бу ёкка келавергандим. Бирон нарса тамадди килдингизми?

Фозилжон маъюс жилмайди.

– Ие, ановини қаранг, ёлғизлигингизни билатуриб, - кизаринди Муроджон, – мен хозир...

Фозилжоннинг хай-хайлашига қарамай, Муроджон яна чикиб кетди. Иситма унинг вужудини тарк этгач, лоҳасланиб, кўзлари юмилди. Кўзларини очганида қанча ухлаганини, қай вақт бўлганини англамаган Фозилжон тепасида Мунаввар билан Муроджон турганини кўрди.

– Кўринмаганингизга касал бўп қолдимикин дея ҳадикда эдим, рост экан, – ҳавотирли нигоҳда туардн Мунаввар, – одамларнинг гап-сўзлари деб..., иссиқ-совуксиз колиб..., қалай энди, сал тузукмисиз?

– Раҳмат, – ўрнидан туриб ўтириди Фозилжон.

– Яқинда даладан келиб, Сарвиноз билан овқатланиб ўтирган эдим, Муроджон кириб келди.

Қизнинг номини эшитган Фозилжоннинг юраги гупиллаб, қўкси энтиклиди.

– Ёлғизликнинг шу томонларидан кийналасиз-да, ҳалиям кеч эмас, Шамсиддин отаникига кўчиб боринг, илтимос?!

У бу таклифни эшитгач, қанот боғлаб учиб боргиси келди, аммо... Бир андиша унинг йўлига ғов бўлди: «Сарвинознинг ҳеч кимсасиз қолгани ҳаммага маълум. Унга нисбатан муносабатимни баъзи бирорлар билади ҳам. Айникса, онаси ўтганда... У ерга кўчиб борсам, ҳеч ким гапирмаганда ҳам Юнус аканинг тили қичишади, бу беш кўлдай аниқ...»

– Опам тўғри айтяптилар, – қувватлади Муроджон, – ҳали топшириклар қупайганда овқат қилиб ейиш экан, чой қайнатиб ичишгаям кўлингиз тегмайди. Хонангиз ҳам анча совук экан.

– Ўйлаб кўраман. Қайғурганинглар учун раҳмат!

Мунаввар бошка гапирмади. Сарвиноз тайёрлаган түгунчакдан кастрюлкада иссиқ овқат, нон ва пишлоқни

олиб, стол устига қўйди. Улар хайрлашиб кетгач, Фозилжон овқатдан тотинган бўлди. Яна жунжикиб, ўрнига чўзилди.

## 30

Фозилжон шу ётганча ойлаб ўрнидан турмади. Касалхонада даволанишга кўндиrolмаган фельдшер график бўйича укол килар, дори-дармон ичириб қайтарди. Одамларнинг миши-мишидан чўчиб, Шамсиддин отаникига кўчиб бормади. Сарвиноз эса Мунавварнинг топшириги билан Фозилжон учун хафсала билан турли хил овқат тайёрлар, ўзи кам келар, бир гал Шамсиддин отадан, яна бир гал Муроджондан, шанба-якшанба кунлари эса йўтамжондан бериб юборарди. Бундан ташқари унинг беморлигини эшитганларнинг кечга кадар оёғи узилмасди. Шулардан бирин бўлмиш Ҳамроқул коровул хафтанинг охирида клубни бошига кўтариб, кириб келди:

– Кинналатиб кўрмадингизми? Ахир шаҳзодалардай сувратингиз бор, кўзиқасиз-да. Сизни кўрса кизлар экан, ҳатто кампирларам ох уриб юборади, Фозилжон?!

Фозилжон жилмайди. Илиқ сўрашишди.

– Энди мана бундоқ оёқни тўртта килишни ўйланг, – деди унинг елкаларини уқаларкан, – мана бунакада аскотади-да, нима дедингиз?

– Ўйлаб кўраман.

– Ўйланманг, уйланинг! Ё киз топайми? Жилмаясиз-а, ё ха денг, ё йўқ!

– Бу йилги мавсумни эсон-омон ўtkазиб олайлик.

– Бу гапингиз ҳам тўғри, – соколини силади ота, – планни тўлдирмай туриб, ўлишгаям ҳаққимиз йўқ! Тўй қилишга аллакачон!?

Анча вакт ўтгандан сўнг, бисотида ҳазил-мутойибалари колмаган ота кетиш учун ўрнидан кўзғалди:

– Энди мен борай, – деди кўтариб келган бир чорси мева-чеваларни унинг олдига кўяркан, – Хонарикнинг телбаланадиган феъли бор. Сув тошқинида чўмилаётган

Амриқодек, бизни Қодирча пайкалиям юз-кўзини ювиб турмасин.

- Американи сув оптими?
- Ҳа, дилбузарда кўрмадингизми? Ие, эсимда йўқ. Ҳа майли, дилбузарингизам бўп қолар. Энди мен борай...
- «Ҳа, ёлғизлик ёмон экан. Ким билади, Муроджон келиб қолмаганида аҳволим не кечарди?»

Кўнглида илиқ таассурот қолдирган бу йигитни Фозилжон яхши кўриб қолди.

«Оккўнгил йигит экан, – хиёл қизаринди, – синамаган отнинг сиртидан ўтма деганларидаи, синамай туриб... Ҳа майли, ҳали кўп бирга ишлаймиз, бирга бўламиз-ку?»

## 31

Мунаввар эртами-кечми қўли тегди дегунча Фозилжоннинг олдига ғизиллаб кирап, дам оловдай ёниб, дам бир ма-ромда колхоз ишларидан гапирап, одамларнинг гап-сўзидан чўчиб, Фозилжонни қаровсиз қолдирганидан ранжир, ўзини ўзи койир, узр сўрарди. Фозилжон эса ўнгайсизланиб, касал бўлишига ўзи сабабчи эканини зўр бериб уқтирап, тез кунда ишга чикишини айтарди.

- Яхшиям сиз борсиз, Фозилжон!

Ҳар гал кетатуриб, шукроналик билан эътироф этарди.

Эртасига ишга чикиш учун тараффудланәтган Фозилжонни кўргани чошгоҳда Сарвиноз келди. Унинг ташрифидан боши осмонга етгани сабаб ўтқизгани жой тополмай, аллавақтгача сухбатлашганини ҳам пайқамай қолди. Ажаб! Инсон психологияси кизик нарса. Ёқтиргани билан сухбатлашганда вақт икки қадамни бир ташлайди, ёқтирган одами билан эса акси. Ҳозирда икки интиқ қалб учун вақт қуёш нури янглиғ ўтди-кетди. Айниқса, ҳозирда Сарвиноз биргина паноҳидан ҳам абадий айрилгани боис, кўнгли ярим, кўзлари ёш юки бўлиб қолган, дардларини тинглагувчи дўстга муҳтоҷлиги учун, ҳар доим одамлар нима деркин, дея қиласиган ҳадигини ҳам унутган эди.

– Ҳатто оқар сувларга боқсам, улар ҳам менга қүшилиб, мотам тутгани каби зор-зор йиғлаётгандек туюлади. Онамни ҳалитдан қаттиқ соғиняпман, қандай чидаркинман? – дувиллаб күз ёшлари түкилди, – дийдорини бир күрай десам тушларимгаям кирмаяпты.

Бундай лаҳзаларни бошидан кечирмаган ва қаршиисида жудолик дея атамыш оғир дамларга ошно қалбга далда бериш учун нима қилиб, нима дейишни билмаган Фозилжон тиili кесилган одамдек нест-карахт эди.

– Кеча тунда ташқарига чиқдим ва осмону заминга бокиб, бир нарсага амин бўлдим. Ўлсак ҳам еру осмон биздан кутулмас экан. Жисмимиз ерда қолиб, руҳимиз Арши аълога учиб кетаркан. Биласизми, онагинамни фалак қаъридан менга термулиб турганини ҳис қилдим.

Фозилжон ларзага тушди.

– Ҳозир ҳам иккимизни кўриб турибдимикин?

– Ш-шундай, шундай бўлса керак.

Сарвиноз кетиши олдидан бошига мусибат тушганда ёлғиз қолдирмай, Мунаввар иккиси ака-сингиллар каби ҳамдард бўлгани учун миннатдорчилик билдириди. Фозилжонга бир оғиз сўз – раҳматнинг роҳати шу қадар тотли туюлдики... Жисмидаги толикиш каби дардига қуч, оғриғига малҳам бўлди. Томирларида жўш урган қон таъсирида бакувватлик ҳиссини туди.

У эртасига ишга чиқди. Экилган пайкалларни айланаб юриб, бўш карталарни кўздан кечирди. Унинг оғзидан чиккан гапни эшитиши биланоқ буйрукни кутиб, аскарлардай маҳтал турган колхозчилар янги ишга шўнғиб кетдилар. Сўнг Уста Фани картасидан намуна тупроқ олиб, кафтлари орасида эзғилаб кўрди. Икки қадам нарида тракторини тўхтатиб турган йигитнинг қаршиисига келиб, мақсадини айтди:

– Ёғ етмайди, – тўнғиллади четга қараб тирс эткизиб тупурар экан, – шунча ҳайдадим-у, бўлмайдими?

– Яна бир марта ишлов талаб.

– Минг марта ҳайдаганим билан ҳақ ўша-да?!

- Гап бу ёқда денг? Ҳайдайверинг, ҳақини оласиз?!
- Менга кесатманг! Колхозди бергани аччик ичагимга ям юқ бўлмайди. Якинда уйланишим керак. Олган маошим келин сарпосининг енгигаям етмайди. Яна кесатасиз, топганим ўзимдан ортмаса, ўғирлик қилсан камашса...
- Жудаям кўли юпқаларданмассиз чоғи?
- Анув куни Уста Фаниникида ишлаганимни пени киляпсизми?
- Уялинг?! Ўша ерни махалла болаларига стадионча килиб берди, сиз эса...
- Нимага уялай? Ахир трахтирни дипломга ўкиб олганман, ўзимники? Хоҳласам ишлатаман, хоҳласам уйимга камаб қўяман! Билдийизми?

Фозилжон англадики, йигитнинг акли ҳали кўп нарса-га етмайди. Тортишгани билан фойдасиз. Аммо кўл силтаб кетиб ҳам бўлмайди, негаки, ҳаддидан ошади. Бир йўлини топиб, сал тилини тийиб қўйиш керак, лекин қандай қилиб? Топди, топгандаям...

- Айтинг-чи, ёғни қаердан олдингиз? Трахтир ҳам, ёғ ҳам шахсий мулкингиз эмас. Агар буйруқдан бош тортсангиз, бошқа дипломли трахтиргиба берамиз.

Йигит лом-мим деёлмай бўзарди. Анча вақт ўтгач, бешолти қадам узоклашган Фозилжоннинг ортидан:

- Бугунги нормадаги ёғ тугади, – деди ўшшайиб.
- Бажарган ишингизни кўрсатинг-чи? – қайтиб келди Фозилжон, – қани, қаерларни ҳайдадингиз?

Йигит кўзи билан ён томондаги янги ҳайдалган ерни кўрсатди:

- Бу ер ёғнинг ярмини еган, қолгани қани?
- Устанинг стадиончасига сарфлаганман.
- Бўлмаса ота берган пулга ёғ оласиз.
- Дарров етказибди-да халқ душмани.
- Нима, нима дедингиз?
- Халқ душмани! Қоралангани учун ҳеч ким ишини қилмас эди! Дадам айтарди-я, козонга якин юрсанг

кораси юкади деб... Ҳих! Касофат! Ўша берган пулинггаям,  
ўзинггаям тупурдим!

Фозилжон ўзинни тутолмай, тарсаки тортиб юборди.  
Тракторчи йигит ҳам қолишмади. Фозилжон яқинда касалдан тургани учун қаршилик кўрсатгани қурби етмади. Бундан ҳаволанган йигит яна бир-икки марта мушт туширди.  
Шу пайт бакдаги сувни кайнатиш учун ўтин териб юрган Ҳамроқул ота келиб қолди. Аёвсиз мушт тушираётган йигитнинг олдини тўсаркан:

– Ҳай-ҳай-ҳа-ай, Аҳмадилло! Ўзингни бос! Ўзингдан каттага қўл кўтаргани уялмайсанми? – деди бошини сараксарап килиб, – бу нима қилиқ?

– Ўзидан сўранг?!

Йигит нари кетаркан:

– Сен туширмасанг, мен ҳам урмасдим. Нима, трахтирчи бўлганим учун калтак еб кетавериш им керакми? Мен ҳам одамман, йигит кишиман! Ўзимга яраша орим бор.

– Трахтирни топширинг! – ҳайқирди ортидан Фозилжон, – сиз унга нолойиксиз!

– Мана! – ўгирилиб, икки бармоғининг орасидан бош бармоғини кўрсатди, – мана, ҳаққинг йўқ! Трахтир меники! Келиб-келиб, сендақа келгиндиларга жонимни бераманми?  
Қани, олиб кўр-чи?

Ҳамроқул отанинг терган ўтинлари қўлтиғидан ерга тўкилди:

– Ҳай бола! Ўзингни бос! Бу нима қилиқ?!

Фозилжон шахт билан олдинга интилди:

– Масалангни правление муҳокамасига қўяман!

– Қўлингдан келса осмонни устимга ташла!

– Э-э, қўйинг, кечагина тузалдингиз. Магзавага кесак отсангиз, бетингизга чачрайди. Нима қиласиз, шу тентакман тенглашиб! Қўйинг, – ота Фозилжонни ҳовуридан туширмокқа гап қиласар, Аҳмадилло эса парвойи фалак, хуштагида қандайдир куйни хиргойи қилганича, узоклашиб борарди.

– Трахтир ўзиники, – ота инқиллаб-синқиллаб терган ўтиналарини яна қўлтиғига оларкан, – ха, ўзиники, – деди, – ўлақолса бирорга бермас!

– Тушунмадим?

– Бу трахтир туғилиб Аҳмадиллони танигандан бери ҳовлисида турди, бошқаларники эса колхоз паркига боради. Ахир ўзиники бўлгач, колхозга бермайди-да. Шунинг учун хоҳласа колхоз, хоҳласа Юнусжон, хоҳласа бошқанинг ишини қиласди. Фанининг ишини қилмас эди, чамамда томорқалар кисқаргач кўпам иш колмабди шекилли, Фаниниям пешонаси очилиди.

«Ҳм, демак, пулга иш килиб ўрганиб қолган, – хаёли учди Фозилжоннинг, – томорқа кисқаргач... Қизик, томорқа ғалвасини Мунаввар бошлади-ку... Юнус ака эса мен билан кирқишиб ётиди..., ҳм-м...»

Ота чой қайнатгани шийпонга, Фозилжон эса қишлоққа тушиб кетди.

## 32

Кўкда яна булутларнинг авзойи бежо, тўдалашиб офтоб юзини тўсди. Гўё дунёни сувга ғарқ айламоқчидай дарғазаб. Хаял ўтмай борликни ларзага солиб, момақалдироқ гумбурлади-да, жала қуйиб юборди. Идора зинасидан тушиб келаётган Мунаввар Фозилжоннинг кўз ости кўкарганини кўриб:

– Тинчликми? – ҳайратомуз тикилди.

– Ҳавони қаранг?

– Ҳа, – Мунаввар тинмай ёш тўкаётган булутларга қараб хўрсинди, – баъзида баҳорнинг думбул табиати жонга тегади. Қолган ерлар ҳам экишга тайёр бўп қолувди, яна ҳайдашга тўғри келаркан-да. Ўзи кеч қолаётувдик.

– Керак бўлгач, ҳайдаймиз-да.

– Менга қаранг, сизни касалдан янги тургансиз деб Топилдиҳонни жўнатгандим. Учрамадими?

– Бунака илтифотлар керак эмас, правление йиғилиши қачон бўлади?

– Шу ҳафтанинг охирида, тинчликми?

– Фахрий бригадаларни сайлашни таклиф килмоқчиман.

– Ахийри бу ниятингизни амалга ошираркансиз-да, а?

Тўғри, мен ҳам бу фикрингизга қўшиламан.

Сўнг Фозилжон Уста Фанининг уйида бўлганини, болалар учун ўз ховлисининг этагидан кирқиб, футбол майдончалиси килаётганини мароқ билан сўзлаб берди.

– Ҳа, баҳоси йўқ одам. Бир парча ер учун дўстидан ҳам кечадиган баъзи бировлар олдида отанинг бу иши мақтовга лойик, газеталарга ёзса арзиди. Ҳай, Маъсума!?

– Лаббай, опа!

– Одаш опангни чакиргин?!

– Хўп бўлади.

Зум ўтмай ичкарида телефоннинг чакириқ овози эши-тилди. Кабинети томон ёнма-ён боришаркан:

– Гап бу ёқда экан-да, – кулимсиради Мунаввар, – ҳали сизни йўқлаб келган экан.

Фозилжоннинг юраги «шиғ» этиб кетди.

– Уйига кўчиб боришингизни, ўша бебаҳо китоблари бор уйни, кискаси, ховлисини биратўла сизга бермоқчи!

– Бермоқчи?

– Ҳа, нима *дейишишарди*, ҳа, *мерос* *килиб бермоқчи*!

– Мерос?

– Баъзан Худо ҳам шунақа ишлар киладики, уни тушунишга бандаси ожизлик қиларкан. Отага унча-мунча одам ёқмас эди. Сиз дил қулфига тушибсиз, буям бир омад, дўстим.

– Қалай бўларкин?

– Ва ниҳоят мен ҳам сизнинг ташвишингиздан хотиржам бўладиган бўлдим. Аёли Мукаррам холам сизга ўз ўғлидай ғамхўрлик қиласи, мана кўрасиз...

Фозилжон ўзини баданида нимадир ўрмалагандай сезди. Юраги дук-дук урар, бундай олий илтифотдан ўзини йўқотиб қўяёзган, дил қўксини чексиз шодлик забт этган

*Эдм. Шарилла б. Огаётган жалага ҳам қарамай. ҳозирниниң үзидә лаш-лушниң иштептириб, отаникига чониб боргиси келди. Лекин қаршисида «Энди нима қиласиз?» савол на-зари билан караб турганини кўриб:*

– Яхши, эртагаёк кўчганим бўлсин, – деди шодон жил-майиб.

– Хайрият-э, кўнглим ўрнига тушди. Унамайсиз леб чўчиған эдим. Энди ёлғиз яшамайсиз. Айтганча, эртага бўладиган комсомоллар мажлисига таклиф этилдик. Ўзлариям сизга айтишса керак.

- Жуда яхши, ҳал қиладиган айрим масалалар бор.
- Яна бир янгиликдан хабарингиз борми?
- Йўқ! Нима экан?
- Сарвиназни клуб мудирлигига кўндиридим.
- Шунақами? Яхши бўпти!

Фозилжон қизнинг номини эшишиб, алланечук ҳолга тушди. Шу вакт эшик очилиб, Одашхон кириб келди. Бир-бир ҳазил-мутойиба билан кўришаркан, Мунаввардан сўради ва нима гаплигини англагач, ўйга ботиб қолди.

- Ёзишга арзимайдими?
  - Арзийди, опа, арзийди, аммо...
  - Нима аммо? Баъзан шу аммолардан ҳам чарчаб кетаман! Гапиринг!
  - Дўппидай ерга ҳам ғўза экиладиган ҳозирги давр сиёсатига тўғри келармикин?
  - Ҳм-м, – сувга тушган нондай бўшашибди Мунаввар, – масаланинг бу томонини ўйламабман.
- Улар ўйлай-ўйлай охири бир қарорга келишибди:
- Болалар майдончада футбол ўйнайверадилар, лекин бу янгилик газетага ёзилмайди, кенг оммага эълон килинмайди.

Клуб тўла ёшлар. Мажлисга кечиккан Фозилжон эшикдан кирибօқ, рўпарасидаги бўш ўринга ўтирақолди. Бу вактда Мунаввар тартиб-интизомнинг ишга таъсири ҳақида

*Сўзларнинг эни. Фозилжон аста токоригина. Миннебаирга каради.*

Муроджон ва яна нотаниш бир йигит, ёнида эса бўш стул... У кўз кири билан аста атрофни, ўтирганлар орасини кузатди. Кидиргани йўқ. Сўнг саҳнанинг духоба пардаси ёнида турган кизга кўзи тушди. Сарвиноз эди у. Юраги дукиллай бошлади. Одми гулли кўйлак ва кора рўмол ўраган Сарвинознинг атроф билан иши йўқ, ерга караганча ғамгин ўтирарди. «Мотам либоси хам уни шу қадар сулув кўрсатибдики, асли гўзал бўлса кийими чипта қопдан бўлса-да, чиройини йўқотмас экан, аксинча...» Ха, Сарвиноз муштипар онажонисининг азасини тутиб, ҳали кўпчиликка, ўйин-кулгига аралашмаган эди...

Мунаввар гапини тугатди. Зални гулдурос карсак тутиб кетди.

– Энди сўз колхозимиз агрономи...

Хаёллари тумтарақай бўлди унинг.

Фозилжон минбарга чиққанида юзларча кўзларнинг ҳадик ва саросимада, баъзиларининг мулоим, баъзи бировларнинг эса лоқайд қараб турганини кўрди. Икки оғиз лукма билан Аҳмадиллонинг башарасини очиб ташлади. Ҳатто ўзидан ўтган жойларини хам бўямай сўзлади. Залда олағовур бошланди. Узок тортишувлардан сўнг, Аҳмадилло узр сўраш ўрнига зални зарда билан тарк этди. Ортидан:

– Энди қуюшқондан чиқиб кетди, – деди Мунаввар залга юзланиб, – ҳозирги қилиғи хам гапларингизни исботлаб туриби.

Куйинчак Мунаввар яна ёшларга қаратага тарбия ҳакида гапиришга мажбур бўлди:

– Оддий иш қандай қилиб мураккаблашади? – деди охири, – шундай қилиб. Аҳмадилло нафакат Фозилжонни, балки мени хам, шу жумладан бошқаларнинг ҳам дилини сиёҳ килди. Уни ювмол эса накадар мушкул. Ана мураккаблик.

У оний жим котди, сўнг:

– Хуласа чиқариш энди сизлардан! – деди.

Ғимир-симир бошланди, лекин бирор юрак ютиб сўзга чиқмади. Шундан сўнг Фозилжон Уста Фаниникида

бўлганини, пахта ҳақида, виждан ҳақида сухбатлашганини, область кутубхонасини йўлда қолдириб кетадиган бой мероси борлигини ва шундай бебаҳо хазинадан фойдалана билишлари ҳақида сўзлади. Яна сўзида давом этиб, шошилмасдан, отанинг нима учун курашганини, баъзи дўпти деса бош кесиб иш кўрувчи раҳбарларнинг қилмиши туфайли эл кўзига кора бўлиб қолганини, аслида ўша уй ҳайвонлари ҳақида чиқкан қарорни химоя қилганини ачиниб хикоя килиб берди. Охирида қисқа килиб, отанинг дунёкараши, билимдонлиги, пахта илмини сув қилиб ичган олимлардан кам эмаслиги, эндиликда, ҳовли этагини маҳалла болалири учун футбол майдончаси қилиб берганини мароқ билан гапирди. Шундан сўнг беш-олтита ёшлар сўзга чикиб, Уста Фани ҳақида, Аҳмадиллонинг бетарбиялиги ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирилар.

– Биз навбатдаги правление йигилишида, – деди Фозилжон севинганидан терисига сифмай, – ветеранларнинг номлари берилган карталарга ўзларини фахрий бригадир этиб сайламоқчимиз!

Қарсаклар гуриллади.

– Урушга кетиб, қайтиб келмаганлар учун ҳам қишлоғимизнинг гавжум жойига бирон бир обида курсак?!

Ҳамма бирдан охирги ўриндиклар томон қаради, лекин у ерда ўтирган ўттиз-қирқ ҷоғли ёшлардан қай бири гапирганини фарқлолмадилар.

– Илтимос! – Мунаввар ўрнидан туриб кетди, – ҳозирги гапирган қизимиз ўрнидан турсин?!

Лўппи юзларида қулгичи бор, пайваста қошли ва бошига кизил дурра ўраган қиз ўзини кўрсатди, ийманиб ерга қаради:

– Маладес қизим, раҳмат сенга! – алқади Мунаввар, – жуда ўринли, керакли масалани кўтардинг! Отангга раҳмат! – кўзларига ёш сизиб келди, – бу бизнинг бурчимиз! Уни эслатиб кўйдинг бизга, раҳмат! Айт-чи, кимнинг қизисан?

Қиздан жавоб бўлавермагач, кимдир:

– Аҳмадиллонинг синглиси, – деди.

– Шунаками? – Мунаввар ажабланди, – сен жуда яхши тарбия топибсан. Бир уйчадан ҳам булбул, ҳам қаркуноқ деганлари шу экан-да, кечир бизни, кизим?!.

Йигилиш колхоздан урушга кетиб, қайтиб келмаганлар хотираси учун комсомоллар ёрдамида обида тиклаш ва Ахмадиллони каттиқ огохлантириш, давлат мулкидан ўз шахсий манфаати йўлида фойдалангани учун тракторни ундан олиб қўйиш, ёшлар ўртасида таълим-тарбияни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисидаги қарори билан якунланди.

– Ҳар бир йигилишимизда отахонлар билан учрашиб борсак, тажрибаларидан ўргансак, – таклиф киритди олди ўриндиқда ўтирган йигитлардан бири, – Бозрjon хола, Майрам хола, Ҳабиба хола, Ином хола ва Зеби холалар билан ҳам учрашувлар ташкил қилсак...

– Бунақа илгор холалар кўп!

Залда гурр этиб қулги кўтарилиди. Ҳамма бир овоздан юкоридаги таклиф ва мулоҳазаларни маъқулладилар.

## 34

Фозилжон бугун шодон уйғонди. У ота билан ҳовли сахнига соя ташлаб турган ҳусайнини, бовурғони, чарос, чилги ва каттакўргон узуми токлари тагидаги ихчамгина сўрида чой ичиб ўтириб сўради:

– Мен келгандан бери Мукар холамми бирга чой ичганини кўрмадим? Ё мендан...

– Э-э, кимам унга кўз солади, уяладиган даврдан ўтган бўлса, ҳов ана, – ҳовли этагини кўрсатди, – ўша сот-сот давридан ёдгор қолган тарғилни соғиш билан оворалар...

Дам ўтмай кампир сут тўла пакирни кўтариб келди ва Фозилжонга илтифот кўрсатди. Ота ундан хом сут ёқиши ёқмаслигини сўради. У сутни ухлаш олдидан ичишга ўрганганини айтиб, узр сўради.

- Ҳали қайнатиб, уйингиз токчасига қўйиб қўяман.
- Раҳмат! Овора бўласиз-да?
- Ўша мени қора қилганлар ичida холангизнинг авлодлари ҳам бор.

Нари кетаётган кампир такқа тўхтади:

- Сизга мени уруғларим ҳалаҷўп тикяптими? – ўдагайлагансимон деди, – бу ишда уларнинг қўли йўклигини минг марта айтишсаям, нимага ишонмайсиз? Ёпишганингиз менинг уруғларим!

- Кечкурун мачитда имом, кундузи маҳалла юзбошиси...
- Ажаб бўпти!

Кампир ўрдакка ўхшаб лапанглағанича уйга кириб кетди.

– Бўлаваччи Махмудиллони янги ташкил бўлган маҳалла комитетига раис қилиб сайлашибди. Астағфурулло, мачитда салла, комитетда шляпа, ё тавба?! Сельсовет раиси Турсунойнинг кўзи қаерда? Раисни-чи?

– Тавба, – шу пайт ичкаридан чиқиб келган кампир Фозилжонга ўғринча кўз қисди-да, отага караб деди, – ҳўқизнинг муғузига урсанг туёғи зирқирайди, дейдилар. Сиз нимага ҳадеб жиянимга лой чаплайверасиз? Айби, Куръонни яхши билиб, намоз ўқиганими? Одамларга маъкул келиб, раис бўлганими?

Фозилжон отанинг «мачитда салла, идорада шляпа» деб куйинишига энди тушуниб етди.

– Эй мусулмон! Беш панжа оғиз йиртади. Ё эскича йўлдан юрсин, ё янгисидан...

– Ажаб бўпти! Эпласангиз сизам иккита амалга минвонинг!

Ота қулиб юборди.

– Ахир сизам мусулмонсиз, – жунбушга кирди кампир, – алҳамдуни билмайсиз, билганларни назарга илмайсиз. Копирларниям сиғинадиган жойи бор, бутими-е?!

– Ҳа, бути...

– Сизни на бутингиз бор, на сиғинадиган тўрингиз!

Ота индамади. Афтидан, тушунчаси мундайрок кампир и билан тортишгиси келмади. Ади-бадини йифиштирди-да, дастурхонга фотиха ўкиди.

– Ўғлим, Мамажонга айтинг, ер намлигини кўздан ке-чирсин, мен кўшни бригадага ўтаман, – деди ўрнидан туриб, сўнг кўча томон йўналди.

Фозилжон алламахалгача китоб ўкиб, кеч ётди. Табиатнинг ошиғи бўлмиш тонг отди. Маъсум сабо унинг юзкўзини силаб ўтди, сезмади. Офтобнинг эрталабки шўх шуъласи деразадан ичкари мўралаганда кўзини кисганича апил-тапил ўрнидан турди. Ташқарига чикқанида кун ёйилган, осмон ойна каби тинник, бегубор. Ток барглари ерга соя ташлаган, ховлида ҳеч ким кўринмас, борлик сув куйгандай сокин эди. У бетини апил-тапил ювди-да, этигини кийиб, йўлга тушди. Якинда сотиб олган велосипедини миниб, тез-тез бригадаларда бораётган иш натижаларини текшириди. Бир канча номдор пайкаллар ғўзаларининг ўсишини кузатди. Ҳамиша ён чўнтағида олиб юрадиган иш дафтарига маълум белгиларни кўйди. Ҳал бўлаётган муаммоларнинг таърифини ёзаркан, бугун ҳам ғўза ораларидағи ажиб манзара, ёввойи ўтлар танасидаги битларнинг ғўза таналари га ёйилаётганини кўрди. Бу ҳодисани Уста Фанига айтишини кўнглига тугиб кўйди. Бошка карталарни ҳам айланаб келган Фозилжон окшом пайти идорага ўтди. Правление йигилишида фахрий бригадирларни тасдиклатиб олгач, уйга қайтди. Фозилжоннинг таъсирида отанинг ҳам кундаклик иш режими ўзгарди. Эрталаб ўша ёдгорлик тарғилини бузоги билан етаклаб далага жўнар, пайкал оралаб айланар, ола чиккан уяларга эҳтиётдан чўнтағида олиб юрадиган чигитдан экиб кўяр, учраганки бегона ўтларни юлиб кетарди. Уста Фани Фозилжонни ташвишга солган ҳодисани эшитиб, кулиб кўя қолди.

- Бутун пайкални эгалламай туриб кул сочиш керак.
- Шуми?
- Ҳа, шунинг ўзи ҳам катта иш.

Хонадонлардаги тандиру ўчоклардаги куллар йигиширилиб, пайкалларга сочилгунча орадан хафта ўтди. Бу вактда анча ўзини тутиб олган ниҳоллар дуркунлашиб борар, киши кўзини қувонтиради. Бунга жавобан ота хам тек турмас, Фозилжоннинг тинчини бузган қарталарни эринмай айланиб кўрар, тегишли маслаҳатлар берар, камини китоблардан ўрганишини уқтиради, имкони борича ерни бокишни, унга кўшиб экинни қандай усулда озиқлантиришни ўргатарди. У тобора мўлжаллаган орзусига етишишига ишончи ортаётганидан мамнун бўлар, аммо баъзида чўчирди: «Мен ўлиб-тирилиб амалга ошираётган ишни, энди рёёбга чикаётган орзуни бошқа бирор аллақачон ниҳоясига етказган бўлса-чи?»

Лекин бу туйғу бирпасда дилини тарқ этар, яна ишга шўнғиб кетарди.

– Ота, – деди бир куни бироз торгиниб, – яганага хам оз кунлар қолди. Биргаликда қилинадиган хўмчопикни ўргатиб кўйсангиз?

Улар бирин-кетин ўзига қарашли картага бордилар. Ота қўлига кетмонни олиб, беш-үн уялардаги ғўзаларнинг соғломини, яъни танаси тўқ зангори ҳамда бироз қизгиш рангга кирганини қолдириб, оч зангор, оқиши танали ниҳолларни юлиб ташлади. Кетмонни шошмасдан тикка уриб, уя атрофини худди гўшт қиймалагандай килиб чопди. Сўнг ғўза ниҳоллари тагини ҳам шу алпозда юмшатгач, тупроқни қолган уч туп ғўзанинг бўғзигача тортиди. Калтакдан ҳайиқкан боладек, кетмоннинг ҳайбатидан титраб турган япрокларнинг остига майин тупроқни тортиб, бир пиёла чириган гўнгни солди-да, кўмди. Баъзи кўмилиб қолган ниҳол таналарини оҳиста кулогидан тортиб, чиқариб қўйди. Фозилжоннинг кўз ўнгидаги кичкина-кичкина гумбазчалар пайдо бўлди.

– Бунда ягана тоза бўлади, – деди ота кетмон дастасига суюниб, – ердаги ва биз солган озукани фақат ўша қолган учови ейди.

– Ҳар бир уяди?

- Ҳа, ҳар бир уяда колган уч туп ғўзалар.
- Ишнинг уч турига бирданига ҳак тўлаш керак эканда, а?
- Ҳа, тўлаш керак. Негаки, бу асосий ишлов. Ҳосилни уйиб кўядиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам мана шу ишлов бўлади.

Фозилжон эртасига ёк иккинчи бригада шийпонига жами бригада ва табелчиларни йиғди. Мажлисдан олдин Мунаввар билан айрим кўриладиган масалаларни келишиб олган эди. У яганага тушиш олдидан кўриладиган барча чоратадбирлар ҳакида сўзлаб, охирида Уста Гани кўрсатмаси бўйича бериладиган ишлов усулини эълон килди.

– Унда ишимиз аччик ичақдай чўзилиб кетади-ю, – деди бригадирлардан бири, – майли, бўлмаса бундай қиламиз. Яганани ўкувчилар ёрдамида қилиб олсан-да, сўнг чопикни ўзимиз давом эттирасак, нима дейсизлар?

- Тайёр техника турганда...
- Трахтир хўмчопик қилолмайди-да...
- Аввалги таклиф тўғри, яганани ўкувчилар қилиши керак, – деди яна бирови.
- Тўғри фикр, – қувватлади бири, – шундай қилмасак, жа-а-а шошиб қоламиз.
- Бу йил далага ўкувчилар йўламайди, – кескин жавоб айтди Мунаввар, – бу ёрдамдан умидни узаверинглар?!
  - Ахир, опа...
  - Нимага? Ахир шу вактгача ўкувчилар асосий кучимиздай ёрдам бериб кслган-ку?
  - Куртни ҳам тарқатишга оз кунлар қолди, – ўтирган ўрнида гап тикиштирди кимдир, – роса иш босиб қолади-ю, кайси бирига улгурамиз?
  - Мен барча бажарилиши керак бўлган ишларнинг хомчўтини ўйлаб қўйганман. Шунга кўра...

Фозилжон бу гал қилинадиган ишлар режаси ва уни амалга ошириш чораси ҳакида қиска сўзлади ҳамда киритган таклифига охир-оқибат ҳеч ким қаршилик қилмай, аксинча, тасдиклашганини кўриб, чексиз севинди.

Боғлар, ҳовлиларда сершоҳ ўрикларнинг кечкиси оппок бўлиб гуллади. Гўза баргларига гўё дурлар сочилгандай шабнам қўнган. Тонг отиши биланок гўза карталарини оралаб юрган Фозилжоннинг кулогига саррин сабо қўшиқ куйлаб ўтгандай бўлар, бокира юрагида умидлари улгайиб бормоқда эди. Орзулари асталик билан ушалаётганидан кўксини тоғдай баланд кўтариб, кишлок билан дала ўртасида югуриб елар, бирон янгилик кашф килиш умидида тиним билмас эди. Фозилжонни баъзан дала кўйнида сахарлаб кўрган тонг ели ҳайрону лоллигича эсар. У ҳар сафар даланинг сўқмоқ йўлларида юрганида ўзини фалсафий шоирдек сезар, қалбини жунбишга келтирган аллақандай туйфуни хис этарди. Бир гал: «Биз сўқмоқлардан миннатдор бўлмоғимиз лозим. Улар бизни катта йўлга элтадилар ва яна камтарона ҳаёт кечираверадилар», деса, яна бир гал теварак-атрофга кўз ташлаб: «Эҳ, она табиат! Сен бекиёс рассом, бекиёс шоир ва бетакрор кўшиклигингдан ташкари мохир дехконсан ҳам. Энг муҳими, инсонга қалб нурини, меҳр кўрини ато этгансан. Шу туфайли ҳам у сенга ёндош туриб, она заминни жаннатга айлантиришда беминнат дўст эрур!», дея энтикарди. У бугуннинг чошгоҳида велосипеди билан яна сўқмоқ йўллардан юриб, энди Қодирча пайкалининг қирғоғида тўхтаган ҳам эдики, каршисидан Муроджон чиқиб қолди.

– Сизни кўрар кун ҳам бор экан-а, Фозил ака, – куличини ёзib келиб кўришди у, – ҳали идорада дейишади, ҳали дала-да... Бу дейман, зироатчиликка юрагингиздан берилиб кетган кўринасиз?

– Ҳа, дехқончиликка шайдо бўлдиму дарддошим кенг далалар бўлиб қолди.

– Дард?

– Ҳа, Муроджон! Ер нурга шайдолиги туфайли қуёш гирдида тинмай айланганидек, касбга меҳр ҳам юрак-бағрингни оташ каби ёндирадиган муҳаббатдан қолишмас экан.

– Шунака денг? – Муроджон жиддийлашди, – мен ҳам сиз билан шу хусусда гаплашмоқчи эдим.

Унга хайратомуз тикилган Фозилжоннинг чанг-ғубор кўнган қуюк киприклари пирпиради.

– Ҳа, Фозил ака, менинг ҳам қалбимни забт этган ишқ дардим бор. Шу ҳақда гаплашмоқчиман.

«Ажаб! Юрак жавҳарини ўзга билан гаплашиб бўларканми? Аклга тўғри келмас-ов! Бу йигитга тушумай колдим».

– Тўғрироғи, муҳаббатимиз йўлига ғов бўлаётганлар ҳакида фикрингизни олмоқчи эдим.

– Шунака денг?

Фозилжоннинг ҳудудсиз ўйлари унинг сўнгги гапидан кейин тўзғоқдай тўзғиб кетди. Муроджон Гулжамол исмли киз билан кўнгил яқинлигини, кизнинг дадаси колхоз териториясидаги Фирдавсий номли мактаб директори эканини, ҳар икки томон, яъни бўлғуси икки эркак қудалар радио ва телевизорда танқид остига олинаётган никоҳ ўқитиш маросимига қаршилигини, аммо кизнинг онаси никоҳсиз тўйнинг хосиятсизлигини айтиб, оёқ тираб турганлигини сўзлаб берди.

– Гапнинг очиги, бу борада бир гап айттолмайман, – чайналди Фозилжон, – ўзингизнинг фикрингиз қандай?

– Замон шуни талаб киляпти-да, Фозил ака? Айтишадику, замон сенга боқмаса, сен замонга боқ деб.

– Ҳм-м, мен бир катталар билан гаплашиб кўрай-чи? Сўнг бир гап айтаман.

– Майлингиз.

Муроджон кишлоқ, Фозилжон эса шийпон томон кетди. Бу гал у Ёлғизбоғнинг Юкори чек, Қизил чек ҳамда Стройка, Қирғизистон чегараси ҳудудлари ўртасида шовуллаб оқаётган Фарғона каналига туташ чексиз далалар бағрига шўнғиди. Асрга яқин текширган ва намуна олган жойларини дафтарчасига белги қилди-да, беминнат уловида канал томон кетди. Муздек сувда юз-қўлини, оғзини ювди, сўнг канал лабига ўтириб, олис-олисларга боқди. Күёш кўм-

кўк майсалар, гўзаларни эркалаганича ҳар галги кизил кўйлагини кийган уфқ сари ошикар, осмон шу қадар тоза, бегубор эдики, унинг ҳуснига боккан кўз тўймас эди. Ҳар турли мевали боғлар, ҳар бир туни тиллога тенг туткаторлар, қишлоқ ва каналга ёндош мовий далалар, илондек буралиб оқаётган анҳору ариқчалар, жилғалар, сал юқорироқда эса пастми-баланд адирлар...

Узок-узокларда юлдузларни ўпмоқ ишқида кўкка бўй чўзган тоғлар, қуида эса баҳмал каби ўтлоклар товланиб турарди. Фозилжон анча вақтгача ушбу жаннатмисол манзарадан кўз узолмай ўтириди. Бир вақт шундоккина яқинида кизларнинг кўшиғи кулоғига урилди:

*Ботир акам канал қазиб келади,  
Далаларга тилло оқиб келади.  
Канал қазган билагингдан ўргилай,  
Элим деган юрагингдан ўргилай.*

«Далаларга тилло оқиб келади», кулимсиради. У қишлоққа қайтганида тун аллақачон қаро зулфини ёйиб улгурган эди.

– Сизни кутаётгандим.

Уста Гани чорпояда ёнбошлаганича чой ичар, шу билан бирга радиодан русча ахборотни тинглар эди. Фозилжон оҳиста келиб, ота қархисига ўтириди.

– Мукар холангиз қариндошиникига кетди.

Ота ўрнидан туриб ўтириди ва олдидаги дастурхоннинг юзини очди. Оппоқ сочиққа ўроғлиқ чинни косадаги ошни Фозилжоннинг олдига қўйди. Бир пиёла чой қуйиб узатаркан:

– Ҳаяллаб қолдингиз? – сўради.

Фозилжон ошни еб ўтириб, қилган ишларидан сўзлади, сўнгига Муроджоннинг ёрдам сўраганини айтди:

– Ўзингиз бу масалага қандай қарайсиз?

У Муроджоннинг қисман ҳаклигини тан олди. Ота жим: на бир сўз деди, на бир гап. Индамай китоблар хазинаси

сақланадиган уйга кириб кетди. Кўп ўтмай, қалин, саҳтиён муковали китобни қўлида авайлаб кўтариб чиқди. Бунгача у таомни иштаха билан паккос тушириб, ота томонга бўйлаганча чой ичмоқда эди.

– Она меҳри ҳад-худудсиз, – гап бошлади аста, – боласининг бахти йўлида ўлмокқа ҳам тайёр.

Чордона куриб ўтирган отага Фозилжон чой куйиб узатди.

– Мана бу китобнинг номи Қуръон, рўза кунлари Аллоҳ томонидан нозил қилинган.

Фозилжон анграйиб колди. Кечагина имомни масхаралаган отами шу? У қулт этиб ютинаркан, теварак-атрофга олазарак қаради. Фозилжон бу китобни интернатдалик даврида телевизорда кўрган эди. Қандайдир фан номзоди ва яна аллакимлар китобни коралаган эдилар. Кейинчалик, институтда ҳам профессор оғзидан китоб ҳақида яхши гап эшитмаганди... Хуллас, шу вақтгача бу китоб ҳақида фақат танқидий фикрлар эшитган ва қайси хонадондан топилса, ўша уй эгаси қораланганини кўп бор эшитганди. Унга ҳадя этилган олтин ҳазина ичра сақланяпти: «Во дариф! Мен кимникидаман? Бу одам бекорга қораламаган! Энди нима қиласман? Бекор келибман. Китобларга маҳлиё бўлибман-у, бу ёғини ўйламабман. Синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганларидек... Мунаввар ҳам индамади-я..., балки у ҳам билмас».

– Сиз хозир шубҳа кўчасида тентириаяпсиз?!

– Йўғ-э, нимага, ахир...

– Дамингиз ичингизга тушиб кетгани бунга далил, ўғлим. Ҳайрон бўлманг, илмнинг одамлар учун зиёни йўқ! Лекин бу китобни ўрганган баъзи илмдорларнинг зиёнкашлиқ қилиб юриши ёмон. Ўша зиёнкашларнинг қилмиши туфайли бу улуғ китобни ўқиб, баҳраманд бўлишдан мосуво бўлганмиз.

Фозилжон музлаган каби караҳт эди.

– Вақтлар келиб бу буюк китобнинг қадр-қимматини англаб оласиз. Унгача на ўз ва на бошқа динга эътиқодсизлар

унинг юзига лой чаплайверадилар, қудратига тош отаверадилар. Ҳозир радиодан эшигнларимга ёка ушлаб ўтирган эдим: олимлар она табиатни инсонлар измига бўйсундирган эмишлар. Астағфируллоҳ! Яна бир олим ойнинг ёшини аниклаётган эмиш... ҳа-а, булар-ку сал тилга олса арзиди, аммо мановинга нима дейсиз? Бир ой муқаддам илмий-оммабоп журналда ўқиган эдим: вакти келиб, қуёш энергияси тугаб, сополга айланармиш, олимлар янги қуёш ишлаб чикариш тўғрисида бош қотираётган эмиш.

Фозилжон бу мақолани ўкиб, шуурига сифдиролмай: «Наҳотки?» деб кўйган эди, аммо Уста Фанига таъсир килганчалик таъсирини сезмаган эди. Ҳозир эса...

– Ҳа, буниси лоф! – деди аста.

– Эҳ, ўғлим! Келиб-келиб Оллоҳнинг мулкига лофлик қилишадими? Ундан кўра, мана бу заминда тикилиб ётган муаммоларни ҳал қилишса-чи? Мен олимларни изланиш кули, кашфиёт фарзанди деб билардим. Энди билсам...

Фозилжонни олов тили қамраб олди. Вужудини жикқа тер босди: «Яхшиям, мени агроном сифатида билади, диссертация ёклаш умидида изланаётганимни билса борми?..»

– Ҳай майли, кун келиб ҳеч қачон табиат устидан хукмрон бўлолмасликларини англаб етишар..., ҳалқ ичидаги шарманда бўлганликларини билишар... мен эса факат битта олимни тан оламан, у ҳам бўлса буюк Оллоҳдир!

«Нима бало, сал аклидан адашиб туради шекилли? Бу кишини ёқлаб, юкорига хат ёзганим-чи? Бекор килибман. Мана бу гапларини эшигсалар борми? Оқлаш экан, нақ асфаласофилинга учратишади-я? Ҳалиям кеч эмас Фозил, клубингга кет, иссигингнинг борида. Сенга ўша ер маъкул...»

– Оллоҳим бизларни тўғри ва ҳалол яшашимиз учун конун илмини, одамийлик илмини, ҳалолликни мана шу китобда баён килган, аслида муҳрлаб қўйган. Ана шуларнинг энг улуғи никоҳ масаласидир. Муроджоннинг иккиланишига эса йўл берманг!

– Тушундим.

– Бошқа миллатлар ўз урф-одати йўриғида иш кўриш япти, черковда никоҳ ўқитишияти. Майитларини ўз диний талабига риоя қилиган ҳолда дафн қилишияти. Уларнинг ишларига бурун тикяпмизми? Аралашиблизми? Йўқ! Бу хам силлиққина босқинчиликнинг бир кўриниши!

Фозилжоннинг соchlари тикка-тикка бўлиб кетди: «Қанака босқинчилик? Бу одам телба, ҳа, телбанинг ўзи! Ўз давлатини ўзи босқинчи дейдими бўлмаса? Ё алҳазар! Энди нима қиласман?»

– Сиз ёшлиар учун замонавий, янгича ҳаётнинг дебочаси бўлиб кўринган бир парча коғоз, яъни давлат томонидан никоҳлангани қайд қилинган ҳужжат ҳам бўлиши керак. Сўнг ишончли, обрўли домла томонидан никоҳ ҳам ўқитилиши лозим.

Ота бир лаҳза жим қолди, сўнг:

– Улар бизнинг дунёмизни гаранг, сўкир ва соқов қилмоқчи, – деди.

«Ҳа, бу одам телба, телба!»

– К-кимлар?

– Энг юкорида турганлар.

Фозилжоннинг ёдида дастлаб ота билан учрашганларида партия ҳакида қилган сұхбат жонланди: «Марказнинг обрўси, хурмати ўрнида бўлганида қуидагилар ўз билгича шундай карор чиқаришмасди-да...»

– Гарангда алла йўқ, сўкирда илм, соқовда эса ҳақиқат! Мана, нима керак уларга!

Қуюқ туман күёш чикиши билан ўз қудратини йўқотгани каби, отанинг сўнгги сўзларидан кейин Фозилжоннинг ҳам ўй-хаёлини камраб олган шубҳа-гумонлар аста тарқай бошлади.

– Уларга мана шу керак! – тақрор деди ота.

Фозилжоннинг кўзлари ярқ этиб очилди. Ҳозиргина ота ҳакида бўлмағур хаёлларга боргани, ҳаётий билими етарли эмаслиги ва ҳаёт борасида тажрибасиз эканидан ўқинди.

– Демак, никоҳсиз турмуш куриб бўлмайди? – деди ва ниҳоят тилга кириб, – нега буни икки эркак хоҳламайди?

– Хохлашади, хохлашмаса ҳаромзода невара кўришларини ҳам билишади. Масала бошқа томонда.

– М-масалан?

– Чунки бири мактаб директори, бири колхоз парткоми, иккенинг ҳам партия вакиллари. Юқоридан элга намуна бўлишлари талаб қилинади-да...

Фозилжон энди чукур англаб етди: «Демак, ҳаромзода туғилган болалар кўр ва соқов дунёни вужудга келтиради, унда тарбия топган кейинги авлодлар ҳам...» У титраб кетди: «Қандай даҳшат?» англаб етди у.

– Бугунги сухбат холангизнинг кулогига тушмасин. Кексайиб, сал оғзи бўшаб қолган. Менга-ку жин ҳам урмайди, лекин сизга ташвиш келтириши мумкин дейманда...

Эндиликда отани тушуниб етган Фозилжон унга меҳр кўзи билан қарай бошлади. Енгил-елпи, асосиз ўйлаганидан, гумон ва шубҳалар гирдобига шўнғиганидан ўзини ўзи лаънатлади: «Ҳеч балода йўқсан, Фозил! Камига, тuya ҳаммомни орзу килганидек, олим бўлишга интилишингга ўлайми? Шундай улуғ, эътиқодда мустаҳкам инсон ҳақида нималар хаёл қилдинг-а, аҳмоқсан, аҳмоқ!»

– Далаларда ишлар қалай?

– Бир нави, – мингиirlади Фозилжон.

Ота кулиб юборди.

– Синикдан бошқаси юқади деганларидек, сиз ҳам кишлокча сўзлашни ўрганибсизми?

Фозилжон тушунмади.

– Бир нави сўзини кўпроқ кишлокилар ишлатади, демокчи эдим.

– Шунақами?

Улар енгилгина кулишдилар. Янгича ишлов таъсири ва кузатувлари асосида туғилган айрим ноаниқликларга ойдинлик киритиб олгач, хайрли тун тилаб, ҳар иккиси ўз хоналари томон йўналдилар.

– Китобни олакетинг, – деди Фозилжонга, – у жавоннинг энг юқори токчасида туради.

Фозилжон китобни ўз жойига қўйди ва ойнаксиз, жимитгина, нақшинкор эшикчани ёпди, сўнг жажки калитчада кулфлади.

– Эски эътиқод вакиллари, – пичирлади лаблари, – унинг таг замираидар накадар тоза ва накадар кудратли ҳаёт турибди! Сизлар, эски эътиқод вакиллари, сизларнинг эътиқодингиз бўлмаганда балки бизлар..., – у ёгини ўйлашга ҳам кўркди, эти туклашиб кетди.

## 36

Куёш бугун ётогидан ёниб чиқди. Нурини борликка сахийлик билан сочар, шу янглиғ меҳрини изҳор этарди. Ўйноки еллар дала узра бир зум тўхтар, гўё ям-яшил гўзаларнинг хуснига маҳлиё бўлган каби тек қотарди-да, сўнг ниманидир унуган йўловчилик шиддат билан йўлга тушади. Оёғи остида замин, боши узра само ва чор атрофи яшилликлар ичра ўзини сезган Фозилжонда катта ўзгаришлар пайдо бўлаётганди. У биринчидан қишлоқ одамларини бир тоза муҳаббат билан севиб қолган бўлса, иккинчидан, дилига жо бўлган орзуси йўлидаги баъзи счимлар уни марра томон шаҳдам қадам ташлашга имкон туғдираётган эди. Қишлоқ қучогида завқ билан меҳнат килар, кечасию кундузи тинмас эди. Айниқса, қишлоқ меҳнаткашларига нисбатан меҳру муҳаббати куёш нурларидек тоза эди. Шунинг учун хар куни қалби тўла қувонч ва ҳаяжон ичра тенгсиз чиройга эга кўм-кўк далалар, ўша тоза меҳр ато этган колхозчилар томон ошиқарди. Далада энди аъзолар тўда-тўда бўлиб эмас, иккинчи бригада ший-понидаги йиғилишда эълон қилган режаси ва тасдиқлатиб олган таклифи бўйича тарқоқ ҳолда у ер-бу ерда ўзларига бўлинган жойда ишлашарди. Чунки Фозилжон бу усулни колхоз ветеранлари, айниқса, Уста Фани маслаҳати билан звено аъзоларига ерларни тақсимлаб берганди. Улар тез-тез ортларига қараб, бажараётган ишларининг сифатини текшириб ҳам борардилар. Бунинг натижасида та-

белчилар доимо уларнинг кетидан назорат килиб юришни ташлашган, чунки улар ўзлари табелчилик ҳам килишаётганди.

– Шунақаям чиройли иш бўляптики, – деди шундай кунларнинг бирида Мамадали Фозилжонга, – уларнинг ортидан иш сифатини текшириб юравериб, этигим ичидага ёғим қавариб, оқ ем бўлиб кетарди. Аслида чигит экилгандан то пахта терими бошлангунга қадар шу усулда иш олиб борсак бўларкан.

– Ўзгармайди, – қатъий ишонч билан жавоб қайтарди Фозилжон, – бу йил звено аъзолари пахтаниям ким ўзарга баҳслашиб теришади.

– Қарабисзки, эрта кунда план тўлиб, юзимиз ёруғ...

– Албатта.

– Келаси йили шу усулни кенгайтирсак қалай бўларкин?

– Масалан? – Фозилжон унинг нима демокчилигига кизиқди.

– Аъзоларга ерларни гектарлаб бўлиб берсак-да, топширадиган ҳосил чувини айтсак. Нега десангиз, Карима деган аёлимиз ёнига чигит солинган банка илиб олибди. Қаранг, ола чиқсан уяларга бир йўла экиб кетяпти. Ахир бу иш ҳам алоҳида бажарилмасмиди? Энди биз талаб килмасак ҳам койилмақом қилиб ўзлари бажаришапти. Демак, ерларни бўлиб берсак, тузукроқ, чиройлироқ ишлашаркан. Ҳосилни йигиб олгач, ғўзапояси ҳам ўзига, хоҳласа ўзидан органини кариндош-уругига берсин, хоҳласа бозорга олиб бориб сотсин. Нима дедингиз, ака?

– Буни ҳам отахонлар билан ўйлаб қўйганмиз. Келгуси йил иш планига киритилиши мўлжалланган. Хўш, яна кандай тахминларингиз бор?

– Ҳосилни йигибок, бу ишни амалга оширасак-чи?

– Бу йил натижасини кўрайлик, кейин...

– Қишичка ўзларига тегишли ерларни емиш билан таъминлардилар-да. Қолаверса, эрта баҳор ўзларига тегишли пайкал атрофининг бўш жойларига тутми ё мевали дарахт экиб олардилар-да.

Фозилжон ўйланиб қолди: «Унинг гапларида жон бор. Ерларни эрта баҳордан эмас, бу йил кузнинг охиридаёқ тақсимлаб бериш керак. Юкори нима деркин? Аслида бу ўзгаришни айтиш керакмикин?»

– Унда сизга иш қолмайды-ку?!

– Мен ҳам ер оламан.

– Ҳақиқий дәхқоннинг жавоби бу.

Шу пайт күшни пайкалда күшик янгради.

*Дорға ёйсан молини, нима, нима, нима дейсиз?*

*Кепит нега йиғмабди, нима, нима, нима дейсиз?*

*Маст бұлғып келса ёри, яна нима, нима, нима дейсиз?*

*Юрагига сиғмабди, нима, нима, нима дейсиз?*

Қарши пайкалда яна бир күшик:

*Кийиғимни боғламади қиіңік экан,*

*Боқсаны шұху қоюшу құзи қулоқ экан.*

*Боғлай десем ушлаб олди билагимдан,*

*Вой, ўлақолай, дедим мүнчә суюқ экан...*

– Звено бошлиғи Одашвойнинг пайкалидан, – қулимсиради Мамадали.

– Аёл киши бўлса...

– Нега Одашвой дерсиз?

– Ҳа.

– Ўзи бироз эркакча, шаддот ва шумтака. Шунинг учун эркалатиб Одашвой дейишади.

Фозилжон күшни пайкал томон, Мамадали эса шийпонга караб кетди. У күшик овозини мўлжаллаган пайкалидан эмас, аксинча, учинчи бригада дала шийпонидан келаёттагини англаб, ўша томон юрди. Энди бошқа оҳангда, бошқа мазмунда янгарди күшик:

*Пахтазорда қўрдим барно бўйингени ўргилай,*

*Рози бўлсанг бошлай катта тўйингни.*

Йигит күйлади, энди эса киз овози:

*Шошманг йигит түйни ҳали пайти бор,  
Үр ишқи шунчами бўлса интизор.*

Фозилжоннинг яқинлашганини кўрган қиз-аёллар куйлашдан тўхташди. Йигитлар ўринларидан туриб, унга пешвуз юришди. У атрофга алланглади, шийпон саранжому саришта, ёнида эса тиник сувга тўла ҳовуз, атрофида очилган ҳар турли ранг-баранг гуллар кишини ўзига мафтун айларди. Райхонларнинг хидими димоқقا урилаётган ё қизлардан тараалаётган ифор. Фозилжон бир энтикиб қўйди.

- Келинг, ўртотк агроном! – Одашхон қизлардан ажрабиб келиб, кўл олишиб сўрашди, – қадамларига ҳасанот, хуш келибсиз, марҳамат, дастурхонга?!
- Раҳмат! Яқинда тушлик қилдим. Дам оляпсизларми?
- Ҳа, бугунги нормадаги иш икки баробар бажарилди, шунга маданий ҳордик чиқараётгандик.
- Келинг, агроном, бирга дам оламиз, – йигитлар ҳовуз лабидаги жойни кўрсатиб дедилар, – қўшиқ куйлашда бизми ё қизлар моҳирлигини аниқлаб берасиз.
- Бу таклифни жон-жон деб қабул қиласадим-у... ҳозир ҳар бир дақиқа ғанимат, шунинг учун бошқа пайкаллардаги иш суръатини ҳам кўрмоқчиман, узр йигитлар!

У йигит-қизларга хушкайфият тилади ва аста йўлга чиқди. Одашхон унинг ёнида кузатиб келаркан:

- Тинчликми? – сўради яна.
- Иш суръатини кўриб юрибман.

Улар шийпондан узоклашганда қизлар яна ашула бошлишди:

*Олтинқўлнинг созиман,  
Кўлдан учган гозиман.  
Суйганимга бермаса-ё,  
Ўлганимга розиман!..*

Фозилжон қўшиқдан таъсирланиб, ортига қараб кўйди.

– Уйгуннинг «Олтинқўл» драмасидан, – таъкидлади Одашхон, – ҳофиз Маъмуржон Узоковнинг қўшиқларини хам яхши айтишади, айниқса, «Суратинг»ни.

– Яхшигина «фольклор» ансамбли тузишингиз мумкин.

– Ўзим хам шуни ўйлаб юргандим. Лекин юқори нима деркин?

– Қачонгача юқори, юқори деймиз, ахир ўзимизнинг районимиз миқёсидаги тадбирларга хам керак-ку?

– Тўғри айтасиз...

Фозилжон қарталарнинг эллик метр-эллик метр еридан, ғўза қаторларини кесиб ўтган ўқариқни кўриб таажжуби ортди, хам бироз жаҳли чиқди.

– Бу нимаси, Одаш опа? – қўзлари чақчайди унинг, – ча-кана ғўзаларнинг бошига сув қўймабсиз.

– Пахта сортини ошириш учун қилдим, – пинагини бузмади у.

– Тушунмадим.

Одашхон унга, ҳар бир қарталардаги ғўза қатор ораларини шунақа ўқариқ билан кесганда кўчак тушиб, пахта очилиш даврида ҳосил пўпанак босмаслигини, бу тажриба ўтган йили синалиб, яхши натижага бергани учун бу йил хам кўллаётганини ётиғи билан тушунтириди.

– Аввал ғўзани квадрат уялаб экардик, унда ўқариқка ҳожат йўқ эди. Чунки ғўза қатор ораларида ҳаво бемалол айланиб юарди, – деди гапининг охирида, – кейинчалик чигитни ерга қаторасига қадаганимиз учун, айниқса, шохлаганида жипслашиб ўсгани боис ораларида ҳаво айланмай, кўсак ва пахталарда корасон каби касаллик пайдо бўлиб, пахта сортини тушириб юборди хамда ҳосилнинг камайишига олиб келди.

– Юқоридан биронта вакил келиб кўрса...

– Иссик жонмиз-да, барибир чўчиймиз.

Унинг писандадан бироз қизаринганини кўрган Одашхон гапни бошқа томонга бурди.

– Бу тажриба асли ота-боболаримиздан мерос. Ҳеч ҳавотир олманг, олдинги йили анча тўполон бўлган. Хайфсан деган «унвонча» ҳам олганман.

– Дўппидай ердан мунча ҳосил олинади деб...

– Кўнди, кўнишди. Келгуси йили амалда кўришганидан сўнг тан беришди. Чунки кўз олдиларида иккита қартанинг бирига ўқариқ олинди, иккинчисига эса йўқ. Ўқариқсиз картада дўппидай ер ҳосилидан юз баробар кўпи нобуд бўлди. Натижада биз ютдик. Сўнг бу тажрибани районимиз газетаси «Пахтаобод»га зўр мақола килиб тайёрладим. Кўплаб хатлар олдим. Ўтган йили бу тажрибанинг фойдали эканлигини оммалаштириш бўйича семинар ҳам бўлиб ўтди. Шахсан юкорининг ўзи келиб табриклаб кетди. «Унвонча»дан ҳам маҳрум килишди.

– Ҳм-м, – Фозилжон кулди, – хайфсанни олиб ташлашди денг? Оббо сиз-эй. Яхши. Демак, шунинг учун бу йил гуруҳингиз билан саёҳат қилиб келибсизлар-да?

– Ҳа, лекин бу иш учун эмас, бошқасига берилган рағбатлантириш эди.

– Ўх-ҳў, сиз аллақачон «Хизмат кўрсатган пахтакор» унвони билан тақдирланишингиз керак экан.

– Ота-боболаримиз қилган ишни давом эттиряппиз холос. Умрида пахта экмаган, экишни кўйинг, дехкончилик кўчасидан ўтмаган аллакимларнинг мингир-мингирига қулок солмай, ўз ишимизни билиб қиласверсак, ютаверамиз.

«Ўл-а, олимликка даъвогар Фозил! Шу аёлчалик шижаатинг, билиминг, тажрибанг йўғ-а?»

– Биз боболаримиз иш тажрибаларини қўлламай, фақат юқоридан келган айрим чаладеҳкон раҳбарларнинг айтганини қилиб, ора йўлга тушиб колмадикми? Мана, сиз худди шуни билгандек, келибок кекса пахтакорларимизнинг пешидан тутиб, тўғри иш қилдингиз. Янги дехконваччалар аллақачон хўмчопикни унутиб юборган эди. Сиз эса қўлладингиз. Бу Уста Фанининг маслаҳати бўлса керак.

Фозилжон бош ирғади.

– Пешидан янайам маҳкамрок ушланг, у киши пахтачилик илмини хўб биладиганлардан. Кўрасиз, бу йил ҳосил яхши бўлади.

– Бошқа яна қандай иш килгандингиз, опа?

– Уми, уни ғўза тиззага урганда қилинадиган культивация даврида кўрасиз...

Унинг камтарона жавобларини эшитган Фозилжоннинг ёдига яна Турсунбойнинг машина рангини ўзгартириб, кандидат унвонига сазовор бўлган ошнаси ҳақида жизиллаб айтган гаплари қуюлиб келди ҳамда бу ерга келганинг дастлабки кунида Мунаввар билан сухбатлашиб ўтирганида бир тракторчи йигитнинг Одашхоннинг устидан шикоят қилганини эслади: «Одаш опа яна тўполонни бошлади». Ҳм-м, Одаш опанинг тўполонлари яхшиликка бўлгани учун Мунаввар индамай қўяколган экан-да..., ҳм-м, қанийди, ҳамма аъзо звенолар ҳам шунака тўполончи бўлса?

Фозилжоннинг кўнгли ўрнига тушди, аммо дилига ин курган бошқа шубҳалар тинчлик бермай қўйди: «Демак, ҳосилнинг камайишига факат вильтгина эмас, мана бунга ўхшаш сабаблар ҳам таъсир қилган. Шошма Фозил! Юртнинг кети кенг. Вильтга ҳам Одаш опа каби дехқонлар аллақачон чора топиб бўлган бўлса-чи? Бўлиши мумкин. Унда куруқ отни чопиб қолаверасанми? Албатта! Шундай имиллаб ишласанг, икки кўлингни бурнингга тикиб қолаверасан. Тезроқ отингни қамчилади!»

У Одашхон билан хайрлашиб йўлга тушаркан, кўнглини ажиб бир ҳис эгаллади. Ҳа, инсон тирик экан, умид ҳам сўнмайди: «Албатта орзуимга эришаман, – пичирлади лаблари, – ахир орзуимнинг энг улуғи юқори ҳосил олиш-ку! Ҳа, Одаш опам айтмокчи, бу йил ҳосил мўл бўлади, бир нарсани сезганки, ишонч билан юзимга айтипти. Сезмаса гапирмас эди. Демак, кекса пахтакорларнинг маслаҳатларига ва ҳозирги айрим фан ютукларига амал қилиб борсам, ниятим амалга ошмай қолмайди. Бошқа муаммоларга чалғиши эса мени ўз вазифам, мақсадимдан узоклаштиради».

У асрга яқин ҳовлига кириб келганды, ота ўзи ташкил килган стадиончада болаларнинг футбол ўйинини томоша қилиб ўтирган эди. Ўйинга берилганидан Фозилжоннинг аста келиб ёнига ўтирганини ҳам сезмай қолди. Ўйин туга-гандан сўнг ғолиб командани олдига чақириб, аввало, миннатдорчилик изҳор этди, сўнг ҳар бирига бир сикимдан кора майиз бераркан:

– Янаги гал ютсаларинг албатта кинога билет олиб бераман, – деди шўх-шодон, – роса етилиб пишганларингдан кейин эса бошқа колхоз футбол командаси билан рақобатлашишга олиб бораман.

– Улар ҳам биздақами?  
– Команда бошқа колхозда ҳам борми? – чувиллашди болалар.

– Ўзингиз каби тенгкурлар билан беллашасизлар! – хурсанд эди ота, – кани олға!

Сўнг мағлуб команда аъзоларини олдига чорлади ва:  
– Эртадан янаги ўйинга кадар далага чиқиб, колхозчи-ларга ғўзаларни бегона ўтлардан тозалашга ёрдам берасизлар. Ие, сиз ҳам шу ердамидингиз? – ёнига ўгирилганда Фозилжонни кўриб деди, – мана, янги куч!

Фозилжон болаларнинг дўрдайиб туришидан завқланиб:

– Бу ҳам физкультура, – деди кулиб, – ғолиб чиқиш учун ҳар куни спорт билан шуғулланиш ҳам керак-ку!  
– Булар, – уларнинг сал чехраси очилганини кўрган ота яна қўшимча қилди, – ҳалол ва ростгўйлигидан ташқари жуда меҳнаткаш йигитчалар, Фозилжон. Ким билади, ҳали буларнинг ичидаги бўлғуси Пеле, Красницкийлар бордир!

– Қачонгача ўт юламиз?  
– Юлган ўтимизни молимизга опкесак бўладими?  
– Ҳа, қачонки ғолиб бўлмагунингларча...  
Ёлғиз қолишгач, Фозилжон отага юзланди:  
– Рақиб команда ҳақида сўзладингиз?

– Ха, оғзимдан чикиб кетди. Энди қўшни колхозда истикомат қиласиган Суннатилла деган муаллим бор, ўша билан гаплашишим керак.

«Иш мана бундок бўити, – ўйга толди у, – темирни қизигида босмоқ керак дегани шудир-да, балки. Ха, иссиғида ҳал қиласиди, шубҳам йўқ!»

### 37

Иккинчи бригада шийпонида ўтган мажлисда Фозилжон кирилган таклифлардан бири – уйда ишга ярокли ўтирган қарияларнинг қурт боқишга ёрдам бериши эди. Бу масала, қолаверса, табелчи Мамадали айтгани бўйича, ерни гектарлаб бўлиб беришни куздаёқ амалга ошириш ҳақидаги фикрини Мунаввар билан келишиб олиб, правление муҳокамасига кўйиш керак эди. Буни Уста Ғанига айтганида:

– Тўғри, – деди ота мамнун жилмайиб, – раиса билан маслаҳатлашиб, правление йиғилишида тасдиқлатиб олиш керак.

– Э-э, – кўл силтади Фозилжон, – униси у деб, буниси бу деб ишни кейинга суради, холос.

Ота кулди:

– Оббо **Фозилжон-эй, охирида ҳаммаси бошлиқнинг** фикрини маъкуллашади-да, яксара кўл кўтаришади. Сиз шундан фойдаланиб қолаверинг.

Ҳақиқатда, ота айтганидек, Мунаввар таклиф этган масала карорини ҳамма бир овоздан маъкуллаб, тасдиқладилар. Факат кимдир охирида, энди қурт боқиш қарияларга қоларкан-да, дея луқма ташлади. Унга на бирор жавоб айтди, на эътибор қилди. Бу ташаббусни кечқурун кенг ҳалқ оммасига колхоз радиоузели орқали эълон этилгач, янги хабар бутун колхоз бўйлаб нур тезлигида тарқалди. Эртасига ёк ер оловчи деҳқонлар колхоз идораси томон ёпирилиб кела бошлади. Мунаввар Муроджон билан Маъсумага уларни рўйҳатга олишни, ер эса кузги ҳосил йиғиб олингач бўлинишини тушунтиришни буюрди.

– Фозилжон, юкори бунга қандай қааркин? – ўз кабинетида намуналарни кўздан кечириб ўтирган Фозилжоннинг олдига кириб келган Мунаввар ҳадик ва кўркув аралаш деди, – қолдик балога!

– Биз ҳам Одаш опага ўхшаб бир тўполон қилсак кипмиз-да.

– Ҳазиллашаётганим йўқ.

– Нари борса Бюорода масаламни кўришади, зўр келса ишдан олишади. Шунгаям ота гўри қозихонами?

– Бу ёғини ўйламай...

– Қизикмисиз, ҳар иккисида ҳам колхоз манфаати кўзда тутиляпти-ку? Энди факат тўда бўлиб эмас, алоҳида алоҳида, маъсулиятни янада чукур хис қилган ҳолда ишлашади. Бунинг нимаси ёмон? Энг муҳими, киши билан ўзига карашли ерга топган-тутган ўғитларини ташлашади. Давлатдан кимёвий ўғитлар олиш миқдори камайиб, колхоз қарздорлиги кискаради. Натижада аъзоларнинг иш ҳаки, даромади кўпаяди..., ҳам еримиз кимёвий ўғитлар зарабидан покланади.

Фозилжон яна нималарнидир гапирди, аммо уларнинг биронтаси ҳам Мунавварнинг қулогига кирмас, хаёлида шикоятбозлик устига шикоятбозлик, ўғити ўтмай колган завод директори қишлоқ хўжалиги министрлигига, министр эса марказга, марказ эса Мунавварни...

Этлари жунжикиб кетди унинг. Охири ўйининг тагига етолмай, район бош агрономи Хайруллохоннинг олдига маслаҳатга борди ва оқизмай-томизмай бор бўлиб ўтган ишларни ипидан-игнасигача сўзлаб берди.

– Мен сизлар томон, Мунаввар Қодировна, – деди бош агроном аста томоқ қириб оларкан, – ҳадеб бир маромда йўргаламай, оз-моз янгиликларга таяниш ҳам лозим-да... Буни ҳеч хавотирли ери йўқ. Факат қарталар атрофига тутдан бошқа дараҳт кўчати экилмасин.

Елкасидан тоғ ағдарилган каби учеб келган Мунаввар Фозилжон билан бирин-кетин хонасига киаркан:

– Ҳалиям кетганингиз йўқми? – деди меҳри товланиб, –  
касалдан янги тургансиз, ҳали кучга кирмаган бўлсангиз.

– Раҳмат, яхшиман. Сизларда радиоузелдан фойдала-  
ниш яхши йўлга қўйилган экан, чаккимас. Умуман ҳавас  
килса арзигулик ишларингиз кўп, Мунаввар.

– Раҳмат.

– Пахта терими бошлансин-да, – гапга сукилди хона-  
нинг бир четида нима биландир машғул ўтирган Мурод-  
жон, – опам билан дадам қувончу ташвишларини эълон  
этувчи дикторларга айланади-колади.

Раис хонасида Муроджоннинг бемалол иш қилиб  
ўтириши Фозилжонга бироз эриш туюлди.

– Ие, Ғулом акам ҳамми? – сўради бир тарз ўзгариб.

– Районга кетганлар, ҳализамон бир дунё ташвишни  
оркалақ келиб қоладилар.

Улар ташқарига чиққанларида шом вақти яқинлашган  
бўлиб, манзили томон ошиққан йўловчилар қатнови сий-  
раклашган эди. Мунаввар хайрлашиб ўз макони, Фозилжон  
билан Муроджон эса клубга, ундан Уста Ғани ҳовлиси то-  
мон олиб борадиган катта йўлга тушишди.

– Мунавварнинг хонасида...

– Нима қилиб ўтирган эдингиз, деб сўрамоқчисиз,  
колаверса, берухсат..., деб ўйлагансиз.

– Ҳа, шундай.

– Деярли мени ўз иш кабинетим йўқ, шунинг учун опа  
ўз хонасининг ярмини менга берган.

– Ҳм-м...

Фозилжон никоҳ масаласида ота билан суҳбатлашганини  
айтиш мавриди келганини сезиб, бу ҳақда Муроджонга  
сўзлаб берди.

– Онангиз тўғри талаб қўйибдилар, – деди сўзининг охи-  
рида, – отанинг айтишича, никоҳ – поклик йўли ҳисобланиб,  
бу Оллоҳнинг китобида ҳам бор экан.

– Миннатдорман, Фозил ака. Шунча иш бошингиздан  
ошиб-тошиб ётганда мен ҳам дардимни дастурхон қилдим.

– Энди икки эркак кудани бунга кўндиришимиз лозим.

– Онам Нов маҳалла тепасида яшовчи қариндошимизникида, никохни яширинча ўқитиб келишимизни маслаҳат беряптилар.

- Ана, қаловини топсанг қор ҳам ёнади, Муроджон.
- Лекин иккимизга гувоҳлар масаласи-чи?
- Ҳм, Одаш опа иккимиз борсак-чи?
- Шунинг учун сизга маслаҳат қилгандим-да, бўлмаса тўғридан-тўғри...

– Уста Фаними, Абдугофир отами ё Қодирча ота билан гаплашсангиз бўларди-ку? Ёки бўлмаса имом билан...

- Сабаблари кўп, Фозил ака, буни сизга айтольмайман.

Улар бир-бирларига омонлик тилаб хайрлашганда кўкнинг қароғлари аста-аста мўралай бошлаган эди.

## 38

Юртнинг пўлат сийнасиға куёш яна ўз нурларини соча бошлади. Борлик узра ороланиб эсаётган еллар юзларни сийпалар, кишини сархуш айларди. Далада иш, хонадонларда ўша луқма ташлаган бировнинг айтишича, кексаларнинг курт боқиши авж олган бир пайтда Қодирча пайкали этагидаги, ёнбошлаб қолган қари тут танасида ўтирган Фозилжон сал нарида этак тутганча, каллик баргларни териб юрган Файзуллага кўзи тушиб, чарчоғини ҳам унутди:

- Ҳормасинлар!

Файзулла чўчиб тушди ва ортига ўгирилиб:

– Бор бўлинг, – деди, – қалай, бардаммисиз? – аста-аста юриб келиб, ёнига ўтирди.

- Ўзлари?

– Кўриб турибсиз, бўш қўлларга барг теришни ўргатиб кўйдингиз.

- Ўғилча қалай?

– Зўр, бу дейман боксчи полвон бўлади, чоғи.

- Яхши-да.

– Қишлоқдан ҳам боксчилар чиқсин-да, а?

– Албатта.

У Уста Ганининг ўзи ташкил қилган стадиончасида мирикиб футбол томоша қилишини, гохида ўзини катта ўйингоҳда ҳис қилгандай тутишини марок билан сўзлаб берди.

– Ха, орзуга айб йўқ! Мен ҳам ўғлимни боксчи қилиб тарбияламоқчиман.

– Ниятингизга етинг.

Файзулла ўрнидан турди:

– Э, Фозил ака, бунақа адабимизни берманг-да?

– Тинчликми?

– Хотин чопикда, бешда ўқийдиган қизим ҳам ёрдамда, уйда онам иккимиз, мен барг тераман, онам эса уни қиймалаб, қуртларга солади, ўғилча эса онам иккимизнинг ўртамиизда, эчки сути билан бокяпмиз.

– Шун-чун ишонч билан боксчи бўлади, деяпсиз эканда, а?

– Ха, эчки сутида ҳикмат кўп дейишади.

– Бу кунлар ҳам ўтар-кетар, Файзулла. Шунақа паллаларда колхознинг оғриғига малҳам бўлмасак унда ким бўлдик?!

– Бу гапингиз ҳам тўғри...

«Ҳм-м, демак ягана билан курт боқиши даври тенг келиб, ҳамма ўзини пилла етиширишга урганда яганани ўкувчилар қилган. Айни ишлов даврида ғўзалар беэътибор қолган. Мана, муаммо қаерда? Ҳм-м...»

– Анови ерда Топилдихон ҳам барг териб юрувди.

– Шунақа денг?

Икковининг нигоҳи тутқаторлар ораларини кезиб чиқди, аммо Топилдихон кўринмади.

Анчадан сўнг олисдан овози келди:

*Мехнат қилсанг энди қил, алла болам,  
Ўз қадрингга ета бил, алла болам.  
Эркакча иши қилганинг, алла болам, дод-эй,  
Омади келар бу йил, алла болам.*

- Жуда ҳалол йигит-да, Топилдихон ака.
- Ҳа, Фозил ака, уни нимасини айтасиз, баҳоси йўқ йиғит. Аканг киройи шундай бўлса.
- Ҳа...
- Колхозда нечта шўпир бўлса бари киракаш. Бири анови қассобларнинг молини ташийдиган гўшти бепул Тўхта кал. Бири эса Соли маймоқ, машинасиям маймоқ, аммо то-пиши қаймоқ. Тўйларнинг ун-гуручини ташийди, автобусга кучи етмайдиган куёв тарафга нақд пулга келиб, опкелиб беради. Машинага кетадиган ёғ эса колхоздан.
- Шунақами? Ҳисоб-китобчилар қаёқка караяпти?
- Э, Мунаввар раис жуда кўп бошвоғидан тортди, аммо бунақа чакана даромадларни кўзни шамғалат қилиб бажараверишади-да... Бундан ташқари анови адирга ерёнгоқ экканларнинг ҳам ҳожатини чиқариб туради.
- Адир дедингизми?
- Ҳа, адирда пахта учун қўшимча ер очгансиз. Аммо собиқ агроном бир-икки йил хонаки экилса, ер тобига келиб қолади деб, айрим серболали аъзоларга бўлиб берган. Буларнинг ичида Юнус акам ҳам бор.
- Юнус ака дедингизми? Бўғолтириш...
- Ҳа, у бечора ҳам фойдаланиб туради.
- Топилдихон акага ҳам...
- Йўқ!
- Бу ҳақда Мунаввар менга гапирмади.
- Сабаби, комиссия яқинда ўша ерларни опкўйди шекилли..., яна билмадим.
- Лекин ғўза экилмади.
- Бундан хабарим йўқ, балки...

Файзулланинг эҳтиёткорлик билан гапирганлари Фозилжонни жунбишга келтирди: «Айрим колхозчиларнинг ерлари киркилиб, унга ғўза экилсин-да, мўмай даромад келтирадиган адир ери эса аллакимларнинг киссанини қаппайтирсин..!»

Шу пайт шийпон ёнида қуюқ чанг-тўзон кўтарилиди ва зум ўтмай тўзон тарқаб, ок «Волга» кўзга ташланди.

– Ана, бўринни гапирсанг, кулоги кўринади. Опанинг ўзи ҳам кепқолди, мен борай...

У шийлонга келганда Мунаввар Ҳамроқул ота билан гаплашиб ўтиради.

– Мунаввар, – хушламайгина саломлашди Фозилжон, – колхознинг бари ерига экиб бўлдикми?

Тўсатдан берилган бу савол Мунавварни довдиратиб қўйди.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Эшишишмча, адирда ҳам анча еримиз бор экан.

«Қаердан билдийкин?» хушёр тортди у, жавоб айтмоқка оғиз жуфтлаган эди, лекин ота гапни илиб кетди:

– У ерларга энди экилади, ўғлим, чунки адирлар қуёш тифига қўндаланг бўлиб, қўйига караганда иссиқрок бўлади. Шунинг учун ўн-ўн беш кун кечрок экилади.

– Бугун тракторлар ишловга ўша томонга кетишган. Эрта-индин экиш бошланса керак, – кўшимча килди Мунаввар.

Фозилжоннинг кўнгли тинчиidi.

## 39

Эрталаб идорага кетаётган Фозилжон йўл четида қак-қайиб турган машинани кўриб, олдига аста юриб борди. Машинанинг тагида ғимирсилаб нимадир қилаётган одамнинг кимлигини таниёлмади.

Кўзи такир бошга тушди.

– Ҳой, қараб турган, кимсан? – бақирди у, – кичик ключни бервор!

Ўрнида бажо келтирди у.

– Алмисоқдан қолган машинани беришган, ё ремонтини ўйлашади, ё бошқасини, – ғўлдиллади у, – сочимнинг бориям тўкиладиган бўлди, падар лаънат!

– Э-э, сени минишингга... янаям темир экан, дош беряпти, бошқа нарса бўлганда бўйдоқнинг питидай тўкилиб, тиркираб кетарди, – шумлиги тутган Фозилжон овозини хиёл дўриллатди, – шукр кил-да.

- Солимисан?
- Нима эди?
- Ўзинг-чи, темир-терсакка топширворадиган килвординг-ку, яна менга куласан. Ким хотин олади, ким қўйворади, кутиб ётасан, падари!

Унинг гапларини эшитган Фозилжон жиддийлашди: «Кал. Демак, униси Тўхта кал, буниси, яъни мен Соли маймоқ. Наҳотки, мени танимаса?»

- Инсоф билан бўл-да, ошна, айтадилар-ку, беш бармоқ оғиз йиртади, деб...

– Э-э, ҳозир настроениям чатоқ, кечаги кирим пачоқ. Анови муюлишдаги қассоб бор-ку, ўша оз узатди. Хотинталоқ, жудаям мумсик<sup>1</sup>да ўзиям. Барибир бир қуни боплайман.

- Бир жойдан бўлатуриб уялмайсанми?
- У уялмасин-да, мен уялайми? Ол, манови матоҳларни!?
- Фозилжон кал узатган ключни олиб, ўрнига қўйди.
- Энди каттасини бер! Бугун кечкурун адирга буғдой оборишим керак эди. Бу падар лаънат ҳали тортмай турса-я?!
- Буғдой дедингми?
- Ҳа, эккани-да. Худди осмондан тушгандай сўрайсан-а?

Нима бало, бугун чап ёнинг билан турганимисан? Боядан бери алжираисан?

- Агар катталар билиб қолса...
- Катталарнинг нафсига уриларки, Юнус акам экса керак-да.
- Ер-пери билан опкўйган бўлса-чи?
- Менга нима? Нак қайроқи буғдойларидан ажрайдиган Юнус ака-да. Нима қипти, бирор йил давлатти унидан қилинган нон еса? Аммо-лекин ерёнгоқнинг ерини опкўйди дейишяпти?!
- Юнус аканинг буғдой экадиган ери қанча?
- Уф! Бугун чап ёнинг билан турганинг рост! Намунча, терговчига ўхшаб саволга тутаверасан? Ўн гектарлигини билмасмидинг?

---

<sup>1</sup> Мумсик – ўта қурумсоқ, пишик.

- Вой-бў, у еридан ажраса...
- Нима қипти, ерёнғоники икки баробар эди, балоям урмади-ю?!
- Лекин раис опамиз кўп болалиларга ўзлари ер очиб, буғдой экишига рухсат берибди.
- Ҳм-м, бундай демайсанми, одамни хит қилмай...

Фозилжон колхозчилар томорқасидан ортиқчаларини киркиб, колхоз ихтиёрига ўтказганларида аъзолар ўртасида норозиликлар кучайганини, кейинги правление йиғилишида кўп болали оиласларга томорқа беришга қарор қилишганини, яна хоҳласа адирлардан ер очиб, буғдой экиб олишлари учун рухсат берганликларини эслади... У энди кетмоқчи бўлиб турган эди, кал яна гап бошлаб қолди:

- Ерёнғоқ экадиган еримни олиб қўйишганда кўзимга дунё тор бўлиб кетганди.

– Тавба, бошқа ер қуриб кетганмиди?

- Э-э, гўрсўхта, эл билан элнинг, ер билан ернинг катта фарки бор. Пастга кетадиган, харидорсуйди ёнғоклар этишитирадиган асил ер эди-да... Анови шумқадам келди-ю, ҳаммаёқ остин-устун бўп кетди. Ичи қора йигитакан.

– Ким?

- Фозил-да, раиснинг бош-кўзини айлантириб олганми, ўша келгандан бери чизифидан чиколмайди. Бухалча холам ўлганда эшигининг тагида худди ўғлидай туришини қара?!

– Ҳа, энди одамгарчилик юзасидан...

- Мен ҳам шундай ўйлагандим. Асли мақсади Сарвиноз экан. Учарлигини қара, минг қилса ҳам шаҳар боласи-да.

– Ким айтди? – ўзини босди Фозилжон.

– Юнус акам. Ҳай, Соли?

– Ҳм-м, гапиравер!

- Юнус акам пича ўғит ўмаргин девди. Кеча Ҳамроқул коровулнинг шийпонига сара ўғит туширишди. Чолни бир болламаймизми?

– Шу арзимас ўғитни деб ўғирлик қиласизми?

- Э, хумпар! Ўғит эмас олтин-ку, олтин ўмаррамиз, олтин!

- Кечкурун бир машина опкетаверади-да.
- Доим шундай киларди, лекин анови шүртумшук келгандан бери са-а-ал чүчүб қолди. Юнус акамми саройда тахта тилдирганини биларкан.
- Нима кипти, ахир цех, колхозга келган баъзи нарсалар бўғолтирир билан раисники-ку? Қисқаси, амалдорларники!
- Буни сенданам яхши биламан.
- Раис опа давлат курган уйда яшайди-ку?
- Пахтаободдаги уйи битгунча шахсан ўзим ёғоч-тахтарларни ташиганман.
- Н-нима дединг?
- Ҳа, тахтадан тортиб то помидоргача. Ўтган йили касир, ундан олдин механик, Юнус ака эса ҳар йили уй солади. Чамамда шўразоргаям муҳташам бир сарой – қабр курдириб тинчийди шекилли.
- Шу вактгача индамай келиб, нимага энди вайсаб колдинг?
- Шуларнинг паноҳида озгина ердан фойдаланиб юрувдим, опкўйишгач, менгаям алам қиляпти.
- Парткомми яхши кўрасан-а?
- Ҳа, Ғулом акам маладес, бир сўз билан айтганда жаннати одам.
- Ерингни қайтариб олишга ёрдам сўра.
- Унақа ишларга аралашмаслигини биласан-у? Аттанг, эски агроном зўр эди. Бир машина шўрнинг ярмини юклаб турсам, устимга келиб қолган. Изза бўлмасин деб, их, хўнадари, гайка котмаяпти! Тескари қараб турган-а?! Ўшан-чун совғаниям куюғини оларди-да. Бошқа коровуллардан кўра Ҳамроқул чол сал қайишиб турарди, энди уям законнинг коқ белига минвопти.
- Эпини қил?
- Юнус акам эпини қилмокчилар.
- Ахир улар ит-мушук-ку?
- Бошқача эпини қилади, яъни тинчитмоқчилар.
- Йўғ-э?

– Ҳа, Маҳмудилло жияни омон бўлсалар, тоғни ҳам пойингга тиз чўқтиради.

– Оширвор-э?

– Ҳа, кўришади сиз биз билан, азоблайди бигиз билан. Бунакаси ҳали туғилган эмас...

Фозилжон ўрнидан турди. Оёғига сон-саноксиз игначалар санчилаётганини сезиб, ух тортиб юборди. Бу орада ишини битказиб, машина тагидан чиқкан Тўхта кал у ёқ-бу ёғининг чангини қокаркан, Фозилжонни кўриб донг котди.

– С-сиз? С-соли к-қани?

– Қанака Соли?

– Шу ердайи-ку, нима бало, ер ютдими? Ҳей, Соли!

Соли деяппан!!

– Бу ерда ҳеч қандай Солини кўрмадим.

– Бундан чиқди...

Калнинг кўзлари олайиб кетди:

– Бундан чиқди..., вуй, расво бўлдим, расво! Вуй, энди нима қиласман!?

Оёғи увишгани тарқаганини сезган Фозилжон велосипедига минди-да, кетворди.

– Энди бутун колхозга гап бўласман, – йиғламоқдан бери бўлди кал, – э-э, бузилмай ўл!

У алам билан машина ғилдирагини бир тепди. Оёғи оғриб, афтини бужмайтиаркан:

– Ҳали масаламни правлениега қўйса-я, – ранги оҳақдек оқарди – энди нима қиласман? Тамом бўлдим, тамом!!

Фозилжон идорага келганда Сарвинознинг кутиб ўтирганини кўриб, шошиб қолди.

– Йўлда, машина ёнида турганакансиз, ҳойнахой идорага келса керак-да, деб индамай ўтиб келавердим.

Унинг юраги ширин энтиқди. Кўклам чечагидай тоза бу қизда аллақандай мъясумлик кўрар, ҳаммадан ҳам соддалиги уни таажжубга соларди. Қизнинг унга бўлган муносабатларида ишонч борлигини сезганида янаям тотли хислар оғушига чўмар: «Кўнглимга кўл солган одам билади юрагимнинг ҳароратини!» дея охиста ўйга чўмарди.

Ха, бу ишонч унинг қалбини илитар, орзулари сари олға кадам ташлашига мадад берарди. Қизнинг ёкүт лабларини қимтиганича ерга қараб ўтирганини кўриб, кула-кула ҳозиргина бўлиб ўтган сухбатни сўзлаб берди, лекин Мунавварга тегишли жойларини гапирмади.

– Бундай кўлга тушмайди! Наҳотки, пайқамаса? Ха, рост! Буни каранг?! Овозингиз Соли аканикига ўхшаб кетаркан.

Хонага сокинлик чўкди. Бу орада қизнинг гўзал чехрасига мафтун бўлганча турган Фозилжоннинг хаёлидан нималар ўтмади, қандай кора ўйлар шарпасини кўрсатмади.

- Чидамайман! – беихтиёр гапириб юборди у, – асло!
- Нима, нима дедингиз? – қиз хуркиб, саросимали нигохини қадади унга, – бир нима дедингизми?
- Йўқ! – хушига келган Фозилжон ўзини кўлга олди, – ўзим, шунчаки..., бир нарса ёдимга тушди.
- Ҳм-м, мен бир иш юзасидан келгандим, – нихоят тилга кирди қиз, – клубнинг очилиш маросимини ўтказмоқчимиз. Опамга маслаҳат солгандим, сизни айтдилар.
- Қўлимдан келса бажонидил.
- Сельсовет раиси ҳам баҳоли қудрат маслаҳат бердилар.

Фозилжон Топилдиҳонни ҳам таклиф қилиш кераклигини, унинг кўшиклари албатта кечага файз киргизишни, кичкина-кичкина сахна кўринишлари эса ёшларни маълум маънода тарбиялашини айтди. Сарвиноз дафтарчасига Фозилжоннинг клуб иши ҳақидаги яна бъязи таклиф мулоҳазаларини ҳам ёзib олди.

– Муроджон билан Гулжамолнинг тўйи қачон экан? – сўради беихтиёр тўйи бўлармиш, деб гапириб юрган ёшлардан сўз очиб.

– План тўлганда, ким билади, опам шундай деди-ю, – уялиб жавоб берди қиз ва Фозилжонга ўпкалаб қаради. Нигоҳлари унга: «Ҳар доим кўзларингиздан укаман шу саволни», деяётгандек бокарди. У Сарвинознинг фикрини

уккан каби жим турар ҳамда шу дақикаларнинг соатлаб, кунлаб давом этишини хоҳларди.

- Сарвиноз.
- Ҳм-м.
- План тўлганда... Биз...

Киз ташкарига отилди. Фозилжон бир ширин энтикаркан: «Сиз – кўнглимнинг чироги. Унинг нурида баҳтли бўлишим аниқ. Ҳа, энди кўнглимда килчалик ғубор, шубҳа йўқ. У меники, факат меники!»

## 40

Котиба киз Маъсума бухгалтер хонасидан бир даста коғоз билан чикиб, ниманингdir ташвиши билан банд Фозилжоннинг ёнига келаркан, куюнди:

- Қаранг-а, райкомга тўшакдай шикоят ёзгунча, ўзингнинг афтингга бир кара?!
- Ким? Ким ёзибди?
- Аҳмадилло-да, онам ҳозир ўша ердалар.
- Куюнманг, ҳак қарор топади...

Ҳозиргина қалбини лиммо-лим тўлдирган шодлик ўрнини зумда ташвиш эгаллаган Фозилжон хонасига кириб, креслога чўкаркан:

- Юкорига хат ёзишни биларканми? – дея ажабланди ва Аҳмадилло билан бўлган можарони қўз олдига келтираркан, – кўрқок! – деди тишлари гичирлаб, – номард!

Канча ўй сурганини билмади, бир вақт:

- Мумкинми? – эшикдан Юнусжоннинг мулойим чехраси кўринди, – Турғунбой сиз билан гаплашмоқчи экан.
- Ким у?
- Уста, колхоз устаси, ўғли Аҳмадилло ҳакида гаплашмоқчи, узр сўрамоқчи!
- Ҳм, майли.

Хонага ўша, саройдаги тунги иш иштирокчиларидан бири, чувак юзлиси кириб келди, совуққина кўришиди.

– Ўғлимми гунохидан ўтинг?! – кира солиб гапира кетди, – трахтирини кайтариб беринг! Бўлмаса жинни бўп колади! Трахтир уни жони-дили.

– Мен...

– Ҳаммасини Ҳамроқул ака айтиб берди. Ёш-да, бироз кони суюқ. Ўзиям боплаб таъзирини бердим. Ўша касофатнинг ишини қилмасанг шу кўргуликлар йўқ эди, дедим.

– Мен...

– Худо урган одамми ёнидан ўтиб ҳам бўлмасди. Болада, тушунмаган. Яхшига кун йўқ, ёмонга ўлим йўқ, деб шуни айтадилар-да. Бу наҳс-касофатини Азроил ҳам хушламайди шекилли...

– Ба-а-ас! – ғазабдан ўзини босолмай қолган Фозилжон столга мушт туширди, – бас қили-инг?!

Кап-катта одамнинг алмойи-алжойи гапларини минг азобда эшитиб ўтирган Фозилжон Уста Ганини ҳакоратлашига чидаб туролмади.

– Ота сизларни, фарзандларимиз келажак манфаатини ўйлаб, шу кўйга тушган.

– Ахир у ҳалқ душмани, сиз...

– Уни сизга ўҳшаганлар ҳалқ душманига айлантирган, ўғлингизга ўҳшаганлар ҳалқ душманига айлантирган! Эгасининг ортига ўтиб ҳурадиган лайчалар ҳалқ душманига айлантирган! Ўзининг жигилдонидан бошқасини ўйламайдиган нопоклар бор экан, Уста Ганига ўҳшаган ҳақиқатчилар тухмат лойига корилаверади!

– Йў-ў-ўк! Ука, Гани буни сизнинг олдингизда атай килган! Ўғлим ёш-да, акли етмаган. Ҳа, энди ёшларга пул керак бўп тураркан-да...

Фозилжоннинг азбаройи жаҳли чикканидан тили танглайига ёпишиб қолди. Лом-мим демади. Бундан бошқа маъно ясаган рақиб томон:

– Асли пул билан Ганининг жони бирга чиқади, – деди жонланиб, – у сизни кўриб атай пул узатган-да, ўғлимга. Ёш-да, ёш, ёш бўлмаса унинг тузогига тушармиди? У жуда маккор, мингта шайтонга дарс берадиганлардан...

Фозилжон кўрдики, қаршисида турган одам сал туз-сизрок, унга на бакириқ таъсир қилади, на чақириқ. Яхшиси, асабийлашмагани маъқул.

– Трахтирни комсомоллар йигилиши қарори билан олиб кўйишган, мен эмас.

Ҳақиқатда комсомоллар мажлисида Аҳмадиллонинг килмиши кўрилиб, трактори тортиб олинган эди.

– А-а, – Турғунбойнинг юмалоқ кўзлари қисилди, – килғиликни қилиб кўйиб, энди четга чиқдиларми? Ҳа деса Ғанини рўкач киласан?! Ким бўпти ўша Ғани? Э, ор қиламан ундан! Бир мен эмас, бутун колхоз ор қилади! Сенлардан дод деб райкомга бораман! Райком қулок солмаса, обкомга бораман! Ҳе ўша, Ғанининг ариғини чопган!? Кўрамиз, ким ҳали ким!?

– Ундан ҳам юкорига, боринг! – остонаяда Мунавварни кўрган Турғунбой дами чиққан пуфакдай бўшашибди-колди, – кўрқадиган еримиз йўқ!

Фозилжон ўрнидан туриб, унга стул сурди.

– Ҳозир райкомдан келяпман, – деди Мунаввар қўл қовуштириб турган иккисига бир-бир кўз ташларкан, – айтинг-чи, хатни райкомга ўзи ёздими, ё бошка бирор ўғлингизнинг кўли билан иш кўрдими?

Турғунбойнинг олазарак бўлган кўзлари Юнусжонга бориб қадалди. У эса буни сезмай, ҳамон тавозеланиб, қўл қовуштириб туарди.

– Бориб ўғлингиздан сўранг?! – деди кескин, – ким ўргатганини билмагунча кўймайман. Агар ўзи ёзган бўлса, бу қилмиши учун ҳалқ олдида узр сўрайди! Акс ҳолда бошка колхозга кўчиб кетишинглар мумкин, ушлаб турганим йўқ!

– Э-э, опажон, мен ҳалиги...

– Баъзилар андишали одамни қўркоқ дейдилар. Ҳа, бугундан бошлаб пана ерларни бас қилинг?! Ҳақни колхоздан оляпсизми, бас, колхознинг ишини қилинг??

– Опа, ахир..., – тавозеланди Турғунбой, – мен, мен...

– Куни-кеча сельсовет раиси Турсуной билан курт бокилишини уйма-уй айланиб кўриб чиқдик. Аъзолар куртга сўкчакни ўзлари килиб олганлар. Бунисиям майли, кўмирниям олалатиб тарқатишган. Нимага бир кисм одамларникида бор, аъзоларда эса кўмир йўқ деб ўйламабман ҳам... Ҳали буни правление йиғилишига кўяман! Энди, ўша тузилган комиссия яна эшикма-эшик юриб, кўмир тоннаси билан кимларникига тушганини аниқлашади. Демак, ўтган йили биз кўмирни айрим кишилардан қарзга олмабмиз. Қаранг-а, буларда инсоф деган нарса қолмабди. Очиданочик ўзининг кўшнисини, ўзининг маҳалладошини тунашса!! Нонкўрлар, инсофсизлар! Колхоз танасига тушган куртлар!!

– Опажон, кўпчилик дегандай, улгурмадик-да, – қўл ковуштириди Турғунбой, унинг ҳозирда Фозилжонга нисбатан ҳўрозлигидан асар ҳам қолмаган эди, – кўлимиздан...

– Умуман ҳеч ким корангларни кўрмаган! Эртадан дала шийпонлари ремонти бошлансин!

– Хўп, хўп бўлади опа.

– Ўртоқ Мунаввар Қодировна, – икки қўлини кўксига кўйиб тисланди Юнусжон, – чиқишга руҳсат берсангиз?!

Мунаввар бош иргади. Уларнинг кетидан қараб қолган Фозилжон ажабланди.

– Юнус ака ўзини йўқотиб кўймадими?

– Ҳамтовоклиги бордир-да...

Фозилжон Ҳамроқул коровулнинг гапларини ўйлади: «Хоҳласа колхоз, хоҳласа Юнусжон, хоҳласа Фанининг ишини килади...», «Ҳм-м, ҳамтовоклиги сезилиб турибди».

– Лаънатилар! Яна Уста Фанига кўз тикишяпти! Қаранг, бу ишни гўё сизу биз ўюштирибмиз.

– Ие, ахир воқеа содир бўлган жойга тасодифан бориб колдим-ку? Сизнинг эса соянгиз ҳам йўқ эди.

– Ота-бала шундай деб ёзишган. Уларнинг қўлидан бундай иш келмайди, кимдир ўргатган.

Мунавварнинг гумонсираши Тўхта калнинг гапларини ёдига солди:

- Балки Юнус акадир?!
- Ишончингиз комилми?
- Ха.

Фозилжон Тўхта кал билан бўлиб ўтган ҳангоманинг киска тафсилотини сўзлаб берди.

- Шунақа денг! Кулокларимга ишонмайман.
- Аксинча, бари шундай содир бўлди.
- Демак, колхозчилар иш ҳақиниям текширишим керак.
- Мана бу ишни бир ёклик килиб олсакмикин?
- Мен тўғри деб билган ишимни қиласпаман, кўркмайман!
- Бу – жасурлик..., аммо... .
- Ха, ҳамма нарсани унутиб, тўғри деб билган ишимни килишим лозим.

Мунаввар чикиб кетгач, Фозилжон яна хаёл дулдулига минди. Дастроб келган кунлари Мунавварнинг менга ҳақиқий ёнтаёқ, яъни чин дўст керак, дея куйиб-пишганларини эслади: «Ҳа Мунаввар, – пичирлади у, – сени бу ерда ёлғизлигининг энди сездим. Буни кундан-кунга башарасини кўрсатиб бораётган турли воқеалар тасдиқлаяпти. Бизни яна канака мавхумликлар кутяптийкин-а?»

## 41

Ороланиб ўтган баҳорнинг яшил либосига кўз тикиб ёз келди. Саратон ҳам яқинлашди. Қилт этган шабада йўқ. Ҳаво шу кадар хароратли эдик, Фозилжон елкасига гўё куёш миниб олгандек хис қиласиди ўзини. Жазира маҳалла ишсида кам юргани боис, у келтирган машакқатларни бошидан кечирмаган эди. Шундай эса-да, бундай ҳавога тезда ўрганиб кетди ва писанд қилмасдан пайкалма-пайкал, картама-карта юриб, гўза каторларини ораларди. Чунки дилидаги истак ҳар нарсадан устун келар, йўлида учраган барча тўсиклар эса хеч нарсадек бўлиб бораётган эди. У одамлар раҳматидан эриб кетмас, меҳнат заҳматидан эса қочмас эди. Ҳа, унинг тоза юрагида оппоқ тонглар отиб, тунлар ботаётган кунларнинг бирида, пешинга яқин дала айланиб юриб,

Музроб пайкалига бориб қолди. Қартанинг ойнадай ялтиллаб турганини кўриб, аввало, кўзларига ишонмади: пайкалми ё кўл. Ўзига келгач, жони халқумига келиб, шийпонга қандай бориб қолганини билмай қолди. Бригадир Тиллабой беш-олти киши билан ошхўрлик килиб ўтиради. Пайкалини сув босганини ва у ерда бемалол ўрдак бокса бўлажагини айтиб, ортига ўғирилган ҳам эдики, бир нарса «қарс» этди. У қулоғи остидан ўқдай визиллаб ўтган товушни эшитиб, такқа тўхтади ва ўғирилиб, ерда, товоқнинг майда-майдада бўлаклари ораларида тиркираб ётган гуруч, сабзи, гўшт доналарини кўрди. Гезарид турган Тиллабойга кўзи тушсада, кўрмаганга олди. Ўтирганларга бир-бир маъноли караб қўйди-да, йўлида давом этди. Кечга яқин Мунаввар Фозилжонни ўз кабинетига чакиртириди.

– Вой, Тилла, тилла десам, иллат чиқиб қолди-ю, а? – куюнди, – Музроб пайкалини кўриб, давлениям ошиб кетди. Нақ кўл-а, кўл! Нима бало, сувчиси тухум босиб ётгана-канми?!

- Ош килишган экан.
- Нима, сизнинг ҳам хабарингиз борми?
- Ҳа! – У бўлган воқеани рўйи-рост сўзлаб берди.
- Ҳе, ош емай ўл! Бригадирларнинг ичидаги тетикроғи шу десам, сизлаганнинг кўчасидан ўтмаган кўринади. Актузиши керак!

Азбаройи жаҳли чикқан Мунаввар хона ичидаги ёқданбу ёкка бориб келар, ўтиргани жой тополмас эди.

- Шу бугунок чора кўриш керак. Маъсума?!
- Лаббай, опа!
- Ҳозироқ ҳаммани йигилишга чақир!
- Хўп бўлади.

Маъсума қандай кирган бўлса, шундай таажжубланганча, елка қисиб чиқиб кетди.

– Чидолмайман, бу ишга сира чидолмайман! Сенинг пўстагингни кокмасамми?

Бир даста коғозларни кўтариб Юнусжон кириб келди ва Мунавварнинг авзойини кўриб, тисланиб ортига қайтди.

- Кираверинг!
  - У аста келиб, Фозилжонни ўрнидан кўзғатмай кўришди.
  - Мухим гап бор шекилли, деб ҳалакит бермайин деган максадда...
  - Идорадаги ҳар бир гапни ҳамма эшитади, ҳатто колхозчилар ҳам! – чакиб олди Мунаввар, – Юнусжон!
  - Лаббай!
  - Манави, – у ведомостни кўздан кечира бошлади, – манави Манзират, менимча, иккинчи бригадага аъзо эди шекилли?
  - Ҳа, Мамажонда ишлайди.
  - Табелни кўрсам?
  - Мамадалидайди, ҳ-ҳалиги...
  - Абдулҳамидни чақиринг!
- Эшик олдида шофёр пайдо бўлиши билан:
- Тез Мамажон билан Мамадалини опкелинг, – деди, – табелнинг ўзида қолган нусхасиниям опкелишсин! Сиз бошқа ишингизни киптуринг, Юнусжон!
- Ранги бўз тусига кирган Юнусжон бир тарзда чиқиб кетди. Мунаввар Фозилжонни имлаб, ёнига чақириди:
- Кўряпсизми? Манзират чайқовчининг ўзи ва икки келинига беш юз сўм иш ҳаки ёзилган. Ишнинг пухталигини қаранг, на биз, на ревизор сезади.
  - Балки...
  - Булар даланинг қирғоғигаям бормайди. Қаранг-а, беш юз сўм. Бу пулга ўрта ҳол оила суннат тўйи ўтказади.
  - Эҳтимол, келинлари ишлагандир?
  - Эҳтимол..., балки...
- Иккиси ўйга чўмиб ўтирганда ранги-кути ўчиб Мамажон билан Мамадали кириб келди.
- Манзиратлар оиласи неча кунлик иш ҳаки олади?
  - Катта келини туғруқхонада, – жавоб берди Мамадали, – кичиги қайсиям мажлисда Аҳмадиллодан гап эшитган экан, онанг чайқовчилигини ташласа уй қиласман, деб кизлик ўйига кетиб қолган. Ўзи эса куну тун бозорда.
  - Ким?

- Манзират опа-да.
- Ишончингиз комилми?
- Ҳа, мен ишлаган-ишимаган аъзоларни бор-йўқ килиб бораман.

– Унда манави рўйхатдаги беш юз сўм қаердан келиб колди?

Иккиси кизик томошага югурган болалардай Мунавварнинг ёнига келишди-да, рўйхатни киприк қокмай кўришди:

– Ана! – деди Мамажон, – бу қитмирда иш кўн десам, ишонмайсан! Ахир итигача хонсаройни қайси маблағ эвазига куради?

– Вой падари кусур! Ими-жимида-я, бу даромад! Вой ибли-и-ис! Вой тул-ки-и-и!

Мамадали қаншарини қашлади.

– Кетаверинглар! – деди Мунаввар, – ҳозирча ҳеч кимга миқ этмай туринглар!

– Хўп!

– Хўп бўлади, опа!

– Қачондан бери кузатаман, – улар чикиб кетгач, кўлини мушт килиб деди, – лекин колхознинг қайси томонидан ўмаришини билмай юрардим. Сиз анави ҳангомани айтмасангиз, ведомость билан ишим йўқ эди. Худонинг ярлақаганини каранг! Нак биринчи бетидаёк Манзиратни кўрсатиб турибди. Ким билади, нечта Манзиратлар борикин яна..., энди бу ёғини ҳалқ контроли раиси аниклади.

– Иш...

– Қачонлардир барҳам топиши керак-ку, Фозилжон.

– Ундей демокчимасман, Аҳмадиллонинг иши, Тилланинг иши, қолаверса, устига-устак бу иш...

– Бўлса, биратўла бўлсин! Пешонамдагини кўраман!

Фозилжон яна Тўхта калнинг гапларини эслади: «Энди нима килишаркин...», юраги увишди...

Соат ўнга чакирилган правление йигилишида Тиллабой масаласи кўрилди. Яқин олти ойдан бери топширикларни бажаришда жizzакилик билан ёндашаётгани, ишга бепарвонлиги ва юкорининг топширикларига нописанд қараётганини

хисобга олиб, йиғилиш аъзолари бир овоздан уни ишдан бўшатишга карор килишди. Ўрнига эса, звено бошлиғи Одашхонни бригадир этиб тайинлашди...

Фозилжон уйга қайтаётганида қишлоқ оҳиста тун кўйнида ором олар, борлик сокин ухлар, тиқ этган товуш йўқ эди. Унинг фикри хаёлида муаммолар калашиб ётар, бирини хал қилса, яна бири каршиисидан бўй кўрсатиб чиқиб келаверарди. Шунинг учун ҳамма нарсани унутиб, факат тўғри деб билган ишни қилишга бел боғлар, даладан бери келмай, тинимсиз ишларди. Йўлдами, дала кўйнидами, каерда бўлмасин хаёлида тугилган фикр-мулоҳазаларини ишдан уйга қайтганда дафтариға ёзиб бораради. Бугун уузок йўланиб ўтирди: саройдаги тунги ишлар, Топилдиҳоннинг кўшиклари, айрим раҳбарларнинг колхоз машиналаридан ўзиникидай бемалол фойдаланишлари, унга колхоз томонидан кетган ёқилғи-мойлар, Аҳмадиллонинг умуммулкка хиёнати, адирлардаги колхоз ҳисобига очилган ерлардан ўз манфаати йўлида унумли фойда олишлари, пастга кетган ерёнғоқлар... Мана энди бугун енг ичида иш кўриб, ўртача бир тўй сарфига етадиган пулнинг ведомостга соxта ёзилиши, мўмай даромад манбаининг фош бўлиши каби ишларни кўриб, ҳам энсаси котар, ҳам ғазаби кайнарди: «Булар колхоз танасига тушган куртлар! Ўсимликларга тушган ё бошка куртлардан фарки, улар дехконлар ризқ-рўзини киркади, пешона тери билан **стиштирган** даромадини кемиради. Хавфли куртлар! Шунинг учун колхоз дехконлари этагини тортса кетини ёпмас экан-да. Шунинг учун ерларни бўлиб бериш таклифини киритганимда тиш-тирноги билан қаршилик қилишган экан-да! Юнус аканинг башараси фош бўлгани-чи? **Одамнинг бетини ит емас экан.** Бемалол, ҳеч нарса бўлмагандай юриши-чи?! Ҳа, энди баъзи куртларнинг жон бериши тайин!»

Фозилжон ерларни нима учун **дехконларга** бўлиб берганига сабаб қилиб кўрсатадиган юкоридаги кораликлар, ўзининг қанотларини синдиргувчи ҳар кандай оғатлардан асраб қолишига ишониб кулимсиради:

– Энди йўлимда тўсиклар ожиз! Адбатта орзуимга стаман!

У нукта кўйганда тун ярмидан оккан эди.

## 42

– Тик! Тик! Тик! Дикқат! Диққат! Колхоз радиоузелидан гапирамиз! Хурматли колхозчилар!

Мунавварнинг овозини якинидан эшиштган Фозилжон сапчиб ўрнидан туриб кетди. Бирпас ўзига келолмай, атрофга аланглаб ўтириди. Сўнг овоз радиодан тараалаётганини англагач, токчадаги соатга қаради: «Ўҳ-ҳў, ҳали эрта-ку? Шу маҳалда уйкуни бузиб, гапириш шартмикин?»

Ҳали совиб улгурмаган жойига қайта сукилиб кирди-да, давомини эшиитди:

– Ҳурматли сувчилар! Тегишли пайкалларни суғориб бўлгунча кўз-кулок бўлиб туринг! Бригадир Тиллабой беэътибор бўлгани учун салкам уч гектар ер кўлобга айланган. Шу важдан уни ишдан бўшатиб, ўрнига Одашхонни бригадир этиб тайинладик. Ишларида муваффакиятлар тилаймиз!

Ўртоқлар! Яна бир эълонни эшигинг! Мамажон, сизнинг бригадангизга қарашли ерлар атрофида болалар молкўй бокишияпти. Агар ғўзалар пайхон қилинса, эшитиб кўйинг, табелчингиз Мамадали билан қайтатдан кўчат экасизлар!!!

«Ҳў, дағдаға зўр-ку! – Фозилжоннинг уйкуси қочди, – демак, идорада нима гап бўлса, ўша куннинг тонгидаёқ бутун колхоз аҳли эшигади. Бу яхши, негаки, колхоз аҳли билан бир жону бир танликдан далолат!»

Хаёлга берилиб, унинг сўнгги гапларини эшитолмай қолди. Радиода янграётган шўх мусика садолари остида ташқарига чиқиб ювинди. У чол-кампирнинг чорпояда гаплашиб ўтирганини кўриб, апил-тапил иш кийимини кийди-да, уларнинг ёнига чиқди. Мукар хола чой келтириш учун ўчок бошига кетди.

– Ерларни бўлиб беришга бироз шошмаяпсизларми? – сўради ота Фозилжонга караб, – бу қароринглар юқорига маъқул келармикин?

– Раис бу масалани район бош агрономи Хайруллохон ака билан гаплашиб келди. Ташаббусингларни қўллаб-кувватлайман, дебди.

– Шунаقا-ю, лекин...

– Нега бунча безовтасиз?

– Сизлар ҳам ҳалқ душманига айланиб кетмасанглар, деб кўрқаман-да, ўғлим.

– Етарли асосларимиз бор, ота.

У кеча тунда дафтарига ёзиб кўйган айрим фикр-мулоҳазаларидан сўзлади:

– Булар етарли асос бўлолмайди, – деди ота ўйчан, – юқори тасдикламагунча бу қароринглар ўз кучини кўрса-толмайди.

– Унда куртларни бокиб юраверарканмиз-да.

– Бу ишни аста-аста амалга оширасизлар.

Ота маълум йўл-йўриклар кўрсатиб бўлгач:

– Раисимизнинг фикри қалай? – сўради.

– Энди ортга қайтиш йўқ, бу ёғини менга кўйиб беринглар, деялти.

– Ҳм-м, фидойи аёл, бунақаси кам учрайди.

– Тўғри.

– Бу йўлда сизларни Худонинг ўзи асрасин, – деди ва, – яна бир йўлни тутиш ҳам мумкин, яъни звено бошликлари йўқотилиб, аъзоларга ер бўлиб берилади-да, назоратни бригадир-табелчи олиб бораверади. Ҳар бир аъзо ўзи етиштирган ҳосилни бригадирга топширади ва ҳакини олади. Бу ишни секин-асталик билан юзага чиқармасанглар номингларга лой чапланиши ҳеч гапмас. Ҳали кўрасиз, вактлар келиб, раис, бўғолтирип, партком, табелчи, бригадир каби вазифалар йўқолиб кетади, чунки сизлар қўллашга уринаётган усул бутун колхозни эгаллайди, сўнг районни, сўнгра область, кейин республикани... Ана, ўшандা сизни куйинтираётган куртлар ҳам барҳам топади. Аслида ҳозир кутлуғ

иш бошида турибсизлар. Лекин бу иш, сизлардан чидам, сабр, каноат ҳамда шижиоат талаб килади, Фозилжон.

Ота дала, экинлар ахволини сўради, тайинли жавоб ололмагач:

– Сиз бошка ишларга чалғимаслигингиз лозим, – деди жиддий, – эртагаёқ куз эшик қоқиб келади.

Киноя оғудай таъсир килди Фозилжонга.

– Юртга олтин армуғон этиб, дехқонларнинг юзини ёруғ килган заминнинг чехрасини тоза, гулгун кўришимиз учун хали кўп ишлар килишимиз керак! – деди ота унинг елкасига қоқиб, – бунинг учун астойдил меҳнат килмоғимиз, изланмоғимиз лозим, ўғлим. Негаки, неча йиллардан бери еrimиз, сувларимиз, ўсимликларимиз, ҳатто нафас олаётган ҳавомиз ҳам химиявий воситалардан тўйинган. Ясама таомлар жигилдонни қайнатадиган бўп қолган. Шунинг учун уларни соғломлаштириш учун табиий ўғитлардан фойдаланишимиз, уларни қандай, қай усулда едириш йўлинни топмоғимиз керак!

– Албатта.

Шу пайт Мукар хола кўлида ярим пиёла сув олиб келди:

– Ичиб олинг, ўғлим.

Фозилжон ҳайрон бўлиб, пиёлани кўлига олди ва кулимсираб ўтирган отага қаради.

– Холангиз сизга дам ўтмасин деб шудринг қоқиб кслди, ичиб олинг.

Фозилжон муздек, шаффофдай тиник шудринг сувини охиста ичди ва раҳмат айтиб, пиёлани кайтарди.

– Бир-икки хафтадан бери кун ўта ҳароратли бўлиб кетди, күёш тигида юрмай туринг, яна офтоб уриб кўймасин, – ота меҳр тўла кўзларини тикиб турарди.

– Офтоб? – Фозилжон хануз тушунмаётганди, – офтоб уриб кўймасин?!

– Ҳа, офтоб урса, каттиқ бетоб бўлиб қоласиз.

Фозилжоннинг кўкси қалқиб тушди. У бундайин ўзбекона меҳрни биринчи бор туйиши эди. Бўғзига бир нарса қадалиб, кўзларига ёш сизиб келди.

Мунаввар бир хафта местком составидаги ревизия комиссияси аъзолари билан бригадирлар топширган йиллик табеллар ва ишланган рўйхатларни текшириб чиқди. Ишнинг чуви чикканини кўрган айрим бригадирлар ва Юнусжон оёғи куйган товуқдай питиллаб қолди. Катта сумма ўзлаштирилганини кўрган Мунавварнинг хуши бошидан учди ва ёрдамга район халқ контроли комитети гурухини жалб қилди. Икки ҳафталик текширув оқибатида иш район прокуратурасига ошди. Иш чаппасига кетганини кўрган Юнусжон темирни қизиғида босишга ҷоғланди. Бўш келмасдан, аламзада Тиллабойнинг пинжига кириб, юкорига хат уюштириди. Натижада колхознинг боши текшир-текширдан чиқмай қолди. Ҳали комиссия, ҳали прокурор келар, тегишли хужжатлар билан шуғулланиб кунни кеч килар, бу ёқдагилар эса, қайси ишнинг бошидан тутишни билмай, гаранг эдилар. Тиллабой гувоҳларга кўл кўйдирилган «тушунтириш хати» билан Фозилжонга чора кўришни сўраб, ариза ҳам топширган эди. Унда Фозилжонни меҳнаткашларга «феодалларча муносабатда бўлаётганини, эркин нафас олишга йўл кўймаётганини» акс эттирган эди. Товок синикларини халтачага солиб, факт сифатида ёнига тиркаб ҳам кўйган эди. Мунаввар воеа содир бўлган ерга борди ва ўша вақтда кимлар бирга бўлганини аниклади:

- **Мен, – деди сувчи, – сув босганини айтиши билан пайкал оралаб кетганман.**
- Товокни ким синдириди?
- Тиллабойнинг ўзи, – секингина деди шериги, – кўрккан олдин мушт кўтариб, номарднинг ишини қипти-да.
- Нега бўлмаса Фозилжонга даъвогар бўлиб имзо чекдинлар?
- Ие, – сувчининг капалаги учди, – агроном, анови кунги ишни судга берибди, шунга ҳаммамизнинг номимиздан афвнома ёздим, деганди бизга.

- Ўқимадиларингми?
- Йў-ўк!
- Ўқитмади-да...

Мунаввар сувчига хатни бошқа ёздириди ва правление томонидан берилган характеристика билан Фозилжонни химоя қилишга киришди. Бир куни кечки пайт прокурор келди-да, гувохларни идорага чакирирди ва ҳақикат юзага чиққач, Фозилжоннинг устидан кўзгалган иш делосини ёпди, лекин тухмат уюширишда айбланган Тиллабой албатта жавобгарликка тортилиши эълон қилинди. Ҳеч канча кун ўтмай суд бўлди. Суд Тиллабойни муқаддам судланмаганини хисобга олиб, икки йилга шартли жазо белгилади...

Дала ишларини хотиржам давом эттираётган Фозилжонни зимдан кузатган Мунаввар ичида тасаннолар ўкириди. Музроб ерининг қатқалоғини ўйлаб, юраги сиқилди: «Иш устига иш ошди, ҳе, ўша ош деганиям, еганиям!.. Зарар-кунандалар!» дилида янди.

#### 44

Даладан чарчаб келган Фозилжон зўрға этигини счдида, ювиниб сўрига ўтириди. Ҳовли этагида болалар қийчув кўтариб футбол ўйнашар, қулоқни қоматга келтирувчи хуштакбозликни эшишиб, холанинг энсаси қотарди. Кечки овқат устида аёли Уста Ганидан норози бўлиб, Фозилжонга арзихол тўқди. Қариганида ғалва ичига тикиб кўйганидан нолиди. Ота кулиб, Фозилжонга каради. Бундан жиғибийрони чиқкан Мукар хола индамай ўрнидан турдида, дастурхонни йиғиштириб, пастга тушди.

- Гапирсанг кулади, са-ал мияси айниброк қариди-да.
- Нималар деяпсан яна?
- Кеча Юнусжон катта хатми қилди, деяппан.
- Маҳмудилло, Манзиратлар ҳам бордими?
- Тавба! Хатми бўлгач, Куръонни ким ўқийди, албатта имом-да.
- Хабаринг борми?

- Нимадан?
- Юнусжон килмишларига Худодан кечирим сўраёт-гандир?!
  - Йўқ! Нимага кечирим сўрайди?
  - Юнусингнинг ишини терговдалигини биласанми?
  - Вой, йўғ-э?!
  - Камига Манзиратният илаштириб кетяпти.
  - Тавба! Бундок тушунарли гапирсангиз-чи?
  - Ведмисга ҳар бир бригададан иккитасига ҳақ ёзиб оларкан. Қара, ҳар ойда битта машинанинг пулини ўзлаштиаркан.
  - Вой шўри-им, қўркмаганини-чи? Ўзи Манзиратнинг кичик келини сал ножӯяроқ чикиб, доғ-ҳасратда юрувди.
  - Юнус айтганда кўнмаслиги керак эди.
  - Энди нима бўлади?
  - Нима бўларди, турмада пича дам олиб келади.
- Хола индамай қолди.
- Шун-чун, уларга кўпам яқин юрма, деганимнинг сабаби, сениям шундай балога гирифтор қиласин, дердим-да, кампир.
- Ким билади, одам қариса қариндош-уруғини истаб коларкан-да, гоҳида тўлиқиб, дардлашгинг келаркан. Ётга тўксанг дардингни етти иқлим билади, ўзга тўксанг дардингни жигар-бағри куяди, деб ўйлабман-да. Бирпас гаплашай десам, ё ўғлим, ё қизим бўлмаса...

Отанинг нозик еридан тутган кампир бирдан жунбишга кирди:

- На [Худонинг](#) китобини ушлаб юрган Маҳмудилло билан борди-келди [қилди](#)расиз, на бошқаси билан. Ахир, эчкиниям ўз оёғи билан осадилар.
- Бошқасига қаршилигим йўқ.
- Ота хўмрайиб, еб қўйгудек ўкрайди.
- Вой, ҳали истар, ҳали пистарсиз-а, – хола кулгили алпозда қўлларини сўри четига тиради ва чолнинг кўзлари тагига бориб, – йў-ўқ, корачигингиз ўйнамаяпти, жойида, ўзингиз шунақасиз, – деди хўрсиниб.

Фозилжон ичида кулар, кулгининг зўридан лаблари кийшаяр, елкалари силкинар, ўзини зўрга босиб турарди.

Ота четга, коронғулик қаърига қаради:

– Астағфирулло!

Мукар хола эса ортига қарай-қарай, ичкарига кириб кетди. Икки қария тилига зўр берсалар-да, аслида юраги тўла меҳр бир-бирига пайвандлаб турганини кўрган Фозилжон чексиз, илиқ бир туйғу билан дилида шундай орзу килди: «Биз ҳам шундай карирмиканмиз?» У хўрсиниб, кўкка қаради. Юлдузлар уйғоқ. Осмон саҳни улар билан чамандай сўлим. Бу сўлимлик оғушида Сарвинознинг оташ нигоҳларини кўз олдига келтириб, мумдек эриганича узок хаёл суриб ўтириди.

## 45

Тонг маҳали. Ғир-ғир эсаётган ел Фозилжоннинг юзини сийпалаб, ором бағишларди. У ҳар доим хўрзининг биринчи кичқириғидаёқ уйгонарди. Бугун эса кечроқ турди. Ҳовли тарафдан хомуш келаётган отани кўриб, сергакланди.

– Ўша икки пайкалда гўзалар яна касалга чалинади.

Фозилжондан муздек тер чиқиб кетди. Ота молга ўт ташлагач, чорпоя томон юрди.

– Ахир, – тупуги тикилди томоғига, – нихоллар кўриниши яхши, соғлом, дурқун-ку?

– Ҳали томири касал қатламга етмаган.

– Тўғри, бу йил қатламларни яхши текшириб улгуролмадим, лекин... Хўп, мен борай?!

– Қаёқка, чой ичинг?!

– Тезроқ, ҳалиги...

– Шошганингиз билан фойдасиз. Чой тайёрми, кампир?

Мукар хола зумда дастурхон ёзиб, қайноқ чой келтирди. У шоша-пиша икки пиёла чой ичди-да, Қодирча пайкалига караб кетди. Айрим гўза уяларининг тупроғини оҳиста суриб, илдиз қатламини секин-секин ковлай бошлади. Бир каричча ковлагандан кейин ер намлиги ўртача, кора

тупроқ уюмини кўрди. Пастки қатламларният шу хилда кўриш умидида яна ковлашни давом эттирди. Эндиликда балчиқ рангига ўхшаш нимсурранг, кулранг қатламларнинг қатламадай қатланганини кўрди. Экин илдизи буларни қийинчлилек билан ёриб ўтишини кўз олдига келтираскан, нихолларга ачиниб кетди. На оддий, на шарбат суви таъсир қилиши мумкин. Бирданчувалчанг йўлига ўхшаш силлик ковакчаларнинг гоҳ тикка, гоҳ ёндамалаб кетганини кўриб қолди. Яна бир-икки ерни ковлаб, кузатди. Ҳисобсиз ковакчаларни ҳар томонга, гўё чинор илдизига ўхшаш тарвақайлаб кетганини кўриб, ўйга чўмди. Нихол илдизига етгач, шамоллатишини ва сўнгра куритишини кўз олдига келтирди. Яна бошқа жойда оппок, семиз, эшак куртига ўхшаш ва чумолига ўхшаш коп-кора, лекин устки қисми тошбақа косасидек қаттиқ ҳашаротни кўрди. Бундан ташқари баъзи жойларда учраган гўза поясининг яrim чириган танасидан ачимсиқ ҳид анқиди. Бурнини жийириб, четга қаради. Каракт бўлган кора илонга ўхшаш поялар қобиқлари ва танаси оралиғида пайдо бўлган елимга ўхшаш бир суюқлик бармоқларига ёпишганини сезди. Пўстлоғини оҳиста арчган эди, оралиқда майда-майда, шира битига ўхшаш ҳашаротларнинг ғимиirlаб юрганини кўрди. Фозилжоннинг пешонасини муздай тер қоплади. У секин бир-иккита калтакни суғуриб олган эди, кўзи қинидан чикиб кетай деди, негаки калтак янги нихоллардан беш-олти тупини ўзи билан илаштириб чикиб, нобуд қилган эди. Культивация пайтида трактор тишларига илашган калтакларнинг қилмишини кўз олдига келтираскан, дунёи жаҳони зимистонга айланди. Шу алпозда узок ўтирди. Сўнг кузатганларини иш дафтариға ёзиб, хорғин ўрнидан турди: «Демак, вильтнинг ривожланишига сабаб, ернинг гўзапояси билан ҳайдалишигина эмас, ер қатламларининг экинга ярокли ё яроқсизлиги ҳамдир».

Оҳиста юриб, Уста Ғани пайкалига ўтди. Бунда ҳам бир қаричдан ортиқ ковлагач гўза учун қулай тупроқ уюмини кўрди. Сўнг майда-майда, мошдек, гуруучдек келадиган тош-

чалар, сап-сарик күм уюми ва балчик, аллақандай сарғиши тупрок қатлами, ўрик, гилос донасидек келадиган тошчаларнинг күм билан аралашмасини кўрди. Дафтарига бу гал: «Алмашлашда маккажўхоридан, ўғитлашда эса маҳаллий гўнглардан фойдаланиш лозим» деб ёзди. Сўнг шийпонга келиб, Мамажонга янги топшириклар берди:

– Анови Қодирча пайкалига нима қилсак экан?

Мамажон тушунмади. У ҳозирги қўрганларини сўзладида:

– Қандай ишлов берсак экан? – сўради Фозилжон.

– Қайдам, нима десангиз шу-да, – қўл қовуштириди Мамажон.

Фозилжоннинг тепа сочи тикка бўлди.

– Ким нима деса қўл қовуштириб туриш жонингизга тегмадими? Ахир сиз ҳам агрономликни тугатгансиз?!

– Вақти келганда ўз гапимизни айтганмиз. Аммо ҳеч ким инобатга олмаган..., сиз...

Фозилжон йўл четидаги тутга суяб қўйган велосипедини олиб минди-да, хайдаб кетди.

– Энди мениям бопламасайди, – ортидан минғирлади Мамажон, – нима бало, онаси от ёлини еб тукқанми? Ҳеч нарсадан қўркмайди-я. Шу вақтгача Юнус аканинг мушугини бирор пишт демаган. Гаров бойлашган Тилла-чи? Унга қазиган ўрасига ўзи тушди, гумдон бўлди. Анордай сикиб, бор шарбатини сўриб олди бўғолтири! Аҳмадилло-чи, трахтиричиларнинг хўроzi эди. Энди анови Тўхта кал жонини ҳовучлаб юрибди. Ҳамроқул ота айтмоқчи, Хизр бува назар солган-ов! Хизр назар қилмаса, Тўхта кал билан Соли маймок бўлиб гаплашармиди? Иссиғимнинг борида этагимни ёпганим маъқул кўринади. Аризани ёзай-да, раисга учрай... Ҳа, шуниси маъқул.

Фозилжон тонг отиши билан идорага борди. Кутиб турган Мунавварни кўриб, таажжуби ортди:

– Юнусжоннинг иши судга ошибди. Кечаги бюорода партбилетини олишди. Прокурорнинг айтишича, камида ўн-ўн беш йил бераркан.

– Ёмон бўлди.

– Киши колурми балога ўз ихтиёри билан. Ўзига-ўзи килди-да, биз килибмизми? Энди янги бўғолтир олишга тўғри келади. Шуни ўйлаб, мен кеча чойхонада отахонлар билан маслаҳатлашдим. Улар эски бўғолтир Абдугофур отани тавсия килишди.

– Демак, ўша кишини кўямиз.

– Унармикин? Урушда икки оёғининг панжаларидан ажраб келган.

– Кўллари..?

– Соғ. Эски раис билан чиқишолмай ишдан кетган. Ўрнига жияни Юнусжонни кўйганда колхоз аҳли жанжал килган экан. Сўнг райком келиб, сизлар эмас, кадрни биз танлаймиз. Тасдиқдан ўтдими, ишлайди, деб Юнусжонни кўйиб кетган экан.

– Хали бу аъзоларингиз юкоридан талаб қилишниям билади, денг Мунаввар.

– Жудаям анқовлармас улар.

– Ҳазиллашдим Мунаввар, кечиринг?!

– Янги битираётган талантли кадрлар ҳам кўп, аммо четдан келган чегарангни билгунча, ўзингдан чиқкан борсирингни аниқлар.

– Сиз аёлсиз, лекин бошқаларга қараганда анча зийраксиз...

– Кераги йўқ! Юринг, отанинг олдига борамиз, кўрганмисиз?

– Ҳа, Уста Фаниникига бир марта чиқкан эди. Вазмин, оғир табиатли, мулоҳазали кишига ўхшайди.

– Мен ўзим гувоҳман, – деди Мунаввар, – ўзи звенолик қилган қартанинг четига тутқатордан ажратиб, экскаваторда зовур қаздирган. Сабабини сўрасам, ер қатламидаги заҳ сувлардан тозалайди, яъни сувлар ийиб, зовурга оқади, натижада ернинг соғлифи яхшиланади, колаверса, тут дараҳтлари

баргларининг сувли ўсишига ҳам ёрдам беради. Ҳамда тут илдизлари ўзининг атрофидаги анча ерларнинг намлигини яхши саклайди, деди. Демак, ғўзани сугоришда ер ости сувидан зинхор-базинхор ишлатмаслигимиз керак экан. Кўряпсизми? Бу борада аждодларимиз нимани кузатган-у, тажрибада нималарни синашган.

Улар отани ҳовли этагида хоккейчилар дарвозабониникига ўхшашиб шим кийиб, тиззалиб юриб ер чопаётганида учратишиди. Фозилжон отанинг чўзиқ юзига, мошкичири соколига, кордай оқарган чакка соchlарига тикилди. Мулоим бокаётган қўй қўзлари кишида ишонч туғдирар, шу билан бирга ўзига оҳанрабодек тортадиган бир нимаси ҳам бор эди. Улар унамаганига қўймай отани кўндиришиди.

— Тиззаси оғримасмикин? — унинг отахонга ичи ачишиди, — ахир қок ерда юриш осонмас, Мунаввар.

## 47

— Бугун қаердайдингиз? — Фозилжон тўсатдан берилган саволдан қалкиб тушди, — Мамажон сизни истаб келган экан. Назаримда зарур иши бор.

Уста Фани узум хомтот билан овора бўлиб, Фозилжонга қарамасди ҳам.

— Иш билан идорада эдим.

— Сиздан хафамасми?

— Ҳа, — Фозилжонга жон кирди, — унга барибир. Дунёни сув олсаям тўпифидан келмайди. Гугуртни қўлига бериб, ўзингга ўт қўй, десангиз ҳам йўқ демайди, хўп дейди. Қўл ковуштироқдан ўзгани билмайди. Бунақа бригадирнинг нима кераги бор?

— Ҳм-м, — ота қулди, — гап қайтаролмайди. Буйрукка итоат қилиб ўрганиб қолган.

— Бу ҳолат қачонгача давом этади?

— Ким билади, — ота бироз тин олди, — ишловчилардан раҳбарлар кўп. Менимча, бу кетишда мамлакатимизда бир ўзгариш, ҳа, катта ўзгариш бўлади, сўнг ўнгланади.

Фозилжоннинг эти жимиirlади.

– Наҳотки?

– Ҳа, фикрингни айтмоққа интиласан-у, лекин қандайдир куч оғзингни ёпиб турганга ўхшайди. Чамамда сен менга, мен сенга тегмайин деган накл юртимиз бўйлаб хукмрон.

– Наҳотки шундай деб ўйлайсиз?

– Ўйламайман, ҳозир ҳаётимиз шунака.

Фозилжон бир нуктага тикилганча киприк қоқмай ўтириб қолди. Шу вакт ичкаридан чиқиб келган кампираига кўзи тушган ота анор суви сўради.

– Бир томони панғлагани копти.

– Уч-тўрт дона емасам, ошқозоним мендан аразлаяпти.

Кампир салдан кейин кичкина пиёлада яrim, чўғдай ялтиллаб турган анор доналарини олиб чиқди.

– Олинг, сиз ҳам енг, – ота пиёлани унинг олдига сурди, – фойдаси бор.

Фозилжон бир-икки дона олиб, оғзига солди, юзлари буришиб кетди:

– Мунча аччиқ?

– Шуниси дори-да.

– Эртага қаттиқ нондан толқон қип берайми?

– Майлинг!..

«Биз қачон шунака дамларга етаркинмиз, Сарвиноз?» юраги ширин энтикди унинг.

– Энди, – деди ота хомтокни давом эттириш учун тахтадан ясалган эшак деб аталувчи нарвонга чиқаркан, – маҳалла хонадонларидағи ҳайвонлар чиқиндини шийпон яқинига тўплашнинг чорасини қилинг. Ҳар бир бригада аъзолари ўғит ташвишиниям қилсин. От ва қўй қийига алоҳида, молнинг ахлатига бошқа ҳовуз қаздириинг-да, тўлгач, устига тупрок тортириинг. Унутманг, ўғит меъёрига етиб чириса, экинга яхши ва тез таъсир қиласди, ҳамда ғўзалар зарпечак деган балога йўлиқмайди.

– Бунинг учун...

– Бир киши ўтиши керак. Агар гүнгни чиритмай, шундай олиб бориб солаверсангиз, хаммаёкни курт ва хашарот босиб кетади. Куртлар дала атрофидаги тутлар баргигача сб ташлайди. Буни асло унутманг, ўғлим.

– Хўп бўлади.

Нари кетган Фозилжонга меҳр билан қараб қолган ота, унинг офтоб нурида корайганини, мускуллари бўртиб чиқканини кўриб, ич-ичидан кувонди. Йигитнинг чайир билаклари тоғни урса толкон килгудек. Азамат гавдаси ўзига ярашган. «Оллоҳим! Уни шайтоний кўзлардан асрагин!» деди суйиб, лекин шундай ўғли йўқлигидан ўкинди, ўкинса-да унга меҳри чексиз ортиб бораётгани учун кўнгли сурурга тўлиб тошди.

## 48

Иш қизиган кунларнинг бирида Мунаввар билан Фозилжонни райком секретари чақириди.

– Нима бўляпти? – секретарь салмоқли гап бошлади, – колхозинглардан келаётган хатлар оқими қўз очиргани кўймаяпти. Ўзи ким билан ишламоқчисизлар?

Бу гапдан ҳар иккисининг вужуди кузги баргдай титради. Ахир таъна эшитмоқ осонмас.

– Раҳбар тўғри ва ҳалол ишлаган жойда шикоятбозлик кам бўлади, ўрток Қодирова?! Агар иш шу хилда давом этса, тузукроқ ўйлашга тўғри келади. Чамамда, кадрни нотўғри танлаган кўринамиз.

– Барчамиз шунақага ўхшайди, – тоқати ток бўлди Мунавварнинг, – ҳа, шунақага ўхшайди.

– Сиз бир кишилиз шекилли?

Дув кизарди Мунаввар. Лаблари узра реза тер томчилари ялтиради.

– Бундан чиқди, – айёrona кулди секретарь.

– Ўрток Ҳосилов! – жунбишга келди Фозилжон, – миш-мишлар тўрига ўралмасдан анигини айтинг, бизнинг гунохимиз нима экан?

– Ба-а-ас! – секретарнинг ҳайқириғи шифтга, деворларга, дераза ойналаридан сирғалиб ромларга урилди ва аксадо қайтарди, – тил югуриги бошга, ўртоқ Фофуров!

Фозилжон тушунмай, Мунавварга қаради.

– Хатларнинг кўпи сиздан дод деб келяпти.

– Мендан?

– Ха, сиздан.

– Айбим – иш талаб қилганим.

– Ҳаммамиз ҳам иш талаб қиласиз, аммо чегараси билан. Назаримда сиз ҳалқ душманинг чириган ғояларига муккасидан кетган кўринасиз. Яна, ғоялар домида чириб кетманг ўзингиз ҳам!

«Ҳм-м, ҳалитдан бери очик айтмайсанми дардингни, – мийиғида кулимсиради Фозилжон, – кўнглинг ғаразга тўлиб бўпти-ку?!»

– Мен сиз билан жиддий гаплашяпман! – тутакди секретарь, – сиз у одамнинг кимлигини, ўтмишини билиб, сўнг эл ўртасида мақтанг эди...

«Мажлисда айтилган гап оёқ чиқарибди-да, – жиддийлашди у, – ким экан ўша симсиз телефон!? Ажа-аб! Ҳатто неча марта аксирганимиз ҳам етиб келади-я, қизик дунё..!»

– Ўтмиши тарихга ёзгудек, – бамайлихотир деди у, – отанинг маънавиятини дейсизми, миришкор деҳқон-пахта-корлигиними, одамийлигиними? Қайси бирига назар ташласангиз, ибрат, факат ибрат фалсафасига тўлиб тошган! Лекин баъзиларнинг айтишича, қандайдир нобакорнинг куруқ тухматига тойилган экан.

Секретарнинг қўллари титради.

– Ха, яна баъзи бирорларнинг айтишича ҳамда юкори чиқарган қарорнинг мазмунига кўра ота ҳақлигини англаб етдим.

– Нима-а-а? Қайси қарор ҳақида гапиряптилар?

– КПСС МКнинг уй ҳайвонлари тўғрисида чиқарган қарори, уйда, «Совет Ўзбекистони» газетасида турибди.

– Ёлғон! – илондай вишиллади секретарь, – қарорга қарши чиккан! Жамоатчилик фикрига асосан халқ душмани деб тан олинганд!

– Баъзи жамоатчилик фақат юқори раҳбарларга хизмат қилади. Қолаверса, шаҳар халқи учун чиккан қарорни қишлоқ мухитига мослаган, аникроғи, кимларнингдир манфаатига мосланган чаласавод жамоатчиликнинг кимга кераги бор? Унинг умри киска, ўртқоқ секретарь?!

– Ба-а-ас!!

– Ўша отаникода яшаяпман. Гапнинг кисқаси, янги оламда, ха, бутунлай янги ғоялар таъсирида яшаяпман. Қанийди, ҳамма шу отамдай бўлса!? Айтганча, бўлиб ўтган воқеаларни Марказий Комитеттага ёзиб юбордим.

– Нима-а? – ўтириб қолди секретарь, – нима ишга кўл урганингизни биласизми?

– Биламан, – кўксини тўлдириб нафас олди Фозилжон, – қайси ишга кўл урганимни яхши биламан. Бу билан айрим нопок ишларнинг илдизига болта ураётганимни ҳам биламан. Бу ишда ғалаба қозонсам, ўзимни инсон, ха, чин инсон деб ҳисоблардим! Вақти келиб, сиз ҳам бу ишлардан кувонасиз, деган умиддаман!

– Бас қилинг!? – ингради секретарь нафаси бўғилиб, галстугини бўшатаркан, – йўқоли-инг?! Йўколлари-и-инг?!

– Бизни кечиринг?!

Секретарнинг ҳолига Мунаввар ачиниб қаради ва ўгирилиб, эшикнинг дастасидан тутди.

– Демак, биз ҳақмиз! – деди ташқарига чикқач Фозилжонга, – биз ҳам, ота ҳам ҳақмиз?!

Шошилиб ишга кетаётган Фозилжон Мунавварнинг дарвозаси олдида тўпланиб турган кирқ-кирқ беш чоғли одамларни кўриб, кайфи учди. Унинг тез-тез юрагини чанглаб колишини кўз олдига келтириб, юраги безовта тепди. Аммо дарвоза олдида Мунаввар билан ёшгина, соколли одамнинг

гаплашиб турганига кўзи тушгач, кўнгли ўрнига тушди. Бу томондан Фозилжон, у томондан эса Турсуной билан Одашхонларнинг ҳадиксираб келишларини кўрган Мунаввар:

- Маҳалла комитети раислигига бошқа номзодни талаб килиб келишибди, – деди, – шунинг маслаҳатидамиз.
- Ҳар хил справкалар бўларкан, – деди чўккисокол киши, – мусулмонча ёзув ҳукумат идораларига ўтмас экан.
- Ўзимизни алифбода ёзолмайдими? – сўради Фозилжон, – наҳотки?
- Раисимиз мачитимизнинг имоми, – деди ҳалиги киши, – эскичада ўқиган, ҳам раислик қиласди.

Фозилжоннинг хотирига лоп этиб Уста Фанининг пи-чинглари келди: «Мачитда салла, комитетда шляпа».

- Ҳозироқ очик сайлов ўтказиб кўя қоламиз, – деди тўсатдан Мунаввар, – аччиқ ичакдай чўзишнинг хожати йўқ.
- Тўғри!
- Тўғри таклиф бўлди!
- Ҳаммамиз розимиз!

Ином деганда кари, узун соқолли кишини фараз қилган Фозилжон Маҳмудиллонинг теграли, қоп-қора соқоли ўртасидаги тиришсиз юзини, тиник қора кўзларини ва гапирганда кўзга ташланган гуруч доналаридек оппоқ тишларини кўраркан: «Тоғни урса толкон қилгудек! Тўнғиздай кучи бор», деб қўйди.

- Ўзингиз ним дейсиз? – сўради Турсуной имомдан.
- Эл-улус нима деса шу.
- Иномлик насибаси етади демоқчисиз?
- Ҳар иккисиям бенасибадир, тақсирам.
- Ҳм-м, бенасиба денг?
- Халк йўлига савоб деб, тақсирам.

Тўпланганлар шу ернинг ўзидаёқ имомликка Маҳмудиллони қолдириб, маҳалла комитети раислигига бир овоздан Уста Фанини сайлашди. Бири у томон, бири бу томонга иккига-икки бўлиб тарқалишаркан, раисликка лойиқ киши қўйилганидан мамнун ҳолда баъзилари очиқдан-ошкора, баъзилари эса, ими-жимида муҳокама

қилиб борардилар. Ўзи ҳакида яхши-ёмон гапларни эшитган имом кўзларини ерга қадаганча борар, қизарган юзлари худди кўмири ичига тушиб қолган қизил олмани эслатарди. Фозилжон зимдан кинояли қараб қўйди. Шу вакт кимдир:

– Имомни ҳам бошқа сайлашимиз керак эди, – деди ошкора, – афсус, колхозимиизда эскичадан илми бутунлар йўқда...

Фозилжон кўз ўнгидаги имомнинг ҳозиргина қизариб турган ранги салласи каби оқариб кетганини кўрди. Айрим таъна ва дашномлардан боши эгилганини, тўрвасини йўқотган гадойдай тимирскиланганча одамлар орасига шўнғиб гойиб бўлгани нигоҳида муҳрланиб колди. Енгилгина вахиманинг тирноқлари қалбини тирнагандай бўлди: «Худди шарпага ўхшайди-я?»

У кишлок ғўйлаб дала томон ошиқаркан, чор-атрофга кўз ташлади. Гувалалардан қад кўтарган деворлар, унинг устига ёнбошлаган ўрик, олча, гилос дараҳтлари, шоҳлардаги ғуж-ғуж мевалар, уларга тош отган болаларнинг қий-чувлари, ерга тушиб чангга булғаниб ётган меваларга югуришлари, барча-барчаси унда ажиб бир ҳиссиёт уйғотганди: «Афсус! – лаблари пичирлади унинг, – рассом бўлганимда кишлок табиатининг бу манзарасини завқ-шавқ билан чизган бўлармидим? Бу кўринишга ярашиб тушган манави деворлардаги бўртиб-бўртиб турган гувалалар тилга кирса борми, қишлок тарихи, соддадил одамлари ҳакида бенихоя ҳикоялар сўзлаган бўлармиди? Балки табиатнинг биз илғамаган хилқатларини қулоғимизга пичирлармиди? – хаёллари капалакмисол узок-узокларга учди. – Эҳ! Энг саришта, энг меҳнаткаш она ерим, она табиатим! Сизлар балки миллион, балки миллиард йил яшагандирсизлар, балки фасллар сизларга тенгдошдир! Бизлар учун таънасиз, дашномсиз ризқ-рўз яратасизлар! Минг бор қуллук сизларга!» кўзлари шодон порлади.

Ха, Фозилжоннинг умрида навбаҳормисол тоза кунлар юз очмокқа бошлаган эди.

Фозилжон бугун дехқончиликка оид қўлланмаларнинг баъзиларини ўкиш истагида даладан эрта кайтди. Негаки, қузатганлари асосида яратилган айрим кашфлари бошқа бир олимларяратган асарларда ўзаксини топганми ёйўқми? Шуни билиш иштиёқида эди. Рисолалар, қалинлиги уч-тўрт энлик келадиган китоблар, журналлардан топган ерга оид, пахта хосилига дахлдор фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашаркан, дили равшан тортди. Фозили чакиндай ярқ этди: «Ва ниҳоят, ўша улкан дехқончилик китобини вараклаб ўкиш насиб этаётир. Демак, яратаетган кашфиётим янги ва асосли. Мунаввар таъкидлаганидек, бошқаларникига ўхшамаган, тилям, ўзиям содда бир китоб яратишим учун хамиртуруш уняпти. Энди уни етилтира билишда қолди гап!»

Севинчдан юраги нотинч ураг, вужудини тотли ҳаяжон коплаган эди. У ташқарига чиққанида, тун аллақачон чойшабини ёйиб улгурган, кўкда эса ўроқ шаклидаги ойнинг ёғдуси қаролик қаърини хира ёритишга кучи етарди холос. Унда-мунда пирпираётган юлдузлар гўё ер юзига ҳайрон бўлиб тикилгандек.

Фозилжон ҳар доимгидек чорпояда аччик қўк чойни мирикиб ичиб ўтирган Уста Фанининг рўпарасига келиб ўтирди.

– Қарасам, китоб билан гаплашяпсиз, халақит бергим келмади.

Ота дастурхонга ўраб кўйилган чиннидаги таомни ёнидаги тўшак қатидан олиб, унинг олдига қўйди.

– Олинг, совиб қолмасин.

У ошни иштаҳа билан еди. Кетидан мирикиб чой ичаркан:

– Мачитнинг нима кераги бор? – сўради, – менимча, одамларни ишдан қўйяпти холос.

Ота таажжубланиб қаради. Сўнг бироз ўтгач:

– Ҳаёт қонуни нимадан иборат? – сўради саволга савол билан юзланиб.

- Яшашдан, яшаш учун меҳнат қилишдан.
- Ҳаёт қонуни Фозилжон, бағридаги борки яшаб турган мавжудотни ўлимга тайёрлашдан иборатdir. Ҳа, ўлимга! Фозилжон ғалати ҳолга тушди.

– Инсон дунёга келади ва у дунёга кетади. Мана шу оралиқда нимадир қилиши ва нима биландир шуғулланиши лозим. Бундай ўйласак, ҳаёт фактат меҳнат қилиш, ебичишидан иборат эмас, унда хайвонлардан фарқимиз колмайди. Биз табиатнинг энг олий маҳсулимиз. Бизни ҳастимиизда жамият, имон, эътиқод ва тарбия деган тушунчалар ҳамда уларга амал қилишимиз ҳамма нарсадан устун қилиб туради. Демак, шу оралиқда инсон нимагадир эътиқод кўйиб яшамоғи, бу йўлда эса имонли бўлмоғи лозим. Шундагина жамият ривожланади, янги-янги ғоялар кашф қилинади, мана шу каби изланишлар орқасидан инсон тунни тонгга, тонгни тунга улади, меҳнат қилади. Шундагина яшашдан маъно топади, баҳт топади. Турли номлар яралади. Мана сиз, менинг сезгимча, ер ва гўзага ишлов бериш йўлида бирон бир янгилик яратмоқчисиз, бу қашфиёт. Қашфиёт фарзанди ким – олим.

«Ў-ў, ниҳоятда сезгир-а, кузатиб, сухбатлашиб юриб, мақсадимниям билиб олиби».

– Сиз мана шу дехқончилик касбига эътиқодингиз туфайли максадингизга эришиш йўлида турли ғов, тўсиқларга дуч келяпсиз, уларни ёнгиш учун изланяпсиз, курашяпсиз. Ҳар бир ишга имон билан ёндашяпсиз. Гапнинг кисқаси, ҳаётга келдик, яшадик, кетдик.

– Демак, ҳамма нарса керак.

– Албатта, шу борада мачит ҳам керак. Мана мен партия аъзосиман. Бошқа бирорнинг бу йўлга хоҳиши йўк. Мачит фактат диний қараашлар, ақидаларни тарғиб қилиш маскани эмас, балки тарбия ўчоғи ҳамдир. Шундай бўлган тақдирда диндорлар ҳеч қачон панд емайди, дакки ҳам.

Фозилжон хайратомуз бокди.

– Бунинг учун мачит имоми билимдон, тўғри ва ҳалол бўлмоғи лозим. Диний билимларни тўғри талқин қилмоғи

керак. Аксига олиб, ўз манфаати йўлига бурса эътиқодига путур етказган, атрофидагиларни нотўғри йўлга бурган бўлади, яъни имонсизлик килган бўлади. Эсимда, мен кичкиналигимда қўшнимизнинг сут эмди кучугини ўғирлаганман.

Фозилжон кулиб юборди.

– Ахир бу иш болаларда одат тусига кириб колган-ку, ота?!

– Одат туси денг? – жиддийлашди Уста Фани, – кўри нишидан шундай, аслини олиб караганда катта ўғриликка тайёргарлик бу. Отам кечкурун мачитдан келиб, менинг ўғрилигим туфайли кўпчилик олдида калласи хам бўлганини айтиб, таъзиримни берган. Ўша ондаёқ кучукни она ит олдига ташлаб чиқдим ва қайтиб бировнинг нарса сига сўроксиз тегмайдиган бўлдим. Кўряпсизми, ўша пайтларда кимнинг фарзанди номақбул иш килса, имон орқали отасидан боплаб таъзирини ерди.

– Демак, имон мачитга чанг-ғубор кўндиরмаслиги ло зим экан-да?

– Шундагина обрўси ортади. Шундагина барча бу даргоҳга талпинади. Нимадир олишга, рухиятини поклашга интилади. Эзгуликка юз буради. Бунинг учун имон тўқ ва хам диний, хам дунёвий билимга эга бўлмоғи, имон отлиғ тулпорнинг чавандози бўлмоғи керак.

Фозилжоннинг кўксида милдираб олов ёнди. У отадан ўзининг ҳаёти ҳақида гапириб беришини сўраган эди:

– Бир қисмини эшитдингиз, – деди кулиб ва ёшлиқда ҳозирги райком секретари билан кадрдон дўст бўлганини, кейинчалик дўстлигига қурт тушганини, бунга сабаб, ўша Марказий Комитет қарорини бузганларга қарши чиққани учун халқ душмани номини олганлигини сўзлаб, сўнг деди: – Аввал онамдан, икки йилдан сўнг отамдан айрилдим. Осон кечмади ўша йиллар. Етимликнинг неки заҳмати бўлса тотдим.

– Отангиз...

– Кўрбошининг касрига қолиб, Хитойга сургун қилинган эди, сўнгти йилларда қайтиб, бироз биз билан бирга яшади.

– Топилдихон ака айтиб берган эди.

– Ҳмм, кутубхонам аъзоси.

Ота хомуш тортди. Буни кўрган Фозилжон:

– Ҳосилов қарорни тушунмаганми? – чалғитмокчи бўлди.

– Ҳар икки ҳолатни ҳам тушунган.

– Тушунмадим?

– Шу қарор баҳона қишлоқ уй хайвонларидан қутулмокчи бўлганлар. Ўзингиз шоҳиди бўляпсиз, аксариятини болалар боқади. Ўйинга берилиб кетиб, кўп марта ғўза пайкалларини пайхон килишган. Ота-оналари огохлантирилишига қарамай, барибир болалар боқаверади. Бу соҳада улар катта куч.

Орага теран сукунат чўқди. Қаердадир чигиртка чириллади, қаердадир тентак хўроз бўғиқ қичқирди, олислислардан тракторнинг гуриллаган овози майин, гўё тун кўшиғи каби эшитилди.

Фозилжон шу сухбат асносида бутун бир ҳақиқатни, диннинг ҳам баъзи қонун-қоидалари инсонлар учун ҳаводай зарурлигини англаб етди. Шу вакт ичкаридан чикиб келган Мукар хола айвон лабига ўтириб, оғир «ух» тортди.

– Чоригингни ит судраб кетдими?

– Судраб кетса майлийди!

– Тинчликми? – ҳавотирланди Фозилжон, – бирон ерингиз оғрияптими? – яқинига келди.

– Ҳа, болам-а, Юнусжонни ўн йилга опкетибди, шунга куюняппан. Ўн боласи билан келинга қийин бўладиган бўлди.

– Куюнма, захираси кўп. Манзират нима бўпти?

– Уни уч йил очикқа дейишибди-ю, билмадим.

– Ҳм-м, жазонинг шунақа туриям бор.

– Ҳаммасини билади бу.

Кампир чолига ўқрайиб қаради-да, ичкарига кириб кетди...

Фозилжон шу тун узок ўйланиб ётди. Мунавварни партком секретарининг ими-жимиидаги ҳаётига муросагўйлиги, Ҳосиловнинг эса унга нисбатан қисман ён босишлари сабабини тушуниб етгандай бўлди. Хатларнинг тўғридан-тўғри рапором секретарига боришини ҳам, Марказга ёзган хатнинг бир учи чиқиб, сўнг тинчиб кетганини ҳам тушуниб етди. Юкоридаги фактлар асосида аллақачон Мунавварга тегишли чора кўришини, ишдан олишгача жазо беришини англади. Лекин Мунавварнинг олдида тили қисик. Чунки унга ҳам кўшни колхоз раисига олиб берган унвонни тил учиди писандга қилган, рад жавобини аник эшитмаса-да, унинг унча рўйхушлик бермаганидан ўзининг чорасиз қолганини ҳам билди. Яна бир муҳим сабаби, секретарь халқ ўртасида шарманда бўлишдан кўрқарди. Ошкора ҳаммани ўзига карам бўлишини хоҳласа-да, ўзи Мунавварга тобе эди. Буни сездирмасликка тиришиб, осмондан келарди, аслида амалда хеч вақони кўллай олмасди. Шу вақтгача уни турли бўхтонларга кориб ташлаши мумкин эди, аммо қаршисида осмондан тушгандай бирдан лоп этиб пайдо бўлиб қолган Фозилжоннинг Уста Ганига хайриҳоҳлиги, ҳақиқатни юзага чиқариш учун қўркмасдан Марказга хат ёзиши уни бироз гангитиб кўйди. Отаникода яшаши эса тамоман довдиратди. Негаки, отанинг табиатига уйғун ҳақиқатчилиги Фозилжонга аёнлигини сезган эди. Оромини йўқотган Ҳосилов, жияни Ғуломжоннинг енг учидаги ёрдами билан Марказга борган хат ифво эканлигини, аслида эса хеч нарса ўзгармаганлигини битиб баён қилди. Энди у Фозилжоннинг ўтмишидан кир ахтара бошлади. Бир-икки марта у ишлаган институтга хат ёзиб, характеристика талаб қилди. Ҳеч қандай жавоб ололмагач, ўзи қанот боғлаб учиб борди. Институт директоридан унинг тўғрисида бирон-бир қармоққа илингудек гап ололмади. Кайтанга меҳнаткаш, талабчан ва билимдон деган таърифни эшитгач, пешонаси тиришди. Иттифоқо бўхтон қопини тўлдириш мақсади пучга чиққанини сезган секре-

тарь ноумид шайтон илинжида институт ходимларининг биронтасидан гап олмокчи бўлди. Бир-иккитаси танимади ҳам. Янги келгандир эҳтимол. Охири бор умидлари пучга чиқиб кайтаётганида тасодифан Фозилжон билан ёнма-ён ишлаган ходимга дуч келиб қолди:

– Профессор билан чиқишолмади.

Мана шу биргина гап унинг зим-зиё қалбини чироқдай ёритди, танига ҳарорат баҳш этди, кувват берди:

– Нима сабабдан чиқишолмаганини биларсиз балки?!

– Униси менга қоронғу, – елка қисди ходим.

## 51

Фозилжон яна бир неча бор қарор мазмуни, отага қилинган тухмат ҳакида ўйлаб чиқди. Хонага кириб, ўша қарор мазмуни ёритилган китобчани қўлига олди. «Ота ҳак!» кўзлари ёнди унинг. Улар билан сұхбат пайтида райком секретарининг иргишлаганини кўз олдига келтириб, ижирғанди. Ўтирган жойида мияси ғувиллар, хаёлига ўша хатдан бошқаси келмас, жавоб хати келмагач, қалбida исён пайдо бўлган эди. Шундай олчоқ одамнинг туманга раҳбарлиги, унга қўш кўллаб таъзим килганларга нафрати кўзиди. Тўғриликни, ҳалолликни ёқловчи Уста Фанига ўхшашларнинг аёвсиз еган озорларини ўйлаб, ичи оғриркан, бошида пароканда, оғир фикрлар ғужғон ўйнар, туткич бермай қочар, хушсиз, худди мастдай гувранарди. Ҳар бир ишнинг, ҳар бир нарсанинг чек-чегараси бор деганларидек, бирдан унинг онги тиниқлашди. Тўсатдан хаёлига келиб қолган ёрқин фикр тетиклаштириб юборди, кўз олди равшанлашди. Қўлига қоғоз, қалам олди. Яна ёзди. Бу сафар у ота ҳаётини тўла ёзди. Бир четига спорт майдончасини, ҳалқ унга тўла ишонгани учун ўзлари маҳалла комитети раиси этиб сайлаганликларини ифтихор билан тасвирлади. Кутубхонаси ҳакида ҳам тўлкинланиб баён этаркан, ҳатто район кутубхонаси ҳам отаники олдида анчайин ғарив эканини қайд этди. Кишлоқ хўжалиги, айникса, пахта етиш-

тириш соҳасидаги билим ва тажрибалари юксаклигини, кўлида факат олимлик гувоҳномаси йўқлигини мамнуният билан ёзди. Агар бу иш қайта текширилмаса, қуюшқондан чикишини, яъни ундан ҳам юкорига ёзишини ошкора эътироф этди. Хат солингган конверт устига ёзилган адресни ўкиркан, рухан енгиллашди.

## 52

Мунаввар бир хафта ичида правление аъзолари билан кишлок совети ходимларининг кўшма мажлисини ўтказишга муваффак бўлди. Турсунойнинг ўз ишига панжа орасидан қараётганини, бўшанглигини, нечта маҳалла бор, маҳалла комитетлари раислари нималар киляпти, масжидларда нималар бўляпганини, юзига рўйи-рост гапириб, камчиликларини аёвсиз танқид килди. Қархисида ўтирганларни юзикўзи демади. На суйри юзли, оғзи тўла тилла тишли, буғдой рангли, ўнг ёноғида мошдек холи бор, кишлок совети раиси Турсуной, на бошка боқибекам партком Ғуломжон кабилар унга карши бир сўз айттолмадилар. Факат бошларини куйи солиб, чидам билан эшитишга мажбур бўлдилар холос.

– Айикка ўхшаб ҳалиям уйқудасизлар! – деди охирни юзлари бўғриқиб, – сизлар учун киш тугагани йўқ! На кишлок ободончилиги, на кўчалар тозалиги, на кўчат ўтказиш ойлиги бор бизда?! На аҳоли кучи билан бирон янгилик кила оласизлар?! Лекин сессияда Турсуной кўзни чирт юмиб, шахар билан кишлоғимиз ўртасида фарқ йўқ деб айтди. Кўзларимга, кулокларимга ишонмадим. Нахотки?! Шундаймикин-а? Далама-дала юриб, эътибор бермадимми-я? Ўзимга келганимда-чи? Афсус! Унинг бу гапи, биронта ўпка мухбирнинг кишлок ҳаётидан бехабарларча ёзган мақоласидан кўчирма бўлса керак. Айтинг-чи, шаҳарнинг кайси кўчаларида култепа кўргансиз? Гўнглар уюмини учратганмисиз? Юзи сувалиб, упа кўйилмаган деворлари борми? Белигача окланмаган дарахтлари-чи? Турсуной, кўл остингиздаги ходимларингиз нима иш қиляпти,

мутлақо ишингиз йўқ! Қизиқмайсиз ҳам! Партком-чи? Ишингиз фақат аъзолик бадали йиғишдан иборат эмас-ку? Келинглар, кўзбўймачиликни йиғиширайлик. Мана бундок атрофга назар ташлаб яшайлик?!

У яна, клубларда театр учрашувлари бўлмаётганини, чойхоналарда отахонлар ибрати, қишлоқ совети раисаси-нинг тўй-маъракаларда ортиқча исрофгарчилар билан иши йўқлигини ҳам айтиб ўтди.

«Намунча, – таажжуби ортди Фозилжоннинг, – бугун Мунаввар тилининг учигача танқид захрини суртиб олганми?»

– Мунаввар, – мажлис яқунлангач деди у, – мен сизни танимай қоляпман. Ҳа, баъзида сизни яхши биладиганга ўхшайман, баъзида эса...

– Мундок ўйлаб қарасам, ҳаётимнинг кўп қисми бесамар кетибди. Андиша отлик гов туфайли ўзимни ўзим эговлаб яшабман. Ҳа, сизга бир янгилигим бор. Кеча Рустам билан Тўхтахон Тошкентдан келишди.

– Ў-ў, табриклайман! Қанчалар бахтлисиз? Яқин йилларда Ўқтамжон ҳам ўкишини тугатиб, олий маълумотли мутахассис бўлади. Қаерга йўлланма берибди?

– Районимиздаги пахта тозалаш заводига, шунинг учун энди уларга Шўро кўчасидаги ховлимизни таъмирлатиб беришим керак. У уйда анчадан бери бирор яшамагани учун тутдай тўкилибди.

Йўл-йўлакай икки курсдош келгуси режалар ҳақида сұхбатлашиб борар, максадлари битта, яъни қишлоқ ҳаётига янгиликлар олиб кириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини кўтариш орқали ҳалқ ҳаётининг фаровонлигини ошириш эди.

тивация килингандай пайкалларни айланиб юриб, ғалати ходисанинг устидан чикиб қолди. Ўпкаси оғзига тикилиб, шиййон томон елди: «Ғўзалар ҳам нос чекадими?» Ҳеч кимни кўрмагач, яна жўяқ оралаб кетди. Пайкалнинг этак томонидан ғўза қатор ораларини кузатиб, ёввойи ўтлардан тозалаб келаётган жувонни кўрди. Салом берди.

– Синглим, айрим жойларга..., ҳм-м, ҳалиги, нахотки ғўзаларга...

– Ҳа, қуртнинг ахлатини солдик. Ғўзаси пакана, нимжон жойлари тезроқ ўсиб, анови дуркунларига етиб олсин дедик.

– Қуртнинг ахлати?!

– Ҳа, қайнотам куни-кеча келиб, ғўзаларинг узун-киска бўлиб копти, деб шу маслаҳатни берувдилар.

– Қайнотангиз?

– Ҳа, Қодирча ота менинг қайнотам бўладилар.

– Ҳа-ҳа, тинч-омонмилар?

– Шукр, эрталаб бирга келганмиз.

– Кўринмайди?

– Ўзининг пайкалига кетди чоғи...

Фозилжон шошиб, катта йўлга чиқди ва велосипедини учирив борааркан: «Худо бир саклади, – деди кулимсираб, – сал бўлмаса, нега чигитни тескари экдинг, дея масхара бўлган Музроб каби шарманда бўлардим! Тавба! Носга шунакаям ўхшайдими? Сал бўлмаса, ғўзалар ҳам нос чекадими, дея сўрашимга бир баҳя қолди. Ҳа, Худо бир саклади».

У ҳар замон-ҳар замонда эгилиб туроётган отанинг кораси томон шитоб билан борди. Салом-алиқдан сўнг, ҳали пахта очилмасдан этак тутиб олганини кўриб, таажжуби ортди. Бироз ҳазиллашгиси келди, аммо кекса одамга малол келиши мумкин, деган андишага борди.

Сарик ғалтак ипга ўхшаш нарсанинг ғўза танаси бўйлаб чирманиб олганини кўраркан:

– Бу нима, отахон? – сўради.

– Буми? Текинхўр чирмовуқ, яна бир номи зарпепчак. Эрталабдан бери шу маразни териш билан овораман.

Ўсимликнинг конини сўради бу расво! Шунака тез ўсадики, агар тераётганингизда игнанинг учидайи ерга тушиб қолса борми, бир ҳафтанинг ўзидаёқ бутун бир пайкални ёгаллайди-кўяди.

– Бошка пайкаллардаям кўзга ташланувди, унча эътибор бермаппан.

– Унда аъзоларни ёппа ҳашарга солинг. Агар уруғлаб кетса борми, йиғиштиролмай қоламиз. Ҳосилдан ҳам ажраймиз.

– Бу ёввойи ўтлар қатори чиқадими ё..?

– Менимча, аъзолар бу йил яхши чиримаган гўнгдан фойдаланган шекилли.

– Ҳа, отам гўнгни бир қиши чиритиш лозимлиги ҳақида гапирган эди, ҳм, энди тушундим.

– Агар ҳайвон зарпечак босган ўтни еган бўлса, албатта ахлатидан униб чиқади. Бу шундай бало!

– Демак, гўнг албатта чириши лозим.

– Албатта. Ҳа, айтгандай, Уста Фанини раис қилиб сайлабсизлар?

– Маҳалла аҳлининг талаби билан бўлди.

– Кўп яхши иш бўпти. Ўзи шунга лойиқ одам. Ҳа, одамлар ким яхши, ким ёмонлигини билади, ўғлим.

Фозилжон ота ҳақида бор билганларини сўзлаб бўлгач:

– Райком секретари отанинг окланишига қарши, – деди охири.

– Бурдсиз бўп қолишдан қўрқаётгандир?!

– Қарорни ота эмас, ўзи бузганлигидан чўчияпти.

– Ҳм-м, гап бу ёқда денг? Айтувдим-а, ўзи динкашлардан азият чеккан Уста қанақасига советга қарши, унга душман бўлади, деб ўйловдим-а?! Дўстингдан топ, деб шуни айтарлар-да, ё тавба! Биласизми, улар ёшлигида бир дона майизни teng бўлиб ердилар.

Аста-аста, ёнма-ён ғўзалар оралаб юришди ва учраганки зарпечакларни теришди. Шу аснода колхозда бўлаётган ўзгаришлардан гаплашиб, пайкал бошига чиқишганда,

культвация киладиган трактор тишларининг юқори қисми латталар билан ўраб боғланганини кўриб:

– Нима бало, – деди ҳайрон бўлиб, – бу трахтир мабодо урушда катнашмаганми?

Ота кулиб юборди. Ёшли кўзларини яктагининг енги билан артаркан:

– Одашхоннинг иши-да бу, – деди.

– Одашхон?!

– Ҳа, ўтган йили трахтиринг эгатга қараб ўсган шохларни синдириб, шона ва кўсакларниям узиб, тўкиб кетяпти, деб шу усулни кўллади.

– Яхши натижа бердими?

– Кўряпсиз-у, бунга қадар эгатлар ичра тўкилган кўсакларни териб, ҳайвонларимизни бокканмиз.

– Шунака денг?

– Ана, трахтирчиям кеп қолди.

Фозилжон Мунавварникига дастлаб келган куни «Одаш опа яна тўполнонни бошлади» дея зорланиб гапирган йигитни қаршисида кўраркан, кулимсиради:

– Қалай, ишлар яхшими?

– Бе, қайда дейсиз, – кулди йигит, – энди трахтир гилдираги жўяқ ораларини котиряпти, тишли қилиш керак, деб бошни котиряпти. Мен завод дирихтириманми, у кўйган талабни бажаргани...

– Трахтир гилдираги дастлаб тишли бўлган, – ота сухбатга аралашди, – ишни тугатиб, ётоғига олиб кетишаётганда асфалт йўлларни ўйиб ташлаган. Шундан кейин ҳозирги киёфасига алмаштирилган.

– Ётоғини биронта шийпон якинига курса бўларди-ку? Яъни трактор паркини.

– Тўғри, шундай килса бўларди.

– Бу ерга келганимдан бери кекса пахтакорлардан бу ҳақда кўп эшитдим. Демак, бу ҳақда юкорига баён қилиш керак.

– Талаб қилиш керак.

– Одаш опам роса суюнаркан-да, – кулди йигит, – лекин шу билан тинчиса кошкийди?!

– Тараккиёт учун шунақа тўполончиларнинг бори яхши-да, ука.

– Ҳа, бу гапингиз ҳам тўғри...

## 54

Бир ой ичида қишлоқ ҳётида муҳим жонланишлар юз берди. Турсуной, Уста Ғани ва мактаб директори Абдурошиднинг ташаббуси билан мактабнинг юкори синф ўқувчилари кучи ёрдамида қишлоқ кўчалари деворлари, дараҳтлари оқланди. Унда-мунда дўппайиб турган култепаларни чукур қазиб кўмишди. Гўнгтепаларни эса Фозилжоннинг кўрсатмаси бўйича шийпонлар яқинига катта-катта ҳовузлар қазиб, шу ерга ташишди ва тўлгач устидан сув қўйиб, юзига тупроқ тортишди. Колхоз усталири томонидан клуб, чойхона ва дала шийпонлари ремонт қилинди. Кўчаларнинг нотекис ерларига шағал ташилиб, текисланди. Сув тўхтатилиб, ариқлар тозаланди. Чучук, ичишга ярокли тоза сувни кимки ахлат ё мағзава тўкиб ифлослантиrsa, минг сўм штраф тўлаши шартлиги ёзилган эълон қоғозларини электр столбаларига ёпишириб қўйишди. Минг сўм... Ўрта ҳол оиланинг бир йиллик даромади. Бундан чўчиган хонадон эгалари дархол ҳовлисининг этагига чуқурлар қазиб, бирига ахлат, бирига мағзава, бирига эса кул тўкишни планлаштиришди. Уста Ғани кўрсатмаси билан яна бир янгилик юз очди. Ёлғизбоғ қишлоғидаги Ўрикзор ёнига маҳалла комитети идораси куриш бошланди. Икки хонадангина иборат бу ихчамгина бино лойиҳасини Устанинг ўзи чизди. Топган гул, топмаган бир боғ пиёз деганларидек, кимдир бир қоп цемент, кимдир иккита хари ё устун, кимдир мих, кимдир эса шифер олиб келиб, баҳоли қудрат ҳиссасини кўша бошладилар. Ёшлар ҳашар йўли билан гишт қўйишиб, деворини тиклаб беришди. Асосан кўп ишларни устанинг ўзи бажарди. Тез

орада битган бино қишлоқ хүснига холдек ярашиб тушди. Жиҳозланишини бир хафтада комсомоллар ва идора ходимлари ўрни-ўрнига кўйиншди. Пештокига зарҳал ҳарфлар билан «Ёлғизбоғ қишлоқ маҳалла комитети идораси» деб ёзиб кўйиншди. Сўнг партком маҳалла комитетлари раислари ва аъзоларини йиғиб, план ва топшириклар берди. Энг асосийси, аҳоли ўртасидаги камчилик ва талаблар комитет раисларига айтилиши, комитет раиси эса местком раиси ва сельсовет раисига етказиши зарурлиги уқтирилди. Хуллас, кисқа вакт ичida кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражадаги ишлар амалга оширилди.

---

## УЧИНЧИ ҚИСМ

55

Фозилжон бу орзули дунё бағрида кечга қадар дала айланар, ерларни кузатар, ғұзалар ўсишини тинмай назорат киларди. У ишга шу қадар шүнғиб кетган эдикі, баъзи кунлари тун қорасини күрсатганини ҳам сезмай қоларди. Да-ладан бурнидан тортса йиқілгудек бўлиб қайтар ва кечки овқат пайтида олган пича ороми туфайли яна жонланар, китоб ўқир ё ота билан ғұзаларда учраган жилла ўзгаришлар хакида сұхбатлашиб ўтиарди.

Шундай кунларнинг бирида у кечки пайт клубга чиқди. Клуб йигит-кизлар билан гавжум. Фозилжон ёшларга караб туриб яйраб кетди. Атроф билан иши йўқ уч-тўрттаси шахмат сурар, беш-олтитаси қандайдир фильм тўғрисида баҳслашар, яна бир-иккитаси эса ниманидир томоша қилиш билан машғул эди...

У шунча ёшлар орасидан Сарвинозни бир қарашда топиб олди. Қиз онасининг азасида бўлгани учун қуйироқда куймаланиб, қандайдир иш билан банд. Фозилжон Сарвинозга соғинч кўзи билан термуларкан, юрагининг қат-қатида ўтли бир дард сизиб оқаётганини фахмлади. Шу он қиз Фозилжонга кўзи тушиб, енгилгина бош силкиди. Фозилжон энди у томон юрмокчи эди, худди клуб томидан тушгандай олдида Тешабой пайдо бўлди. Унинг илжайиб туришини кўриб, ғаши келди ва хаёлида: «Бу одамга тўю аза бир», деган фикр кечди.

– Юринг, – унинг қўлтиғидан олди, – Файзула ўғлининг шарофатига ош қиберяпти, бир отамлашамиз.

– Мен...

– Сиз келган куни туғилған ўғли-чи?

- Мен бироз шу ерда...
- Саломатлик учун сал ўйнаб-кулиш ҳам керак-да, – ти-хирлик қилди Тешабой, – карант, ишни деб озиб-тўзиб кетибесиз. Юринг мундок! Куйиб-пишганингиз билан битта хато қилиган кунингизга боплаб тепишади, кечиришмайди.
- Майли, мен...
- Э-э, юринг!? Биззиям гапни қайтарманг, Файзулла эшитса хафа бўлади, укам.

Энди Фозилжоннинг иложи қолмади.

- Давлатти кўзи ўткир-а, – Тешабойнинг бироз кайфи бор эди, – оёғингта қилтузокнинг бир учини оғритмасдан боғлаб қўяди, сўнг узоқдан томоша қип туради. Ҳовлик-канларнинг дарров танобини тортиб қўяди. Секи-ин, киши билмас дунё йикқанларни эса ўз майлига қўйиб беради. Тўлиб-тошгандачи, Юнусжонга ўхшатиб, яшаш жойини кўрсатиб қўяди.

Улар кўчанинг у бетидаги улкан-улкан бақатераклар куршовидаги ҳашаматли саройга ўхшаш чойхона томон юриб кетишли.

- Жуда кам чиқасиз, бу дейман яна биронта иш қиласизми, Фозилжон?!

– Йўғ-э, чарчаяппан шекилли...

Чойхона саҳнининг ўртасига мармардан ҳовуз ишланган бўлиб, ундаги балиқ фавворалардан сув отилар, сув зарралари чироқ ёруғида ажиб манзара кашф қилар, атрофдаги тўрт кишилик сўриларда мўйсафидлар, ёшлар чой ичиб, сухбатлашиб ўтирадилар. Фозилжон қуюқ дарахтлар орасида мағрут қўл чўзиб турган ҳайкалга тикилиб қолди ва у ҳақдаги хотираларни эслади. Буни сезган Тешабой:

– Уста Гани оқкўнгил одам, – деди, – Ҳошим Ҳосилович эса, у билан, яъни энг яқин дўсти билан олишиб ўтятпти. Қизик дунё экан. Сиз бир ҳисобда тўғри иш қилдингиз. Устани эл орасига қўшиб, савобнинг тагида қолдингиз. Бундан ортиқ яхшилик бўлмас. Бу ишингизга ҳамма тан беряпти.

Фозилжон унинг мижғовланишидан, ўзининг ҳамкишлогига нисбатан муросасини ҳеч уялмай, тортиңмай ошкора намоён этаётганидан нафрати кўзиб, юзини ўгирди:

- Нега тан беришади?
- Чунки райкомдан кўрқишарди-да, кайси раҳбар Уста билан саломлашса, думи туғилаверган.

У Тешабойни ичида ёмон кўриб турса-да, ёши улуғлигини хисобга олиб, дамини ичига ютди.

- Сиз келиб-кетадиган одамсиз, шун-чун...
- Сизга барибир денг?
- Ҳа, энди. Ўзингиздан ўтар гап йўқ. Лекин мени тан берганим бошқа томондан. Секретарь нимагадир сизларга бас келолмаяпти.
- Нега, биз...
- Барибир эҳтиёт бўлинг. Илонга ўхшаб судралиб келади-да, бирдан олдингиздан бош кўтариб чиқиб қолади. Захрини сочганини билмай қоласиз. У шунака одам.
- Огоҳлантирганингиз учун раҳмат.

Фозилжон ҳайкалнинг ярқирок жамолига кўз ташларкан, келган кунларининг биридаги дастлабки сухбатда Мұнавварнинг «Менга ҳеч кимдан кўркмайдиган дўст, ёнтаёқ керак» деган гапини эслади: «Бу одам кузатиб юрган эканда!». Тешабойга қаради. Ёнма-ён чойхона томон бораётганларида, буларга кўзи тушганки одам бош эгиб саломлашди. Ичкари хоналардан бирига кирганларида Файзулла, Ғуломжон ва Абдуғофур оталар ўтирас, хона ичи ароқ ва саримсок пиёзнинг коришик ҳиди билан тўлган, кўнгилни бехузур киласарди. Тешабой кўйнидан яна оқ саллалигидан чикарди. Биринчи пиёлалар ош солиниб келгунча жим бўшатилди. Сўнг Абдуғофур ота ва Ғуломжонлар қайтиб ҳидлашмади. Файзулла пиёлани тўлдириб, Фозилжоннинг кўлига тутқазди:

- Ўғлимнинг сизга ўхшashi учун ичаман, – деди тилиғўлдира.

Иккиси иккинчисини ҳам бўшатишиди. Тешабой илтифотсиз қулт этиб ютинаркан, кўйнидан яна битта чанқоқ

колдиргисини олди. Ҳеч ким шерикликка кўнмагач, сувсан одамдай қолганиният ўзи ютоқиб ичди.

– Уф! Ёниб кетяппан!

Ҳамма хайрат билан бир-бирига қараб елка қисганича, Тешабойга тикилдилар.

– Бугун шаҳарга борган эдим, ҳик, агрономликка ўқиган ўғлим манти килиб сотяпти.

– Ҳозирги ёшларнинг йўлини тўсиб бўлармиди? Қаерда бўлса ҳам тинч бўлишсин, Тешабой, – деди Абдугофур ота, – уларнинг баҳтига сиз омон бўлинг.

– Ҳа балли, – тасдиклади Ғуломжон, – ҳақ гапни гапирдингиз.

– Номус қилганимдан ўзимни кўрмаганга олдим. Кейингисини Нархозда, ундан кейингисини муҳандисликка ўқитаман девдим. Ниятимни пучга чиқарди.

Тешабойнинг нафаси қисиб, тўхтаб колди.

– Шунгаям ғамми, Теша ака, қолган ўғилларингизни ўша айтган ўқишларда ўқитаверасиз-да, – юпатган бўлди Файзула.

– Эй бола?! Ўғлингни ёшлигидан жиловини маҳкам ушла! Менга ўхшаб айтганини қилиб ўргатма! Уқдингми? Айтганини қилдинг, бошингга чикиб олади. Кейин менга ўхшаб хароб бўласан! Биласанми, тенгдошлари пул олаётганда юзига қаролмайман. Уяламан, уқдингми, уяламан??!

Файзула илжайганича, хўп, деди.

– Беш бармоқ бир хил эмас, Тешабой ака, – Фозилжон далда бергиси келди, – бир хил бўлмаса-да, кўлнинг аъзоси, барибир унга итоат этади.

Бунга жавобан Тешабой оғир қўлини унинг елкасига қўйди. Улар тун ярмида тарқалишди. Ҳалигина гавжум клубнинг, чойхона олдидағи йигирма-ўттиз чоғли чорпояларнинг бўм-бўшлигини кўрган Фозилжон очик ҳавода бироз хушёrlашди. Кечанинг илиқ, баданни роҳатлантирувчи ҳавосида яйрап, дилида туғилган севинч ҳиссидан энтикиб борарди. У кия очик дарвозадан ичкари кирганда ховли жимжит эди. Оёқ учida хонаси томон борди-да, айвоннинг

коронғи жойида унинг бироз гандираклашига кулимсира-  
ганича караб турган отани пайқамай, кириб кетди. Эрталаб  
нонушта пайтида чойхонадаги сұзлаб берди.

— Ҳа, — деди Уста Ғани ўйчан, — унга кийин бўлди.  
Ҳаётининг осмонидан булут аrimай қолди. Фарзанд хам  
кобил бўлсин экан.

## 56

Нимадандир дили ғаш бўлган Фозилжон бугун даладан  
эрта қайтди. Соколини қиртишлаб олди ва тоза кийимларини  
кийди. Оқшом қўниши билан клубга чиқди. У Сарвинозни  
кўриш, у билан сұхбатлашиш, шу аснода гулгун чехрасига  
тўйиб бокиб, дилидаги ғашликни тарқатиш умидида эди.  
Лекин унинг ёноғида кулги ўйновчи, кўзлари мастона  
бокувчи дилдори йўқ эди. Тарвузи кўлтиғидан тушганча,  
нима киларини билмай турган эди, яна қаршисида Тешабой  
пайдо бўлди. Кўярда-кўймай уни чойхонанинг ичкарисига  
етаклади. Меъёрига етгунча, балки орттириб отамлашишди.  
Ташқарига чикқанларида ҳатто тунда дайдиб юргувчи итлар  
хам тинган эди. Ўрта йўлда икковлари бир-бирларига узок  
хайрли тун тилашди, сўнгра икки томонга қараб кетишли.  
Фозилжон дарвозага яқинлашганда, отага бўлган чексиз  
мехри ё ҳурмати туфайлими ёки уялдими, ҳарқалай кайфи  
бироз тарқаб, тетиклашди. Дарвоза ҳалқасини ушлаган ери-  
да, ота олдига арок хидини гупиллатиб кириб боришга тор-  
тинди. Бирон ноўрин гап килмаслигига шубҳа килмаса-да,  
ички изтироб уни қайтишга, тоза ҳавода яна бироз айланиш-  
га даъват этди. Унда-мундаги симёғочларда порлаб турган  
чирок нурида ғужғон ўйнаётган парвоналарга, осмонда у  
билан баҳс бойлашиб кетаётган дайди тўлин ойга, тўқилай-  
тўқилай деб турган юлдузлар қуршовига қарай-қарай, дала  
йўлига чиқиб қолганини пайқамай қолди. Қаердадир ит  
хурди, қаердадир бир нарса тараклади, нимадир қулоғи  
остини ялаб ўтди. Атрофга аланглаб, қулоғини силаб қўйди:  
«Кўршапалакмикин? Қаноти китир бўлади дейишади».

Якинда мактаб ўкувчилари томонидан йўлнинг икки четида савлат тўкиб турган тут дараҳтларининг белигача окланганини кўриб, «Юбкалар муборак!» деди илжайиб. Ҳар хил ифорли ислар уни маст қилас, ёш боладек юлдузларга қаратса тош отгиси келар, ойни шундоккина қўлига олиб, унда ўз аксини кўргиси, гапнинг кискаси, тўполон килгиси келарди. Кўз олдида поёнсиз кенгликлар, узок-узокларда осмонга елка тираб турган тоғларни кўрди.

*Водийларни яёв кезгандা,  
Бир ажаб ҳис бор энди манда...*

Шонрнинг ушбу мисралари ёдига келди. Овоз чиқариб, барадла айтди. Чигирткалар хониши унга мусикадек жўр бўлди. Давомини айтгиси келди, аммо қанча уринмасин, хотиралар каърини қанча титкиламасин, ёдига ҳеч нарса келмади. Аммо қалбини қитиклаётган кўтаринки кайфият шийпонга яқинлашганда лаҳзада бир меъёрда ураётган юракдек изга тушди-колди. Чорпоя ёнига келиб, сўрига ёнбошлаганча, оппок яктағи ичидан чиқиб турган коп-кора қўлининг кафтини иягига тираб ётган Ҳамроқул отага узок тикилиб турди:

– Кимсан?

Фозилжон чўчиб тушди. Жавоб айтмокка улгурмай, чол яна сўради:

– Нимага келдинг?

«Во ажабо! Чол танимади-я?!» У индамай тураверди. Ота шу вакт «ҳа-ҳа-ҳа»лаганча шийпонни бошига кўтариб кулди:

– Ўғитлар йўқ! Эй ўғривой! Кеча барини жой-жойига солишибди. Фўзалар еб, сингдириб ҳам бўлди...

Фозилжоннинг эски дарди кўзиди.

– Бўлмаса ўзингни ўғит қиласа-а-ан! – таҳдид қилди овозини халимлаштириб, – Тўхта калга бор, менга эса йўқ?! Нега йўқ?!

– Кал-пал келгани йўқ, – ота ўрнидан туриб ўтирди, – ўзи агрономдан кўркиб, ўтакаси ёрилиб юрибди, ошна?!

- Билмайман, топасан дедимми, топасан!
- Худоё тавба! Бунака ўғрини сира учратмаганман. Роса сурбет экансан-у, а?

Азбаройи жаҳли чикқан ота ўҳшатиб сўкинди.

- Тўхта?! Ўғрида Азроилнинг бир туки бўлади, дейишиди. Агар одам қиёфасида келган бўлсанг, тўғрисини айт?! Жон сўраб келдингми?

– Ўғит сўраб келдим!

– Мунча ўғит-ўғит дейсан, айтдим-ку йўқ деб..!

Ўзини тутолмаган Фозилжон отанинг қоқ суяқ гавдасини маҳкам кучганича, хаҳолаб кулиб юборди. Гарангсиган ота ҳолсизланиб, унинг юзига тикилди:

- С-сизмисиз? – деди зўрға ва димоғига ароқ хиди урилиб, юзини ўғирди.

– Мени кечиринг, ҳазиллашдим, ота?!

- Қарилик қурсин! Мен сизни аввали Солимикин деппан, кейин эса...

Фозилжоннинг бир-бирига чирмашган қўллари бўшашди. Қариянинг дилини оғритганини сезиб, бот-бот узр сўради. Бу орада сўрига келиб ўтирган ота:

- Оббо сиз-эй, – деди, – Тўхта қал айтса ишонмовдим. Бунака хунаrimам бор денг?

Кайфи тарқаб кетди Фозилжоннинг.

- Сиздан ҳам қўрқулиқ, – хафалиги сезилиб турарди отанинг, – бир хисобда яхши бўлди. Энди олдимга Азроил келса кўркмай, бемалол гаплашавераман.

Уни чорпояда қолдириб, ўзи ичкарига кириб кетган отанинг кўнгли оғринганини анлаган Фозилжон алламаҳалгача ўзига келолмай ётди. Қанча ухлаганини билмайди, бир вакт бехосдан туриб кетди. Тунги аёзда оркаси музлаганини сезиб, терлаганини англади. Яна ётди, яна турди. Бу гал атрофга кулоқ солиб, анча ўтириди. «Уйқусираш одатим йўқ эди-ю, нима бўляпман ўзи?», ўйланди. Охири чалқанча ётиб, кўзларини оҳиста сузиб кетаётган ойга кадаганича ухлаб колди. Туйқусдан шалоплаган, кейин кимнингдир пиҳиллаб сўкингани қулогига чалинди. Яна турди. Тирсакларига та-

янганича анча кузатиб ўтирди. Вахимадан юраги орқага тортди. У ётган еридан шийпонга кафтдек кўриниб турган теварак-атрофга қаради. Назарида аллақайси тутқатордан уч-тўрт киши пичок ўқталиб келаётганга ўҳшади. Бехосдан Тўхта калнинг гаплари ёдига тушди: «Йўғ-э, Юнус акам қаёкларда юрибди-ю? Тинчлик Худо хоҳласа?!» У энди шийпон томонга ўғирилиб ётди. Кулокларигача кўрпани бостириб, бошини буркаб олди. Энди кичкирик эшилтингандай бўлди. Нима бўляпти ўзи? Унинг бутун вужуди кўркувдан дағ-дағ қалтирай бошлади. Юраги югураётган одамни-ки каби гупиллаб урар, бирор худди бўғиздан бўғаётганга ўҳшарди: «Қўрқяпманми? Қўркяпман!» Шу вакт аллаким-нинг:

– Вой дод! Ёрдам беринглар! – дея қичкиргани эши-тилди.

– Нима бўлди, тинчликми?

Ота унинг ҳам ҳадиксираб ўтирганини кўриб, овоз келган томонни фарқлаб югурди. Фозилжон ҳам кетидан эр-гашди. Улар лойка сув оқаётган анҳор бўйлаб чопишар, пастликка қарашмас эди. Фозилжон сув ўпириган қирғоққа келиб, ўқ еган одамдай сапчиб тушди. Оёклари беихтиёр ёғочдай котди. Анҳор тўла қутурган сув ўзини ўпирилган қирғоқ бўйлаб, Қодирча ерига урар, пайкал эса ойнадай ял-тирасди, гўё қўйнида ой сузуб юргандай эди.

– Ёллоҳ! – ота қаттиқ бақирди, – қайси диндан чик-кан, қайси беимоннинг иши бу?! Бу гўдак ниҳолларда нима гуноҳ, номард??

Гарангисб турган Фозилжон хушига келиб, ўзини сувга отди. Пастга қараб телбаларча оқаётган сув йўлига ўзини ғов қилиб тўсди:

– Қўлингизга нима илинса иргитинг?! – чолга бақирди у, – тез-тез бўлинг!

Қўлларига нимаики илинса шунинг ёрдамида сувни тўсмокчи бўлдилар. Фозилжоннинг оёклари орасидан сув тўғондан ўтаётгандай шовуллаб окар, ота келтирган нарса-лар: куриган ҳас-ҳашак, калта-култа козикларни урвокчалик

кўрмас, писандига илмас эди. У шарт сувдан чиқди-да, ший-понга қараб югурди. Беш-олтита кетмон дастаси билан чор-поядаги кўрпани судраб келди:

– Коқадиган нарса топинг, ота!

Фозилжон кетмон сопларини тиззасига уриб, иккига бўлди, сўнг бу ясатик қозикларни ота келтирган дўппидек тош билан ўпирилган қирғоққа қаторлаштириб қокиб чиқди. Ана энди тўғонча пайдо бўлди. Қозикларни бир-бир ушлаб, суғурилиб кетмаслигига ишонч хосил қилгач, кўрпани тўрт буклаб тахлади-да, қозиклар ёнига бостириб кўйди. Телбаланган сув ўз йўлини топди. У бу ишни шу қадар тез, худди жангга кирган аскардек эпчил бажарди. Кўрпа остидан шилдираб оқаётган сувга тикилганча, қирғоққа ўтириди. Атрофга аланглаб, бир муддат ўйланиб қолди. Бир вақтлар Топилдихон билан анови юлғун тагига келиб, қопқондаги куённи олишгани ёдига тушди:

– Камида беш-олти соат оқкан кўринади? – деди отага қараб ўйчан.

– Ҳа, кўлга айланиб копти. Ер сувни тортгунча ниҳоллар димикиб ўлади.

Фозилжон хафа бўлди. Кўзларига беихтиёр қалқиб келган ёшларини кафтининг орқаси билан сидиаркан, чукур «ух» тортиди. Кечагина ғўза тупларининг шабадада силкиниб, онага талпинган боладек яйраб тургани кўз олдига келди. Шу пайт нари жилган ота:

– Вой мусулмонлар! – бақирди жонҳолатда.

У жойидан иргиб туриб кетди.

– Одам ўлиб ётибди-и-и!!!

Фозилжон худди бомба портлагандай, даҳшат ичида овоз келган томонга югуриб кетди. Ҳамроқул ота ойнинг хира ёруғида мук тушиб ётган қоп-қора гавда устида дағ-дағ титрар, оғзига келган калом билан дуо ўқирди. Фозилжон гавданинг ким эканини билмоқ истагида ёнига ағдарди. Эсхонаси чиқиб кетди:

– Топилдихон-ку?! Топилдихон, ота?!

Бир зум каловланиб турди-да, сўнг:

– Югуринг ота, Мунавварга хабар беринг! – дея олди холос.

Ота эгнидаги якtagини хилпиллатганича, пилдираб узоклашди. Топилдихоннинг гавдасини базўр кўтарган Фозилжон инқиллаганича шийпонга келди. Ихраб юриб, ҳали ўзи ётган жойга ёткизди. Чироқ ёруғида боши тагидаги оппоқ болишга кон сизганини кўриб, эси оғиб колаёзди. На якинлашишни, на бирон ёрдам кўрсатишни билмай, шарпадай котиб тураверди. Шу пайт тутқатор йўлдан келаётган «Волга» машинаси фарасининг нурлари шийпон деворини ёритди. Кабина эшиклари карсиллаб ёпилди-да, шипилланган оёқ товушлари улар томон шошаркан, Мунавварнинг овози янгради:

– Қани, каерда, нима бўпти?

Ота нималардир деди. Кўзини чирт юмган, юзлари окарган ва лаблари кўкимтири тусга кирган Топилдихонни кўрган захоти:

– Машинага опчикинглар! – буюрди у, – ҳозироқ район касалхонасига опкетамиз!

Охиста олиб бориб, машинага ётқизиши. Топилдихоннинг ёнига Фозилжон, олди ўриндиқка эса Мунаввар ўтирди.

– Эй Парвардигори олам! Жўжабирдай жонга раҳминг келсин! Ёмон кундан ўзинг асрарин, Худойим!

Фотиха ўқиб қолди ортларидан ота. Уни чала ўлик холида жарроҳлик бўлимига олиб кириши. Ташқарида колганларнинг хаёлидан нималар ўтмади. Бундай пайтда, дил тубида қандай ваҳималар унмайди дейсиз. Шайтон елкага минволиб, ёмонликнинг қайси кўчаларига бўйлатмайди дейсиз. Ярим соатлар чамаси ўтгач, ичкаридан доктор чиқди:

– Яшайди, – деди у нигоҳини саросимали кўзларга қадаб, – калла суягининг орқа томони бироз шикаст еган, аммо гежгаси – ўқ томири соғ! Умид қилаверинглар!

– Раҳмат, дўхтир! – Мунавварнинг кўзларига севинч ёшлари қалқиди, – ўн боласининг баҳтига яшashi керак, раҳмат!

- Кириб кўрсак бўладими? – ошиқди Фозилжон.
- Факат кўп гапиртирганлар!
- Мунаввар.
- Менинг юрагим чидамайди, сиз кирақолинг..., салом денг!

Кордек чойшаблар бағрида Топилдиҳоннинг буғдой ранг юзи кўринарди холос. У осма уколдан томаётган дорига нурсиз кўзларини тикиб ётгани учун Фозилжонни аввал таний олмади, бироз қараб тургач, кўзини юмиб кўйди.

- Тузукмисиз?
- У ерда..., икки киши...
- Нима-а-а?
- Сув очганлар..., Аҳма-дил-ло..., Бот-ир..., урди..., – индамай колди.
- Нима бўлди? – эсхонаси чикди Фозилжоннинг.
- Оғрияпти!
- Майли, гапирманг. Тушундим. Эртагача!

Мунавварга Фозилжон унинг узук-юлук гапларини стказди.

- Абдулҳамид, шийпонга ҳайданг?!

Улар етиб келганларида қоровул ҳадиксираб ўтиради.

- Падар лаънатилар! Итваччалар!

Мунавварнинг ҳайкириғидан чўчиган ота саросимада котди:

- Ўлдими, а? – сўради анграйиб, –вой бечора-а-а?

Икки курсдош отанинг ҳолига ҳам қарамай, қирғок бўйлаб, сув ўпирган жойга кетишиди. Сув яна пайкал томон ўкириб окмоқда эди:

- Ие, тўғон, тўғонча қани? – тутоқиб бақирди Фозилжон, – ахир мен..., тўғсан эдик-ку?

- Абдулҳамид, машинадаги тўшакни опкелинг?

Мунаввар юкорида бўладиган мажлисларга борганда узок қолиб кетар, шу пайтда кечаю кундуз тинмайдиган шоғёри бирор пана жой топиб ҳордик чиқаргани, кези келганда ухлаб олгани тўшайдиган тўшакка ишора қилган эди.

- Ҳозир етказиб келаман, опа.

Шофёр ҳамон саволига жавоб кутиб турган отага қараб:

– Кўркманг, тирик, – деди ва машина капотини очиб, тўшакни олди-да, курсдошлар куймаланаётган томонга қараб югуриб кетди.

Жавобдан жонланган ота аллавақтдан кейин анхорнинг у бетидан югуриб кетди. Юлғуннинг олдига етганда тўхтаб, ўзини сўкли. Шу вакт юлғун тагидан қандайдир шарпа чиқиб ура кочди. Ажинами ё алвасти деб ўйлаган ота ўзини йўқотиб кўйди, сўнг чала талафузда калима келтиаркан:

– Сув алвастисининг иши экан-да, – деди ғўлдираб.  
– И-и, кочди, кочди! – бакириб юборди шарпага қўзи тушган шофёр шу пайт, – хов ана, пайкал ёқалаб кетишаپти!  
Икки киши экан!

Бу орада сувни ўзанига буриб улгурган Фозилжон билан Абдулҳамид, узун-киска бўлиб чопиб кетаётган икки кишининг ортидан қувиб кетишиди. Ҳаял ўтмай, иккови биттадан ўлжасининг кўлидан маҳкам тутганича ҳарсиллаб кайтишиди.

– Бетинг курсин, тирранчалар! – Мунаввар икковининг бетига бир-бир тарсаки туширди, – наҳотки, ўз ризкингни сувга оқизасанлар! Буям майли-я, ўн бола ўн қўчада қолса нима бўларди?! Падар лаънатилар, нима қасдинг бор эди?! Оборинг?! Милицияга топширинглар! Тавбасига таянишсин!

Ота юз-кўзларига, эгнига лой сачраган йигитларга қараб ачинди, бош тебратаркан:

– Ах, нодонлар-а! Ёшлиқ – нодонлик деб шуни айтишиади-да.

Мунаввар ҳамон жаҳлидан тушмас, кумушдай ялтиллаб турган пайкалдан кўзини узмас эди.

– Нима қасди бор буларнинг, ҳеч аклим етмаяпти!  
– Қизим, айланай қизим, – ота ўртага тушди, – ҳай, тўхтаб туринглар! – иккисини олиб кетишига тараффудла-наётган Фозилжон билан Абдулҳамидга қараб деди, – жаҳл келганда акл қочади, айланай болларим. Кўйинглар, ёш умри жувонмарг бўлиб кетмасин! Қамалган деган тавқи лаънат тагида колишмасин!?

– Шунга арзийди!

– Йўқ, қизим, сиз колхозди каттасисиз! Яхшиси, эртага маҳалла ахлини чақириб, ўшаларнинг олдида адабини бе-ринглар?! Бир каттанинг, бир кичикнинг гапига кир, дегувчи нақлимиз бор, қизим. Ахир, яхши гап билан илон инидан чиқади-ку, а? Буларниям юрагидаги гапларини эшитайликчи? Айланай қизим, Мунаввархон!

Мунаввар сал юмшади.

– Оборинглар! – деди бироз ҳовридан тушиб, – трактир паркининг саларка омборига қамаб қўйинглар! Одамлар олдида жавоб беришсин! Улар нима деса шу?!

Ота дала йўлидан елдек учиб бораётган машина кетидан караб қоларкан: «Ҳайтовур, жаҳлдор бўлса-да аклли аёл. Каттанинг гапини қайирмайди!» деди қувониб.

## 57

Шум хабарнинг оёғи бор, тез тарқалади дейишиди. Эртасига жиноят содир бўлган жойга, бу хабарни қулоғи илғаб қолганки бир келиб ҳол сўраб кетди. Ҳамроқул ота эса гўё экскурсоводдай бор билганини қизиқкан ҳамда ачинганларга ҳикоя килиб берар, аммо Аҳмадилло билан Ботир ҳакида миқ этмас эди. Ҳар ким ўз хаёлига келган фикрни маъқуллар, ўзича шархларди. Кўшни бригада аъзолари сув босган пайкалга ачина-ачина албатта қайта экишда ёрдамини аямасликларини таъкидладилар. Топилдихоннинг нима учун бу ерга ўралашиб келиб қолганини билолмай гаранг бўлган айrim кимсалар уни кўрмок баҳонасида бўлган воқеани билиш мақсадида касалхонага ҳам бордилар, аммо врач ҳеч кимни Мунавварнинг тайинловига кўра олдига қўймади. Кундакунора бир оёғи Топилдихоннинг олдида бўлган Мунаввар ва Фозилжонлар барибир ваҳимада эдилар. Негаки, икки шўртумшуқнинг келажаги ҳам унинг ҳаётига боғлиқ эди. Яна бир гал келганларида Топилдихон ҳамкасларининг ичагини узгудек латифа айтиш билан банд эди. Уларни кўрган бошқа касаллар ташқарига чиқиб кетишиди.

– Сиз у с尔да нима қилиб юрувдингиз? – сўради Фозилжон.

– Ўзингиз-чи? – сўради Топилдиҳон ҳам.

– Мен сиздан сўраяппан.

– Э-э, – кўл силтади у, – тўқсонни уриб қўйгану ёш боладан баттар отам бор. Учта тиши бор санаб кўрсанг, аммо кунда девзира гуручга палов қип берасан, деб жанжал қиласди. Том баҳосидаги гуручни сотиб олгани қийналиб, сиздан сўраб олган еримга арпа, шоли экувдим, – ҳалитдан бери индамай, бир четда кузатиб ўтирган Мунавварга юзланди, – кунда бир ухлаб туриб, шолипоя сувидан хабар олардим. Ахир шоли сув билан пишади-ку? Ўша куни телевизурда бир қизикарли кино бўлди. Кино тугагач, шолининг сувидан хабар олиб ёта қолай деб ўтсам, такатак тўхтаб қолибди. Нима бўлдийкин деб Хонариқ ёқалаб келаётувдим, бир вакт бор сувни пастга, пайкалга қараб оқаётганини кўриб колдим. Кирғоқни сув уриб кетибдида, дея шу уринаман, қани энди тўсолсам. Охири аланглаб бориб, анови қуён тутган ер-чи, ўша жойдаги юлғуннинг олдига бориб қолибман. Қарасам, қаршимда икки шарпа бикиниб турибди. Ўпкам оғзимга тиқилиб қолди. Аввалига жин деб капалагим учди, кейин синчиклаб қарасам, ўша иккови. Жаҳлим чиққанидан икковига тенг ташланиппан-да..., бирингни қозик, бирингни тўғон қиласман, деб бакириппан. Ботирнинг сочи кўлимга кирибди. Аҳмадиллони эса гирибонидан бўғиппан, додлаб юборди. Кўлимдан юлқиниб чиққан Ботир Аҳмадиллони ўлдиряпти, деб ўйлади шекили... Бошимга бир нарсанинг қарс этиб урилганини биламан, у ёғи эсимда йўқ!

– Органдан одам келдими?

– Ҳа, экспертиза қилишди. Белкуракнинг кети билан урган экан. Айтинглар-чи, икковини қамашадими?

– Ҳм, қамашди. Ўша куни Ҳамроқул ота ўртага тушгач, ўзимиз ҳал қилмоқчи бўлиб, паркка қамаб қўйган эдик. Аммо ҳеч қанча кун ўтмай органдагилар келиб, оп-

кетишиди, – деди Мунаввар, – яхшиси сиз тезрок тузалиб чикишингизни ўйланг!?

– Шундайку-я, лекин...

– Нима лекин?

– Лекин улар хам ўзимизнинг боллар-да, опа! Ҳаётларига кора тамға урилмасин дейман!

Мунавварнинг юраги ҳаприқди. Бу ҳолатга шерик Фозилжон эса, юзини четга бурди.

– Нима бўлади энди? Менимча, у Аҳмадиллони кутқараман деб, шошиб қолган. Ишни бу қадар чаппасига кетишини ўйламаган. Ёш-да, ёш! – ачинди Топилдихон.

– Сиз уларни ёш бола деб ўйлайсизми? – бироз жаҳлланди Мунаввар, – сувни очса оқибати нима бўлишига акли етган ёш бўладими? Қолаверса, сизниям асфаласоғи-линга жўнатишига бир баҳя қолди-ку? Яна ёш дейсиз!.. Назаримда, яқин орада суди бўлади.

Мунаввар ўзининг касалини ўйламай, улар учун қайғураётган Топилдихонга атайин қаттиқ тегаётган эди. Негаки, ҳозирда энг муҳими, ўзининг тузалишини ўйлаши эди.

– Қамалиб кетса ота-онасининг юзига қандай қарайман, – ўйга чўмди Топилдихон, – ҳар куни юз кўришиб турсак. Эшитар қулокқа хам хунук-да, опа?! Аслида танимадим десам ҳам бўларкан!

– Ўша ондаёқ қўлга олганмиз, – сұхбатга сукилди Фозилжон, – сиз айтмаёқ билиб, таниб бўлганмиз. Қайтиб борсак, яна сувни очиб, биқиниб ўтиришган экан.

– Шунақами? Мен айтгач, ушлашди деб ўйлаппан. Барибир, ёмон бўлди.

Мунаввар ўйланиб қолди. Унинг бу қадар оққўнгиллигини хаёлигаям келтирмаган Фозилжон Топилдихонга ҳавас билан, меҳр тўла кўзларини тикканича ўй сурарди: «Мунча кўнгли тоза бўлмаса?»

– Нима килсан иккови қамалмай қолишаркин?!

Топилдихон ўз ташвиши билан банд, гўё қаршисида турган ғамхўрларини унутгандек.

Ғалаба байрами куни клуб олдига тумонат одам йигилди. Бинонинг чап биқинига, цемент панога ганчдан қурол ушлаган аскар киёфасини туширишди. Остига эса шу колхоз территориясидан урушга кетиб, номнишонсиз, бедарак йўколганларнинг исми-шарифлари зарҳал ҳарфларда ёзилди. Ёдгорликни кўрган кексалар кўл очиб, кўзларида ёш билан дуо килдилар. Айримлари якинларининг номини кўлларида силаб, кўзларига суртдилар. Баъзилар эса йўқотган жигар-бандини топгандай кувондилар.

– Ҳозирги ёшлар хўпам ақлли чиқиб қолди-да, – Шамсиддин ота Ҳамроқул отага панони кўрсатиб деди, – улар ҳар борада ёлчиған.

– Ҳукумат уларни хидсиз чирок, сакич ёпиширилган кўчаларда покиза килиб тарбияляпти-да, томларидан чакки ўтмаса...

– Умрини берсин! Икболларнга уруш бўлмасин! – алқади оталар.

Шу пайт гуриллаб чалинган қарсаклар овози иккисининг нигоҳини ҳозиргина очилган пано ёнида ўтирган райком ўринбосари, раис, партком, комсорг ва клуб мудираси томон қаратди. Доклад қилган Мунавварнинг ҳаяжондан кизарган юзларига, сумбатини сўлим кўрсатган кора атлас кўйлагига сүқ билан караган кўзлар нигоҳида жим ўтиради. Охирида гапирган Муроджон барчани лол колдириди.

– Бу дейман, Ғуломжонни етаклайдиган ўғил бўптими, зангар, – ўзича суйган бўлди Ҳамроқул ота.

– Ғуломжон андишли, – Шамсиддин ота изоҳ берди, – етти ўлчаб бир кесади.

– Ҳм-м, ота ўғил денг?

– Ошиб қаергаям борарди...

Байрам муносабати билан Фозилжон чойхонада, отаҳонлар даврасида бўлди. Сухбат факат уруш, уруш туфай-

ли яраланган қалблар, ўқ теккан юраклар ҳакида бўлди. Кўпроқ Уста Фанининг хотиралари барчанинг диккатини ўзига тортди.

## 59

Икки ҳафта ўтгач, дам олиш куни клубда Аҳмадилло ва Ботирнинг очик суди бўлди. Ҳар иккиси ўч олиш истагида қилган иши оқибатида қора курсига ўтириди. Кўзлари жавдираган икки ёш нигоҳларини клуб тўла нафрат, ачиниш ва хайриҳоҳлик билан бокиб турган кўзларга тикдилар, бардош беролмай ерга бокдилар. Ичкаридан суд ҳайъати аъзолари чиқиб, мажлис бошлиши. Якунида даъво қилмасада, давлат кўзи билан даъвогар саналмиш Топилдихоннинг афвномасини ҳисобга олиб, муқаддам судланмаганлигини инобатга олган ҳолда енгил жазо, яъни шартли жазо белгилаш билан тугади. Ҳар ҳолда қамалмади дея Топилдихоннинг боши осмонга етди.

## 60

Ёз бўлишига қарамай, ҳаво анча пастлаб кетди. Бўзариб, қовоқ очмай қўйди. Шундай кезларда Фозилжоннинг ҳам кўнглига чирок ёкса ёришмас эди. Чунки сув босган Қодирча ерини шудгорлаб, қайта экиш масаласи уни хавотирга солар ҳамда ернинг кўп жойлари касал бўлгани учун бошқа қарталардаги гўзаларга етиб олармикин деган ҳадик ҳам чарчатаёзган эди. Сўлиб-сарғайиб бўлгандир, қанчаси тириг-у, қанчаси ўлгандир, каби қўрқинчли хаёллар билан Қодирча ота картасига етиб борганини ҳам сезмай қолди.

– Воажаб! – кўзларига ишонмасди у, – ҳафталаб сув ичиди ётиб-да, қаддини букмабди! Титраниб турган бемажол таналари эсаётган шамолга яна бағрини очаётир! Бу миттигина нийхонлар шунча кудратни қаердан олдийкин-а!? Ё кудратингдан!

Севинганидан юраги тарс ёрилай деб, идора томон ошиқди. Мунаввар бор тафсилотни эшитгач, ўз кўзи билан кўришга қанот боғлаб учди. Аста эгат оралаб юраркан:

– Шу ерни ўйлайвериб, на уйқумда, на кунимда ҳаловат бўлди, – деди кувониб, – буям бир омад! Ҳа, Худойимнинг бизга кўрсатган каромати! Чексиз ҳадяси, Фозилжон!

Улар тажрибали дехконлар ёрдамига таяниб, пайкалдаги гўзаларни ниҳоятда эҳтиётлик билан қатқалоқдан чиқариш йўлини маслаҳатлашишди. Маслаҳат ёнига яна маслаҳат қўшилди, яъни ҳар бир туп ниҳол остига бир сиким чириган гўнг ташлаб кетиш.

Иккови пайкал четига чиқиб карашаркан:

– Худди ер юзига сепкил тошганга ўхшаб қолибди, – Мунаввар кулди, – қаранг-да!

– Ҳа, жимитгина таналар нукта-нукта холга ҳам ўхшаб кетаркан. Умумлашганда эса сепкилни эслатаркан.

## 61

Бу бекарор дунёнинг бағрида эрталабдан ҳаво айниган кунлари Фозилжоннинг ҳам кўнгли зимзиё тунга айланар, дили хира тортиб, нима ишга қўл уришини билмай коларди. Бу кун ҳам осмон худди паға-паға булутлардан тўн кийганга ўхшар, ора-сира шамол туртиб ўтган қати орасидан мовий осмонга туйнук очилгандай кўринар, у ердан эса қуёш тарам-тарам зар кокилларини силкиб турганга ўхшарди ва яна лаҳза ўтгач, осмон қулранг либос кийиб, ҳўмрайиб оларди. Фозилжон бу каби ҳолатларга кўп дуч келгани учун писанд килмай, дала қўйнига шўнғир, жажжи ниҳолларнинг эсаётган шабадага бағрини очиб эркаланишларини кузатар, уларнинг соғлом ва бақувват ўсиши учун қўлидан келганича имкон яратиш мақсадида ярим, балки ундан ортикроқ ер қатламини ковлаб кўрар, носоғлом жойларга белги қўйиб кетарди. Бошқа пайкалларни ҳам шу аснода кўриб бўлгач, уйга қайтар, кўрган-билғанларини дафтарига ёзib қўяр, сўнг ер касалини ва нималарга муҳтоҷлигини

аниклаб, чора кўллашни бошларди. Кўпинча, агар ерни соғломлаштиrolмасам қобилиятимнинг нима кераги бор, дея қайсарлиги тутар, мана шу феъли уни кўпроқ манзилга, кўзлаган мақсади сари яқинлаштираётганини сезмасди ҳам. Ҳа, у кўп ўринларда мозор каби сукут саклашни биларди. Унинг нимага ва қай орзу сари интилаётганини Мунаввардан бошқа ҳеч ким билмасди. Уста Ғани сезарди-ю, аммо ҳар бир ишга бурун сукишни ёқтиргмагани боис ҳаддида турарди. Шу важдан тунов кунги, чойхона томон бораётгандарида Тешабойнинг «Жуда кам чиқасиз, бу дейман яна биронта иш киляпсизми?» деган сўровига чарчаётганини баҳона килиб кўя қолганди. Фозилжон эрталаб ва ҳар оқшом ота билан овқатланар, Мукар хола эса уларнинг сұхбатига ҳалақит бермай, ўзининг икир-чикир юмушлари билан банд бўларди.

– Ота, сиздан бир нарса сўрасам? – оқшомги дастурхон устида Уста Ғанига юзланди Фозилжон, – шунча йиллик иш тажрибангизда бирон марта майсаларнинг ер бағридан униб чикаётганини кўрганмисиз?

Уста Ғани ялат этиб қаради: «Ҳм-м, кузатувчан, зсҳнли, олим бўладиган сиёки бор. Негаки, шу ёшимгача ҳеч ким менга бу каби савол билан юзланмаган... Бу бола албатта олим бўлади. Қани, бир синаб кўрай-чи?»

– Ўзингиз-чи?

– Йўқ. Кўролмаяппан. Бир неча бор пойладим, аммо кўролмадим. Ҳатто бир куни қасдлашиб, чигит экилган бир уяга кўз тикканча соатлаб, кунлаб кутиб ўтирдим. Лекин гафлат уйкуси олдими, билмайман, кўзим озгина илинганида жимитгина ниҳолчанинг униб бўлганининг шоҳиди бўлдим.

– Бу оддий-ку, – жилмайди ота, – ахир ҳомиладор аёл боласини ҳамманинг кўзи олдида эмас, факат доянинг, асосийси Оллоҳ, сўнг ёрдамчиси кўмагида дунёга келтиради-ку.

– Демокчисизки...

– Ҳа, ер ҳам Оллоҳнинг, яъни унинг дояси табиат ёрдамида ўсимлик деб аталмиш фарзандларини тугади. Бу табиий, шун-чун кўролмайсиз.

У кўзларини пирпиратиб, отанинг беҳисоб ажин босган юзига узоқ тикилиб колди: «Қаердан олади шунча мушоҳадаларни, – ўйга толди, – ҳам дунёвий, ҳам диний илмни пухта билгани кўл келса керак-да. Шу оддий нарсага ҳам аклим етмади, катта акл ва заковат билан кашф қилинадиган оламшумул янгилик яратишга кучим етармикин?»

Шу вакт ҳовлига Мунавварнинг шофёри Абдулҳамид кириб келди:

– Опа билан сизни рајком чакиртирибди, – деди ота билан кўш кўллаб кўришиб саломлашаркан, – тез етиб борар-кансизлар. Опа машинада ўтирибди...

Райком секретари уларга роса дакки берди. Навбатдаги бюорода давлат мулкини одамларга хусусийлаштириб бериш тўғрисида чиқарган қарорлари билан кўшиб, кўшмозор килишини айтди. Ҳарчанд улар хусусийлаштирилмаганини, ишловда сифат ошиши учун шу усулни кўллаганликларини тушуниришга уринишмасин, том битган қулок эшишини ҳам хоҳламади, инобатга олмади.

– Тўйгунча дакки едирди-я, – йиғламоқдан бери бўлди қайтаётгандарига Мунаввар.

- Ҳм-м, паймонаси тўлганга ўхшайди...
- Паймонасиям курсин, ўзиям...

Фозилжон Маъсума кўтариб кирган бир даста қоғозларга имзо чекиш билан овора Мунавварга бир караб кўйиб, ташқарига, залга чиқди. Юраги сиқилиб, бош бўғолтир хонасига кирди. Тўмток бармоқлари билан чўт қокаётган Абдуғофур ота уни кўриб, ўрнидан кўзғалди. Омонлашишгач, об-ҳаводан, дехконлар хаётидан гаплашдилар. Ота олдидаги рўйхатга кўз югуртиаркан:

– Ўтган йили кишда жами икки юзга яқин хонадондан кўмир учун ариза тушган экан. Шуни местком раиси иккимиз кечга ўрта хисобда канча кўмир кетишини аниқладик.

- Бу йил ариза тушмабдими?
- Бундан хабарим йўқ.
- Тахминан беш юзга яқин хонадонни мўлжал қилсак яхши бўлармикин?

- Тўғри айтдингиз. Керакли тошнинг оғири йўқ.
- Чарчатиб кўймаяпмизми?
- Кексайганингда давлат билиб пенсага чиқараркан, – ота носковоғидан кафтига бир чимдим нос тўқди, – хисоб ишларидағи баъзи чалкашликларни тўғрилаб бериб, ишни бас килмасам бўлмайди. Чарчаганимдан донг қотиб қоляппан. Буни раисимиз тушунади деган умиддаман, – танглайига отди носни.

Шу пайт шамолдай кириб келган Мунаввар:

- Файзуллада бу йилги айрим хонадонлар кўмирини таксим қилганимиз ҳакида рўйхат бор, – деди туйқусдан, ҳозиргина шу ҳақда гап бўлганидан хабардордай, – шуни бекор киласман. Қарзи борларга тегишли кўмирдан киркмайсизлар. Курт учун тарқатиладиган кўмирдан колхоз активлари уриб қолишаркан ва шу йўл билан қишилигини бепул ғамларканлар.

- У ҳолда киркилган кўмирлар ҳисобини...
- Уларга колхознинг ёрдами бўлақолсин.
- Акт тузиб, правление йигилишида огоҳлантириш бериш керакмикин? – истиҳола билан деди ота.
- Ха, акт бор. Турсуной камида юзта қурт бокувчи аёлларга кўмир олмаганлиги тўғрисида рўйхат тузиб, кўл кўйдириб олган. Етарли факт бўлса керак?

Фозилжон уйга тун ярмида қайтди. У хомуш, бир-бир босиб борар, юраги нотинч урса-да, вужудини тотли ҳаяжон қоплаган эди. Бу руҳий ҳолат унга кўтаринки кайфият бахш этди. Райком секретарининг йўқловидан хижолат чекиб ўтирган Уста Ғанига тинчлик эканини ва ҳозиргина бўлиб ўтган кўмир воқеасини сўзлаб берди.

- Ха, колхоз соғин сигирдай гап, – деди ота ўйчан, – сиз бунга кўunikасиз. Баъзиларнинг алоҳида кўй, мол подалари, уларга қарайдиган шахсий чўпонлари борлигини билмайсиз ҳали... Охир-оқибат ўзлари, яъни юқори тузган колхозни ўзлари еб битирдилар.

- Наҳотки?

– Ҳа, караб туринг! Қани, бу ҳақда оғиз очиб кўрингчи? Кесирдагингизни суғуриб олишади. Қаерга борасиз, дод деб?!

Фозилжон индамай отанинг гапларига қулоқ тутди. Яна бошқа кирдикорлар ҳакида ҳам сўзлаб бўлгач:

– Мана, – деди Фозилжонга юзланиб, – нима учун партиядан ҳайдалганимни юқорига баён этмаганимнинг сабаби, ёзганинг билан фойдасиз. Келиб-келиб шулар билан партияни талашаманми?

Фозилжон, нима деяпсиз, ҳакиқат барибир юзага чиқади, дея эътиroz билдиrmоқчи бўлди-ю, ҳозир бу гапларнинг ўрни эмаслигини сезиб, индамай кўя колди.

## 62

Бу меҳрли дунёнинг савобу гунохлари ўлчоғлик. Мұхаббату нафрати, шодлигу алами, меҳнату роҳати ҳам ўлчоғлик. Баҳорга кўз тиккан майсаларнинг умри ҳам ўлчоғлик. Ичкарию ташқарида ҳаётнинг бирдай оқиб кетиши ҳам ўлчоғлик... Ушбулар каби ҳар бир инсон ҳам мана шу ўлчовларни бошидан кечиради. Шулар қатори бизнинг Фозилжон ҳам ҳозир меҳнату заҳмат кучоғида...

Навбатдаги кунда у ғўзалар тиззага урганда Мунаввар билан дала айланди. Шифил-шифил шоналарни кўриб, кувончлари дарёдай тошди.

– Бу йил албатта план тўлади, – деди Мунаввар ички хаяжонини яширолмай, – юзимиз ёруғ бўлади.

– Ҳа, ҳар биримиз ерга ўз меҳримизни бериб ишлаганимиз боис, у ўзини окляяпти.

– Лекин, – у бирданнiga маъюс тортиб қолди, – ҳар кимният ўзига яраша орзу умиди бўлганидек, мениям киши билмас бир мақсадим бор, Фозилжон.

– Хўш, хўш, эшитайлик-чи?

– Мен ҳақиқий, ҳалол-пок «герой» бўлишни орзу килярдим.

Фозилжон Мунавварнинг кўз ости қовоқлари салкиганини, юзлари сўлғин тусга кирганини кўриб, герой бўлиш

касалига йўликибди, деб ўйлади. У аёлнинг ички дунёсини бутаб кўйилган, тартибли боққа ўхшатарди. Аммо ҳеч қачон ўша боғнинг бўронлар таъсирида ковжирашини, гарм-сeldan сарғайишини хаёлига ҳам келтирмасди. Кўчалар чукурчалардан, ҳаёт эса қайғудан холи эмаслигини тасаввур ҳам килмасди. Юкори ҳосил, эл фаровонлиги учунгина эмас, балки ўзининг юксак обрўсини жимитгина темирда кўриб, унинг учун ҳам курашаётган Мунавварнинг ниятини, дарду аламини ўз оғзидан эшитган Фозилжон ғалати алпозга тушди. У кархисида борган сари эгилиб бораётган раисани кўрди. Шунинг учун райком секретари унинг бошидан ювинди тўкса ҳам бардош беришининг бошқа сабабиям борлигини англаб етди:

– Наҳоткӣ унвонсиз яшаб бўлмаса?!

Мунаввар чаён чакқандай сесканиб кетди:

– Нима-а?!

– Мунаввар, сиз билан аслингизга қайтганда гаплашаман. Унгача хайр!

Унинг кўлларидан, сўзларидан таскин олишни истаган Мунаввар аксини кўриб, гўё дунё бошига йиқилгандек ларзага тушди, мисоли бир замбил лой бўлиб қолди.

## 63

Мунавварнинг юраги хасталаниб Кўккўприкдаги қасалхонага ётди. Бу гапни Сарвиноздан эшитган Фозилжон унинг олдида ўзини айблай бошлади. Энди юзига қандай карайман, деган андишада минг истиҳола исканжасида кечки пайт кўргани қасалхонага борди. Унинг ҳеч нарса бўлмагандек, гўё орадан ҳеч гап ўтмагандек қувонч билан кутиб олиши Фозилжонга таъсир қилди.

– Ўша куни сизни тушунмадим, Мунаввар. Мени кечиринг?

– Нега?

– Сохта унвон деган сўз онгимга шу қадар ўрнашиб, илдиз отибдики, натижада ҳақиқий номдорларга ҳам шубҳа

билин қарайдиган бўлиб колибман. Ҳақиқий унвондорлар йўқми? Бор! Балки фақат бизда, бизнинг районда шунаقا бўлаётгандир.

– Вой дўстим-эй, – Мунаввар Фозилжоннинг изтироб тўла кўзларига тикилди, – нима гап бўлди, нима дедингиз, бари эсимдан чиқиб кетди. Чарчабман шекилли...

– Ўлганнинг устига теіған қилдим.

– Йўқ, қайтанга кўзимни очдингиз! Раҳмат!

– Тўғрисини гапириб ўрганиб қолибман.

– Дўстнинг дўстлиги ҳам шу-да. Лекин дўстим, ҳақиқатни билиш ва эшитиш учун каттакон юрак, ҳа, катта қалб керак экан. Сизнинг даккингиздан кейин кўп ўйландим. Унвонга интилиш, гапнинг пўскалласини айтганда, шуҳратга интилиш азоби ичимдан чиритиб бораётган экан. Аслида шу камтарин, меҳнаткаш халқимизнинг қадок қўллари билан яратилган оқ олтиннинг ўзи менинг шуҳратим экан. Буни тушунишга ёрдам берганингиз учун сиздан бир умр миннатдорман.

Фозилжон бирданига ўзини илик сувда чўмилиб яйраган күшдай енгил сезди. Аммо унинг кўзларидаги мунгни, қайгунинг изларини кўриб хавотирланди:

– Безовтасиз?

– Бундоқ ўйлаб қарасам, йўлинг адогида сени кутиб тургувчи тинч манзил бор экан.

– Тушунмадим?

– Яхшиям, – ҳорғин кулди Мунаввар, – қабристоннинг борлиги, агар у бўлмас...

– Нималар деяпсиз, ахир...

– Ах, Фозилжон-а, кунимдан гўрим яқинга ўхшайди.

Шошганда лаббай топилмас деганларидек, Фозилжоннинг ҳам тилига мундоқ кўнгил кўтаргувчи сўзлар илинmas, далда бергувчи гап топилмас эди.

– Н-нега, ахир, ҳеч ким оғримаптими? – топган гапи шу бўлди.

– Яхшиям дунёning фонийлигини ёдингга солиб тургувчи қабристон бор, – киприк қоқса кўз ёшлари тўкилгудай эди Мунавварнинг.

- Бундок тушунтирсангиз-чи, нима бўляпти?
- Яхшиям сиз борсиз, Фозилжон!

У бошка гапирмади. Энди ўзини анча ўнглаб олган Фозилжон бисотидаги бор илиқ сўзлар билан далда бериб қайтганда, кишлок узра оқшом чўккан эди: «Нега бунча ўзгариш: ё бу сафар юраги қаттиқ оғридими? – бу саволлар миясида уйига етиб келгунча чарх урди, – кўполлигим курсин! Ўзим билмаган ҳолда қаттиқ ранжитиб кўйдим шекилли? Менга суюниб колганини унуддим! Кўнглига озор бердим! Ҳа, у мендан қаттиқ ранжиган!»

## 64

Эртасигаёқ яна Мунавварнинг ҳолидан хабар олгани борди. Бу гал узоқ гаплашиб ўтириди. Чунки у анча тетиклашиб, кўтаринки кайфиятда эди. Талабалик йилларини хотирлашди, иш бошлаган дамларидағи баъзи унутилмас воқеаларни... Хуллас, Фозилжоннинг кўнгли ўрнига тушиб, кўчага чикканида машиналар қатновни бас қилган эди. У осмонда юлдузлар бодроғи сочилганда пиёда қишлокқа кириб келди. Кечки салқин дилга ўзгача хузур бахш этар, бу роҳат оғушида Фозилжон бахтли келажак режасини тузиб бораарди. Магазин олдига келганида коровул ит занжирини шилдиратиб, эринибгина хурди ва унинг мактаб ёни билан клуб томон йўрғалаганини кўриб, ириллади, сўнг тинчиди. У бинога яқинлашди, чунки ичкарида ҳар замон-ҳар замонда кучли қийкириқ эштилар, лаҳзада яна сув қуйгандай жимжит бўлиб қоларди. Аста юриб келиб клуб саҳнига яқин эшик тирқишидан ичкари мўралади. Саҳнада Сарвиноз ва Муроджонлар, яна беш-олтита муаллимлар ярим ёй шаклида ўтиришар, доира шаклидаги давра ўртасига стол кўйилган бўлиб, устига қип-қизил духоба ёпилган, нақ думалатса тарвуздан фарқи йўқ, хўппа семиз бир йигит турли хил фокуслар кўрсатарди. Йигит номерини адо этди шекилли, унинг ўрнини бир четда ўтирган кулча юзлиси эгаллади. Залга коп-кора кўзларини тикиб, стол устига кафтла-

ри орасидан бир нарсани олиб қўйиб юборди. Бу пайт зал хира коронғулашди, стол устидаги ҳалиги нарсанинг заиф нур тарататётгани, аста-аста ўрмалаб кетаётгани кўзга ташланди. Ҳалитдан бери хуштакбозликни авжига миндирган бўйдоклар, болаларнинг йигиси, аёлларнинг «Вой ўлай, бу нимаси?» каби сўзлари ўрнини «Ё тавба, бу нима?» «Кўзбойлағичми?» «Ахир бу ёнар курт-ку» деган шивиршивири босиб кетди. Зал ёришиб, стол устидаги ўзгача ёруғлик ҳам ўчди.

Фозилжон ўтирганларга кўз ташлади. Назарида бутун колхоз кўчиб келгандай.

– Навбат колхозимизнинг агрономи Фозилжон Фофуров сценарийси асосида тайёрланган кўрсатувимизга, иштирок этадилар...

Сарвинознинг залда ўтирганларни ўзига маҳлиё қилган кўнғироқдай овозига масти, ҳам чўчиб, ҳам мамнун ҳолда клубга қарай-қарай зиналардан пастга тушаркан, салобатли ва накшинкор бино каршисида бир зум тўхтади. «Мўъжизасиз-мўъжизалар» ёзувли эълонни ўкиб, кулимсираб қўйди ва ўзида йўқ хурсанд бўлди. Бир томондан иши юришиб кетганидан мамнун бўлса, иккинчи томондан Сарвинознинг унга покиза муносабати ва меҳрибончилигидан дилида олам-олам севинч барк уради. Баъзида эса қиз билан гаплашганда, бирор мавзу ҳақида баҳслашиб қолганда тиник туйғулари жўш урап, қиз шу қадар яқин, самимий муносабатда бўларди, баъзи тортишувлари бироз терсланишгача боргандга ҳам на қизда, на ўзида гина-кудурат сезарди. Одатда бокира юрак билан севишганлар шундай бўладилар. Шу боис Фозилжон энди бу қишлоқсиз, бу колхозсиз ҳаёт кечира олмаслигини дилидан сезар, сезиб-да: «Севинчларга кучок очиб келар кунлар ҳам бор экан-а?» дея хурсанд бўларди. Қишлоқнинг эгри-буғри кўчалари, кўрғонларнинг пастаккина деворлари, ундан кўча томонга эгилиб тушган тут, олма, беҳи, гилос ва ўрик шохлари, четларида ялпиз, момақаймоқ ва отқулоқ, ёввойи бедаларнинг ҳидларини киши димогига урадиган анҳорлари, кўкўпар

тераклари, толлари, ортидан енгилгина чанг кўтариб югурадиган ялангоёқ болалари, хуллас, ҳамма-ҳаммасини яхши кўриб қолди. Айниқса, бошига чолининг яктағи ё неварасининг тўнчасини кийшиқ ёпиниб, бегона кўзлардан астойдил ўзларини олиб қочадиган кампирларнинг одати Фозилжонга нашъа қилар, бундан завқ оларди. Бўйга етган кизларнинг ўзгача навозиш ва ибо билан йўл четида юришлари, оркаси тўла қирқ кокилларининг тўлғанишлари унинг қалбиди илиқ хиссият ўйғотар, юрагида кайси дир чечакка мойиллик сезган йигитларнинг пўрим бўлиб, манаман дея кўча ўртасида гердайиб ўтишларини кўриб, шаҳарнинг тиқин кўчаларида ўтган ёшлигини эслаб кетарди. Гоҳида унга зўр бир дард азоб берарди. Севмаса-да, Назмия билан гўё севишганлардай ўтган онларини эсларди. Ишққа ўхшаб кўринган ҳавас оғушида энтиқканларини ўйласа, ғижиниб кўярди.

Мана, у хотиралар кучогидан бўшади. Ҳозиргина қишлоқнинг жим ва осойишта тунги киёфасига сукланиб қааркан, ичида: «Жаннатга алишгусиз макон» деб қўйди.

## 65

Ғўзага ишлов беришнинг энг нозик тури чеканка бошланди. Фозилжон ҳар галгидай бу ишда ҳам ўзи бошкош бўлди. Чеканка ҳар йилгидай бир «урра» билан биринки ҳафтада тугамади. Аксинча, фахрий бригадирлар маслаҳати билан август ойи ичи тўла нозик ишлов билан машғул бўлдилар. Шундай кунларда Фозилжонда кучли бир иштиёқ туғилди. Турли текширишлар, кўсак қурти ва ҳашаротларга ҳам қарши чора-тадбирлар кўллаб борди. Унда иштиёқ туғдирган нарса оддийгина кузатишлар асосида олиб борган тажриба, тажрибалар асосида туғилган янги фикрларгина эмас, балки Қодирча ота еридаги ғўзаларнинг баравжлиги, ҳеч қандай вилтнинг ўқклиги ва Ботир билан Аҳмадиллонинг тажовузкорлиги туфайли ҳафталаб сув ичида ётса-да, нимжонлашган ниҳолларнинг ривожланиб кети-

шига умид бор-йўклиги ўртасида ишлов бериш окибатида умумий ғўзалар ривожидан фарқланмаслиги эди.

Мунаввар чеканка тугаши арафасида касалхонадан чиқди. Фозилжон у билан дилида туғилган иштиёқни, Тошкентга бориб келишини маслаҳатлашиш максадида ишдан кейин уйига борди. У болалари Рустамжон ва Ўқтамжон, келини Тўхтахон, бригадир Одашхонлар билан кизик бир мавзу устида тортишиб, шод-хандон ўтиради. Фозилжон кўнглидан ўтганларини сўзлади. Мунаввар ҳеч иккиланмай руҳсат берди. Иккиси колгач:

– Ишингиз пишиб етилди ҷоғи, хурсандман. Профессорнинг олдига борасизми? – сўради.

– Мен профессор билан ёшлик қилиб, хайрлашмай жўнаб колганман.

– Бе, катта одамлар гина қилмайдилар, агар гина килса катталиги қаерда қолади?!

– Бир кун туз ичган жойга кирк кун салом бермоқ фарз дейдилар. Мен эса унутиб юбордим.

– Йўқ, аксинча, дўстим! Сиз профессорга нафакат куюқ салом, балки хурсанд киладиган янгиликлар билан кетяпсиз. Билсангиз бу катта аҳамиятга эга...

Бу борада Мунаввар янглишмаган эди. Профессор Фозилжонни очиқ чехра билан, мамнуният билан оталарча бағрига босиб, қарши олди:

– Мана, – деди ўша хиёл шошқалоклиги билан Фозилжоннинг икки елкасидан ушлаган ҳолда, – ҳақиқий дехкон бўлибсиз, ўғлим.

Унга профессор бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Йигитнинг оддий кийинишлари, содда муомалалари унда кизикиш уйғотди. Ҳа, профессорнинг назарида хонасидаги анави тувакдаги ноёб гулнинг шеригини кимдир далага экиб келган-у, энди қаршисида ҳиди, ифори ўзгача киёфасини кўриб тургандай. Дераза ойнасидан ичкари мўралаган қуёш нурлари иккисининг шод-хуррам чехрасида жилваланиб ўйнар, дилдан сўзлашишига кўмак берарди.

– Кучга тўлибсиз, қорайбсиз, энг муҳими, дадил бокадиган бўп қолибсиз. Ўғри одамдай кўзингизни олиб қочишлар йўқ. Қаранг, сизни қишлоқнинг оддий муҳити қандай тарбиялабди. Қаршингда шогирдинг дадил бокдими, демак, ундан умид қиласкер. Ўзига ишонган, ҳалол-пок одам дадил бока олади, ўғлим.

Фозилжон колхоз ҳаётини, унинг тенги йўқ, ажойиб одамларини, тонгдай бокира, дарёдай уйғоқ меҳнаткаш халқининг содда ва беғуборлигини, гоҳ осуда, гоҳ тўлкинланиб, тўлиб-тошиб сўзлади. Уста тўкувчиларнинг мөҳирлик билан пишиқ қалавалари орасидан хомроғини ҳам ўтказиб юборганидек, Фозилжон ҳам ора-сира айрим нарибери гапларни йўлида сўзлаб, сухбат орасига қистириб кетарди. Гал жиноятга келганда:

– Ҳай-ҳай-ҳа-ай! – ўрнидан туриб кетди профессор, – сизларни доғда қолдириш ўрнига катта ёрдам беришипти-ку, а? Ахир вилът теккан пайкалларга ҳеч бир чоратадбир таъсир ўтказолмаса, ювиш керак эди. Ёдингиздан кўтарилибди, Фозилжон. Буни шу ерда тажриба қилиб кўрувдик шекилли?

– Ҳа, – кўзлари оловли учқун сочди унинг, – энди ёдимга келди, ювиш керак эди.

– Ўша долзарб пайтда ерни ювиб, қайта экишга қайси раҳбар руҳсат берарди?!

– Лекин...

– Ҳа, мана гап қаерда. Сизлар омон қолган, аммо сўлиш арафасида турган ниҳолларга жуда ўринли ишлов берган-сизлар. Қатқалокни юмшатибок ҳар бирининг остига бир сикимдан гўнг солиш билан уларга куч-куват ато этгансизлар. Муҳими, ғўза илдизига бегона, касали бор қатламни ювиб кетган сувдан, анҳор тўла сувнинг ўзанини пайкалга буриб юборган Аҳмадилло..., яна ким?

– Ботир...

– Ўша Ботиржонлардан мамнун бўлишларингиз керак, ўғлим. Менга қолса, уларни бу иши учун мукофотлаган бўлардим.

- Лекин улар одам ўлдириб кўйишларига сал қолди.
- У холда конун ихтиёрга топширмок керак.

Фозилжон кишлоқ оқсоколларининг талаби билан клубда оддийгина маҳаллий суд бўлганини, сўнг енгил жазо бериш билан чекланганликларини сўзлаб берди.

– Гапларингиздан кўриниб турибдики, сиз яшаб, ишлаётган кишлоқ ахли ниҳоятда бағри кенг инсонлар экан. Буям бир омад, Фозилжон.

- Ажаб, баъзилар васвасага ҳам солди.

– Тушунаман. Одамларнинг феъли шунақа, бир иш бошладингми, ниҳоясига етказгунингча шошилишади, оғзига келганини гапираверадилар. Сал бўш келсанг ваҳима дарёсида ғарқ қилишдан ҳам тоймайдилар. Бунака пайтда бекорчи гапларни эшитмаслик учун қулоққа пахта тиқиб олиб, ўз билганингизни қилаверасиз! Йўкса ютқазасиз.

У дам профессорни кучоқлаб ўпгиси келар, дам зил кетиб уялиб ўтиради. Шундай дилкаш, шундай оққўнги одам ҳакида нималар демади-я. Қандай ноқусур гаплар килмади-я... У меҳри ийиб, устозига самимият билан боқаркан:

– Устоз, – деди ёш боладай уялинкираб, – мени кечиринг?!

Профессор бир зум ўнғайсиз ҳолга тушди, сўнг кулиб юборди:

– Ҳалиям гўдак экансиз. Ҳаётда бунака воқеалар бўлиб туради. Ҳаётингиз бир текисда кетса сиз шунча ғалабани кўлга киритармидингиз?

– Устоз, – Фозилжон худди елкасидан тоғ ағдарилгандай сезди ўзини, – тажрибани бепоён далаларнинг ўзида ўтказган маъқул экан. Касалга узоқдан эмас, ёнида туриб дори-дармон қилиш фойдали экан.

– Баракалла, мана бу бошқа гап. Аниқ ва реал шароитда тажриба ўтказиш муҳим аҳамиятга эга, бунинг қадрига етиш керак. Дехқонларга керакли доктор бўлмоқ лозим. Шунинг учун мана шу тажриба асосида иш олиб

бориш кераклигини амалда исботлаш истагида сизни танлаганман. Биринчи бор барчага намуна бўлишга сизнинг кудратингиз етишига ишончим комил эди, ўғлим. Мен хам бир вактлар Фаргона воҳасидаги чўл ерларига яратган янги навимизни мослаштиргунча озмунча азият чекмаганман! Мослашавермагач, бошқа янги нав устида бош қотирганман.

Фозилжон профессорга кузатувлар асосида туғилган фикр ва мулоҳазалари қайд килинган, турли белги ва рақамларга тўлган иш дафтарини берди.

— Ўҳ-хўй, биологик қарта-ку бу? — қизиқиб қолди профессор, — менимча, колхоз ерларининг қартаси?!

— Ҳа, мана булар, — кора нуктали белгиларни кўрсатиб деди, — тутқаторлар, ёнидаги узлуксиз чизиклар зовурлар, мана бу плюс шаклидагиси ҳосилдор, тупрок таркиби тўйимли, озуқага бой ерлар, мана бу минус белгиси кўйилган ерлар эса касалликка чалинган бўлаклар, манавиниси турли хилдаги ишловга талабгор қисмлари, мана булар...

— Булари камҳосил ерлар, — профессор энди «Алифбе»ни ўрганаётган болакайга ўхшаб, белгилар устида бош қотириб, ўзи топа бошлади.

Аста-аста топиб, сўнг астойдил қизиқиб қолди. Аввал Фозилжондан яна айрим белгиларни сўраб турди, кейин қизиқарли китоб сюjetига шўнғиб кетган китобхондай, бош кўтармай кўйди:

— Мана бу ишингизнинг ўзи бир диссертация, — деди мамнун ҳолда жилмайиб, — фанга яна битта ўлмас янгилик кирибди десак муболаға қилмаймиз. Ҳар бир агроном кўлида, демак, мана бундай иш дафтари бўлмоғи шарт. Бу билан ўз-ўзидан жавобгар шахсга айланади-колади. Колхоз иши билан қизиқсан комиссиями ё тажриба алмашгани келганларми агроном кўлидаги бундай дафтардан фойдаланиб, ўзи қизиқсан соҳага тегишли пайкалларни бориб кўриб олаверади. Аксинча, айрим колхоз раҳбарлари факат яхши

хосилли карталарни кўрсатади. Асли тажриба алмашишдан максад нима? Тушундингизми?

Саримсоқов шу қадар берилиб, маънили гаплар гапирадики, гўё сўзлари дарё, дарё тубида эса дуру гавҳарлар тўла эди.

– Кимни алдашади, бироними? – яна гапида давом этди, лаҳза ўтгач профессор. – Йўқ, ўзларини... Бу билан ўз-ўзидан касбига лаёкатсизлар четга чикаверади. Ҳеч қандай комиссиясиз, ҳеч қандай аттестациясиз, ҳеч қандай кийинчиликсиз ислоҳнинг ўзи бу! Раҳмат, ўғлим! Ҳа, яна бир ачинарли жойи шуки, ўғлим, олимлар томонидан яратилган айрим янгиликлар фаннинг катида тахланиб қолиб кетмоқда. Сабаби, тили халқ тилига яқин эмаслиги. Сиз ёзилажак диссертациянгизнинг тилига ҳам янгилик киритсангиз, яъни содда ва дехконча услугуб яратсангиз?!

Унинг ёдига лоп этиб Мунавварнинг бу борада алоҳида таъкидлаб айтган гаплари келди: «Шундай сўзлар топиб ёзингки, кириш кисмининг тенг ярми шу соҳа бўйича четтилидан қабул қилинган сўзларнинг луғавий маъносини изоҳлаш билан кифояланмасин. Ўзимизнинг она тилимизда аник ва лўнда қилиб ифодаланг. Ҳа, ўкувчи ўқиганда осонгина тушунадиган бўлсин!»

«Ё тавба! Айнан Мунавварнинг фикрини тақрорлайяпти, шунақаям ўхашлик бўладими? Ҳм-м, Мунаввар демак, бу лаҳзаларни бошидан ўтказган, ўқиб тушуммаган. Ҳа, ким табиб, бошидан кечирган табиб, деб шуни айтсалар керак-да...»

Профессор бироз сукут ичра толди, сўнг:

– Кўряпсизми? – деди, – ҳазрати Беруний мавхум китъани кашф этган. Нега энди биз, унинг шогирдлари тафаккуримиз кучи ила замин мушкулотларини ечолмас эканмиз?! Ахир биз ўтган улуғ аждодлар, авлиёю анбиёлар, буюк олимлар, дехконлар авлодимиз. Демак, кашф этиш конимизда бор.

Фозилжон устозининг шодон чехрасига бир зумда нимадир соя солганини фаҳмлади.

— Ўғлим, ҳали сизнинг бу ғалабангиз душманларни қарахт қилиб қўяди, – деди дилидагини яширолмай, – ҳар томонлама отиладиган катта-кичик...

— Унга ҳам тайёрман! Тошларнинг ўлчамига қараб жавобимни ҳозирлаб қўйганман!

— Ҳа, балли, – профессор кўз қисиб қўйди, – ҳалол диссертациянинг жавоби ҳам покиза бўлади.

Профессор унга яна бир талай топшириклар берди. Бир олам кувонч ва ташвишни орқалаб олган Фозилжон Андижонга қандай етиб келганини ҳам пайқамай қолди.

## 66

Бу орзули дунё бағрида сабрсизлик билан кутилган онлар ҳам етиб келди. Сентябрнинг бошлари. Осмон зангори. Пахталар чаман бўлиб очилган. Унда-мунда сарғайиб тўклилаётган тут барглари, ялпизларнинг окиш, қари танаси, чақчайиб турган қўзтиканлар, тимсоҳ танасини эслатувчи коварлар пўстлоғи, аллақаёққа ошиқаётган кушлар галаси, дала йўлида танда қўйган юқ машиналари, онда-сонда велосипед миниб ўтган табелчи ё бригадирнинг ташвишли киёфалари далага ўзгача хусн, ўзгача файз киритган. Орқасига қўлини қўйганича оҳиста қадамлаётган Фозилжон куз кунлари манзарасига, унинг рангин жамолига маҳлиё бўлиб борарди. Ёнига машина келиб тўхтаганини билмай қолди:

— Ака, – такаллуф айлади Тўхта кал кабина эшигини очиб, – чиқинг, шийпонга элтиб қўяман.

— Раҳмат, Қодирча ота пайкалини ораламоқчиман.

— Кўрдим, бу йил ҳосил мўл, яшанг, ака!

— Раҳмат? Уни менгамас, колхозчиларга айтинг.

— Бе, дехқонлар ҳар йили шунаقا ишлашган, лекин бу йилгидака ҳосил тушларигаям кирмаган. Гапнинг индалюси ака, сизнинг қадамингиз кутлуг қелди. Қалбингиз тоза экан.

Фозилжон ҳайратомуз қаради-да, қадамини тезлатди.

– Ака, – кал машинадан тушди, – биламан, гуноҳларим кўплигидан бўйним кирадай, кўряпсизми? Энди ака, ўзингиздан қолар гап йўк. Ёниғлик қозон ёпиғлигича қолсин, илтимос! Яна қайтиб киракашлик қилсан, хотиним талоқ бўлсин. Ишонинг менга, иккинчи...

– Нималар деяпсиз? – у гап нимадалигини тушунмай гарангсиб турарди.

- Анави бетузок кўлга туширганингиз-чи?
- Ҳа-а, хижолат бўлманг, ёдимдан чикиб кетган.
- Ўғил бола гап, а?..

«Мунча сур бўлмаса?» энди Фозилжоннинг ғаши кела бошлади.

- Кечирдингиз, а?
- Тилхат ёзиб берайми?!

Фозилжоннинг жаҳли чикқанини кўриб, Тўхта калнинг кўлтигидан тарвузи тушди.

- Ака!
- Уф! Чарчатиб юбордингиз-ку?!
- Хўп, ака...

У машина кетидан кўтарилиган чанг-тўзондан ўзини четлатиб, кўл соатига қаради. Кеч киришига бир-икки соат бор. Кўсакларни зўрға кўтариб турган ғўза пояларининг эгилганини кўриб туриб қолди. Нима қилиш керак? Тиргак кўйиб бўлмаса? У бироз ичкарига оралаб кириб, лўппи-лўппи бўлиб очилган пахталарни кўрди. Бир дона чаноқ олиб, пахтасиничувади. Чигитини тишлари орасига олиб, пистадай чакиб кўрди. Карсилаган овозни эшишиб, яйраб кетди. Пишибди. Толани чўзиб, эшишиб кўрди ва дафтарига яна алланималарни ёзиб кўйди. У беихтиёр бориб, пайкал этағида ёнбошлаб ётган кари тут танасига ўтириди. Ич-ичидан хўрсинди...

Шу вақтга қадар тортган азиятлари, йўлини топгунга қадар кийналганлари, яхши одамлар қанотида, айникса, Мунавварнинг кўмагида ўз баҳтини топганидан миннатдор эди. Бутун борлигини унутган одамдай хаёллари ичра фарқ бўлди.

Бу давронли дунё бағрида дәхқоннинг куни туғди. Ҳаво очик. Терлаб-пишган теримчиларни сарин ел ўпид, ғайратига ғайрат қўшади. Осмон ғуборсиз. Гўё булатлар ҳам дәхқонларнинг шодлигига соя ташламаслик учун қаёқладир ғойиб бўлган. Ҳамма терган пахтасини кўргани сайн завки тошади. Ҳар галги терим бошида бригада аъзоларини шийпонга йиғиб, биринчи терим билан қутловчи вакиллар ҳам йўқ, аниғи, таклиф қилинмаган. Уларнинг ўрнига фахрӣ бригадирлар, кекса меҳнат ветеранлари келган, ҳурмати ўрнига кўйилиб, оёклари остига кўй сўйилган. Аслида ҳамма бригада шийпонларида юқоридаги ҳолат мавжуд бўлиб, яхшигина зиёфатга тараддуд кўрилар, биринчи терилган пахтани тортиб олгани тарозилар ҳам шай бўлиб, колхоз бўйича зўр тантана, байрам кайфияти хукм сурарди. Мана, илк бор терим тарозида тортилиб, куритиш учун шийпон саҳнига ёйилиши биланок ҳамма, коровулдан тортиб то агроном, раисагача дастурхон атрофига ўтириб, ноз-неъматлардан, ўзбекнинг улуғ таоми – ошдан баҳам кўрдилар. Сўнг, бу йилги ҳосил теримиға барака, мавсум тинч ўтишини тилаб, фотиха ўқидилар. Ҳа, пахта чаманини кўрган ҳар бир дәхқоннинг юраги ошиқади, қалби тошиқади. Бу йилги ҳосил овозаси бутун колхоз, бутун район бўйича довруғ таратди. Райком секретари телефон орқали Мунавварни ва правление аъзоларини табриклиди. Бирин-кетин этак-этак пахталарни табелчилар кўли-кўлига тегмай тортиб олар, табассумдан юзлари таранглашиб ёшаарди. Хуллас, бу йил дәхқонларга омад кулиб боккан. Шундай кунларнинг биринда Абдуғофур ота келди ва пайкал оралаб юриб, шийпон олдидан чикиб колди. Ҳамроқул ота уни кўриб, пешваз юрди. Салом-аликдан сўнг сўрига ўтиридилар:

- Планлар тўлсин, Ҳамроқул.
- Юзимиз ёруғ бўлсин, ошна.
- Кеча идорада гапириб колишиди, ҳақиқатда бу йил пахта яхши бўпти. Чаноклар ҳам бўлимли... Пайкал ора-

лашни ҳам соғиниб қолган эканман, ҳосилнинг чуви-ни қўриб, севинганимдан таёқда эканимни ҳам унутиб қўйиппан-у?!

– Бу Фозилжон тушмагур ҳар бир туп ғўзанинг ҳолидан хабар олавериб, жўн қўйдими?! Сув деса сув, овқат деса овқат етказганига нима дейсиз? Ҳар бирига меҳр улашганичи? Ошна, бу дейман, ўсимликлар ҳам меҳр нима эканини яхши биларкан.

Самимий кулишдилар:

– Буни энди билдингизми?  
– Аввал ҳам сезардим-у... Бир куни Уста Ғани пайкалини оралаб, қишлоқка тушиб чиқмоқчи бўлдим. Йўқ, бўлмади. Ярим йўлдан қайтдим.

– Нега?  
– Кўсаклар тиззамни уравериб, арчиб қўйишли.  
– Сиз ўзи шоир бўлишингиз керак эди, – мирикиб кулди Абдуғофур ота.  
– Рост, сизга ёлғон, менга чин, ошна! Оромимизни бузма, деб йўл беришмади-да. Биласизми, авваллари, – у ёк-бу ёққа қараб олди Ҳамроқул ота, – у ёғидан шўнғиб, бу ёғидан чиқардик-да... Бу йил эса Амир Темурнинг лашкаридай зич, бардам-бақувват. Эскичагаям амал қиларкан-ов бу йигит!  
– Гапиринг-э.  
– Ҳеч бир пайкалга бегоналарни оралатгани қўймади, кўз тегади, деган-да.

– Бунинг нимаси эскича?  
– Ана, биринчи терим куни ҳам паҳтамизга ис чиқариб, кон оқиздик.  
– Яъни қўй сўйилди.

– Ҳа-да, шуни айтяппан-да.  
– Бир ҳафта олдин Мунаввархон билан Фозилжон кекса паҳтакорлар шарафига оёғи остига қўй сўйиб, зиёфат уюштиришни ҳар бир бригада бошликлари билан маслаҳатлашиб юрган эди. Аммо бу бригадада қўй Фозилжоннинг, мева-чева эса раисамиз ҳисобидан бўлди.

– Ана, мен нима деяппан.

– Ҳа, – Абдуғофур ота суюнганидан кўзларига ёш олди, – илоҳим шайтоний кўзлардан асрасин. Айтганча, Қодирча пайкалида ҳосил қалай?

– Э-э, зўр! Ишонаверинг!? Бошқа пайкалларга қараганда икки баробар ҳосил тугди. Бу дейман, ғўзаларниям саратонда чўмилтириб туриш керак экан-ов! Чўмилсанг ўзингни яхши ҳис қилгандай, ғўзалар ҳам чўмилгандан кейин яхши, баракали ҳосил тугаркан.

Абдуғофур ота энди ҳаҳолаб кулиб юборди. Унга сайин Ҳамроқул ота илҳоми келиб, тўлиб-тошиб гапирав, Абдуғофур ота эса мириқиб эшитар, гоҳ мийифида кулимсираб, гоҳ-гоҳида бош чайқаб кўярди. Осмондан тушгандай қаршисида пайдо бўлган Фозилжоннинг саломини эшитган икки кария салом жавоби қайтардилар. Ўрнидан кўзғалмоғига Фозилжон кўнмади. Ҳамроқул ота сувим ўлиб қолмасин деб, ўтин ташлагани бак ёнига кетди. Абдуғофур ота меҳр билан унинг юзларига тикилиб, мўл ҳосил билан табриклади, кези келганда ёрдамини аямаслигини ҳам қўшиб кўйди. Боши осмонга етган Фозилжон дам унисига, дам бунисига кўzlари тўла меҳр билан қараб кўяр, яйраб-яшнамоқда эди.

– Буғдой сўзингиз бўлсин, иним, буғдой унингиз бўлмаса ҳам, – тегажоғлик қилди Ҳамроқул ота, – кўряпсизми, пахта термасаям тергандан зиёда гап қилди. Шунақа сахий, мард авлоддан бу ошнам!

– Энди терилади шекилли? – шийпон олди кирғоқда бодроқ каби очилиб ётган пахталарни кўриб сўради ота, – чувидан ҳосил яхшилиги кўриниб турибди.

– Э-э, ошна, биринчи куни шу ердан теримни бошлашибди, бу – иккинчиси.

– Шунақами?

– Ҳа, иккинчи терим.

– Бошқа ҳосиллар бир мартадаёқ йиғиштириб олинса, пахтани такрор-такрор йиғиштирсанг ҳам адo бўлмайди. Сабаби, бу ҳосилга Хизр алайҳиссалом ҳассасини сукқан дейдилар. Шунинг учун баракали-да.

– Ана, – Ҳамроқул отага жон кирди, – ўзингиз ҳам эскичага ишонаркансиз-у, ошна? Қалай бўлди бу ёғи?!

– Ҳа, эскича эътиқод вакилларимиз-да...

Икки қарни ҳаҳолашиб қулишди. Абдугофур ота бу ривоят эскича эмас демокчи бўлди-ю, аммо индамади. Ошнанинг кўнглини синдиригиси келмади.

– Келгуси йилга қандай режа тузяпсиз? – сўради Фозилжондан.

– Ноябрнинг ўрталарида барча пайкалларнинг ғўзапояларини калчевалка килдириб, тозалов ўтказамиз. Сўнг қарталар оралиғидаги зовурларни лойқасидан тозалаб, ернинг рангини тиндирамиз. Ювиб бўлгач, гўнг соламиз-да, шудгорлаймиз.

– Яхши ўйлабсиз. Дехкон, энг аввал, экинни тарбиялайдиган ерни боқиши керак.

– Раҳмат, маслаҳатингиз учун...

## 68

Профессор берган топширикларни Фозилжон октябрь ойининг бошидаёқ тугатди ва Тошкентга ров бориб, ров қайтди. У машинадан колхозга кираверишдаги муюлишда тушиб қолиб, бир-икки қадам юрди-да, костюмини ечиб, сумкаси иккисини тут соясига кўйди ва ариқдаги сувда юзкўлини ювди: «Мана шунинг ўзи жаннатий роҳат бўлса керак?!» ором олди у. Бироз чўнқайиб ўтиргач, ўрнидан турди.

– Баҳодир, ке, менга икки боғ ўт ўриб бер, мен сенга ўн кило пахта ёзаман, – деди кимдир шу пайт.

Фозилжоннинг юз-кўзини олов ялаб ўтгандай бўлди. Атрофга аланглаб, ҳеч кимни кўрмади. Балки кулогига чалингандир? Шу вакт қаршисида шитирлаган овоз келди, сал ўтмай кенг пахтазорни тўсиб турган тут новдаларини икки ёнга қайриб, бир бола чиқиб келди. Тўсатдан Фозилжонга кўзи тушиб, юраги сал чўчиди шекилли ортига хиёл тисланди:

- Ассалом, – бўзрайди бола.
- Баҳодиржонмисиз?
- Ҳм-м-м.
- Ёрдамга чиқдингизми?
- Ҳа, аям бугун нон ёпиб, кир ювволай деганди.
- Ўрнига сиз чиқдингиз?
- Ҳа.
- У ерда яна бир киши борми?
- Ҳа, табелчи бор, анови терган пахтам устида ётибди, чакирайми?
- Йўқ, неччида ўқийсиз?
- Олтида, «Фирдайсий»да ўқийман...

Фозилжон йўлида давом этди. Ортидан хўмрайиб қараб қолган бола апил-тапил ховучлаб сув ичди-да, яна тут деворини ёриб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Бехосдан қайрилган Фозилжон боланинг шошқин ҳаракатини кўриб, бир муддат қараб турди-да, сўнг йўлида давом этди. Анча юргандан сўнг ортидан самолётнинг гуриллаган овозига ўхшаш товушни эшишиб ўғирилди ва сон-саноқсиз кўмир юкланган самосвалларни кўрди. Колонна бўлиб келаётган қатор машиналардан бирининг кабинасида Файзуллани кўриб: «Бу режа ҳам амалга ошибди! – дея кўнгли ёриши, – колхозчилар олдида юзимиз ёруғ...»

## 69

Мажбурият октябрнинг сўнгги кунларида бажарилиди. Ҳамманинг шодлиги чексиз. Клуб ичидаги ташида ясантусан қилган ёш-яланглар, қари-қартанглар. Улар бир-бирларини табриклишар, нимадир ҳакида баҳслашардилар. У ёк-бу ёкка зир юргурган Сарвинознинг ортидан беш-олтита ёшлар қўлларини тўлғай-тўлғай баҳслалиб ўтиришар, баъзида Муроджон клуб сахнида қўлидаги алвон мато билан пайдо бўлар, баъзида эса кимнидир қидираётган қиёфаси кўзга ташланарди. Бу ерга йигилганларнинг ҳаммаси шод, умумхисобот мажлисига келишган. Йиллик меҳнати сама-

расининг якунини эшитиш олдидан барчаси ичида ўзича хисоб-китоб қилас, айримлари эса ошкора мановинча даромад оламан деб мақтаниб ўтиради.

Умуммажлис соат ўнга якин бошланди. Эрталабдан бутун колхоз қулогини қоматга келтираётган радиокарнайдаги кўшикнинг уни ўчди. Мажлисни очган Мунаввар ҳамма ўтиргану турганларни бўйрам, даромад байрами билан табриклиди. Бир маҳал ҳаяжондан юзлари кизариб, кўзини залга тикканича, индамай қолди. Сўнг кибру ҳаво билан лабларини кимтиган райком секретари, булар деҳқонлар экан-у, ҳатто минбарда ўтирганлар ҳам зўрга тушунадиган баландпарвоз иборалар тизмаси билан кориштириб, яrim соат муборакбод этди. Ниҳоят, залда ўтирганлардан бири шивирлаб: «Олдинги райкомимиз Ҳамид Қодиров зўр эдид, ўзнимиз боп гап қиларди», деди. Гарчанд у паст овозда гапирса-да, ён-веридагилар аниқ эшилди. «Тўғри», дедилар унга жавобан кўпчилик. Яна бирори: «Ҳа, у киши Пахтаободга бир келдию кетди. Энди унақаси келмайди», деди.

Партком Гуломжон шивир-шивирларнинг давомини узиш мақсадида шошиб ўрнидан турди ва Фозилжонга сўз берди. Ҳавони кучли карсаклар тутиб кетди. Чунки бу йилги плannинг ортиги билан бажарилишида унинг кутлуғ қадамидан деб билған ҳалойинқ жон-дилидан яхши кўриб колган эди.

– Ўртоклар!

У бирор тин олиб, тўхтаб қолди. Зал эса сув қуйгандай жим. Шунча тикилиб турган кора кўзларнинг салобати босдими, ҳадеганда гап бошлаёлмади:

– Мана, – деди ва ниҳоят, – сизларга ҳамнафас бўлганимга ҳам йил тўлди. Ишладик ва ниҳоят меҳнатимиз натижасини ҳам кўрдик, ғалаба килдик. Бизнинг ғалабамиз селда колган ё шамолда тўзийдиган ғалаба эмас, аксинча, инсонлар меҳри оғушида юзага чиқкан, меҳнати туфайли бунёд этилган тўтиё ғалабадир.

Залга кисқа сукунат чўкди. Мунавварнинг бутун борлиги кулокка айланиб, одамлардан кўз узмай ўтиради.

Фозилжон куруқ шухратга берилиб, кўксини орден ва медалларга тўлдирган кимсаларни гап орасига кистириб ўтар, кимларгадир кинояли сўзлар билан зарба берар, кимларнидир зимдан чимчиларди. Мунаввар райком секретарига пинҳона разм солди. Унинг оқиш юзларига билинрабилинмас кизиллик юргурганини, сийрак қошлари устидага тер томчилари йилтираганини кўрди. Мамнун ҳолда курсдошига қараб жилмайди. Фозилжоннинг тирик, зукко мулоҳазалари уни чўчитгани, шу ўтиришда бош-кетини тополмай гарангсиган одам каби ҳолга тушаётганини сезди. Секретарь Фозилжоннинг гапларига бор вужуди билан қулоқ солаётган, кўзларини тўлдириб қадаган одамлардан кўз узмасди.

– Ҳа, ўртоқлар! – завқланиб, гапида давом этди у, – шунчаки ракамлар сонини тўлдириб, кўксига орден-медаллар таққанлар баҳтли эмас, аксинча, юқори ҳосил учун курашиб, планни тўлдиролмаса-да, ҳалқининг ишончини поймол этмаганлар, ҳалол кишилар баҳтлидир.

Райком секретарининг ёнида ўтирган, кўшни колхоз расиси Муборак Ҳакимова гавдасини ғалати қимирандиди, картошка бурнининг учини семиз бармоклари билан чимчилаб кўйди.

– Сизларнинг уйингизга қут-барака ёғилса хурсандмиз! Баҳтнинг ўзини ё бир бўлагини совға қилиб бўлмайди. Фақат меҳнат ва кураш орқали ўйлаган орзусига кўмак бериш, умидини рўёбга чиқаришга ёрдамлашишнинг ўзи биз учун баҳтдир. Бу йилги мақсадимиз планни тўлдириш эди, тўлдирдик. Демак, ҳар бир хонадонга қут-барака улашдик, ҳа, баҳтнинг бир бўлагини улашдик...

– Яша, ота ўғил! Дехконбоп гаплар ҳам бўларкан-у, – деди Ҳамроқул отанинг ёнида ўтирган суйри соқолли чол, – ҳалол гап қиляпсан, гапиравер?!

Райком секретари Муборак Ҳакимованинг қулоғига охиста пичирлади. Сўнг бўзрайганича залга кўзини лўқ қилиб қаради.

– Лекин шунга қарамасдан ҳамон орамизда тартибубу-  
зарлар учраб турибди. Кимдир молига ўриб берган ўт учун,  
кимгадир ўн кило пахта ёзяпти! Кимдир пулига ўз номи  
учун кимгадир пахта тердиртиряпти! Кимдир...

– Сал бачканалашиб кетмадикми, ўртоқ агроном? –  
киличдай кесди унинг гапини секретарь, – ахир бугун ҳосил  
байрами, унутмайлик?!

Ҳалитдан бери ўкувчилари билан қизикарли масала  
ешишга уринаётган муаллим каби берилиб сўзлаётган Фо-  
зилжон райком секретарининг икки оғизгина лукмасидан  
бўшашди, лекин ҳайратланган ҳалойик буни тезда илғаб  
олди шекилли:

– Гапирсин! – дейишиди бирин-кетин.

– Гапирсин! – деди ҳалиги чол, – ҳақ гапларни гапир-  
япти! Анча бамаъни йигит кўринади! Юракка ёқадиган гап-  
ларни киляпти! Гапирсин!

– Тўғри гапириб түққанимга ёқмадим, дейдилар! Гапир-  
син, болам! Нимага гапини бўласиз, бўлманг-да!?

– Гапираверинг?! Кўзимизни очяпсиз?! – ҳавода қўлини  
пахса қилиб бакирди охирида ўтирган бир йигит, – пахта  
ўзбекнинг шон-шуҳрати дейсизлар! Ейдиган нони, киядиган  
кийими дейсизлар?! Нима учун борган сари деҳқонлар  
даладан кочяпти?! Негалигини айтайми? Кисса чаток! Ҳа,  
берган пулларинг мушкулкушод харажатигаям етмайди! Га-  
пилинг ака, мана, биз туриппиз! Кўркманг!

Кулги кўтарилди.

– Ўртолар, тартиб саклансин! – партком секретари  
ўрнидан турди, – кимнинг гапи бўлса кўл кўтарсан! Муноза-  
рада сўз берамиз!

– Ҳа, ўғлим! – ўрнидан турди Қодирча ота.

– Айтдим-ку, мунозарада сўзга чиқасиз деб..., ахир...

– Кўй, ўша мунозарангни! Унгача эсимдан чикиб  
колади. Ҳа-да, ўзларинг гапириб, ўзларинг маъкуллайвериб,  
окибат шунга кеп колди. Бу ўғлим эса тонгдан кечгача биз-  
нинг орамизда, юрсак юради, кулсак кулади. Сизлар-чи,  
ойда-йилда бир келасизлар. Демак, бу ўғлим бизниям, да-

ламизниям сир-асрорларини яхши билади, гапирсин! Кўй, оғзига урма!

Фозилжон энди ишонч билан лўнда-лўнда қилиб, йўғон-йўғон гап кила бошлади. Унинг мажлисда барча воқеаларни айнан ошкора сўзлашидан мақсади эл ўртасида учриган худа-бехуда гапларга чек кўйиш, «эркаланиб» кетишиларга барҳам бериш эди.

– Нега бундай ишларга жим қараб турамиз? Ўзимиз терган паҳтага ўзимиз ўғриликка тушамиз! Кимdir йўқ чопик ҳисобига деворини урдиради! Уйини ремонт килдиради! Кимdir ишламаган амма-холасига ҳақ ёзиб олади! Кимdir колхозга келган ўғитни ўз томорқасига буриб юборади! Кимdir эса... Ўз мулкига ўзи ўғри қаерда бор?!

У илк бор Паҳтаободга келаётганида шофёр Турсунбойнинг куюниб гапирган гапларининг айнан ўзини сўзлаб берди. Уста Ғанининг тажрибаси, кутубхонаси, ёшлар учун амалга ошираётган ишларини, Уста Ғани эмас, унга карши чикқанларнинг ўзи ҳалқ душмани эканини барадла, ҳеч иккиланмасдан, бор овозда гапирди. Қодирча ва Абдугофур, Ҳамроқул оталарнинг фидокорлиги, уларнинг ҳамон паҳта далаларида тер тўқаётгани, ёшларга дехқончилик илмидан сабок бераётганини мамнуният билан сўзлади. Доимо изланишда юрган Одашхонга кекса устоз Бозоржон ва Майрам опаларнинг таъсирини алоҳида таъкидлади. Локайд карашлар оқибатида жиноят содир бўлаётганини афсус билан тилга олди. Колхоз машинасида кира қилсан одамлар нима дейди, уяламан дея ўн боласига гўшт етказиб бериш учун қуён овлаган Топилдихоннинг виждони, ҳалоллигини ҳавас билан ошкор этди.

– Ҳар биримиз ўзимиздан, виждонимиздан, одамлар олдиди уялиб яшасак, ўшанинг ўзи омад, ўшанинг ўзи юксак унвон! Ўт учун ўн кило паҳта ёзишниям гапирди, бачканалашди дейишингиз мумкин. Лекин мана шу арзимас бўлиб кўринган жиноятлар катталлашиб кетяпти, шунисидан афсусдаман.

Фозилжон Юнусжон қамалгандан бери болалаб кеттган миш-мишларни, аслида нима учун қамалғанлиги сабаби-ни аник билмаган халойикка унинг баъзи кирдикорларини фош килиб ташлади.

Зал сув куйгандай жимжит. Барча ҳайкал каби қотган. Чунки колхоз бағрида қишининг муз шамолига ўхшаб изғиб юрган турли мазмундаги миш-мишлар билан Фозилжон томонидан сўзланган ҳакиқат батамом бошқа-бошқа эди-ки, бу ҳакиқатни улар етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эдилар.

– Вой занғар-эй! – сўқинди охирги ўриндиқда ўтирган бир мўйсафид, – тобутини ҳам олтиндан ясашга ҳаракат қип қолган экан-да, хумпар!

– Юнусжон меҳрини кўз-кўз қилиб, қаҳрини никобда саклайдиганлар хилидан эди, – деди ўртада ўтирган ўрта ёшлардаги аёл.

– Эсиз! – надомат билан бош чайқади Қодирча ота, – Юнусжонни энди сарик чакалик қадр-киммати қолмабди-да, воҳ, нафс курсин!

Баъзи бировлар эса ҳозирда эшитган гапларига ишон-гиси келмасди. Ҳозирги гаплардан сўнг райком секретари Фозилжонни аллақачон силтаб ташлаган ва зал тўла одам-лар олдида обрўсини срга уриб, мулзам қилган бўларди. Афсус, колхознинг кўзга кўринган кексалари, гапнинг пўскалласини ўқийдиган ёшлари уни ёқлагани боис ти-лини тишлишдан ўзга чораси қолмаган эди. У кўзини лўк қилиб, дам тикилиб турган минглаб нигоҳларга, дам ҳеч нарсадан ва ҳеч кимдан тап тортмай бор ҳакиқатни гапи-раётган Фозилжонга қараб қўяр, афтидан на зални тарк этишни, на унинг оғзига уришни билмай, анқайиб колган эди.

Фозилжон қўлини аста кўтарди:

– Айрим воеа-ходисалар шу ернинг ўзида, тегишли хо-димлар томонидан ҳал қилинса, ҳадеб юкорига юмалоқ хат-лар боравермаса... Ахир юкори раҳбарларнинг сизу бизлар-дан ҳам иши кўп, буни тушунайлик, ўртоқлар?! Юракларга

уя курган лоқайдлик түрлари узилса, унинг ўрнида ерга, элга, жамики тирикликка жавобгарлик туйгуси илдиз отса, кўкарсагина максадларимизга тўсиксиз ета оламиз!

Ҳеч ким эътиroz билдиrmади. Қайтанга олкиш устига олкишлашди! Сўнг партком секретари, Уста Fанилар сўзладилар. Аксарияти унинг фикр-мулоҳазаларини кувватлади, айримлари бироз танқид калтагининг учидаги савалаб ҳам ўтди.

Охирида:

– Мен Фозилжоннинг гапларини эшишиб ўтириб, бироз эрта туғилибман, деб ўйладим, – деди Уста Fани, – агар тенгдош бўлганимда, басма-басига дехқончилик килардим. Сабаби, мен ёки у колхозчини эмас, аксинча, дехқон номини оқлади. Шунинг учун унга ҳавасим келяпти. Шундай узок юртдан, Тошкани азимдай тоза шаҳардан келиб, кишлокнинг чанг ва тупроқларига беланиб ишлади. Буни касбга эътиқод дейдилар. Келинглар, шу ўғлимнинг эътиқоди сўнмаслиги учун, бундан кейинги ишларига ривож тилайлик-да, тезрок эл-юртга тўй килиб беришини, ош едиришини сўрайлик! Раҳмат сизга, ўғлим!

Чапаклар аралаш кулги кўтарилиди. Йиғилиш якунида қарор ўқилгач, ҳамма ташқарига йўналди. Райком секретари идора ходимлари билан хайрлашаркан:

– Сиз одамларнинг эти билан суюги орасига кириб олишга уста экансиз, – кинояли кулди Фозилжонга қараб, – бу – катта ютуқ! Яна сизда нотиқлик санъати ҳам бор эканки, гапларингизни эшишиб туриб, иш билгунча гап бил, деган нақлни эсладим.

– Ҳакиқатда, – қувватлади Муборак Ҳакимова, – сизга агрономлиқдан кўра лекторлик ярашаркан. Зални ўзингизга жалб қилиш хусусиятингиз бор экан, йигитча.

Уларнинг муздай нигоҳлари қаршисида Фозилжон каддини ғоз тутди:

– Борини гапирдим, опа, – бўш келмади, – тажрибамда бор экан гапирдим, йўқ бўлса ниманиям гапирадим.

– Кечирасиз, яхши топиб, ёмон қопиб сўзлайди, деган накл ҳам унга роса тушган а? – жилмайди Мунаввар, – бир пиёла чой устида давом эттирсак дегандим сухбатни!?

Райком секретари машина томон юрди. Соя каби эргашган Муборак Ҳакимова эса басма-басига қадам ташлади. Замин мушкулотларининг калитини топган Фозилжон ўзини шу ерлик, балки бутун юрт деҳқонлари учун кераклигини сезиб, севинчи кўкрак қафасига сифмай потирларди.

## 70

Куз. Дарахтлардан сарик япроқлар уча бошлаган. Ҳаво мужмал, гўё қайноаси билан уришган келиндай ҳеч кимга ковоқ очмайди. Шундай дардли дунё бағрида Уста Фани пайкалини ғўза пояларидан тозалаган Фозилжон кечга яқин ерни ювиш учун шахмат катаклари усулида пол олдирди ва сув очдирди. У бугунги ишдан кўнгли тўлиб, аллақандай куйни хиргойи қилганича уйга қайтаётган эди, рўпарасида ҳаллослаб чопиб келаётган **Муроджонни** кўриб, тақа-тақ тўхтади. Юраги қинидан чиқар даражада гупилларди.

– Суюнчи беринг? Суюнчи?!  
– Суюнчи?!  
– Ха, отанинг, отанинг...  
– Нима демокчисиз?!  
– Уста Фани отанинг, – ҳарсилларди Муроджон, – партбилети ҳакида ҳозиргина Марказдан хат олдик.

– Х-ўш, хўш?!  
– Вакиллар келиб яна бир карра текшириб кетарканлар.  
– Ростми? Қулоқларимга ишонмайман.  
– Ие, ёлғон бўлса қошингизга учиб келармидим, ака?!

Фозилжон қуюн тезлигига йўргалаб кетди. Унинг ёнида эса ҳарсиллаганча терга ботиб Муроджон борарди.

– Ана, – Фозилжон қадамини секинлатди, – келишсин, текширишсин. Ўша қарор бузилиб татбиқ этилгани боис

гўшт, сут маҳсулотларининг нархи том баҳосига чикканини кўришсин! Отанинг ҳаклигига ишонч ҳосил килишсин!

– Партибилетини...

– Максад партбилет эмас, гап отанинг оқланишида, уқдингизми? Душманлари олдида виждони поклиги исботланишида, мен шунинг тарафдориман! Биласизми, Муроджон, мен ҳаётим мобайнода шуни англаб етдим. Инсон умри ҳам дарёга ўхшаркан. Дарё бир издан оқади-да, гоҳо тантлилик килиб тошиб кетади, гоҳо... Инсон ҳам бир хилда, бир текисда умр кечирмас экан, йўлида гоҳ издан чиқиб, гоҳ тош-кесаклар, ўт-ўланлар, хас-хашаклар оралаб йўл кидиаркан-да, яна изига тушиб кетаркан...

Муроджон олис уфқка кўз тикканича, Фозилжоннинг гаплари мағзини чакиб борарди.

## 71

Райком секретарининг кўнглига чирок ёқса ёримас, юкоридан эсан шамол тумов килиб қўйганди. Қовоқ-лунжини осилтириб, кечгача сводка кутар, аксига олиб, айрим колхозлар олдинга силжиш ўрнига атак-чечак босган бола каби ортига қараб кетаётган эди. Кимдан учини олишни билмай турган кезлари Мунавварнинг яна юрак ўйноғи хуруж килиб, маълумот топширгани Ғуломжон келди. Натижани эшишиб, унинг кайфи учди:

– Нега оз?

– Айрим пайкалларнинг шўри ювияпти, – деди бамайлихотир ўтирган партком секретари, – ювилган ерларнинг кучини ошириш учун қўй кийи солиняпти. Ажабо, булбул баҳор, дехкон ер ошиғи-да, тоға!

– Ким рухсат берди бунга? – гапни чўрт кесди райком секретари, – ким?

– Мен ўйлабманки, сиз, сизлар..., – Ғуломжон елкасини учирди.

– Ким?!

– ... эртадан колган ерларни ҳам тозалашга буюрди.

- Нима-а-а? – ўрнидан туриб кетди райком секретари, – ки-им?!
  - Агроном, агроном буюрди.
  - Уни топиб келган анови канжиқ нима қиляпти?
  - Раисми, у Кўккўприкдаги касалхонага тушиб қолди.

Барibir унинг гапини икки қилмайди.

- Анови кунги мажлисдаям сезувдим-а?

Икковлари тога-жиян бўлғанлари учун бемалол гаплашардилар.

- Ҳали область планни тўлдиргани йўқ! Обком эшитса борми?

- Мени қўрқитманг.

– Ҳа, битта бюро чақираман-да, ишини ҳал қиласман-куйман! Қани, ишонгани кимлар экан буларнинг?! Нима киларкинлар? Кўрамиз!

- Кўпчилик сизнинг гапингизни икки қилмайди, тога!

Уларга озмунча кайишганмисиз? Аммо бу йигитнинг ишларини ҳам одамлар кўриб туриди, нима деркин, а, тога?

Тога жиянига олайиб каради.

- Ҳалиям у ёқ-бу ёқка тебранишингиз қолмабди-да, а, жиян?! Қачон мустакил фикр юритасиз, а?

– Э, тога-я, ўзингизни шу келгинди билан тенг килиб нима қиласиз? У бир келиб-кетар одам-да...

- Йўқ! У кетмайди! Шундай иш қиласманки, рад этиб бўлмайдиган далиллар билан корасини ўчирман!

Секретарь тезда отини қамчилаб қолди. Беш-олтита колхозчиларни гувоҳликка чақириб, бюро аъзолари иштирокида Фозилжоннинг ишини текширди ва ўзбилармонликда айлади, яъни давлат мулки бўлмиш ерни аъзоларга бўлиб бериб, хусусий мулкка нисбатан кизикиш уйғотмокда ва бу билан бутун ижтимоий-сиёсий тузумга қарши чиқмоқда, дея устига кора тўр ташлади. Қўшимча килиб, область пахта планини тўлдирмай туриб, колхоз ерларида ўз билгича иш олиб бормокда, деган айловни ҳам қўшди-да, чумолидан фил ясад, область биринчи секретари ҳукмига ҳавола килди. Ҳадеганда натижа унавермагач, навбатдаги шоши-

линч бюрони чақирди. Нима гаплигидан бехабар Мунаввар касал ҳолида йигилишга келди. Муборак Ҳакимова Фозилжоннинг «худбинлиги ва партия сиёсати»ни менси-маганликда айблаб, ишдан бўшатишни талаб килиб туриб олди.

– Қолаверса, йигитча КПСС аъзоси эмас, ваҳоланки, раҳбарликда партия одами ишлаши шарт!

Ҳосиловга зимдан қараб олганлар бир-бир кўз уриштирилар. Ҳосилов ўрнидан туриб, Ҳакимованинг талаби тўғри ва қатъийлигини эътироф этди. Овозга кўйилганида райком секретарики шундай фикрда, демак, тўғри, кўл кўтариб тасдиқлаш шарт, деган фикрга келишдими ё Ҳосиловнинг салобати босдими, ҳарқалай, Мунаввардан бошқаси ҳеч иккиланмай кўл кўтарди. Тамом! Шу карор билан Фозилжон ҳам салкам давлат ва халк душманига айланди-қолди.

Мунавварнинг эса Ҳосиловдан батамом кўнгли тўнди, кўрарга кўзи қолмади: «Ҳеч балода йўқ бюрократ!» ғижинди қўлларини мушт қилиб.

## 72

Мунавварнинг касали қайталаниб, аввалги касалхонага яна даволангани кетди. Касалхона икки қаватли бўлиб, бир томонида улкан Қорадарё оқиб ўтар, иккинчи томони эса баланд-баланд биноларга туташиб кетган эди. Атрофи узун-қисқа арчалар ва турли хил манзарали дараҳтлар, атиргуллар билан қопланган бу касалхонада юқори лавозимда ишлайдиган кишиларгина даволанаарди. Хоналар сокин, озода, полдаги чўғдай гиламлар кўзни олади. Деразаларга нафис тўрпардалар осилган. Узун зал бўйлаб, ҳар бир дераза қаршисига кўйилган каттакон сопол туваклардаги нинабаргли, тутбаргли, филкулоқ ва бошқа турдаги ноёб гуллар кишини ўзига жалб қилмай қўймас. Тутбаргли гулғунчасининг лаби хиёл очилган... Хуллас, хуш кайфият бағишлиловчи бу манзаралар оғушида даволанаётган Мунаввар бир хафта ўтганда сал ўзига келди. Кечки пайт оҳиста

юриб келиб, филқулок гул ёнига қўйилган диванга ўтириди. У Фозилжонни ўйлар, кетиб қолса-я, деган ҳадик миясига ўрнашиб олган эди. Йиғилишда соқов каби ҳеч бир сўз айттолмай, таслим бўлганига пушаймонлар ер, ўзини ўзи койир, кўрқоқликда айблар ва яна дақиқа ўтмай, ўшанда ёлғизлик қилиб қолдим, дея ўқинарди: «Муборакнинг ҳеч кимдан тап тортмагани-чи? Ахир уни сохта унвондорлигини ким билмайди? Ҳамма билади. Нега бу кирдикорларини очиб ташламадим? Жилла бўлсин шу ҳақда гап очмадим? Ахир улар юзингда кўзинг борми демай савалашди-ку? Гапирганимда тили сал тийилармиди? Сув келтирган хор, кўза синдириган азиз экан-да... Бошқаси гапиргандаям Муборак сал ҳаддини билиши керак эди...»

Унинг юзсизларча гапирган гапларини ўйлагани сайин Мунавварнинг юрагига пичок санчилгандек бўларди. Унинг оғриги эса юрак хасталигидан ўн чандон ортиқ эди.

– Ассалому алайкум, опажон.

Қархисида турган Фозилжон билан Сарвинозни кўриб, севинганидан боши осмонга етди.

– Вой, келинглар, – ўрнидан турмоққа уринди, лекин мадори етмади, – сизларни кўргим келиб турувди.

– Тузукмисиз? – Сарвиноз унинг сўлғин юзларига тикилди, юраги ачишди.

– Тузукман, хавотир олма! Ўтиринглар?!

– Раҳмат!

Фозилжон қархисидаги стулга ўтириди.

– Хаёл билан бўлиб сизларни пайқамай қолибман.

– Хаёл оти шунақа пайтда жиловини тутади.

– Тўғри айтасиз, дўстим! Сизлардан яширадиган сирим бормиди? Гапнинг очиғи, Ўктамимни уйлолмайман шекили деб..., – кўзларига ёш тўлди, – камига сизни лоақал бир сўз айтиб, химоя қилишга ярамадим. Оғзим мумлангандай чурк этмадим. Дўстманми мен?!

– Ана холос! – Фозилжон кулди, – бекорчиликда бўлмағур ўйлар роса елкангизга минвопти-ку? Ахир бизларни ўйламай, қаергаям кетасиз?! Осмонга чиқсангиз

оёғингиздан, ерга кирсангиз қулогингиздан тортиб оламиз-а? Қани, биздан кочиб қаерга бораркансиз?!

Мунавварнинг юзларида, кўзларида қувонч порлади. Қизариниб, ерга бокканича ўтирган Сарвинозга караб:

– Бахтингларни топганинглар рост бўлсин! Илоҳим, кўз тегмасин! Асло бир-бирингизни тарк этманглар! – деди. – Кўша қаринглар!

Унинг оҳангига дард, алам бор эди. Тул хотиннинг но-ласи бор эди! Армон бор эди. Фозилжон ҳам таъсирланиб, бир тарз ўзгарди ва ўрнидан турди. Дераза олдига бориб, ташкарига каради.

– Ҳа, – оғир тин олди Мунаввар, – тунов кунги мажлиси-ни ўйлаб ўтирган эдим.

Фозилжоннинг чехраси тундлашди. Ёноклари асабий титради. Сарвиноз иккисининг сухбатига халакит бермаслик максадида Мунаввар ётадиган палатага кирди. Ул-бул солинган тўрхалтани бўшатиб, ювуқсиз идишларни паствга олиб тушиб кетди.

– Ўша куни бўшлиқ килдим, – афсусланди Мунаввар, – доим мен телбага кеч акл киради. Ётиб қолгунча отиб кол наклини сира шиоримга айлантиrolмадим. Гоҳ-гоҳида бестгачопар ҳам бўлиш керак экан.

Унинг юзига киприкларидан илиқ ёшлар тома бошлади. Буни кўрган Фозилжон шошиб колди:

– Томчи ёшингизга арзирмикинман, Мунаввар?!  
– Сиз менинг орзуимдаги ишларнинг амалга ошишида ёрдам бердингиз...

– Улар учун сизнинг ўша сукунатингизнинг ўзи бир даҳшат, – гапни бўлди Фозилжон, – кўрккан олдин мушт кўтаради, деганларидек, пўписа килишяпти холос.

Мунаввар базур жилмайди:

– Шунакамикин?!  
– Ҳа! Мен Тошкентга кетмокчиман.

Мунавварнинг ранги-кути ўчди.

– Яқин орада кетсам керак, – таъкидлади Фозилжон ўй сурган холда.

Унинг бўғинлари бўшашди, нафас олиши тезлашди. Қандайдир бегона кўл бўғзини кисаётгандай туюлди. Хона ичидаги сарин хаво ҳам унга ёрдам беролмай қолди. Фозилжон эса ўз хаёллари билан банд. Ниманидир сўрамок истагида қайрилган эди, Мунавварнинг терга чўмилиб, ёнбошлиб ётганини кўрди ва кўркканидан югуриб бориб, пешонасини ушлади. Яхна чой қуиб тутди. У чойни базур ичди. Ҳамшира киз кириб укол килди. Лаҳзалар ўтгач, аста-аста тетиклашиб, ўзига келди.

– Нима бўлди, а Мунаввар?

Фозилжон унга бутун вужуди билан тикилар, унинг оғриқдан тиришган юзини кўриб, юрак-бағри эзилмоқда эди.

– Ҳайрият, ўтиб кетди, – тамшаниб деди, – кейинги кунларда мана шунака тутқаноқка ўхшаш дард мени қийнаяпти. Бор кучимни сўрятти.

– Яхширок даволанинг! Бу ердан чиққач, курортга боринг!

– Кўрамиз.

– Юрак билан ҳазиллашиб бўларканми?

– Бир йўла кетмокчимисиз?

Фозилжон англадики, Мунаввар уни бир йўла кетяпти деб кўрккан, сўнг шу алпизга тушган.

– Сиз менга нафакат курсдош, худди акамдек, жигаримдексиз. Агар ёрдам бермаганингизда аллақачон енгилган, аламини ичига ютган ожизага айланган бўлардим.

– Мунаввар...

– Илтимос, кетманг?! Яхши ишлаб турувдик! Бу ердан эсон-омон чиқиб олай, ўзим биламан!

– Пайтдан фойдаланиб, ишимни ниҳоясига етказиб қайтсам дегандим.

– Келасиз, а?

– Ҳа, мен энди ҳеч қаерга кетмайман. Мендан агрономликни олсалар ҳам, дехқончиликни ололмаслар! Қаергаям кетардим?! Шу ерда йўлимни, баҳтимни топдим. Энг улуғ

орзуимга эришдим. Бургага аччиқ қилиб күрпани күйдирайми? Ҳеч қачон!

- Раҳмат! Ҳозир мени кўп хурсанд қилдингиз!
  - Ишимни ҳимоя қилган куниёқ қанот боғлаб, қайтиб келаман.
  - Мен сизни талабалик йилларингиздаёқ кўп яширин кирраларингизни илғаган эдим. Шунинг учун дастлаб келган кунингизок ҳеч иккиланмай идора ходимларига, профессор Саримсоқов вилът масаласида ёрдамга жўнатибди, дегандим. Эсингиздами?
  - Ҳа, у дақиқаларни унутиб бўларканми?
  - Демак, хато қилмабман. Орзунгиз ушалиш арафасида эканидан кўп мамнунман. Омад тилайман!
  - Раҳмат!
  - Ҳимоянгиз кунини...
  - Йўқ! Ўша ергаям ёмонликнинг оёғи етиб бормасин!
  - Тўғри айтасиз. Эҳтиёткорлик ҳам керак!..
- Сарвиноз иккиси хайрлашиб, йўлга тушишди. Мунаввар уларнинг ортидан бир олам меҳр билан қараб қоларкан:
- Яхшиям Сарвинознинг борлиги, – деди хўрсиниб, – борлигинг учун раҳмат сенга, синглим!

## 73

Мунаввар касалхонадан чиқкан куни тун ярмигача кўнгил яқинларнинг оёғи узилмади. Нихоят Сарвиноз иккиси қолди:

- Сен уни севасан-а? – сўради Мунаввар.
- Киз уялиб, юзини яширди.
- Севасан?! У ҳам сени севади! У жуда яхши йигит!
- Унинг ичидаги яширин хислари бош кўтарган эди.
- Эркакларни севибгина қолмай, уларни асрой билиш ҳам керак экан. Мен эримни асрой олмадим! – армонлари уйғонди унинг, – у тонги шабнам каби қисқа яшади, аммо покликда боқий қолди. Кўнгил мулки ичра энг олийси ишқ эканини уни ёқтириб қолганимда билган эдим. Ҳа, мен

уни севардим... Мұхаббат деб аталмиш оташ түйғуни ўқ отиб йикитиб бўлмаганидек, унинг сабабкорини ҳам унугтиб бўлмас экан. У одам менга бир умрга татигулик баҳтнинг тотини армуғон этиб кетди. Ҳаётнинг қадрига етарди. Ноҳакликка чидай олмас эди. Ўшанда электр ўчиб қолган эди, факат бизники! Кўчадан кирибок, зим-зиё тунда айвонда икки болам билан ўтирганимни кўриб, симёочга чиқиб кетди. Баъзизда фалокатга ўзимиз сабабчи бўламиз. Эвоҳ! Ўша пайтда шамними ё осма фонарними милдиратиб кўйисам шу фожия бўлмасми? Кутганим, соғинганимни лаҳзада мурдага айланганини кўриб, чидай олмадим. Шунақаям куйдимки..., куйганимни кўриб, бош томонига ёкиб кўйган шам ҳам эриб тугаёзди.

Мунавварнинг кўзлари намланди. Сарвиноз унинг ўксик кўнглини қандай кўтаришни билмас, факат елкаларини си-лаб ўтиришдан ўзга чора тополмас эди. У энди бошқа мавзуга ўтди, минг айтилган дарддан сўзлади:

– Уста Ғани хўп ажойиб киши-да, шунақа одамлар билан бирга ишласанг, бирга яшасанг ҳечам армонинг колмайди-да! Сен бу айтганларимни яхшилаб қулоғингга кўйиб ол! Сенинг бўлғуси турмуш ўртоғингни ҳам Уста Ғанидек душманлари кўп бўлиши мумкин. Ҳа, улар хақиқатчи-да, ҳам ишини яхши биладилар. Юнусжонга ўҳшаган одамлар эса жамиятнинг бузилишига сабаб бўлади. Чироқсиз уйда ёруғ дил билан ўтириш мумкин, аммо жамиятни бузғувчилар билан бир сафда яшаб бўлмайди. Буларни асло унутма?!

– Хўп бўлади.

Орага сокинлик чўқди.

– Менга қара, анови Гулжамол билан Муроджоннинг тўйлари қачон бўларкан? Тўйи бўлармиш деган овозага йил тўлай деди шекилли? – деди у бирдан эслаб.

– Тўйни баробар ўтказамиз, деб келишгандик, – кўзларини олиб қочди Сарвиноз, – аммо бундан Фозил акамнинг хабари йўқ!

– Нега?

- Уяламан! Сиз ҳам айтманг, хўпми?
- Ие, буёғи қизик бўлди-ю, тавба! Тўйни бир ўзинингта киламизми? – Мунаввар кулди.
- Уяламан-да...
- Бу одатинг яхшику-я, лекин куёвга билдирамай тўй килиб бўларканми? Шайтон қиз!
- Сарвиноз эркаланиб, Мунавварнинг елкасидан қучди.
- Эртагаёқ Фозилжонга айтаман.
- Опа!

Мунаввар унинг хаёдан қизарган юзларига, жавдираб турган кўзларига қараб туриб, ўзининг тўй арафасидаги ҳолатини кўз олдига келтириди. Кўркқан онларини эслаб, мийигида кулиб кўйди.

#### 74

Бу армонли дунё бағрида нималар бўлмайди-я... Диляда ҳеч сўнмас бўлиб нур ёнганлар ҳам, тақдирини зулмат коплаганлар ҳам, бутун жаҳонни кезиб чиқканлар ҳам, остона хатлаб кўча бўйламаганлар ҳам, ўқиш билан камолига етганлар ҳам, касб билан кун кечирганлар ҳам..., кўйингки, бари-бари ўтаверади. Ҳаёт эса оқиб кетаверади... Кўкда каттакон куёш яркирайверади. Навбатма-навбат оппок тонглар отаверади... Мана шундай тонгларнинг бирида Мунаввар яна идорага келди. Барча ходимлар билан омонлашиб чиққач, Фозилжоннинг кабинети олдига келганда тек туриб колди. Она тупрокнинг хиди анкиди хонадан. У аста эшикни итарди: у ҳам ноҳушгина гийкиллаб очилди. Пробиркаларнинг тартибли терилганини кўриб, бирини кўлига олди. Ортидан кириб келган Маъсума:

- Келадими? – сўради аста.

У қизнинг юзи кирмизи рангга кирганини кўриб, таажжубга тушди. Қизнинг кўзларини олиб қочишидан бир маъно уқди: «Бечора қиз, уни кутяпти».

- Келади, – деди у ишонч билан, – олимлик ишини тутгатса, албатта келади.

– Олим бўлади денг? – Маъсума ёш боладек чапак чалди, – олим бўларкан, қандай яхши!

Бирдан Мунавварнинг ёдига дўстининг: «Ўша ергаям ёмонликнинг оёғи етиб бормасин», дея айтган гапи келди.

– Ҳой қиз, – шошиб колди Мунаввар, – подадан олдин чанг чиқармай тур! Ҳеч кимга овоза қилма?!

– Хўп бўлади, опа!

Бир нимани хаёллаган Мунаввар тўсатдан шошиб ташқарига отилди. Ҳосилов уни хушламайгина қабул қилди.

– Сизга, ўртоқ Қодирова, янги агроном тайин қилдик!

– Ахир уни...

– Масаласини ўзи ҳал қилди шекилли? Тан олгани учун кораси ўчмадими?!

– Ўчмаган! – хўрлиги келди унинг.

– Келинг, ўртоқ Қодирова, шунча тортишганимиз етар. Энди муросага ўтайлик. У асли қочоқ экан, мана, яна кочоқлигини исботлаб турибди.

– Ахир..., – тили тутилди унинг.

– Тасодиф билан Тошкентга борувдим. Ўшанда у билан бирга ишлаган ходим билан учрашиб қолдим. Профессор билан чиқишолмаганини айтди. Биз ҳам ўша жойга бошлиқларнинг буйруғига итоат этмайдиган ўзбoshimchaliqinini ёзиб жўнатдик...

– Демак, ўша ерга ҳам борибсиз-да.

Мунаввар энтикли. Ҳосиловнинг кейинги гапларини англамади ҳам:

– Марказга эса иғвогарлиги учун ишни ноҳақ ковлаб, ўзи жуфтакни ростлаб қолди, деган мазмунда ахборот жўнатдик.

– Шунақами ҳали? – Мунаввар қизишиб кетди, – ундей бўлса қолганини мендан эшитинг?! Худди ўша профессор бошчилигига яқинда илмий иш ёқлайди.

– Агрономликни эплолмаган...

– Уста Ғанига келсак, яқин кунларда текширув группаси келади.

Кабинетдан пардай енгил бўлиб чиқаётган Мунавварни Умаржонов яна бир зум тўхтатди:

– Қўшиб ёзиш кенг авж олиб кетяпти дегувчилар кўпайиб қолди. Сиз бунга қандай қарайсиз? Масалан, дугонангиз Муборак Ҳакимованинг увонига ҳам панжа орасидан қараашяпти!

– Кечирасиз, ўртоқ Умаржонов! Мен ўз кўзим билан кўрмаган нарса ҳақида мутлақо гапирмайман! Яна, аник фактларсиз бир нарса дейиш қийин. Дугонам масаласида эса, буни келажак кўрсатади.

– Ҳа! – кўрсаткич бармоғини кўрсатиб кулди секретарь, – чин инсон, ҳақиқий раҳбар мана шундай бўлиши лозим!

Мунавварнинг кувончдан юраги тарс ёрилгудай бўлди. У бир неча дақиқа ичида ўзини соғайиб, ёшариб кетгандай хис қилди. Жилмаяр, кўзлари атрофга мамнун боқарди: «Ажабо, – хаёлга берилди, – райком секретарига ҳурмат ва меҳр кўрсатдим. У киши эса қаҳрига олди. Нега? Гуноҳим нима эди? Нега у бирданига мени ёмон кўриб қолди? Тавба!»

Бироздан сўнг Мунаввар яна шод-бахтиёр энтикди.

## 76

Бу сехрли дунё бағрида ернинг чаккасига чечаклар такиб, яна баҳор келди. Қорлар эриб, қирларда майсалар униб чиккан, дарахтларда куртаклар бўртганда Фозилжон Тошкентдан қайтди. Йўлда яна Турсунбойни учратди. Машинага чикиб ўтиараркан:

- Бу оламда нима янгиликлар? – сўради.
- Э, Фозил ака, – оғзини тўлдириб гап бошлади у, – мен гапирмай, сиз эшитманг!
- Тинчликми?
- Тинчлик бўлганда қандоқ. Лекин сиз кетгандан кейин колхозди аримижоз комиссия босди. Ҳа, тап босди.
- Нима-а-а?

– Ҳа, одамлар обкомди күзини очирмай қўйди. Ҳат ёзовриб безор қилди.

– Нега? Обкомга хат ёзиб?!.

– Ҳа, сизнинг кетганингиз одамларда ҳар хил гумоншубҳа туғдирди: бири райком ҳайдабди деб, бири курортга кетди деб, бири олим бўляпти деб гап тарқалди-да, акахон!

– Бунинг учун комиссия келмас?

– Қайдам. Кейин-кейин узоклашиб кетувдингиз, ишдан кетгани рост экан, деб бўлди тўполон, бўлди тўполон!

– Бўлмагур гап, мени ҳеч ким ишдан ҳайдагани йўқ! Қолаверса, отам яхши билади.

– Анови Ҳакимова бўғолтирига айтибди, бўғолтир келинига, келини ёлғизбоғликда, у келиб отасига айтибди, қарабсизки, бир талай гап оёқ чиқарди.

– Ана холос! Ортиқча даҳмаза бўпти-ку?

– Одам одам билан учрашади-ку! Бозор-ўчарда, тўйтўркинларда, маърака-мажлисада деганларида... У колхоз билан бу колхоз орасида кариндошлиқ, кудачилик деган ришталар ҳам бор. «Энгельс»дик герой бўлмасаям нега аъзолари мўмай-мўмай пул оляпти, деб обкомга хат ёзишибди. Нимага бизи план икки юзга тўлсаям, даромадимиз оз дейишиб яна ёзишибди. Ғулом акам пенсага чиқармуш, ариза ёзибди. Сояпарвари гумдон бўлгач, пенсага чиқадида...

– Ғулом акам яхши инсон, қайтиб у ҳақда бундай нокусур гаплар қилманг, илтимос!

– Яхши киши, ёмон деганим йўқ, фақат ўта андишалида, шунинг учун... Ҳа, яна бир оламшумул янгилик, райком секретари ҳеч қаерда йўқ! На ўлиги, на тириги!

– Йўғ-э, бирон ерга кетгандир, келиб қолар!

– Ишқилиб, ўзини сувга ташламаган бўлсин.

– Нега? Кап-катта одам...

– Уста Фанининг иши текширилибди.

– Хўш?

– Ота ҳақ экан!

– Ҳалитдан бери шуни айтмайсизми? Ахийри ҳак карор топибди-да! – терисига сиғмай кетди Фозилжон, – мана буни янгилик деса бўлади!

– Сиз келсангиз катта тўй қилиб бераман деб бир кўчкор ва бир новвосни бокяптийкан! Кўчкорни ўзининг ошнала-рига, новвосни эса сизнинг дўстларингиз учун сўяркан! Бир кабобхўрлик қиларканмиз-да, акахон! ?

Фозилжон отанинг шод чехрасини кўз олдига келтирди, оғзи кулогига етар даражада илжайди: «Отажон, ухлаб ётган ер бизни чорляяпти! Соғ-омон бўлсак ҳали янги фаро-вонлик сари кўп яхши ишлар қиласиз!»

- Келишингизни Мунаввар опа билармиди?
- Ҳа, диссертация ёклаган қуним ўн киши бўлиб бо-ришган экан.

- Дис-дис-диссертация дедингизми?
- Ҳа, илмий иш ёқладим.

– Маладес, табриклийман. Буни қаранг, сиз Тошканга олим бўлгани кетибсиз-у, одамлар бўлса тўполон қилишиб юришибди, бизи ўғлимизи топиб беринг, деб...

Энтикиб кетди Фозилжон. «Ўғлимизи» сўзи уни алланечук ҳолатга солди.

- Энди институтда ишларсиз?
- Йўқ, шу колхозда ишлайман.
- Вой бунақа маладес бўлмайсиз, ўғил бола гап килдингиз?! Энди кўшалок тўйни ўтказарканмиз-да, а?
- Насиб қилса...

Фозилжон баҳорги ёмғирлар кетидан ердан кўтарила-диган ўзгача ҳовурни соғинган эди. Тутқаторлар оралиғидаги чумчуқларнинг хуркиб кочишларига завқланиб караб бораркан, тезроқ ерга тушгиси, унинг ёқимли ҳидидан тўйиб нафас олгиси келарди. Шаҳарнинг олағовур ҳаёти унинг учун кишлоқ ҳаётининг қадр-кимматини яна бир карра ошириб юборган эди. Профессор унга институтда ишлашни таклиф килганида, беғубор осмонга борлигини кўз-кўз килиб ётган далалари, сарин елнинг шаштини қайтарадиган дов-дараҳтлари, содда ва заҳматкаш одамлари, кўй-

кўзиларнинг маърашлари, ярим тунда бегона кадамни сезиб колса, тинмай хурдиган пойлокчи итлари, ойнинг гирдо-гирди юлдузларга тўла тунлари, болаларининг нотаниш одамни кўрганда жажжи кўлчаларини кўксига кўйиб салом беришлари, бари-бари кўзи олдидан ўтди. Яна бир сиймо нигоҳини забт этганда эса, шаҳарни бутунлай тарқ этгиси келди. Имкони бўлса ишлокка ҳозирнинг ўзидаёқ қанот боғлаб учгиси келди:

– Энди мен шаҳарда яшолмайман, устоз!

– Шундай жавоб беришингизни билардим. Ҳа, ҳаётда сизни қадрлаганларни сиз ҳам қадрлай билишингиз керак, ўғлим. Айтмоқчи, мана бу хатни олиб кўйсангиз, – очилган конверт тутқазди қўлига, – йўлда ўқиресиз. Бермас эдим-у, лекин билиб кўйганингиз маъкул деб ўйладим.

– Миннатдорман, устоз!

– Оқ йўл, кейинги ишларнингизга муваффакиятлар тилайман, ўғлим. Мабодо, бирор муаммо туғилгудай бўлса, келаверинг, эшигимиз доимо сиз учун очик!..

Хат ёдига тушиб, ён чўнтағини ковлади:

– Ие, ака, кўйинг-э, – гўлдиради Турсунбой, – ўзимизниданам пул оламанми? Чўнтакни ковламанг, хафа бўламан-а?

– Олдинги гал келганимда ҳам, – Фозилжон гапнинг мавридига биноан гап килди.

– Хе, йўғ-э, Мунаввар опани қадрлаб Тошкани азимдан келсангиз-у, пул олармидим. Ахир, опанинг меҳмони бизниям меҳмонимиз-да, ака!

– Раҳмат! Мехр-окибатингларга кўз тегмасин!

– Инишооллоҳ!

Шу пайт шараклаб издан чиқкан машинанинг рулини каттак ушларкан:

– Нима бало, – деди жаҳлланиб, – шу Учкўзанинг учкўчаси ҳеч ўнгланмади, ўнгланмади-да. Менимча, Хизр бувам ўтиб кетаётганида эшак-пешаги қоқилиб, назардан колган-ов! Қачон тузатишаркин?

Фозилжон унга эътибор бермай, хатни ўқиди. Хат Ҳосилов томонидан институт директорига ёзилган эди. Шошиб кўз югуртирди-да, ғижимлаб, машина деразасидан иргитди. Турсунбой яна алланималар деди. Фозилжон унга парво қилмай, ўз ўй-хаёллари билан банд эди.

Фозилжон Тошкентда юриб қалби, юрагини ўртаётган яна бир ўтли дард ҳиссини туйди. Ҳа, у худди ошиқ каби Пахтаободни яхши кўриб қолган эди. Ҳозирда атрофга сукланиб боқкан кўзлари тўймас, ич-ичидан яйраб келмоқдайди. Колхоз чегарасига етиб келганида:

– Тўхтатинг? – деди қўққисдан, – шу ердан пиёда бормоқчиман.

Унинг учун қадрдон бўлиб қолган ерларни гўё аскар бола онасини соғинган каби қўмсаган эди. Қани энди бағрига бошини кўйиб, хуморини тарқата олса... Афсуски, бу хумор, бу соғинч абадийдир.

Турсунбой елка қисди:

– Ихтиёргиз, ака!

Фозилжон сакраб ерга тушди.

– Мен отадан суюнчи олама-а-а-н!

У кабинадан бошини чиқариб кичқирди ва зумда кўздан ғойиб бўлди. Фозилжон узок муддат ота бағрини қўмсаган ўғилдек, ўзини кекса ер бағрига отди. Тўхтаб чукур нафас олди. Шу пайт иликлик юзига урилгандек бўлди. Гўё қадок кўллар бошини силаб, қалбига ҳарорат олиб кирди. Ўпкаси тўлиб, юзини ёш томчилари қоплади. Чўк тушиб ўтирганича, кафтига олган тупроқни юзига суртди. Энди ўрнидан турмокчи эди, бўшлиқ қаъридан бир нидо келди:

– Ке-е-л-д-и-нгми-и, ўғ-л-и-им!

У чўучиб атрофга қаради. Зоғ ҳам йўқ. Шу пайт гувранишга ўхшаш чўзиқ овоз қулокларига урилгандай бўлди. Неларни кўрган бу кўхна дунё бағрида аланг-жаланг боқкан Фозилжоннинг ҳеч бир тирик жонга кўзи тушмади. Юзи кўпчиган, енгил ҳовур кўтарилиб турган ер бағрига аста кўз югуртирди. Бу гал боласини опичлаб олган она каби хансираш қулокларига урилди ва:

– Ху-у-ш к-е-л-иб-са-ан! – нидо келди энди ер қаъридан.

Шу вакт оёклари ости түлғонгандай, боласини қучиб турган она каби аста тебрангандай бўлди. Фозилжон англайдики, ухлаб ётган ер уни каршиламок учун сергак тортган эди.

– Келдим! – барадла овозда деди, – сен билан мангу қолмоқ учун келдим! Сени шунчалар соғиндимки..!

Анча фурсат ўтгач, у қаддини кўтариб, узок-узокларга тикилди. Олисдан, жуда олисдан кимдир кўзга чалинди. Кўзини узмай, тек туриб қолди. Оппок якtagининг барини хилпиллатганича югуриб келаётган отани кўрди. Оёклари илдам-илдам босиб, олдинга интилди. Ота-бала қучоклашиб кўришдилар. Икки юрак ўз кафасларини тешиб юборгудек гупиллаб урарди. Фозилжон отанинг соғинч тўла кўзларига юзларини суртди. Силкинган елкаларни қадоқ қўллар оҳиста силади:

– Келдингизми, ўғлим?!

– Бардаммисиз, ота?!

– Ўз ўғлим бўлмади, сиз менинг ўғлим бўлиб коли-шингизга ишонардим.

– Сиз ҳам менга асл оталар каби тўғри гапиришни, энг асосийси, тўғри иш қилишни ўргатдингиз, ота! Бундан ортиқ меҳр қайда бор?!

– Олимлик унвонингиз муборак бўлсин!

– Ўзлигинингизнинг қайтгани кутлуғ бўлсин!

Бир-бирига меҳр билан боққанича ота-бала мамнун холда ОНА ЕР бағрида оҳиста қадам ташлаб кетишди.

Бир хафтадан кейин Мунаввар ўз ҳовлисида Фозилжоннинг олимлик шарафига катта зиёфат берди. Зиёфатга Тошкентдан профессор Саримсоқов бошлиқ бир гурух олимлар ташриф буюрдилар. У меҳмонларни ўзига хос совгасаломлар билан сийлади. Зиёфатда бўлганлар дармонда, бўлмаганлар эса армонда қолди...

Икки-уч ҳафталардан кейин эса район бош агрономи Хайруллохон колхоз идорасига ташриф буюрди ва Мунавварнинг хонасида сухбатлашиб ўтириб:

– Сизга бир таклиф билан келгандим, Фозилжон, – деди, – район марказидами ё айнан шу ерда «Тажрибалар мактаби»ни ташкил этсак.

– Жуда яхши бўларди, – севиниб кетди Мунаввар, – мен ҳам ўз таклифимни айтсан!

– Марҳамат!

– Мактаб айни шу колхозда ташкил этилгани маъкул деб ўйлайман.

– Яхши фикр, розиман.

– Район бўйича, эҳтимол область бўйича агрономларга ўз иш тажрибангизни ўргатиб борасиз.

– Кўлимдан келганча...

Улар ташқарига бош агрономни кузатгани чиққанларида идора олдида камида беш-олти юзга яқин колхозчилар ийғилган бўлиб, галма-гал жаврашар эди:

– Нега энди агрономга ёлчиганимизда уни районга опкетишаркан?!

– Битта кадр сал кўзга кўриндими, дарров тепага опкетишади, нима, куйидагиларга керакмасми? Ё биз одаммасми?

– Бермаймиз, биз уни олим килдик деймиз..!

– Ўртоқлар, нима гап? Ахир бу ер бозор эмас-ку? – ўзини билмасликка олди Мунаввар.

– Тўғри, биз сизларнинг олдингизга келдик!

– Хўш-хўш?

Хайруллохон қулиб, бир четда кузатиб туради.

– Биринчидан, Мунаввархон кизим, биз сиздан хафамиз, – деди олдинги сафда турган Қодирча ота, – нимага энди Фозилжонга тўй қиласиз-у, бизни айтмайсиз?

– Ҳ-ҳали...

– Иккинчидан, – ота Мунавварга парво қилмай гапида давом этди, – Хайруллохон ўғлим, сен ҳам бизи колхоз кадрисан. Бир-иккита янгилик яратувдинг, дарров район

опкетиб колди. Майли, қаерда бўлсанг ҳам ризқингни тे-риб егин-у, энди мана бу ўғлимизиям опкетяпсан. Нимага, ахир энди раҳбарларга ёлчигандик, бордонларимиз донга тўлувди! Бу инсофданмас-да, ўғлим!

Хайруллохон бир ҳафта олдин кандайдир юмуш билан қабулига кирган Файзуллага бу фикрини айтган эди. «Оббо Файзулла-е, ўз ишини килиби-да...», кўнглидан ўтказди.

У бор гапни шошмасдан, чиройли килиб тушунтиргандан кейин кўнгиллари хотиржам бўлди.

- Хайрият, кетмас экан! – деди кимдир.
  - Шундай бўлсин! – деди ота жилмайиб, – халойик, кани кетдик?!
  - Тўй-чи, тўй?! –чувиллашди бирин-кетин.
  - Ҳа айтганча, қизим, Фозилжоннинг уйланиш тўйини бизлар ўткизмокка қарор қилдик!
  - Жуда яхши, карорингларни хурмат киламан! – кўзлари намланиб кулди Мунаввар, – мени ҳам сафингларга қўшиб кўйинглар?!
  - Ўзингиз бошсиз!
  - Сиз-да, тўйбоши!
- Улар тарқалгандаридан сўнг Хайруллохон бир четда кизариниб турган Фозилжонга караб деди:
- Сизга нисбатан колхоз аҳлининг хурмати баланд экан, билсангиз, бу – жуда катта баҳт!
  - Раҳмат!
- Икки дўст, икки курсдош Хайруллохонни кузатишиб, уйларига кайтаётгандарида, у келгунича бўлган ўзгаришлар ҳакида гапириб бўлгач:
- Куни-кечада жияним Матлубани маҳалладошимиз Кимсанбой исмли йигитга узатдик, – деди тўлқинланиб, – Рустам заводда пахтани қайта ишлаш бўйича инженер бўлиб ишляпти, якинда набирали бўламан. Ўқтамга эса пойтуғлик муаллима қиз Дишшодаҳонни унаштиридик. Тўйга энди ўзингиз бош-кош бўласиз-да, Фозилжон?!
  - Албатта, хизматдамиз!

Мунаввар райком секретарининг бедарак кетганига ачинди:

– Бизга ғаним бўлишга кучи етмас экан, нима киларди курашиб?

– Ҳар ким килса ўзига дейдилар, Мунаввар! Бўлди, ачинишни бас қилайлик-да, шимарган енгимизни туширайлик! Эртани, узоқни ўйлайлик! Ери янаям кучли қилишни, хосилдорликни бундан ҳам оширишни кўзлайлик! То келгуси авлодга биздан соғлом далалар ва обод маҳаллалар колсинки, тоабад биздан миннатдор бўлсинлар!

– Шунча кучни қаердан оласиз?

– Она еримдан! Халқимдан!

Унинг юраги бир текис урар, ёноғида нур куларди. Мунаввар мамнун жилмайди.

## 78

Фозилжон профессорнинг ушбу олtingга тенг насиҳатини бот-бот эслаб юрди.

– Хали бу далаларнинг бераётган олтини тугамайди. Мана шу олтинлар туфайли Ўзбекистон ўтмишидаги ямоқ тўнини ечиб ташлаган. Ҳозирда эса унинг кийган зарбоф либоси бутун жаҳон кўзини қамаштироқда. Ўғлим, Ўзбекистонга ана шу либосни кийдирган Ер эканлигини, ҳалқ эканлигини унутманг?! Уларни қадрлаб, эъзозлаб ўтинг! Ҳа, Ернинг буюк хизматини асло унутманг!

---

## **МУНДАРИЖА**

БИРИНЧИ ҚИСМ .....	3
ИККИНЧИ ҚИСМ .....	99
УЧИНЧИ ҚИСМ .....	234

*Адабий-бадиий нашир*

Омина ТОЖИБОЕВА

**ЁЛҒИЗБОҒНИНГ  
ЎТГАН КУНЛАРИ**

*Роман*

Мухаррир	<i>Л. Игамова</i>
Бадиий мухаррир	<i>Х. Мөхмөнов</i>
Рассом	<i>С. Абдулмүминова</i>
Техник мухаррир	<i>Д. Габдрахманова</i>
Кичик мухаррир	<i>Д. Холматова</i>
Мусаххих	<i>Ш. Орирова</i>
Компьютерда сахифаловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси А1 № 158. 14.08.09.  
Боснишга 2013 йил 24 декабрда рухсат этилди.  
Офеест когози. Бичими 84×108 $\frac{1}{2}$ .  
«Times New Roman» гарнитурасида  
оффсет усулида босилди. Шартли босма табоби 15,96.  
Нашр табоби 15,82.  
Адади 1500 нусха. Буюртма № 13-273.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоний кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

**Тожибоева, Омина**

T-60      Ёлғизбогнинг ўтган кунлари: роман / О. Тожибоева /  
муҳаррир Л. Игамова. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013, 304 б.

ISBN 978-9943-01-960-7

Азал-азалдан она ер барчага ризқ улашиб, ўзининг бекиёс саховатини аямай келиши яхши маълум. Ўзбек халки эса пешона тери тўкиб, халол меҳнати эвазига тирикчилик килиб, ерга меҳрини бериб келгани билан янада улугланади.

Ушбу асарда мамлакатимизда энди-энди мустакиллик шабадалари эса бошлаган кезларда кишлоқ хўжалигида юзага қалқиб чиккан муаммolar Мунаввар, Фозилжон, Уста Фани, Сарвиноз, Қодир ота, Абдугофур ота ва Ҳамроқул ота сингари образлар тимсолида ҳикоя қилинар экан, фидойи ва жонқуяр инсонларнинг орзу-умидлари рўёбга чиккани ишонарли воқеалар орқали ўз аксини топган.

УЎК: 821.512.133  
КБК 84(5Ў)7





3 330000 382989

126361



Омина Тожибоева Андижон  
вилоятининг Пахтаобод туманида  
таваллуд топган. Андижон Давлат  
педагогика институтининг филология  
факультетини тамомлаб, узоқ йиллар  
халқ таълими соҳасида самарали  
фаолият кўрсатган.

Унинг «Эй, фарзанд», «Ишқ нури»,  
«Бобурнома», «Дил рози»,  
«Бойқаронинг боғи», «Садоқат гули»,  
«Аёл матонати», «Кисматнинг тошлоқ  
йўллари», «Уни севардим», «Муҳаббат  
сири», «Унвон» шеърий ва насрый  
тўпламлари чоп этилган.  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
аъзоси.

«ЎЗБЕКИСТОН»

ISBN 978-9943-01-960-7

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-01-960-7.

9 789943 019607